ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Р. Ш. ШОМАХМУДОВА

МАХСУС ВА ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ

ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБАЛАР

Услубий қўлланма

Тошкент
«CHASHMA PRINT»
2011

Ушбу услубий қўлланма Республика таълим маркази қошидаги махсус таълим соҳаси бўйича илмий-методик кенгаш йиғилишининг 2010 йил 8 июлдаги 2-сонли йиғилишида нашрга тавсия этилди.

Мазкур услубий қўлланманинг I-бобида Республикамиз мустақилликка эришган йилларида махсус коррекцион таълим тизими ва мазмунини такомиллаштириш, модернизациялаш борасида амалга оширилган ишлар, ўқув-меъёрий хужжатлар, имконияти чекланган болалар ҳақидаги статистик маълумотлар, ўқув-дастури, дарсликлар ва методик адабиётлар билан таъминлаш ҳолати ҳамда эришилган ютуқларнинг қисқача таҳлили баён этилган.

Қўлланманинг 2–3-боблари инклюзив таълимига бағишланган бўлиб, уларда муаллиф томонидан хорижий давлатларнинг иш тажрибасини ўрганиш жараёнида интеграция ва инклюзив таълим стратегиясини жаҳон миқёсида назарий ва амалий қўллаб-қувватланиши, ҳуқуқий асослари, инклюзив таълимнинг мақсад ва вазифалари, эҳтиёжлари ва тамойиллари каби масалалар келтирилган. Шунингдек, кейинги йиллар мобайнида инклюзив таълим ғоясини Ўзбекистонда жорий этиш мақсадида халқаро ташкилотларнинг ҳамкорлик лойиҳалари асосида мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан мутахассислар иштирокида амалга оширилган дастлабки илмий-амалий тажрибалар, муаммолар, унинг ечимлари каби масалалар ёритилган. Ушбу китобда муаллифнинг Республика инклюзив таълим ресурс маркази кординатори сифатида инклюзив таълимнинг ташкилотчилари билан ҳамкорликда олиб борган ишлари ҳақидаги маълумотлар ҳам умумлаштирилган.

Мазкур услубий қўлланма умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассаса педагоглари, дефектологлар, педагогика олий таълими педагоглари, аспирантлари, магистрлари, талабалари, педагоглар малакасини ошириш институтлари тингловчилари, ота-оналар, имконияти чекланган болалар таълим-тарбияси билан шуғулланувчи нодавлат ташкилотлар кўнгиллилари, реабилитация маркази ходимлари учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:
Б.Б. Умархонов

Тақризчилар:
педагогика фанлари доктори, профессор ***Л. Р. Мўминова***
педагогика фанлари номзоди, доцент ***У. Ю. Файзиева***

ISBN-978-9943-350-71-7

© Р. Ш. Шомаҳмудова, 2011
© «Chashma Print» нашриёти, 2011

«Олий ва ўрта махсус таълим тизимини дунё стандартлари даражасига кўтариш, халқ ҳўжалигининг мутахассисларга бўлган эҳтиёжини илмий баҳолаш, ёшларни ўқитиш ва тарбиялашда илғор хорижий тажрибадан фойдаланиш – бу масалалар бугун энг муҳим ҳисобланади».

И. КАРИМОВ

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий ривожланиш жараёнида кескин ўзгаришлар содир бўлди. Таълим тизими ва мазмунини демократлаштириш давлатимизнинг устувор сиёсати XXI аср ёшларини ҳар томонлама ривожланган, етук, дунёвий фикр юритадиган, билимли, баркамол шахс қилиб вояга етказишдан иборат. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» таълимнинг қуйи босқичидан бошлаб, олий таълим тизимигача ёш авлод таълим-тарбиясини сифат жиҳатидан қайта кўриб уни янгилашга муваффақ бўлинди. Чунончи, она-Ватанимизнинг келажаги бугунги ёш авлоднинг уқуви, салоҳияти, истеъдоди, мустақил фикрлашига бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам билимдон, кенг дунёқарашга эга шахсларни тарбиялаб етиштириш вазифаси давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаси даражасига кўтарилди. «Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир.[1]» деб таъкидлаган эди муҳтарам Президентимиз И. А. Каримов.

Таълим мазмунини халқимизнинг миллий қадриятлари, тарихий обидалари хусусидаги маълумотлар билан бойитиш, илғор педагогик технология ва ахборотларни киритиш каби бир қатор чора-тадбирларни босқичма-босқич амалга ошириш давр талаби эканлиги давлатимиз томонидан аниқ белгиланди. Ўтган қисқа вақт мобайнида мамлакатимизнинг барча жабҳаларида таълим ислоҳотлари изчил ва тезлик билан амалга оширилиб, кўплаб ижобий натижаларга эришилди.

[1] И. А. Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч». Т.:»Маънавият», 2008

Бу ўринда жамиятимизнинг бир қисми бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож имконияти чекланган болаларни таълим-тарбия олиши учун қулайликлар яратиш давлатимизнинг алоҳида эътиборида бўлиб келмоқда. «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасига биноан психик ва жисмоний муаммолари бўлган болалар ва ўсмирларни таълим олиши ва соғлигини муҳофаза қилиш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида махсус таълим муассасалари ташкил қилинган.

Ҳозирги кунда Республикамизда алоҳида ёрдамга муҳтож болалар ва ўсмирлар таълими, уларнинг нуқсон турлари ва унинг даражаларини инобатга олган ҳолда махсус таълимнинг 8 йўналиши (ақли заиф, руҳий ривожланиши сустлашган. нутқида, кўришида ва эшитишида нуқсони бўлган болалар) бўйича коррекцион таълим ташкил этилган. Махсус таълим тизими ва мазмунини такомиллаштириш, моддий-техник базасини ривожлантириш, махсус таълим жараёнида янги педагогик технология, ахборот воситаларини қўллаш, ўқув-методик асосларини яратиш, дастур ва дарсликлар билан таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Қонунчилик томонидан маълум тоифадаги болалар учун ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий ўқув юртларига ўқишга киришда имтиёзлар белгиланган. Шунингдек халқаро миқёсда таълим ислоҳотини демократлаштириш ва дискриминацияга қарши курашиш натижасида жамиятнинг дунёқараши ўзгариб, ҳар хил тоифадаги кишилар орасида янгича ёндашув, ўзаро ҳурмат, ижобий муносабат шаклланди. Махсус таълим соҳасининг ривожланишини қайта кўриб чиқиш сиёсати амалга оширила бошланди. Кўплаб мамлакатлар «Сегрегация» таълимидан воз кечиб, имконияти чекланган болаларга интеграцион таълимни татбиқ қилишни лозим топди.

Бизнинг мамлакатимизда асосий эътибор имконияти чекланган болаларни табақалаштирилган махсус таълим муассасаларида ўқитишга қаратилган бўлиб, ушбу таълим тизими ривожланган. Кейинги 10–15 йил давомида Ўзбекистонда имконияти чекланган болаларни умумтаълим тизимига киритиш интеграция ва инклюзив усулида ўқитиш, тарбиялаш масаласи ҳам амалга ошириб келинмоқда Интеграция ва инклюзив таълим стратегияси таълимга жалб қилинмаган болаларни умумтаълим муассасаларига тўлақонли махсус ёки инклюзив таълим тизимига интеграция

қилиш, коррекцион таълим муассасаси болаларнинг турар жойидан узоқлиги сабабли ўзи яшаб турган ҳудудларидаги таълим муассасаларига киритиб ўқитишдан иборат.

Шуни таъкидлаш жоизки, инклюзив таълим шароитида бола соғлом тенгдошлари орасида бўлиб, оиласидан ажралмаган ҳолда таълим-тарбия олишга муяссар бўлади. Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида кенг тарғибот қилинаётган инклюзив таълим стратегияси, яъни ривожланишида муаммолари бўлган болаларни ўқитиш, тарбиялаш масаласи Ўзбекистонда ҳам долзарб муаммолар сирасига киради. Республикада инклюзив таълим сиёсатини кенг жорий қилишга қаратилган чора-тадбирлар, халқаро ва миллий иш тажрибаларини ўрганиш давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ҳамкорлик лойиҳалари, жумладан: Халқаро UNESCO, UNICEF, Осиё Тараққиёт Банки, Осиё минтақаси Японияда жойлашган UNESCOнинг маданий маркази (ACCU), USAID, «MERCY PROJEKT», «OPERATION «MERCY» нодавлат ташкилотлари, «Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази» (РБИММ), «Sen yolg`iz emassan», «Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди» (ИТҚҚФ), Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг педагогика йўналишидаги институтлари, халқ таълим ходимларини малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ва миллий нодавлат жамоа ташкилотларининг ҳамкорлик лойиҳалари асосида республика ва халқаро семинар, конференция, форумларни ўтказиш, тарғибот-ташвиқот ишлари асосида амалга ошириб келинмоқда.

Тажриба шуни кўрсатдики, «Инклюзив таълим»ни жорий қилишнинг ўзига хос хусусиятларини, яъни мамлакатимизнинг ижтимоий, сиёсий, маданий ривожланишини, миллий қадриятларимизни эътиборга олишимизни тақозо этади. Инклюзив таълимни амалиётга жорий қилишнинг мақсад, вазифалари, таълимни ташкил этиш усулларини оммага тушунтиришда ҳали қатор муаммолар ҳам мавжуд.

Интеграция ва инклюзив таълим ғоясини амалиётга татбиқ этишда халқаро ташкилотларнинг лойиҳаларида иштирок этган вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги айрим мактаб, мактабгача таълим муассасалари педагоглари, малака ошириш институтлари ва олий таълим мутахассисларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

I БОБ ЎЗБЕКИСТОНДА ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАР МАХСУС ТАЪЛИМИ

1.1. НОГИРОН БОЛАЛАР ҲАҚИДА СТАТИСТИК МАЪЛУМОТЛАР

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг учинчи босқичида XXI аср мактабини шакллантириш ҳозирги куннинг талаби эканлиги таъкидлаб ўтилган. 2004–2011 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури вазифаларига мувофиқ махсус таълим муассасаларини реконструкция қилиш, таълимнинг илмий-методик асосларини ва янги моделини яратиш, таълим мазмунини такомиллаштириш, унинг узлуксизлигини таъминлаш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларни коррекцион таълимга жорий этиш каби ишлар қизғин олиб борилмоқда.

Давлатимиз томонидан 2010 йилни «Баркамол авлод йили», деб эълон қилинишининг замирида ҳам келажагимиз ворислари бўлган ёш авлоднинг соғлом туғилиши, оналарнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, ногиронликнинг олдини олиш, ногиронлар сонини аниқлаш, жамият ҳаётида ўз ўрнини топиб, уйғунлашиб кетувчи иқтидорли ёшларни тарбиялаш, касбий маҳоратини ошириш каби бир қатор долзарб масалалар қайд этилган. Ушбу масала айниқса имконияти чекланган болалар ва ўсмирларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Халқ таълими вазирлигининг 2010 йилда олинган статистик маълумотларига биноан республикамизда айни пайтда 9765 умумий ўрта таълим мактаби мавжуд бўлиб, уларда жами 5390490 нафар ўқувчи таҳсил олади. Умумтаълим мактаблари ўқувчилари орасида ривожланишида турли хил муаммолари бўлган (ногирон) болалар 26836 нафарни ташкил этади Ҳозирги кунда республика бўйича 11700 нафар ўқувчилар уйда, якка тартибда таълим оладилар. Улардан 8850 нафар ўқувчиларни церебрал фалажи (ДЦП), полимиелит, скалиоз, оғир нутқ камчиликлари, асаб, буйрак, хирургик болалар, кўз ва бошқа касалликлари бўлган болалар ташкил этади. Шулардан 3650 нафари имконияти чекланган, яъни 2901 нафари ақли заиф, 408 нафар кўзи ожиз, 351 нафари

эшитишида нуқсони бўлган болалардир. Санатор турдаги 23 та мактаб-интернатда 6918 нафар бола даволаниб таълим олади. 237 та умумтаълим мактабларида нутқида нуқсони бўлган 11844 нафар ўқувчи, 122 та махсус мактабгача таълим муассасаларида 995 нафар ривожланишида турли хил нуқсони бўлган болалар, мактабгача умумтаълим муассасаларидаги 937 интеграциялашган гуруҳларида 11340 нафар имконияти чекланган болалар таълим-тарбия олиб келган. Ҳар йили махсус мактаб ва мактаб-интернатларнинг қарийб 360 нафар битирувчилари академик лицей, касб-ҳунар коллежларида ўқишни давом эттирмоқда. тахминан 40– 50 нафар кўзи ожиз ва таянч-ҳаракат аъзолари фалажланган мактаб битирувчилари, олий ўқув юртларига қабул қилинмоқда[2].

Ўрганиш жараёнида касаллик туфайли якка тартибда уйда таълим олаётган болалар сони 11700 нафардан 10825 нафарга камайгани маълум бўлди. Махсус мактабларда таълим олаётган болалар сони тобора камайиб боришига сабаб умумтаълим тизимида босқичма-босқич инклюзив таълимнинг жорий этилишидир. Бугунги кунда 400 дан зиёд умумтаълим ва мактабгача таълим муассасаларида инклюзив таълим жорий этилган[3].

Махсус таълим муассасаларида жами 37069 нафар ўқитувчилар (улардан 1084 нафари олий дефектология маълумотига эга), 2163 тарбиячилар (улардан 168 нафари олий дефектология маълумотига эга) фаолият олиб борадилар.

Республикада ҳозирги кунда 18730 нафар ўқувчи учун 86 та махсус мактаб, мактаб-интернатлар фаолият кўрсатиб келмоқда (Ушбу маълумотлар йил давомида ўзгариб боради).

Мазкур муассасаларда 8 турдаги: кўзи ожиз (умуман кўрмайдиган), заиф кўрувчи, эшитишда муаммоси бўлган (кар) ва заиф эшитувчи, ақли заиф, руҳий ривожланиши сустлашган, таянч-ҳаракат аъзолари бузилган, нутқида мураккаб нуқсони бўлган болалар таълим-тарбия оладилар. Уларнинг таълим-тарбияси болаларнинг индивидуал хусусияти ва қобилиятини ҳамда дифференциал ёндашувни эътиборга олган ҳолда 13 турдаги ўқув

[2] Холбеков А. Ж. «Развитие специального и инклюзивного образования в аспекте реализации прав инвалидов на образование» . Материалы Республиканской конференции ЦЗУ. Т., 2010. С.35.

[3] Жисмоний ва психик ривожланишида камчилиги бўлган, узоқ муддат давомида даволанишга мухтож болаларни уйда якка тартибда ўқитиш. Халқ таълими вазирлигининг 3 ноябрь 2002 йилдаги №159 «Инструкцияси». «Таълим тараққиёти» журнали. 2004. №1 (28).

режа асосида амалга оширилади. Махсус мактабларнинг таълим жараёнида болаларнинг соғлиғини тиклаш, даволаш, реабилитация қилиш, ижтимоий ҳаётга мослаштириш, коррекцион таълим-тарбия бериш, ижтимоий меҳнатга ўргатиш каби тадбирларни амалга ошириш болаларнинг касаллик турига кўра белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунида барча фуқаролар учун умумий ўрта (9-йиллик) таълим асосида мажбурий бепул ўрта махсус, касб таълими олиши кафолатланган. «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасига кўра жисмоний, руҳий ривожланишида камчилиги бўлган болалар ва ўсмирлар, шунингдек узоқ муддат даволанувчи болалар учун махсус таълим муассасалари мавжуд бўлиб, бу муассасаларга болаларни қабул қилиш ота-оналарнинг хоҳишига биноан ва психолого-тиббий-педагогик комиссиясининг хулосаси асосида амалга оширилади. Бундай ёндашув инклюзив таълим ривожланишининг ҳуқуқий асосини яратади.

Ҳозирги кунда Республикамизда имконияти чекланган болалар таълими қуйидаги тартибда амалга оширилмоқда:

- махсус мактаб, мактаб-интернатлардаги коррекцион таълим;
- махсус мактабгача таълим;
- умумтаълим мактаблари қошидаги интеграция синфларида;
- умумтаълим мактабгача таълим муассасаларидаги интеграцион гуруҳларда, логопедик гуруҳларда;
- умумтаълим муассасаларида инклюзив синф ва пунктларда;
- уйда якка тартибда.
- ўрта махсус касб-ҳунар коллежларида ва олий таълим тизимида.
- нодавлат педагогик коррекцион реабилитация марказларида;

Кейинги йилларда махсус мактабгача таълим муассасаларида имконияти чекланган болаларга таълим тарбия беришни такомиллаштириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Махсус мактабгача таълим муассасалари учун давлат таълим талаблари нуқсон турлари бўйича 50 дан зиёд методик қўлланма, дастур, тавсиялар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Халқ таълими вазирлигининг буйруғи билан 2005 йилнинг 17 январида. махсус таълим ахборотномаси тасдиқланди[4].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат махсус мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини

[4] Махсус таълим ахборотномаси №2 – №3. ХТВ буйруғи 17. 01. 2005 – 2007 йй.

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2010 йил 18 июндаги 117-қарори асосида «Давлат махсус мактабгача таълим муассасалари тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. Ушбу низомга асосан махсус мактабгача таълим муассасаларига оғир даражадаги жисмоний ва руҳий рвожланишида нуқсони бўлган ҳамда нутқ нуқсонининг мураккаб турлари: (алалия – нутқнинг умумий ривожланмаганлиги, дизартрия, афазия, дудуқланиш, руҳий ривожланиши сустлашган) болалар қабул қилинмоқда.

Республикада махсус мактабгача таълим муассасаларининг қуйидаги турлари мавжуд:

• Заиф кўрувчи болалар мактабгача таълим муассасаси;

• Кўзи ожиз болалар мактаб-интернати қошидаги (кўзи ожиз болалар) учун мактабгача таълим бўлими;

• Таянч-ҳаракат аъзосида камчилиги бўлган болалар мактабгача таълим муассасаси;

• Руҳий ривожланиши орқада қолган болалар мактабгача таълим муассасаси;

• Эшитишида нуқсони бўлган (кар ва заиф эшитувчи) болалар мактабгача таълим муассасаси;

• Ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болалар мактабгача таълим муассасаси мавжуд.

Шунингдек республика миқёсида махсус мактаблар ва мактаб-интернатлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Махсус мактабгача таълим муассасасида таълимнинг мазмуни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган ёки тавсия қилинган дастурлар билан белгиланади. Махсус мактабгача муассаса ўзининг дастурларидан (муаллифлик дастурларидан) фойдаланиш ҳуқуқига эга. Бундай дастурларни тасдиқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

Махсус мактабгача таълим муассасасида гуруҳларнинг тўлдирилиши болаларнинг тоифасига ва уларнинг ёшига (икки ёшдан бошлаб ва ундан катта ёшдаги болалар) қараб ва тегишли равишда қуйидагича тарзда белгиланади.

Нутқида оғир нуқсонлари бўлган болалар учун 10–12 нафар бола;

• Фақат 3 ёшдан катта бўлган нутқида фонетик, фонематик нуқсонлари бўлган болалар учун 12 –15 нафар бола;

• Эшитишида нуқсони бўлган (кар) болалар учун 8 нафар бола;

• Заиф эшитувчи болалар учун 10 – 12 нафар бола;

• Кўзи ожиз болалар учун – 6 нафар бола;

• Заи кўрувчи болалар учун 6 – 10 нафар бола;

• Таянч-ҳаракатланиш аъзоларида нуқсонлари бўлган болалар учун 6 –10 нафар бола;

• 3 ёшгача интеллектида нуқсонлари бўлган болалар учун 6 нафар бола;

• 3 ёшдан катта ёшдаги ақлий жиҳатдан жиддий орқада қолган болалар учун 10 нафар бола;

• Сил интоксикацияси (асорати) бўлган болалар учун 6 нафар бола ;

• Тез-тез касалликка чалинадиган болалар учун 15 – 20 нафар бола;

• Нуқсонлари мураккаб бўлган (икки ёки ундан ортиқ нуқсонлари бор) болалар учун 6–8 нафар бола[5].

Республикамизда махсус таълимнинг 8 йўналиши (кўриш, эшитиш, ақлий ривожланишида камчилиги бўлган, руҳий ривожланиши сустлашган, кўриши, эшитиши, нутқи, таянч-ҳаракат аъзоларида нуқсони бўлган ҳамда мураккаб нуқсонли болалар) бўйича коррекцион таълим шаклланган ва нуқсон турига кўра меъёрий, ўқув-услубий асослари ишлаб чиқилган.

Махсус таълим муассасаларида ўқитиш «Психофизик ривожланишида камчилиги бўлган болалар ва ўсмирлар таълими тўғрисида»ги Низом асосида амалга оширилиб келинган. Ушбу низом қайта кўриб чиқилиб такомиллаштирилди ва «Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълими муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар)тўғрисида» ги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 256-сонли қарори билан 2011 йил 13 сентябрда тасдиқланди[6].

[5] ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат махсус мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2010 йил 18 июнь 117- Қарори асосида «Давлат махсус мактабгача таълим муассасалари тўғрисида»ги Низом тасдиқланди

[6] «Ихтисослаштирилган Давлат таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) тўғрисидаги низом» Вазирлар Махкамасининг 2011йил 13сентябрьдаги №256 қарори.

1-жадвал

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг турлари ва синфдаги болалар тоифалари

Республика миқёсида таълим-тарбия муассасалари турлари ва синфлардаги болалар тоифалари	Мактаблар сони	Ўқувчилар сони	Синфларнинг ўқувчилар билан минимал тўлдирилиши	
			Бошланғич синфларда болалар сони	Юқори синфларда болалар сони
1. I–II тур:				
Эшитишда муаммоси бўлган (кар) болалар учун	18	2319	8	10
Заиф эшитувчилар ва кейинчалик кар бўлган (1–2-бўлимлар)			10	12
2. III–IV тур:				
Кўзи ожиз болалар учун	16	2500	8	10
Заиф кўрувчи			10	12
3. V тур:				
Нутқида оғир нуқсони бўлган болалар учун	1	300	10	12
4. VI тур:				
Полимиелит хасталиги оқибатлари бўлган болалар учун	1	262	10	12
Церебрал фалажи оқибатлари бўлган болалар учун			10	10

5. VII тур:				
Психик ривожланиши суст бўлган болалар учун	1	187	12	16
6. VIII тур:				
Енгил даражадаги ақли заиф болалар учун	52	11329	13	13
Ўрта ва оғир даражадаги ақли заиф болалар учун			11	11
Барча турдаги ихтисослаштирилган (ёрдамчи) муассасаларда таълим олаётган мураккаб нуқсонли (ривожланишида 2 та ва ундан кўп нуқсони бўлган) болалар учун			6	8

Ихтисослашган таълим муассасаларида жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар соғлиғи ва интеллектининг ҳолати ҳақидаги маълумотлар ҳисобга олинган ҳолда, 9 йиллик умумий таълим дастурини қуйидаги давр давомида ўзлаштиришади:

2-жадвал

Таълим йўналишлари турлари ва болалар тоифалари	Тайёрлов гуруҳлари	Бошланғич синфлар	Юқори синфлар	Жами (йил)
I–II турлар:				
Кар болаларнинг умумий ўрта таълими	1	1–5	6–10	10
Заиф эшитувчи ва кейинчалик кар бўлган 1-бўлим болаларининг умумий ўрта таълими	1	1–4	5–9	9

Заиф эшитувчи 2-бўлим болаларининг умумий ўрта таълими	1	1–5	6–10	10
III–IV турлар:				
Кўзи ожиз болаларнинг умумий ўрта таълими	1	1–4	5–10	10
Заиф кўрувчи болаларнинг умумий ўрта таълими	1	1–4	5–9	9
V тур:				
Нутқида оғир нуқсони бўлган болаларнинг умумий ўрта таълими	–	1–5	6–10	10
VI тур:				
Таянч-ҳаракат аъзоларида нуқсони бўлган болаларнинг умумий ўрта таълими	–	1–4	5–9	9
VII тур:				
Психик ривожланиши суст болаларнинг бошлангич таълими (тенглаш синфлари)	–	1–5	–	5
VIII тур:				
Ақли заиф болалар учун тўлиқсиз умумий ўрта маълумот	–	1–4	5–9	9
Барча турдаги ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълим олаётган мураккаб нуқсонли (ривожланишида 2 та ва ундан кўп нуқсони бўлган) болалар тоифаси учун				

Мураккаб нуқсонлари бўлган болаларнинг (ривожланишида 2 та ва ундан кўп нуқсони бўлган) тўлиқсиз умумий ўрта таълими	–	1–4	5–9	9

Бу муассасаларда таълим муддати юқоридаги муддатларда амалга оширилади:[7]

Махсус ёки умумтаълим муассасасида ўқишга имконияти бўлмаган, нуқсони оғир даражадаги болалар уй шароитида якка тартибда таълим оладилар. Болаларнинг махсус мактаб муассасасида таълим олиши учун давлатимиз томонидан барча қулайликлар яратилиши, яъни иншоотларни уларнинг яшаш ва ўқиш жойларига мослаштириб қуриш, ёрдамчи техник воситалар билан таъминлаш (ногиронлар аравачаси, эшитиш аппаратлари), транспортларда қийинчиликсиз юриш, ахборот, матбуот воситаларидан фойдаланишга имконият яратувчи ва бошқа бир қатор масалалар Ўзбекистон Республикасида ногирон болаларни ижтимоий қўллаш тўғрисидаги қонунларда қайд этилган.

Махсус таълим мазмунини давр талаби даражасида такомиллаштириш, таълим самарадорлигини ошириш мақсадида махсус таълимнинг узлуксиз тизими бўйича таълим мазмуни, ўқитиш усуллари қайта кўриб чиқилмоқда.

Имконияти чекланган ўқувчилар коррекцион таълимининг умумий талабларини ишлаб чиқишда қуйидаги тамойилларга асосланилади:

– махсус таълим талабларини давлат ва жамият талабларига, шахс эҳтиёжига мослиги;

– ўқув-дастурий ҳужжатларнинг умумий ўрта таълим мазмуни билан уйғунлиги ва узлуксизлиги;

– бола шахсини таълим олишга, меҳнатга йўналтириш, касб-ҳунар таълимини эгаллаш ҳуқуқини таъминлаш;

[7] «Ихтисослаштирилган Давлат таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) тўғрисида» ги Низом ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2011йил 13 сентябрдаги №256 қарори

– таълим мазмуни ўқувчининг билиш имкониятларига мослиги;

– эшитиш қобилиятини белгиловчи даражаларига мувофиқ давлат талабларига таълим мазмунини мослаштириш;

– 2003 йилдан бошлаб махсус таълим муассасаларини учун давлат тилида дастур, дарслик ва ўқув-методик қўлланма, тавсиялар яратишни такомиллаштириш ва коррекцион таълим давлат талабларини ишлаб чиқиш борасида самарали ишлар амалга оширила бошланди. 2006– 2009 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар марказининг давлат гранти асосида Махсус таълим бўлимининг мутахассислари томонидан:

умумтаълим стандарт талаблари ва модернизация қилинган дастурлар асосида кўзи ожиз болалар мактабларининг бошланғич синфларига мослаштириш бўйича 9 та фандан тавсиялар ва 5 та фандан коррекцион давлат талаблари яратилди. Заиф кўрувчи болалар мактабларида таълим жараёни умумтаълим стандартлари асосида амалга оширилади;

– эшитишида муаммоси бўлган (кар) ва заиф эшитувчи болалар мактабининг бошланғич синфлари учун 8 та фандан, 4 та коррекцион фандан давлат таълим талаблари ва ўқув дастурлари яратилди. Эшитишида нуқсони бўлган болалар 6-синфдан бошлаб умумий таълим дастурлари ва Давлат таълим стандартлари асосида ўқитилади. Ўқувчиларнинг эшитиш қобилияти даражаси ёш ва психо-жисмоний хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда умумий таълимнинг модернизация қилинган ва такомиллаштирилган ДТС ва дастурларини мослаштириш асосида 14 та ўқув фанидан коррекцион давлат таълим талаблари ва дастурлари яратилди;

– ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг ривожланиш даражаси, индивидуал хусусиятини эътиборга олган ҳолда, улар учун коррекцион таълим давлат талаблари табақалашган тарзда (енгил, ўрта, оғир даражадагилар учун) ишлаб чиқилмоқда. Енгил даржадаги ақли заиф болалар учун 2004 йилда 13 та ўқув фанидан 30 номда коррекцион таълим давлат талаблари ва ўқув дастурларининг лойиҳалари ишлаб чиқилди;

– ўқувчиларнинг билиш фаолиятидаги нуқсонларини ва жисмоний фаолиятидаги етишмовчиликларини, хулқ-атворидаги бузилишларини коррекциялашга қаратилган даволаш гимнастикаси, ритмика, логопедия, ижтимоий ҳаётга йўналтириш машғулотлари учун ўқув дастурлари ишлаб чиқилди;

Жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болаларни коррекцион услубда ўқитиш ва тарбиялаш махсус таълимнинг асосий вазифасидир. Махсус мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасининг мустаҳкамланишига ва имконияти чекланган ўқувчилардаги мавжуд камчиликларни тузатиш, уларнинг таълим олиши, даволаниши ҳамда касбга йўналтириш ишларига давлатимиз томонидан катта маблағлар ажратилмоқда. Бу тоифадаги болалар ва ўсмирларни таълим-тарбиясини такомиллаштириш, махсус таълим жараёнида янги инновацион педагогик ва ахборот технологияларни киритиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг таълим-тарбиясини тўғри ташкил этиш, улардаги нуқсонларни илк ёшидан аниқлаш ва коррекциялаш (бартараф этиш), ижтимоий жамиятга тўлақонли мослаштириш таълим тизимининг муҳим ва ажралмас қисмидир.

Имконияти чекланган болаларга касб-ҳунар ўргатиш, касбий маҳоратини ривожлантиришга етарли шароитлар яратиш, уларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, ўз ўрнини топиб жамиятни тўлақонли аъзоси бўлишига гуманистик ёндашувни амалга оширишга давлатимиз томонидан жиддий эътибор берилмоқда. Қолаверса, ушбу масала бугунги куннинг долзарб муаммосидир. Таълим мазмунини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида ўқув дастурлари, таълим стандартлари ва талаблари қайта кўриб чиқилиб, улар асосида дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг янги авлоди яратилмоқда, таълим жараёнига инновацион педагогик технологиялар жорий қилинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ихтисослашган (махсус) таълим муассасаларида болаларни ўқитиш жараёнига моддий, техникавий ёрдам кўрсатиш, соғлиғини тиклаш мақсадида бир қатор самарали ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Ихтисослашган

мактаб-интернатларни керакли асбоб-ускуналар билан таъминлаш жараёнига чет эл инвестициялари ва ҳомийлар маблағлари кенг жалб этилди. Жумладан «MERCY PROJEKT» халқаро нодавлат хайрия ташкилотининг меҳр лойиҳаси 1997 йилдан бошлаб 2008 йилга қадар тиббиёт соҳасининг мутахассислари, ТошПТИнинг кўз касалликлари шифокорлари ва Халқ таълими вазирлиги РТМ махсус таълим дефектологлари билан ҳамкорликда республикадаги барча кўзи ожизлар мактаб-интернатлари болаларини кўз касалликларини аниқлаш ва жарроҳлик йўли билан даволаш ишларида самарали натижаларга эришилди. «Катаракта» лойиҳаси давомида 500 дан зиёд болалар кўриш бахтига муяссар бўлдилар. Бу ташкилот Брайль усулидаги дарслик ва бадиий адабиётларни чоп этишда, техник воситалар билан таъминлашда ҳам ҳамкорлик қилиб келди.

Шунингдек UNISEF, UNESCO, «MERCY PROJEKT», «OPERATION MERCY» ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ассоциацияси, «Лукойл Оперейтинг Компани» ташкилотлари орқали маблағларни махсус таълим муассасаларига йўналтириш натижасида дарсликлар, ўқув қўлланмалар, бадиий адабиётлар, техника воситалари, ахборот воситалари билан таъминланиши юқори даражага кўтарилди.

Махсус таълим муассасаларини таълим-тарбия жараёни умум ва махсус коррекцион таълим талаблари асосида ўқув режа, коррекцион дастур ва дарсликлар асосида амалга оширилади. Дарс жараёнида ҳар бир боланинг индивидуал хусусияти, қобилияти ва имконияти эътиборга олинади. Юқорида қайд этилган нуқсон тури бўйича ташкил этилган ўқув муассасаларида мутахассис дефектологлар (логопед, тифлопедагог, сурдопедагог, олигофренопедагог) фаолият кўрсатади. Таълимнинг мақсад ва вазифасига кўра болалар, ўсмирларга умумий таълим бўйича билим бериш билан бир қаторда уларда мавжуд бўлган нуқсонларни бартараф этишга оид коррекцион фанлардан машғулотлар ўтказилади. Масалан: кўзи ожиз болалар учун «Предмет тассавурини ва кўрув идрокини ривожлантириш», «Майда қўл моторикаси ва тери туюшни ривожлантириш», «мўлжал олиш ва ҳаракатланиш», «Ижтимоий-маиший йўналтириш»,

Nizomiy nomli
TDPU
kutubxonasi
92402 6

«Даволаш гимнастикаси», «Ритмика», «Логопедия» ўтказилади. Эшитишида нуқсони бўлган болалар мактаби эшитиш қобилиятини ривожлантириш, учун эшитиш ижтимоий мехнат, лабдан ўқитиш, нутқ ўстириш каби коррекцион фанлар, таянч-ҳаракатида нуқсони бўлган болалар учун даволовчи гимнастика, логопедия, ритмика каби машғулотлар, мутахасислар томонидан алоҳида жиҳозланган хоналарда махсус дастурлар асосида индивидуал ва гуруҳларда ўтказилади. Уларни ўқитиш ва коррекциялаш учун зарур бўлган ёрдамчи воситалар, кўргазма қуроллари қўлланилади. Махсус дарслик, ўқув-методик адабиётлар билан таъминлаш масаласи ХТВ, Республика таълим маркази томонидан шакллантирилган тажрибали соҳа мутахасислари: амалиётчи методист, олимлар иштирокидаги муаллифлар гуруҳи томонидан яратилади.

Махсус мактабларни давлат тилида дарсликлар билан таъминлаш масаласи мустақилликка эришганимиздан сўнг бир мунча фаоллашди. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури асосида 2007 йилда 59 номдаги дарсликлар, «Ёшлар йили»да режалаштирилган 36 номдаги дарсликлар нашр этилиб, жойларга етказилди. Ҳозирги кунгача махсус мактаблар учун 200 дан зиёд номдаги дарсликлар нашр этилди. Дарсликларни яратишда халқаро хайрия нодавлат ташкилотлардан «MERCY PROJEKT» ҳомийлигида кўзи ожиз болалар мактаблари учун 10 номдаги дарслик ва қўшимча бадиий адабиётлар давлат тилида Брайль усулига ўгириб чоп этилди.

Шунингдек махсус мактаблар учун 100 дан зиёд номдаги методик қўлланма, тавсия ва дастурлар чоп этилди. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар махсус таълим соҳасини моддий-техникавий базасини такомиллаштириш, мактабларни реконструкция қилиш, дефектолог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, давлат таълим стандартлари талаби ва СанПиН[8] нормалари асосида дарсликларни яратишда самарали ишлар олиб боришга асос солди. Махсус мактабларнинг дарсликлар билан таъминланиш ҳолати қуйидаги жадвалда кўрсатилди.

[8] Ўзбекистон Республикаси ХТВ томонидан махсус таълим дарсликларини яратишнинг СанПИН меъёри. 2008 йил

3-жадвал

Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган ёрдамчи мактаблар учун			Таълим рус тилида олиб бориладиган ёрдамчи мактаблар учун			Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган кар ва заиф эшитувчи болалар мактаблари учун		Кўзи ожиз болалар мактаблари учун	
45 номдаги			35 номдаги			23 номдаги		28 номдаги	
Янги нашр	Қайта нашр	Таржима нашр	Янги нашр	Қайта нашр	Таржима нашр	Янги нашр	Қайта нашр	Янги нашр	Қайта нашр
27	14	4	17	4	14	14	9	13	–
20278 нусха	21106 нусха	1645 нусха	8014 нусха	1528 нусха	8650 нусха	6297 нусха	3515 нусха	3057 нусха	72 нусха
Жами: 73 193 нусха									

(Йиллар мобайнида ушбу кўрсаткичлар ўзгариб боради.)

Махсус таълимнинг узлуксиз тизимининг ривожи мутахассис кадрлар билан таъминлашга боғлиқ. Бу борада дефектолог кадрларни тайёрлаш масаласига давлатимиз томонидан жиддий эътибор берилмоқда. Хусусан «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар асосида ТДПУ тасарруфидаги дефектология факультети 2008 йилдан мустақил факультет сифатида фаолият юрита бошлади. Бу факультетга ҳар йили 300 дан зиёд талаба қабул қилинади. Амалиётчи дефектолог мутахассисларни тайёрлаш курсига эса ҳар йили 400 га яқин талаба қабул қилиб келинмоқда. Шунингдек дефектолог кадрлар билан таъминлаш мақсадида республикамиздаги бешта педагогик олий ўқув юртлари қошида дефектология кафедраси очилди. Чунончи ҳозирги кунда олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш, малака ошириш институтлари тизимида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бир мунча фаоллашди, бу эса келажакда нафақат махсус таълим муассасаларини, балки умум, яъни инклюзив таълим муассасаларини мутахассис кадрлар билан таъминлаш самарадорлигини оширади.

Дефектология факультетида илмий салоҳиятга эга иқгидорли ёшлар ва профессор-ўқитувчилар талабаларга сифатли таълим бериш билан биргаликда махсус таълим йўналишлари бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлаш ҳамда таълим стандартлари талабларига мос ўқув-услубий мажмуалар, дарсликларнинг янги авлодини яратишга эришди. Факультетнинг илмий салоҳияти 2011 йилга келиб 45 фоизга ошди.

Махсус таълимнинг ижобий томонлари шундаки:

• таълим муассасаларида комплекс тиббий-педагогик ёрдам кўрсатилиб, улар тўлиқ давлат таъминотида бўладилар;

• дефектолог педагоглар болаларнинг махсус эҳтиёжларини тўлиқ қондириш мақсадида коррекцион-ривожлантирувчи ишларни амалга оширадилар;

• ўқувчилар, тарбияланувчилар махсус ўқув дастури, дарслик, ўқув-методик ва техник воситалардан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар;

• синфларда ўқувчилар сони 12–16 нафардан ошмайди ва индивидуал ёндашувни тўлиқ амалга ошириш имкони мавжуд;

• дарсдан олдин ва дарсдан кейин теварак-атрофда йўналтириш, нутқий мулоқотни шакллантириш, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш каби

махсус кўникмаларни шаклланиши учун қулай шароитлар яратилган;

Махсус таълим ва тарбиянинг коррекцион-педагогик иш сифати юқори даражада бўлсада, бироқ айнан алоҳида эҳтиёжли болаларнинг соғлом муҳитда таълим-тарбия олмаётганликлари сабабли ижтимоий ҳаётимизга мослашишларида айрим муаммолар пайдо бўлади. Шу боис имконияти чекланган болалар ва ўсмирларнинг ёпиқ-сегрегацион таълим тизимида ўқитилиши кўплаб салбий оқибатларни юзага келтириши жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам тан олиниб, инклюзив таълим сиёсати қўллаб-қувватланмоқда. Бу ўринда Л.С.Виготскийнинг фикрича: «Махсус мактабларимиз афзаллик жиҳатлари билан бир қаторда айрим камчиликлари билан ҳам ажралиб туради, у ўз тарбиячисини тор доирадаги мактаб жамоаси билан чегаралаб: кар, кўр ёки ақли заиф боланинг асосий эътиборини ўзида мавжуд бўлган камчилигига қаратиб. барча шароитни шу нуқсонига мослаштириб қўяди. Буларнинг барчаси боланинг ҳақиқий ҳаётга кириб келишига тўсқинлик қилади. Махсус мактаб болани чегараланган дунёдан чиқариш ўрнига одатда шундай кўникмаларни ривожлантирадики, оқибатда унинг сепаратизмлиги кучайиб, бола ўз дунёсига янада чуқурроқ шўнғиб кетади».

Шунинг учун ривожланишида нуқсони бўлган болани тарбиялаш вазифасини Л.С. Виготский болани ҳаётга интеграция қилиб унинг нуқсонини ўзга йўл билан компенсациясини ташкил қилиш лозим, деб ҳисоблаган. Бу ўринда у, компенсацияни биологик эмас, балки ижтимоий аспект деб тушунган, чунки ривожланишида нуқсони бўлган бола билан ишлаш жараёнида тарбиячи биологик жиҳатлари (факторлари) билан эмас. унинг ижтимоий оқибатлари билан рўбарў келади. Соғлом болани имконияти чекланган бола билан уйғунлаштирилиши махсус таълимни кенг доирада қайта қуришнинг бошланғич нуқтаси бўлиб хизмат қилиши керак[9].

Узоқ йиллар давомида махсус таълим соҳасида фаолият кўрсатувчи турли миллат олимлари ва амалиётчилари ривожланишида муаммоси бўлган болаларни умумтаълим мактабларида эмас, аксинча, махсус мактабларда ўқитиш яхши деб келганлар. XX асрнинг 60-йилларигача бундай болалар учун махсус мактаблар тизими ривожланиб келган. Айрим

[9] Виготский Л.С. Собрание сочинений. Т. 5 М.: Педагогика, 1983. С.82, С 209

мамлакатларда 12–15 турдаги табақалаштирилган мактаблар ташкиллаштирилиб келинган. Масалан, Бельгияда, Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Россия ва Қирғизистон давлатларида 8 турдаги, Нидерландияда эса 15 турдаги махсус мактаблар мавжуд.

Ўзбекистонда таълим ислоҳотларининг устувор йўналиши барча соғлом болалар қатори имконияти чекланган болалар таълимига демократик ёндашув асосида тарбиялаш, таълим бериш, ижодий қобилиятини ривожлантиришга оптимал даражада шароит яратиш, касбий маҳоратини ривожлантириш, шунингдек иқтидорини рўёбга чиқаришдан иборат. Виготскийнинг муҳит ва шахснинг уйғунлиги тўғрисидаги таълимотига кўра, ижтимоий муҳит имконияти чекланган болалар учун биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Турли хил давлатлар интеграцияга ўтишда кўп баҳс-мунозара юритиб, махсус педагогикада интеграцияни қўллаш фойдали деб билмоқда (Saulle M.P. 1996). Ўзбекистонда ҳам махсус таълим интеграциянинг ривожланишини ўзига хос хусусияти мавжуд.

АҚШда ва Жанубий Европа мамлакатларида интеграцияни ривожланиши ва бу жараённи бошқариш учун қонуний норматив база яратилган. Кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам интеграция ва инклюзив таълимни жорий қилиш бўйича қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Республикада умумтаълим мактаблари ва инклюзив таълим шароитида имконияти чекланган болаларга коррекцион ёрдам бериш уларнинг алоҳида эҳтиёжларини қондириш, рағбатлантириш ва компенсатор имкониятларини ривожлантириш, шунингдек ижтимоий ҳаётга мослаштириш масалалари бўйича илмий ва методологик тадқиқотлар олиб боришга эҳтиёж мавжуд. Ваҳоланки, ҳар бир боланинг таълим олиш ҳуқуқига эга эканлиги «Шахс ҳуқуқлари Декларацияси» ва «Таълим ҳамма учун» Умумжаҳон Декларациясида (Таиланд, 1990) тасдиқланган.

Махсус мактаб ўқувчилари, ўқитувчилари, ота-оналар орасида олиб борилган суровномаларнинг таҳлили имконияти чекланган болаларнинг муайян қисми ўз тенгдошлари билан бирга умумтаълим мактабларида ўқиш истагини билдираётганларини кўрсатмоқда (халқаро эксперт Ноэль Хиббертнинг 2008 йилдаги «Имкониятлари чекланган болалар учун асосий таълим» лойиҳасини амалга ошириш бўйича ҳисоботи).

MERCY PROJEKT Ҳалкаро хайрия ташкилоти, ХТВ ва Тошкент давлат педиатрия маркази билан ҳамкорлик лойиҳалари асосида кўзи ожиз болаларни жарроҳлик йўли билан даъволаш жараёни. 2006–2007 йиллар







MERCY PROJEKT Халқаро хайрия ташкилоти ҳомийлигида 2006–2008 йилларда чоп этилган BRAIL усулдаги дарсликларни топшириш жараёни







Тажриба шуни кўрсатдики, ҳар қандай таълим тизимида болаларнинг бир қисми таълимдан четда қолиб кетади, чунки бундай болаларнинг индивидуал таълимини қондиришга умумтаълим тизими тайёр эмас. Шу сабабли халқаро миқёсда болаларнинг умумий сонидан 15 фоизи мактабга жалб қилинмасдан қолиш ёки умумтаълим тизимидан четда қолиш ҳолларини кузатиш мумкин. Бунга сабаб махсус мактабларнинг ўқувчилар турар жойидан анча узоқда бўлганидир. Шуни эсда тутиш керакки, бунда болалар эмас, аксинча тизим инқирозга учрайди.

Жуда узоқ вақт давомида махсус ёрдамга муҳтож болаларни умумтаълим муассасаларига нисбатан махсус сегрегацион таълим муассасаларида таълим-тарбия бериш самарали деб ҳисобланиб келинди. 1970–1980 йилларга келиб жаҳон миқёсида инсонпарварлик ва ногиронларни камситишларга йўл қўймаслик ғоясининг илгари сурилиши махсус эҳтиёжли болаларга эътиборнинг янада яхшиланишига олиб келди.

Махсус таълим, имконияти чекланган болалар учун таълим тизими сифатида ривожланган. Ушбу таълим имконияти чекланган болаларнинг эҳтиёжларини умумтаълим муассасаларида қондириб бўлмайди, деган тахминлар асосига қурилган. Имконияти чекланган болаларнинг махсус таълим тизимида ўқитилиши уларнинг мактабни тугатгач, ижтимоий жамиятга мослашиб кетишларини қийинлаштиради. Шунингдек, уларни ўз оиласидан узоқда бўлишга мажбур қилади. Бу тоифа болалар боқимандаликка ўрганиб қоладилар, ўз-ўзига хизмат қилишларида ҳам кўплаб қийинчиликларга дуч келадилар.

Ҳозирги кунда Республикамизда алоҳида ёрдамга муҳтож болаларнинг ривожланиш даражаси, имконияти, нуқсон хусусиятлари ва қобилиятларига кўра махсус ёки умумтаълим тизимида ўқитиш, тарбиялаш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек жаҳон миқёсида қўлланиб, тарғибот-ташвиқот қилиниб келинаётган интеграция ва инклюзив таълим Ўзбекистонда ҳам халқаро ташкилотларнинг ҳамкорлик лойиҳалари асосида босқичма-босқич амалга татбиқ этилмоқда. Имконияти чекланган болаларни умумтаълим муассасаларида ўқитиш ва улар учун қулай шароитлар яратиш масаласи Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси ва «Бола ҳуқуқларини кафолати тўғрисида»ги Қонуннинг 29-моддасида алоҳида қайд этилган.

Тажриба шуни кўрсатдики, мамлакатимизда инклюзив таълимни жорий қилишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Республикамизни ижтимоий, иқтисодий ривожланишини, миллий қадриятларимизни эътиборга олган ҳолда ҳамда тарихий шаклланган махсус таълим тизимидан воз кечмасдан, қисқартирмасдан, аксинча умумтаълим билан узвий боғланиб ҳамкорликда инклюзив интеграция таълимига босқичма-босқич ўтиб боришнинг миллий модулини яратиш мақсадга мувофиқдир. Келажакда махсус таълим муассасалари умумтаълим муассасалари учун коррекцион фанлар услублари бўйича маслаҳат берувчи марказ вазифасини бажариши лозим. Махсус таълим педагоглари ва дефектологлари умумтаълим муассасаларида таълим олувчи имконияти чекланган болаларни ўқитиш бўйича умумтаълим фан ўқитувчисига зарурият туғилганда коррекцион таълим методикасидан маслаҳат берувчи ресурс педагог вазифасини ўтайди. Бундай ёрдамлар махсус таълим муассасаларининг тиббиёт ходимлари, психологлари томонидан ҳам кўрсатилади.

Ҳозирги кунда Республикамиз миқёсида имконияти чекланган болалар ва ўсмирларни инклюзив таълимга жалб этишнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш билан бир қаторда кўплаб илмий-амалий тажриблар олиб борилмоқда.

1.2. **ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ АСОСЛАРИ**

Инклюзив таълим (инглиз тилидан олинган бўлиб, inclusive, inclusion– уйғунлашмоқ, уйғунлаштириш, қамраб олмоқ, қамраб олиш маъноларини билдиради) ногирон ва соғлом болалар ўртасидаги тўсиқларни (дискриминацияни) бартараф этиш, махсус таълимга муҳтож болалар, (айрим сабабларга кўра ногирон бўлган) ўсмирлар ривожланишида учрайдиган нуқсонлар ёки иқтисодий қийинчиликлардан қатъий назар ижтимоий ҳаётга мослаштиришга йўналтирилган умумтаълим жараёнига қўшишни ифодаловчи таълим тизимидир. Инклюзив таълимнинг сиёсати турли хил эҳтиёжли болаларни таълим олишини қўллайди ҳамда яхши ҳаёт қуришига имкон яратади.

Инклюзив таълим – давлат сиёсати бўлиб, ногиронлиги ёки бошқа сабаблар туфайли махсус ёрдамга муҳтож, тарбияси оғир, етим болалар, ВИЧ ОИТС билан касалланган болалар учун мослашувчан, индивидуаллашган ёрдам тизими ва барча болаларни тенг кўришни кўзда тутадиган таълим туридир. Миллати, ирқи, танасининг ранги, ижтимоий келиб чиқиши, оиласининг жамиятда тутган ўрни, моддий ва маънавий аҳволи, жисмоний ёки руҳий ривожланишида камчилиги бўлишидан қатъий назар барча болаларни тенг кўриш, улардаги ҳар қандай имкониятни қадрлаш, ривожлантиришни кўзда тутадиган таълим ҳисобланади.

Инклюзив таълим умумтаълим жараёнини ривожлантиради ва барча болаларга мос бўлган таълимни жорий қилади. Имконияти чекланган болалар таълим олишига оид қўшимча мосламаларни ташкил қилиб, ногирон болаларнинг таълим олишига қулай шароит яратади. Инклюзив таълим турли хил эҳтиёжли болаларнинг таълим олишига қаратилган методологияни ривожлантиришга ҳаракат қилади. Инклюзив таълим турли эҳтиёжларни қондиришга қаратилган ихчам турдаги дарс беришга ёндашадиган таълим турини амалга оширади. Агарда инклюзив таълимни тагбиқ этишда дарс бериш, ўқитиш бир мунча самарали ва унумли бўлса. унда нафақат имконияти чекланган болалар, балки барча болалар ютади.

Инклюзив таълим мактаблари болаларнинг билим олиши учун шахсий ҳуқуқларини ҳимоялайди. Бундай ёндашув дискриминацияни бартараф этади, чунки болалар бир-бирлари билан мулоқот қилиш, ўқиш жараёнида ўзларининг турли эҳтиёжларга эга индивидум эканликларини англайдилар.

Шарқнинг машҳур алломалари Абу Али ибн Сино, Имом Ал-Бухорий. Абу Наср Форобий, Алишер Навоий, Абдулла Авлонийларнинг тарбиядан кўзланган мақсадлари ҳар бир бола шахсининг ривожланишида таълимнинг ўрни тўғрисидаги қарашлари инклюзив таълимга ҳам тааллуқли, деб ўйлаймиз.

Инклюзив таълим маданияти

«Саламанка декларацияси»га ҳар бир ўқувчининг тафовут хусусиятларини қўллаб-қувватловчи ва маъқулловчи ислоҳот сифатида қаралади. Унинг мақсадлари, жинси, ирқи, маданияти, ижтимоий аҳволи, миллати, дини, индивидуал имконияти ва қобилиятидаги тафовутлар оқибатида юзага келадиган ижтимоий

сегрегацияга йўл қўймасликдан иборат. Бироқ бу концепция универсал фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб чиқди. Дунё бўйича мактабларда инклюзив таълимга кўпинча умумтаълим мактабларида ногиронларни ўзларининг тенгдошлари билан бирга таълим олиши деб қаралади» (Жуди Кугельмас).

Бироқ инклюзив таълимнинг мазмун-моҳияти тўғрисидаги билим ва маълумотлар ҳали жамиятда етарли эмас. «Инклюзив» ва «интеграциялашган» атамалари кўпинча бир хил маънода ишлатилади. Бироқ фалсафада ушбу тушунчалар орасида жуда катта фарқ бор. Ногирон болани оддий шароитга жойлаштириш интеграцияга қараб қўйилган биринчи қадамдир. Имконияти чекланган болаларнинг умумтаълим муассасалари таркибига қамраб олиниши жаҳон миқёсида «инклюзив» ёки «интеграцион» таълим атамалари билан аталади. «Интеграция» атамасини аниқлаш мақсадида ушбу тушунчанинг таърифини берган Г.М. Каждаспаровнинг «Педагогический словарь» луғатига мурожаат қиламиз. Унда «гуруҳлар интеграциясига», «гуруҳда шахслараро муносабатларни тартибга солиш» сифатида қаралади ҳамда жамоада фақатгина инсонпарварлик муносабатларни ва ижобий жамоатчилик фикрини яратилиши билан интеграцияни амалга татбиқ этиш мумкин, деб таъкидланади. Кейинги йилларда имконияти чекланган болаларни барча тенгдошлари қатори умумтаълим тизимида таълим олишига жиддий эътибор берилмоқда ва инклюзив таълим матбуот ва ахборот воситалари орқали оммага кенг тарғиб қилинмоқда. Бу борада ота-оналар ҳам фарзандларини умумтаълим тизимидаги интеграциялашган, инклюзив гуруҳ ва синфларда таълим-тарбия олишига хоҳиш билдиришмоқда.

Интеграциялашган таълим бу, диққат марказида боланинг айнан мактабга келиб-кетиш муаммоси турган, махсус эҳтиёжли боланинг мактабга қатнаш жараёнидир. Интеграциялашган таълимда болага муаммо сифатида қаралади. Бу таълим тизимининг қуйидаги шакллари мавжуд:

• **Жисмоний интеграция.** Интеграциянинг бу шакли ногирон ва ногирон бўлмаган болалар ўртасидаги жисмоний фарқни камайтиришга қаратилган. Оддий мактаб билан ёнма-ён жойда ногирон болалар учун махсус бўлим ёки синф ташкил қилиш мумкин.

• **Функционал интеграция.** Бу шакл ногирон ва ногирон бўлмаган болалар ўртасидаги функционал муаммоларни камайтиришга қаратилган.

• **Ижтимоий интеграция.** Интеграциянинг бу шакли ижтимоий муаммоларни камайтиришга қаратилган ва у ногирон ҳамда ногирон бўлмаган болалар ўртасидаги ўзаро алоқани қўллаб-қувватлайди.

• **Жамиятга интеграция** қилиш.

• **Инкюзив таълимнинг мақсад ва вазифалари**

Инклюзив таълим тизимида қуйидаги мақсад ва вазифаларнинг ҳал қилиниши талаб этилади:

– таълим муассасасида имконияти чекланган болалар ва ўсмирларнинг таълим олишлари учун зарурий психолого-педагогик, коррекцион шароитларни яратиш, уларнинг имкониятига йўналтирилган умумтаълим дастурлари ва коррекцион ишларни амалга ошириш орқали руҳий ривожланиши, ижтимоий мослаштиришни амалга ошириш;

– ўқувчиларнинг таълимдаги тенглик ҳуқуқини кафолатлаш;

– жамиятнинг ва оиланинг фаол иштирокида ногирон ва соғлом

– болаларнинг эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий ҳаётга эрта

– мослаштириш;

– имконияти чекланган болалар ва ўсмирларни оилалардан ажралмаган ҳолда яшаш ҳуқуқини рўёбга чиқариш;

– жамиятда имконияти чекланган болалар ва ўсмирларга нисбатан дўстона

ва меҳр-муҳаббатли муносабатни шакллантириш.

Бола – бу қандай имкониятга эга бўлишидан қатъий назар ҳар доим катталар ёрдамига муҳтож фарзанддир. Уни алоҳидалаш ёки алоҳида ном билан «аномал болалар», «кўр болалар», «кар болалар», «ақли заиф болалар», «таянч-ҳаракат аъзолари фалажланган болалар» ва ҳ. к. тушунчалар билан ажратиб кўрсатиш инсонпарварлик нуқтаи назарига тўғри келмайди. Ушбу тушунчалар имконияти чекланган болаларнинг ҳуқуқларини камситиш билан бир қаторда ота-оналарга ҳам салбий таъсир этади. Имконияти чекланган болалар нормал ривожланишдаги болалар каби топшириқ ва вазифаларни тезлик билан мукаммал амалга ошира олмасаларда, аммо имконият даражасида бажара оладилар. Шунинг учун ҳам таҳқирлашларга йўл қўймаслик, боланинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга ижобий муносабатда бўлиш тарбиялашнинг муҳим усулидир.

Юқоридаги вазифаларни тўлақонли амалга оширишда энг биринчи галда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

Инсонпарварлик нуқтаи-назаридан имконияти чекланган болаларни номлаш	**Тушунчанинг изоҳи**
Имконияти чекланган бола	Умумий тушунча бўлиб, барча турдаги имконияти чекланган болаларга нисбатан ишлатилади.
Махсус ёрдамга муҳтож бола	Умумий тушунча бўлиб, барча турдаги имконияти чекланган болаларга нисбатан ишлатилади.
Махсус эҳтиёжли бола	Умумий тушунча бўлиб, барча турдаги имконияти чекланган болаларга нисбатан ишлатилади.
Ақлий ривожланишида муаммоси бўлган бола	Бош миянинг органик жароҳатланиши натижасида ақлий ривожланиши турғун бузилган болалар
Кўришда муаммоси бўлган бола	Кўриш қобилияти, кўриш ўткирлиги қисман бузилган ёки кескин пасайган кўзи ожиз ёки заиф кўрувчи болалар
Ҳаракатланишида муаммоси бўлган бола	Таянч-ҳаракат аъзолари фаолиятида бузилишлар бор бўлган болалар
Эшитишида муаммоси бўлган бола	Эшитиш қобилияти қисман ёки кескин пасайган, заиф эшитувчи ҳамда кар болалар

Имконияти чекланган бола ҳам барча болалардек бола ҳисобланади ва у тан олиниши, ҳурматга сазовор бўлишга ҳақли, шунинг учун уларни нуқсони билан аталиши номақбул ҳолат ҳисобланади.

Инклюзив таълим муаммолари

Кўплаб давлатларда инклюзив таълимни жорий этиш давлат норматив ҳужжатларида қайд қилинмаганлиги;

– Ногирон болаларга нисбаттан салбий муносабат;

– Имконияти чекланган болаларнинг жамоаларда кўринмаслик муаммоси;

– Имконияти чекланган болаларнинг мактабда кўринмаслик муаммоси;

– Моддий маблағ етишмаслиги муаммолари;

– Таълим муассасаларини инклюзив таълимга мослаштириш муаммолари;

– Синфда ўқувчилар сонининг кўплиги;

– Камбағаллик;

– Жинсий тафовутларга қараб камситиш;

– Имконияти чекланган болаларнинг бошқаларга қарамлиги;

– Фавқулодда вазиятлар, можаролар, қочоқлар муаммолари;

– Кадрлар масаласидаги муаммолар.

– Дарҳақиқат, бу таълим тизими олдидаги муаммоларни ҳал этиш осон кечмайди. Аммо бу таълим тизимининг фойдали жиҳати жуда кўп. Улар сирасига қуйидагилар киради:

• Инклюзив таълим қашшоқлик исканжасидан қутилишга имкон беради;

• Инклюзив таълим барча учун таълим сифатини яхшилайди;

• Камситишларнинг олдини олади;

• Инклюзив таълим янада инклюзивликка олиб келади. (Мактаблар ҳамма учун – Save the children., 2002. 20–23 б.)

Инклюзив таълимнинг қоидалари:

1. Инсоннинг қадр-қиммати унинг қобилияти ва ютуғига боғлиқ эмас.

2. Ҳар бир инсон ўйлаш ва ҳис қилиш қобилиятига эга.

3. Ҳар бир киши эшитиш ва мулоқот қилиш қобилиятига эга.

4. Ҳар бир киши бир-бирига муҳтож.

5. Шахснинг тўлиқ ва ҳақиқий таълим олиши фақат реал ҳамкорликда амалга ошади.

6. Ҳамма кишилар ўз тенгдошларининг қўллаб-қувватлашига муҳтож.

7. Ҳамма таълим олувчиларнинг ютуққа эришишига уларнинг нимадир қила олмаслиги эмас, балки ниманидир қила олиши сабаб бўлади.

8. Ҳамкорлик қилиш киши ҳаётини ҳар томонлама кучайтиради.

9. Инклюзив таълим тизими қуйидаги таълим муассасаларини ўз ичига олади: мактабгача таълим, ўрта таълим, ўрта махсус касб-ҳунар таълими ва олий таълим. Бу таълим муассасаларининг мақсади болаларнинг таълим олиши ва касб-ҳунарга тайёрлашда уларнинг ўртасидаги тўсиқни бартараф этиб очиқ таълим муҳитини яратишдан иборат.

Умумтаълим мактабларида алоҳида дастур ва дарсликлардан фойдаланиш имконияти бўлмайди. Инклюзив таълим тизими интеграциялашган таълим тизимидан ўзининг мазмун-моҳияти, мақсади, вазифалари ва ҳаракат дастури билан фарқланади.

Инклюзив таълимга бўлган эҳтиёжлар ва сабаблар

Ҳар бир шахсда меҳр олиш, эътиборда бўлиш, ҳимояланиш, шахсийлик фаолиятини руҳлантириш каби эҳтиёжлар мавжуд. Ногирон одамлар ҳам бундан мустасно эмас, лекин бундан ташқари уларнинг алоҳида шахсий эҳтиёжлари ҳам мавжуд. Хатти-ҳаракатлари, қизиқишлари, қобилиятлари ва бошқа жиҳатларига асосланган ҳолда ногиронликлари ўхшаш бўлган тақдирда ҳам улар бир-биридан фарқ қилади. Масалан: иккита ногиронлиги бир хил бўлган болаларнинг бири ижобий, руҳлантирувчи муҳитда яшаши мумкин, иккинчиси эса салбий, кўнгилни қолдирувчи муҳитда яшаши мумкин. Шу сабабли уларнинг иккаласи ногирон бўлсада, бу уларга бир хил ёрдам кўрсатилиши керак дегани эмас. Уларнинг эҳтиёжлари яккама-якка ҳолда қондирилиши лозим. Ушбу муаммони муҳимлиги амалиётда тан олинган.

Ҳар бир бола шахс сифатида мукаммалдир ва ҳар бир бола ҳаётга мослашиш ва ривожланиш учун ёрдамга муҳтождир. Баъзи бир болалар бошқалардан кўра кўпроқ ёрдамга муҳтождир. Бошқалари эса ҳаётнинг маълум бир пайтида ёки бутун ҳаётлари давомида махсус ёрдамга муҳтождирлар. Масалан, мактабда таълим олаётган чогларида. Бу каби махсус қўшимча ёрдам «Махсус таълимга бориб тақалади» Ҳозирги кунгача умумий таълим мактаб тизими вакилларининг «Булар бизнинг болаларимиз эмас. Улар махсус таълимга қарашли», деган гапларини жуда кўп эшитганмиз. Шу каби масалалар бугунги кунда ногирон гуруҳларга асосланган классификацияни ва махсус таълимга муҳтож болалар тушунчасини ўзгартиришга асос бўлмоқда. Умумтаълим мактабларида нуқсон турига кўра шароит яратилса, кўпчилик махсус таълимга муҳтож

болаларнинг эҳтиёжларини оддий мактабнинг ўзида ҳам махсус дастур, дарсликлар ва ёрдамчи техник воситаларни қўллаш асосида амалга ошириш мумкин.

Жамият ўз аъзоларига жавобгарликни ўз бўйнига олмас экан, махсус ёрдамга муҳтож болаларнинг асосий муаммоларини ҳал этишга, ижтимоий интеграцияга эришиш қийин. Имконияти чекланган болаларнининг таълим-тарбиясида тенгҳуқуқлилик муаммосини ҳал этиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир, чунки жуда кўплаб болалар турли сабабларга кўра таълимдан четда қолиб кетмоқдалар. Инклюзив таълимга жалб қилишнинг ташкилий, илмий-услубий чораларини кўриб чиқиш, яъни мутахассисларни тайёрлаш, малакасини оширишга оид тадбирларни ишлаб чиқиш лозим. Алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни умумтаълим муассасаларига жалб қилишнинг икки асосий омили бор.

Биринчидан, махсус эҳтиёжга эга бўлган болалар ҳам соғлом болалар билан биргаликда ўзаро фаолият кўрсатишлари мумкин. Инклюзив таълим мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этилса, махсус эҳтиёжли болалар ижтимоий томондан ҳимояланадилар, соғлом болалар эса ижтимоий адолат ва тенгликнинг тан олиниши буюклигини, ногирон болаларга нисбатан янада меҳрибон ва эътибор билан муносабатда бўлишни ҳис этадилар.

Иккинчидан, ногирон болалар ҳам соғлом тенгдошлари билан ёнма-ён ўқиш, тарбияланиш ҳуқуқига эга эканлиги амалда ўз исботини топади.

Бу ишларнинг муваффақияти ҳар бир давлатнинг қонунларида акс этиши зарур. Чунки қонунлар, уларни керакли моддий ва маънавий ресурслар билан таъминланишини амалга оширишни кафолатлайди. Имконияти чекланган ўқувчиларга таълим беришда ота-оналар, маҳалла, педагоглар, мутахассислар ҳамкорлигида фаолият кўрсатиш талаб қилинади ва мажбурий ҳисобланади.

Алоҳида эҳтиёжли болалар ҳам соғлом тенгдошлари билан биргаликда ўз қобилияти даражасида фаолият кўрсатиши, таълим олиши, касб-ҳунар ўрганиши ва ўз қобилиятини ривожлантириши мумкин. Инклюзив таълим мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этилса, махсус ёрдамга муҳтож болалар ижтимоий томондан ҳимояланадилар, ижтимоий ҳаётда тенгҳуқуқли эканликларини, ўз тенгдошлари билан бирга билим олишлари мумкинлигини ҳис этадилар.

Алоҳида эҳтиёжли болалар учун ташкил этилган сегрегацион-махсус, ёпиқ турдаги муассасаларда болалардаги мавжуд нуқсонлар анча-мунча юқори даражада коррекциялансада, аммо болаларнинг мактаб жамоаси билангина чегараланган тор доирага тушиб қолишлари натижасида ижтимоий жамиятга мослашиши, келажакда соғлом боалалар қатори фаолият юритишларида жуда катта қийинчиликларга дуч келадилар. Бундан ташқари махсус эҳтиёжли болаларни барча қатори кенг жамоатчилик даврасидан ажралган ҳолда яшашлари ҳам демократия нуқтаи назарига тўгри келмайди. Чунки махсус эҳтиёжли болалар ҳам барча қагори ҳақ-ҳуқуқларга эга.

Инклюзив таълим масаласи XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб диққат марказида бўлиб қолди. Жанубий Африка ва Жанубий-Шарқий Осиёдаги интеграциялашган таълим дастурлари асосида якуний иш ҳужжатлари ўрганилиб чиқилди. Натижада барча давлатларнинг Таълим вазирликларида махсус мактаблар қошидаги алоҳида бўлимларга муқобил сифатида инклюзив ишлаш услублари тавсия этилди.

Инклюзив таълимга бўлган эҳтиёж унинг жамиятга ва махсус эҳтиёжли болалар учун қуйидаги фойдали жиҳатлари мавжудлигидан келиб чиқади:

– инклюзив таълим махсус эҳтиёжли болаларга доимо ўз оиласи, маҳалласи ва қариндош-уруғлари даврасида бўлишга имкон беради;

– инклюзив таълим барча учун, таълим сифатини яхшилашга олиб келадиган катализатор бўлиб хизмат қилиши мумкин;

– болаларни турар жойларидан узоқда бўлган интернатларга жойлаштириш уларнинг уйи, оиласи, жамият ҳаётида иштирок этиш ҳуқуқига тўсқинлик қилади;

– уйидан, оиласидан, ота-она меҳридан узоқда бўлган бола дийдаси қаттиқ бўлиб ўсади, чунки оила тарбиянинг бош марказидир.

– Махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим муассасаларига қабул қилиниши янада фаолроқ ва кўпроқ ўқувчиларни қамрайдиган янги ўқитиш услубларини ишлаб чиқишга ундайди. Бунинг нафи эса барча болаларга тегади.

Жамиятда ногиронларга нисбатан янглиш фикр ва муносабат мавжуд. Улар ҳақидаги маълумотларнинг камлиги ва ёшлигидан

махсус муассасаларда ёпиқ тарзда таълим-тарбия берилиши бунга сабаб бўлиши мумкин. Бундай муносабатни йўқотиш ёки камайтириш анча мушкул ишдир. Лекин тажрибадан шу нарса маълумки, катталарга нисбатан болалар фарқли ва ўхшашлик жиҳатларни тезроқ англар эканлар. Агарда махсус эҳтиёжли болалар меъёрида ривожланишдаги болалар билан биргаликда таълим-тарбия олсалар, бу барча болаларни ногиронларга нисбатан ўзлари сингари бола эканликларини англаб, камситмасликларини таъминлаган бўлар эди.

1.3. ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИНГ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Инклюзив таълим алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни меъёрида ривожланган болалар билан тенгҳуқуқлилик асосида таълим-тарбия олишларини таъминлайди. БМТ томонидан 1948 йилда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси»да «Таълим олиш ҳар бир инсоннинг асосий ва ажралмас ҳуқуқи» эканлиги алоҳида эътироф этилган.

«Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси» барча инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлар экан, бу декларациянинг барча бандлари махсус эҳтиёжли инсонларга ҳам тегишлилиги аниқланди. Ногирон шахсларнинг ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш ва кафолатлаш мақсадида БМТ 1975 йилда «Ногирон шахслар ҳуқуқлари тўғрисида»ги Декларацияни қабул қилди. Мазкур декларацияда таъкидланишича: «Ногиронлар шахсиятини ҳурмат қилиш ҳуқуқи уларда туғилиши билан мавжуд бўлади. Ногиронликнинг келиб чиқиши, табиати ва жиддийлик даражасидан қатъий назар, фуқаро ўз ёшидаги тенгдошлари билан бир хил ҳуқуқларга эгадирким, шу билан бирга улар мумкин қадар тўлақонли яхши ҳаёт кечириш ҳуқуқига ҳам эга» («Ногирон шахслар ҳуқуқлари тўғрисида»ги Декларация, 3-модда).

Худди шундай болалар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мақсадида БМТ 1989 йилда «Болалар ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияни қабул қилди. «Болалар ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция болалар ҳуқуқларини ҳамма жойда ҳимоялаш мақсадида ишлаб чиқилган инсон ҳуқуқлари борасидаги халқаро шартнома ҳисобланади. У қарийб бутун жаҳон мамлакатлари томонидан ратификация

қилинган. Конвенцияни ратификация қилган 191 мамлакат кўнгилли тарзда зиммаларига «Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция» қоидаларини маъмурий қонунчилик, суд ва бошқа чора-тадбирлар ёрдамида ҳаётга татбиқ этиш мажбуриятини олдилар.

«Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция» комплекс ва кўп қиррали характерда бўлиб, бу барча болалар учун инсон ҳуқуқларининг фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий сингари жабҳаларни таъмин этадиган ягона конвенциядир.

Бу Конвенция қатъий фаолият кўрсатади. Барча ҳукуматларни ҳамма болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этиш учун саъй-ҳаракатлар қабул этишга чақиради. Шунингдек, бу конвенция яхлитдир, чунки унда таъкидланишича, барча ҳуқуқлар муҳим, муштарак, бир-бирларига боғлиқ ва тенгдир. «Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция» барча болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Мазкур Конвенциянинг 2-моддасида «Болалар, уларнинг ота-оналари, боқувчиларининг ирқлари, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ва бошқа эътиқоди, миллий, этник ёки ижтимоий келиб чиқиши, моддий аҳволи, соғлиғи, қандай ҳолатда туғилганликлари ва бошқа ҳолатларидан қатъий назар камситишларга маҳкум этилмаслиги керак», деб қатъий белгилаб қўйилган.

Демак, бу Конвенциядаги барча ҳуқуқлар махсус ёрдамга муҳтож болалар учун ҳам тегишли бўлиб, уларга барча болалар қатори тенг муносабатда бўлиш кафолатланади. Шундай экан, «Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция» махсус эҳтиёжли болаларнинг таълим олиш ҳуқуқини ҳам кафолатлайди. Айнан 28-модда «Таълим – инсоннинг сиёсий ҳуқуқи» деб номланган бўлиб, унда иштирокчи-давлатлар барча болаларнинг илм олиш ҳуқуқини эътироф этадилар ҳамда ана шу ҳуқуқни тенг имкониятлар асосида амалга оширишга аста-секин эришиш мақсадида, бепул ва мажбурий бошланғич таълимни жорий этадилар, дейилган. Ушбу модда махсус эҳтиёжли болаларнинг ҳам таълим олишларини, улар учун ҳам таълимнинг мажбурий эканлигини кўрсатиб турибди. «Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция» махсус эҳтиёжли болаларнинг ҳам барча ҳуқуқларини кафолатлар экан, «Барча ҳуқуқлар – барча болаларга» тамойили эътироф этилиши маълум бўлди.

«Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция»нинг 23-бандида махсус эҳтиёжли болаларнинг таълим-тарбияси хусусида қисқа ва аниқ қилиб қуйидагича таъкидланган: «Ногирон боланинг махсус

эҳтиёжларини аниқлаб, унинг ижтимоий ҳаётга қўшилиши ва шахс сифатида ривожлана олишига етакловчи восита ҳисобланган таълим олишга ҳар томонлама ёрдам берилиши лозим». Бу қоидадан шу нарса аён бўладики, махсус эҳтиёжли болалар ҳам жамият ҳаётида тўлиқ иштирок этиши, маданиятга ҳамоҳанг бўлиб ўсиши, унинг бойликларидан, гўзаллигидан баҳра олиб, жамиятнинг ривожига ҳисса қўшишларининг аҳамияти жуда каттадир.

Мана шундай имкониятлардан фойдаланиш ва жорий этишда махсус таълим муассасаларининг таълим тизими ва мазмуни талабга жавоб бермайди. Шунинг учун ҳам инсонпарварлик нуқтаи назаридан жаҳондаги кўплаб мамлакатлар махсус-сегрегацион таълим тизимини инкор эта бошлади.

Бунинг натижасида эса 1990 йилда Таиландда ўта муҳим Умумжаҳон Конференцияси бўлиб ўтди. Бу конференцияда «Таълим ҳамма учун» Умумжаҳон Декларацияси қабул қилинди. «Таълим ҳамма учун» Умумжаҳон Декларациясини дунёнинг 155 та давлат ҳукуматлари ва 150 дан ортиқ нодавлат ташкилотлари қабул қилдилар. «Таълим ҳамма учун» Умумжаҳон Декларацияси ҳар бир боланинг тўлақонли ва мукаммал таълим олишини кафолатлайди.

Ушбу Декларацияда қуйидагича баёнот қабул қилинган: «Мактаблар болаларнинг имкониятига қараб эмас, иш сифати ва мактаб таълимига жавоб бериши билан характерланади. Улар қуйидагилардан иборат:

• ҳар бир боланинг ҳуқуқи оммавий мактабда таълим-тарбия олишни талаб этади;

• ўқитишнинг метод ва методикалари боланинг нуқсонига қараб танланади;

• мактабда тўлалигича коррекцион-педагогик ёрдам ташкил этилади;

• болалар тўғрисидаги қарор комплекс тарзда қабул қилинади;

• боланинг ҳар бир шахсий ҳуқуқи кафолатланади;

• мактабда интеграция тамойилига ўқув режанинг асоси сифатида қаралади;

• инклюзив мактабларнинг моддий таъминоти яхшиланади.

• «Таълим ҳаммаучун» Умумжаҳон Декларацияси мақсадларини амалга ошириш ва махсус ёрдамга муҳтож болаларнинг тўлақонли, мукаммал таълим олишларини таъминлаш мақсадида 1994 йилнинг 7–10 июнь кунларида Испания давлатининг ва UNESCO ёрдамида

Саламанка шаҳри (Испания)да иккинчи йирик Умумжаҳон Конференцияси бўлиб ўтди. Мазкур Конференция «Саламанка Декларацияси ва алоҳида ёрдамга муҳтож болалар таълимининг келгусида ижросини таъминлаш Рамкаси» деб аталиб, шу йили «Саламанка баёноти ва иш фаолияти Режаси» номи билан унинг иш мазмуни нашр этилди. Бу ҳужжатда ҳуқуқлар бўйича баёнотлар мазмунларини ёритувчи фикрлар баён этилган. «Саламанка баёноти ва иш фаолияти Режаси»нинг асосий етакчи тамойили шундан иборатки, мактаблар барча болаларни, уларнинг жисмоний, ақлий, ижтимоий, ҳиссий, тили ва бошқа хусусиятларидан қатъий назар ўқишга қабул қилишлари лозим. Мазкур ҳужжатда таъкидланишича:

«Ҳар бир бола таълим олиш ва ўзига мувофиқ даражада билимга эришиш ҳуқуқига эга:

Таълим тизими ва таълимий дастурлар турли хил хусусият ва эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда тузилиб, шу ишга йўналтирилсин. Махсус ёрдамга муҳтож болалар учун оддий мактабларга бориш имконияти яратилсин;

• Махсус ёрдамга муҳтож болалар билан ишлаш оддий мактабларнинг иш фаолияти доирасига кирар экан, бу жараён қуйидаги мақсадларга эришишнинг энг самарали воситаси бўла олади:

• Ажратиб қўйиш иллатига қарши курашилсин;

• Дўстона. инсонпарвар жамоаларни яратиш, ўз таркибига махсус эҳтиёжлари бўлган шахсларни олган жамиятни қуриш;

• Барча болаларнинг таълим олишига эришиш» (Саламанка баёноти, 2-банд);

«Саламанка Баёноти ва Иш фаолияти режаси»да «Таълим ҳамма учун» шиори илгари сурилди. «Таълим ҳамма учун» шиори деганда ногирон бўлган ёки жамият ичида ажратиб қўйилган гуруҳлардан келиб чиққан болаларнинг ҳам тенгҳуқуқлилик асосида таълим олишлари тушунилади.

Ушбу ҳаракат режасининг асосланадиган муҳим тамойили қуйидагилардан иборат:

«Мактаблар жисмоний, ақлий, ижтимоий, эмоционал, тилидаги ёки бошқа нуқсонларидан қатъий назар ҳамма болаларни қабул қилиши керак. Уларга руҳий ва жисмоний нуқсони бор болалар,

бошпанасиз болалар, кўчманчи халқларга тегишли бўлган болалар, этник ёки маданий камчиликни ташкил этган оилаларнинг болалари киради» (Ҳаракат Режасига кириш. 3-банд).

«Саламанка Баёноти ва Иш фаолияти Режаси»да махсус эҳтиёжли болаларга умумтаълим тизими шароитида инклюзив таълим бериш лозимлиги алоҳида таъкидланиб, ҳар бир боланинг бошқаларникига ўхшамаган ўз эҳтиёжлари мавжудлиги, шунингдек, ҳар бир бола яшаш жойига яқин бўлган мактабга бориш ҳуқуқига эгалиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

– Бундай мактабларнинг асосий мақсади барча болаларга самарали таълим беришгина қолмай, махсус эҳтиёжли болаларга нисбатан инклюзив ва илиқ муносабатли жамият яратиб, дискриминацион ўзгаришларга барҳам беришдир.

«Саламанка Баёноти ва Иш фаолият Режаси»нинг ишлаб чиқилиши жаҳон миқёсида «Таълим ҳамма учун» мазмунидаги таълим сиёсати илгари сурилиб, махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим тизими шароитида ўқитишнинг йўллари белгилаб берилди. Аммо бу таълим тизимининг мазмун-моҳиятини янада аниқроқ ва мустаҳкамроқ ҳуқуқий жиҳатдан асослаш, қатъий белгилаб бериш лозим эди. Шунинг учун ҳам 2000 йилнинг 26–28 апрель кунлари Дакарда таълим тўғрисида халқаро Форум қатнашчилари томонидан «Дакар ҳаракат дастури»ни қабул қилганликлари таҳлил этилди. Улар 10 йил олдин қабул қилинган «Таълим ҳамма учун» Халқаро Декларация (Джомтьен-Таиланд,1990)ни қайта тасдиқлаб, ратификация қилдилар.

«Дакар ҳаракат дастури» «2000 йилга қадар жаҳон миқёсида таълим ҳамма учун амалий фаолиятининг даражасини баҳолаш» мақсадига асосланади. Бу баҳолашда ҳар бир давлатга ўзининг таълимини барча болалар учун таъминланганлик даражасини таҳлил қилиб чиқиш вазифаси топширилди. Таҳлил асосида ҳар бир давлат 6 та ҳудудий Конференцияларни ўтказиш давомида 1990–2000 йилларда эришган ютуқларини Джомтьенга етказиб туриши лозим, деб белгиланди.

«Дакар ҳаракат дастури»га кирган барча давлатлар 2002 йилга қадар «Таълим ҳамма учун» режасини мукаммал тузиб, 2015 йилга

қадар бу таълим тизимини амалиётга тўлиқ жорий этишлари лозим, деб топилди. Ушбу ҳаракат режаси таркибига кирувчи давлатларнинг барчаси «Ҳар бир инсонга ва ҳар бир жамиятга» шиори остида барча инсонлар ва болалар таълимини тўлақонли таъминлаш мажбуриятини оладилар. Бу ҳаракат дастурида «Таълим хавфсиз, сифатли, боланинг соғлиғини ҳимоя қилиб, мустаҳкамлайдиган. ҳамма учун бирдек, инклюзив тарзда ва барча зарурий ресурслар билан таъминланган бўлиши лозим. Ўқитувчилар савияси ва ўқув режалар «Таълим ҳамма учун» мақсадларига жавоб бериши керак», деб белгиланган. Учинчи минг йиллик арафасида ўтказилган мазкур Дакар Умумжаҳон Конференциясида халқаро ва миллий меъёрий ҳужжатларда эътироф этилган таълим олишдаги тенглик амалга татбиқ этилаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Бу Декларацияда қуйидагича баёнот қабул қилинди:

«Ҳар бир инсон: бола, ўсмир ва катталарнинг ҳар бири таълим олишлари шарт ва бу таълим унинг асосий ўқув имкониятларига эга бўлиши лозим».

Нуқсонли болаларнинг ўқув имкониятлари асосий ўринда туради. Барча нуқсонли болаларнинг нуқсонларини эрта аниқлаб таълимга жалб қилиш имкониятини топмоқ керак. Шундай қилиб, юқорида келтирилган барча ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, халқаро Форум, Конференциялар асосида махсус эҳтиёжли болалар жамиятнинг тўлақонли ва тенгҳуқуқли аъзоси эканлиги эътироф этилиб, улар таълимида алоҳида янгича ёндашув майдонга келди. Ушбу таълим шакллари инклюзив ва интеграцион таълим деб аталди.

«Ногирон шахслар ҳуқуқлари тўгрисидаги Декларация»нинг мазмунидан шу нарсани англаш мумкинки, ногирон фуқаролар учун жамият ҳаётида тўлиқ иштирок этиш кафолатланади. Аммо мазкур Декларацияда ногирон болалар, уларнинг таълим олиш имкониятлари ва барча давлатлар томонидан имконияти чекланган болаларнинг ҳуқуқлари батафсил ёритилганлиги аниқланди. Бу хусусда Р. А. Сулейменова: «Агарда ногирон болаларнинг ўз жамоалари ва бутун жамият ижтимоий ҳаётига жалб қилиш рад этилса, уларнинг имкониятлари кескин камаяди», – деб таъкидлайди. Таълимнинг узлуксизлиги, янги глобал иқтисодиётнинг калитидир.

Таълим ривожланиш, ижтимоий тараққиёт ва инсон озодлиги учун буюк аҳамиятга эга.

Жуда кўплаб давлатларда махсус ёрдамга муҳтож болаларни камол топтиришда компенсатор имкониятларни ривожлантириш ҳамда ижтимоий мослаштиришни тўлалигича йўлга қўйиш мақсадида умумтаълим мактабларида таълим бериш давлат сиёсати режасига киритилган. «Таълим тизими, – деб ёзади Л. С. Виготский, – нуқсонли болани тарбиялашнинг асосий вазифаси боладаги нуқсонларни компенсация қилиш ва унинг ҳаётга интеграциясини таъминлашдан иборатдир. Бунинг учун шундай таълим тизимини яратиш керакки, махсус ёрдамга муҳтож бола ўқиш жараёнида ҳар томонлама ривожлансин. Л. С. Виготский умумий ва махсус таълимни уйғунлаштирадиган таълим тизимини ташкил этиш махсус ёрдамга муҳтож болаларни умумтаълим тизимида ўқитишни эътироф этади.

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ					
Халқаро миқёсида					
Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси (1948 йил)	«Ногирон ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларация (1975 йил)	«Болалар ҳуқуқлари тўғрисида» ги Конвенция (1989 йил)	«Таълим ҳамма учун» Умумжаҳон Декларацияси (1990 йил)	Саламанка Баёноти (1994 йил)	«Таълим ҳамма учун» Дакар Декларацияси (2000 йил)

1.4. ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМГА КИРИТИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Таълим тизимини жорий этиш маълум қонун-қоидаларга, тамойилларга асосланишни талаб этади. Инклюзив таълим тизимини жорий қилишда эса қуйидаги тамойилларга асосланилади:

1. Инклюзив таълимнинг эътироф этилиши;
2. Инклюзив таълимнинг барча учун очиқ бўлиши;
3. Боғланишнинг мавжуд бўлиши;

4. Марказлаштирилмаган бўлиши;
5. Инклюзив таълимда комплекс ёндашиш;
6. Инклюзив таълимда мослашувчанлик;
7. Малакавийлик;

1. Инклюзив таълимнинг эътироф этилиши тамойили

1990 йилдан буён махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим муассасалари тизимида ўқитиш борасида жаҳон миқёсида кўплаб декларациялар ва қарорлар қабул қилинди. Уларни жаҳоннинг кўплаб давлатлари эътироф этдилар. Аммо бугунги кунга қадар уларни ҳаётга жорий қилиш борасида кўплаб муаммолар мавжуд. Баъзи давлатларда эса умумий таълим борасида қонун ёки қарорлар қабул қилинганда ногирон болаларнинг таълим масаласи четда қолмоқда. Инклюзив таълимни тан олиш фақатгина қонун чиқаришдан иборат эмас. Инклюзив таълимни эътироф этган ҳолда, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш энг биринчи галдаги масаладир.

2. Инклюзив таълимнинг барча учун очиқ бўлиши тамойили

Ўтган йигирма йил давомида махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим муассасалари тизимида ўқитиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Аммо инклюзив таълими тизимини жорий қилиш асосан шаҳарлар миқёсида бўлиб, қишлоқлардаги ҳудудларда ҳамон махсус эҳтиёжли болалар таълимдан четда қолиб кетмоқда ёки ота-оналар ногирон фарзандини шаҳардаги махсус муассасаларга қатнашларини таъминлашда қийинчиликларга дуч келмоқдалар.

3. Боғланишнинг мавжуд бўлиши тамойили

Боғланиш сўзининг заминида оммавий биноларнинг сифати, айниқса ногирон болалар учун мактабларга киришнинг осон бўлиши каби омиллар ётади. Бола мактаб биносига (зинапоялар аравачада юришга мослаштирилмаганлиги сабабли) кира олмаслиги ёки мактаб ҳожатхонаси аравачада ҳаракатланувчиларга мослаштирилмаганлиги учун оддий мактабдан чиқариб ташланмаслиги керак. Бу каби қулайликларни яратиш унчалик катта

маблағ талаб қилмайди. Янги мактаб биноси ногирон болаларнинг эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда қурилиши керак. Албатта ногирон болалар учун қулайликлар меъёрида ривожланишдаги болалар учун ҳеч бир муаммо келтириб чиқармайди. Боғланишларни яратиш инклюзив таълимнинг асосий муаммоларини ҳал этишга хизмат қилади.

4. Марказлаштирилмаган бўлиши тамойили

Бу тамойилнинг мазмуни қуйидаги иккита аспект ёрдамида ифодаланади:

А) Инклюзив таълим хизматлари умумий таълим тизимининг интеграция қилинган қисми бўлиши керак.

Б) Инклюзив таълим тизимидги вазифалар маҳаллий таълим органларига жавобгарлик ҳамда бошқарувни юклаш учун марказлашмаган ҳолда олиб борилиши керак ва имкониятлар маҳаллий шароитларга мослаштирилиши лозим.

Оптимал интеграцияга эришиш учун марказлаштирилмаган бўлиши муҳимдир. Бу айниқса қишлоқ шароитларида айни муддао бўлади. Инклюзив таълимнинг вазифалари ногирон болаларга ўз ота-оналари балан бирга бўлиш, уларга тенгдошлари каби ўзларига яқин бўлган мактабларда таълим олиш имконини беради. Бу уларнинг шахсий сифатларининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Ногирон боланинг нормал ривожланишига халақит бериш ногиронликдан ҳам оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

5. Инклюзив таълимга комплекс ёндашиш тамойили

Ногирон болаларга ногирон деб фақатгина нуқсон жиҳатидан эмас, балки ҳар томонлама ёндашиш лозим. Бу махсус эҳтиёжли болалар учун таълим масаласини режалаштираётганда унинг бутун ҳаёти давомида юзага келиши мумкин бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда тузишни талаб этади. Бундан ташқари инклюзив таълимда ногирон боладаги мавжуд нуқсонларни бартараф этиш, коррекциялаш, компенсация қилиш билан бир қаторда билим, кўникмаларга эга қилиш, касб-ҳунарга ўргатиш ишларини параллел равишда олиб бориш талаб этилади. Бу тамойилнинг моҳиятида махсус эҳтиёжли болаларга илк ёш даврида эрта ёндашиш ҳам ётади.

Махсус эҳтиёжли болалар таълими бошланғич ва ўрта махсус таълимни олишлари билан якунланмаслиги керак. Ногирон болаларнинг касб-ҳунар таълими ва олий таълими ҳам амалга оширилиши талаб этилади. Чунки инклюзив таълим тизимининг вазифаларидан бири махсус эҳтиёжли болаларни ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг барча ҳуқуқларини таъминлашдан иборатдир.

6. Инклюзив таълимда мослашувчанлик тамойили

Бу тамойилнинг мазмуни шундаки, ўқув режа, дастур ва дарсликлар махсус эҳтиёжли болаларнинг имкониятларига мослашувчан бўлиши керак. Боланинг махсус таълимга бўлган эҳтиёжлари ҳар қандай интеграция фаолиятининг асосини ташкил этиши керак. Шахс эҳтиёжларининг даражалари ва турлари ҳар хил бўлганлиги туфайли бундай фаолиятлар мослашувчан, ўзгарувчан бўлиши талаб этилади.

7. Малакавийлик тамойили

Махсус эҳтиёжли болалар инклюзив тарзда ўқитилаётган синфларда юқори малакали ўқитувчиларнинг дарс бериши талаб этилади. Бундан ташқари инклюзив синф ўқитувчиси дефектология соҳаси бўйича ҳам малака оширган бўлиши керак.

Инклюзив таълим жорий қилинган мактабларда (муассасаларда) таълим жараёнини ташкил этиш тамойиллари:

- махсус таълим тамойиллари;
- коррекцион йўналтирилганлиги;
- нуқсонни аниқлаш, таълим беришда комплекс (клиник-генетик, нейрофизиологик, психолого-педагогик) ёндашиш;
- нуқсонли функцияни эрта аниқлаб. тиббий-психологик жиҳатдан коррекциялаш;
- умумий ўрта маълумот бериш, касбга йўналтириш ва ижтимоий ҳаётга тайёрлаш;
- дифференциал-табақалаштириш ва алоҳида ёндашиш;
- таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш;

II БОБ

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ СИЁСАТИНИНГ ЖАҲОН МИҚЁСИДА НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНИШИ

2.1 ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИНГ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНИШИ

Маълумки, умумжаҳон статистика маълумотларига кўра, Ер юзи аҳолисининг 9–11фоизини ривожланишдан орқада қолган ва уларнинг руҳий-жисмоний ҳолати билан боғлиқ махсус таълимга эҳтиёжи бўлган кишилар ташкил этади. UNICEF Халқаро болалар жамғармаси Ўзбекистон Республикасидаги ваколотхонасининг собиқ бошлиғи Реза Хоссайни Инночентининг маълумотига кўра, Марказий-Шарқий Европа мамлакатлари, Болтиқбўйи давлатлари ва минтақанинг 27 давлатида ногирон деб тан олинган болалар сони 1990 йилда 500 мингта бўлса, 2000 йилга келиб уларнинг сони 1,5 миллионга кўтарилди, ногирон болалар сони 3 баробарга ўсган. Ўзбекистонда эса 1996 йилда қайд қилинган ва назорат остидаги ногирон болалар сони 70 мингтани ташкил қилган бўлса, 2005 йилга келиб 125 мингтага етди. Бу ўсиш, биринчи навбатда, болалар ногиронлиги масаласининг долзарблиги ва кўмак излаётган оналарнинг сони ортиб бораётгани билан боғлиқ[10].

БМТ собиқ бош котиби Кофи Аннан ўз маърузасида қуйидаги ҳаётий мисолларни келтирди. «Мактабда деярли ўқимаган, на иши, на бехатар бошпанаси бўлмаган махсус ёрдамга муҳтож болани тасаввур қилинг. . .

Оналари дори солинган шишага ёпиштирилган ёрлиқни ўқий олмагани учун жон таслим қилаётган болани ёки юридик ҳужжатни ўқий олмагани учун мерос қолган ердан маҳрум бўлган кишини кўз олдингизга келтиринг. Таълим ҳар доим ҳам қарамлик, васваса ва қашшоқликдан халос бўлиш учун калит ҳисобланган. Таълим қамбағалликка қарши курашадиган самарали қурол. У кўплаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолади ва рақобатбардошлигини оширади, ижтимоий ва сиёсий тараққиётини рағбатлантиради.

Таълимнинг узлуксизлиги эса янги глобал иқтисодиётнинг

[10] Хамкорлик чегара билмас. «Бола ва замон» журнали Т. №1 2006 (2) 10–\11 бет.

калитидир. Ривожланиш ижтимоий тараққиёт ва инсон озодлиги учун у туб аҳамиятга эга. Аммо бугунги кунда дунё бўйича 113 миллиондан ортиқ бола таълимдан бебаҳра қолмоқда. Мана бу боланинг фикрига эътибор беринг: «Менинг отим Америго. Ёшим 13 да. Кўчада ёлғиз яшайман. Қачонлардир отам ташлаб кетган. Онам мен билан яшашни хоҳламайди. Отам жуда узоқда яшайди. Мен унинг ёнига боришим мумкин, лекин у ҳам мен билан яшашни истамайди. Хуллас, менинг уйим – кўча. Илгарилари эски-туски нарсаларни йигиб сотардим. Қандайдир касалликка чалинганимдан сўнг кўзим хиралашиб, қулоғимнинг эшитиши ҳам ёмонлашди. Бир оз вақт музқаймоқчи билан ишладим. Мен пляжда музқаймоқ сотар эдим, Аммо бу жуда машаққатли иш. Музқаймоқ тўла оғир яшикни кўтариб юришга тўғри келарди. Қулоғимнинг эшитмаслиги эса мени янада қийин аҳволга сола бошлади.

Ҳозир пойабзалларни тозалаяпман. Бироқ ҳеч қачон қорин тўймайди, кейинги кеча қаерда тунашни билмайман. Мен ҳам ўз уйимда яшашни, мактабга боришни жуда-жуда истар эдим. Қиш кечалари жуда совуқ бўлади. Совуқдан кўчада ўлиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас». Америгонинг аҳволи ягона воқеа эмас. Бутун дунё бўйича минглаб болалар кўчада яшайдилар. Хавфли жойларда ишлайдилар. Уларни (айниқса нуқсонли бўлса) ҳар доим камситадилар, кўпинча бу болаларнинг оддийгина ҳуқуқлари ҳам йўқ» («Минг йиллик маърузаси», 2000 йил).

Чет эл ва Россия Федерациясининг тажрибасини ўрганиш жараёнида Россияда ижтимоий муаммолари бўлган болалар бўйича қуйидаги кўрсаткичлар маълум бўлди:

Биринчи ўринда асаб тизими ва ҳис қилиш органи (21,7 фоиз), шуларнинг орасида энг кўп учрайдиган церебрал фалажланган (ДЦП), иккинчи ўринда руҳий ривожланиши бузилган (18, 6 фоиз) ва ақли заиф (71,0 фоиз), туғма аномал (18,5 фоиз) 3 турдаги касалликлар тизими сабаблари болалар ногиронлиги асосининг қарийб 70 фоизини белгилаб беради.

Халқаро ташкилотлардан бири UNICEF, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази томонидан 2005 йил 2 декабрда Бутунжаҳон ногиронлар кунига бағишлаб ўтказилган тадбирнинг ҳам асл мақсади ногиронларни ҳар қандай дискриминациядан озод қилиш, ногиронлар барча қатори ўз қобилият ва имкониятларини кўрсата билиши, билим, малакага эга эканлиги тўғрисидаги масалага фуқаролар эътиборини қаратишдан иборат эди.

МДҲ, Марказий-Шарқий Европа (МШЕ) давлатларида 2000 йилнинг бошларида махсус ташкил топган муассасалар, мактаб-интернатларда 317000 нафар имконияти чекланган болалар яшаб келган. Улар ўз ота-оналаридан ва қариндошларидан узоққа, махсус мактаб ва мактаб-интернатларга жўнатилган.

Шуни айтиш жоизки, бу болалар ота-оналарининг қўллаб-қувватлаши асосида ривожланган таълим тизимида яшаши мумкин эди. Барча минтақалардаги ҳолатни кўриб чиқиш жараёнида болалар ота-оналари олдида яшаб, барча соғлом тенгдошлари қатори бир хил мактабларда ўқишни хоҳлашларини таъкидлашди. Ўзбекистондаги UNICEF ташкилотининг собиқ бош вакили Реза Хоссайнининг таъкидлашича, «Кўп вазиятларда, яъни онанинг ҳомиладорлик вақти, боланинг туғилиши ва тугилишидан кейинги вақтларда уларни парвариш қилишга қулай бўлган тизим йўлга қўйилса, ногиронликнинг олдини олиш мумкин. Ногирон болага илк ёшидан ташхис қўйилса, керакли бўлган парваришни таъминлишни кўп муддатли таъсир кўрсатишни биз ҳам камайтирган бўлар эдик».

Ота-оналар ўзларини ижтимоий-иқтисодий ёрдамга муҳтожлигини ҳис қилишади, кўп мамлакатларда ҳозирги кунда имконияти чекланган болалар муаммоси ва ҳаётини ҳал қилувчи норматив ҳужжат, қонунлар мавжуд. Масалан, МДҲ давлатларидан бири Ўзбекистонда ҳам ва «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (1991) ва ногиронларни ижтимоий реабилитацияси бўйича давлат дастури мавжуд бўлиб, 2008 йилда эса «Бола ҳуқуқларини кафолатлари тўғрисидаги давлат қонунида имконияти челанган болаларни умум таълим муассаларида оиласидан ажралмаган ҳолда таълим олиши кафолатланган.

Юнисеф вакилининг ногирон болаларни таълим олиш учун қилган мурожаатини келтирмоқчимиз. «Биз мактабларда ўқишни хоҳлаймиз. Бизларга ҳамма қатори бир хил муносабатда бўлишларини истаймиз. Бизларнинг орзу-умидларимизни амалга оширадиган имкониятларни бизга беришингизни сўраймиз». Азиза, 18 ёш. Ташхиси: ДЦП. Ўзбекистон.

«Менга уйда бўлишим яхшироқ бўлар эди, чунки оилада мен учун қайғуришади ва қўллаб-қувватлашади». Миша, 13 ёш. Болгария, интернатда яшайди.

«Мен кўпроқ меҳр-муҳаббатга муҳтожман, ўз яқинларим билан кўпроқ мулоқотда бўлишни истайман. Интернатда яшайман, шу боис ота-онамни кам кўраман». Ева, 12 ёш. Латвия, интернатда яшайди.

«Оналарга ғамхўрлик қилинг, шунда болалар бахтли бўладилар». Имконияти чекланган боланинг онаси Вера, Россия.

«Сен одамлар билан мулоқот қила олмай қолсанг. ўртоқларинг сени унутади». Ралица, имконияти чекланган боланинг онаси, Болғария.

«Мен ўзимни касал деб ҳисобламайман. Аксинча, мен ёшман, ҳаёт нақадар гўзал». Валя, 17 ёш, уйда яшайди, Болгария.

«Сиз тушунасизми, нима учун улар (таянч-ҳаракат аъзолари фалажланган ногиронлар) уйларида ўтиришади. Тўғри! Чунки ҳеч қаерда йўлаклар, иншоотларнинг йўллари ногиронлар аравачаси учун мослаштирилмаган». Люда, 17 ёш, интернатда яшайди. Россия[11].

Бир қатор чет мамалакатларнинг тажрибасини ўрганиш жараёнида бизга шу нарса маълум бўлдики. тахминан 1970 йиллардан бошлаб ногиронларнинг таълим имкониятларини кенгайтириш мақсадида норматив актлар пакети ишлаб чиқилди ва ҳаётга жорий қилиб келинмоқда. Шундай қонунларни ва бошқа шунга ўхшаш ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этиш, соғлом болалар билан ногирон болаларни ҳуқуқ жиҳатидан баробар кўришнинг комплекс чора-тадбирларида ифодаланмоқда. Бу имтиёзлар тартиби соглом болалар билан ногирон болаларнинг жамиятда бир хил имкониятларга эга бўлишларига ёрдам беради.

Сиёсатчилар, социологлар ва ижтимоий ташкилотлар ижтимоий жиҳатдан ёрдамга муҳтож гуруҳларга ўрта ва олий ўқув юртларида сифатли таълим олишларига кенг йўл очиб беришга оид масалаларни ҳал этмоқдалар. Ана шунга мувофиқ олий таълим талабалари таркибига таъсир қилиш тизимини шакллантириш, ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламлардан чиқаётган ўқувчиларни киришларига тайёргарлик чора-тадбирларини кўриш, ногирон болалар, кам таъминланган ва қишлоқ аҳолиси вакиллари болаларига таълим жараёнида юқори даражали қулай шароитларни яратиш ҳақидаги масалалар кўриб чиқилди.

АҚШ ва Европа таълими тарихи давомида бир қанча ривожланиш йўналишлари ишлаб чиқилди:

– мактаб десегрегацияси;

– таълимга кириш имкониятларини кенгайтириш;

– мейнцрилинг;

[11] Республика ижтимоий мослашув маркази ва халқаро болалар фонди «Юнисеф» ташкилотининг ҳамкорлик тадбиридаги маърузасининг ҳисоботи. 12 декабрь 2005 йил.

– интеграция;

– инклюзив таълим.

– **Мейнцрилинг** – бу шундай стратегияки, унда ногирон болалар ўз тенгдошлари билан байрамларда, турли хил дарсдан ташқари вақтларда мулоқот қиладилар, айрим болалар оммавий мактабларнинг синфларига таълим олиш мақсадида эмас, балки ўз тенгдошлари билан ижтимоий муносабатларга киришиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида киритилади.

Интеграция – бу руҳий ва жисмоний нуқсонга эга бўлган болалар эҳтиёжларига кўра таълим жараёнини амалга ошириш; улар ногирон болалар учун мослаштирилмаган мактабларга борадилар, лекин мактабга бориш мажбурий эмас, бу уларнинг хоҳиш-истакларидан келиб чиқади.

Инклюзив таълим бу янги атама, яъни мактабларда тубдан ислоҳотлар ўтказиш ва ўқувчиларнинг эҳтиёжларини қондирадиган ўқув биноларини қайта режалаштириш демакдир.

Юқоридаги ёндашувлар бир қанча назарий йўналишларга асосланади:

– ижтимоий оддийлик назарияси;

– инсон ҳуқуқлари, инсоннинг ривожланишига нисбатан ижтимоий тузум назарияси;

– структурализм;

– ижтимоий танқид.

– Агар ногирон ўқувчиларнинг таълим тизими назарияси ҳақида гапирадиган бўлсак, у ҳолда У. Бронфенбреннернинг ишларини ёдга олиш лозим. Бу олимнинг фикрича, инсон ривожланиш жараёнида, яъни улғаётган, ўсаётган индивид атроф-оламни кенг, дифференциялашган ва адекват ҳолда англай бошлайди. Бундай бўлишининг сабаби вақт ўтиши билан болалар ўзларининг ижтимоий-иқтисодий муҳитларини ўзгартириб, ҳаракат ва мулоқотга катта қизиқиш билан қарайдилар. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг хулқ-атворларини назорат қилиш эмас, балки уларда ўз-ўзини бошқариш малакаларини ривожлантириш керак. Яна бир шунга ўхшаш концепция Брим концепциясидир. У 1975 йилда юқоридаги фикрни давом эттирди, яъни унинг таъкидлашича, ҳар бир инсоннинг ўз таълим дастури, қонун-қоидалари бор. Шунинг учун ҳам бирор бир гуруҳнинг фаолиятида, уларнинг қонун-қоидаларини ўрганмай туриб, иштирок эта олмаймиз. Шунинг-

дек, ўқувчилар (бу яхшими, ёмонми) мактаб қонун-қоидаларини ўзлаштириб олишлари, ўқитувчилар эса уларга ўқув муассасининг ижтимоий ва ташкилий тизимини мукаммал ўргатишлари керак.

Тарбиячи ва ўқитувчилар интернат муҳитини «уй муҳитига» айлантиришга қанчалик ҳаракат қилишмасин, улар бари бир уй ва оилаларнинг ўрнини боса олмайдилар. Бу ўқувчиларни мактабдан кейинги мустақил ҳаётида ижтимоий муҳитга ўрганиш жараёнига киришишларига кенг имконият бермайди. Шунинг учун ҳам махсус мактаб ногирон ўқувчилар учун муаммо ҳисобланади. Махсус таълим шароитида биз ўқувчиларни мактабга мослаштириш, мактаб қонун-қоидаларига бўйсунишга ўргатиш муаммолари билан тўқнашамиз. Шунинг учун ҳам ўқувчиларда ўз-ўзини бошқариш ва мустақил хулосалар чиқариш малакаларини шакллантириш лозим. Бундай малакалар уларга жамиятда, катта ҳаётга қадам қўйганларида керак бўлади.

АҚШда 1875 йилдан 1914 йилгача мажбурий мактаб таълими жорий қилинган эди. Шунга мувофиқ равишда ақли заиф ҳисобланган ва тарбияси оғир, эшитишда муаммоси бор, жисмоний ногиронлар учун махсус синфлар ташкил қилинган эди. Бу вақтда Миллий таълим ассоциацияси махсус таълим Департаментини ташкил қилди. Ақлий қобилиятни текширишга мўлжалланган тестлар, психологик назариялар ривожланди, ишчи кучи кўпая бошлади. Бу омиллар мактаб тизимига таъсир қила бошлади, яъни ўқувчилар орасидаги индивидуал фарқларни аниқлаш ва уларни ўлчаш тамойиллари пайдо бўлди.

XX асрнинг 60–70 йилларида ногирон ўқувчиларнинг омадсизлигида мактабни айбдор ҳисоблаб, мактабларга қарши норози овозлар кучайди. **Джейн Мерсер**нинг 1971 йил тадқиқотларида таъкидланишича, ҳар бир ижтимоий тизим инсонга янги тушунчаларни беради, шунинг учун ногиронлик ижтимоий келишувларнинг маҳсули ҳисобланади.

1962 йилда **Рейнхолдс ва И. Денонинг** таклифлари асосида «сервислар каскади» деган тушунча жорий қилинди. Бу шундай моделки, унинг асосида касалхонада ёки уй шароитида, махсус мактабёкимахсуссинфлардабилимолаётганногиронўқувчиларнинг, шунингдек умумтаълим мактаблардаги ўқувчиларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда турли қўшимча хизматлар кўрсатилиши кўзда тутилади.

1977 йилдаги «Ҳамма ногирон болалар учун таълим тизими ҳақида»ги Қонунда қўшимча хизматлар тури кўрсатилган бўлиб, бу хизматлар ўқувчиларни махсус таълим олишларига ёрдам беради. Бундай хизматларга қуйидагилар киритилган: транспорт, логопед, аудология, психология, физиотерапия, тиббий хизмат, мактаб шифокори ёки ҳамшираси, ижтимоий ходим, психологларнинг маслаҳат бериши киритилди .

1990 йилларда АҚШда барча ногирон болалар учун таълим ҳақидаги қонун ишлаб чиқилди. Унинг тамойиллари билан индивидуаллаштирилган таълим, шу билан бирга ногиронлар таълими ҳақидаги қонун ҳам ишлаб чиқилди.

М. Рейнхолдс 1989 йил махсус таълим муҳитини, яъни ногирон болаларни оммавий мактабларда таълим шароитларининг яхшиланиши махсус синф ва мактабларга юборилаётган болалар сонининг камайишига олиб келади, деб ҳисоблайди Ҳозирда Америкада мактабларни шундай фаолият олиб боришига жамиятнинг қизиқиши ортиб бормоқда, чунки бундай мактабларга барча ўқувчиларни жалб қилиш имкони ортади, деган фикрни билдирди.

Шу тариқа инклюзия – бу таълим олишни ташкил қилишнинг шундай асосики, бунда ҳамма ўқувчилар тенгдошлари билан биргаликда ўзларининг яшаш жойларига тааллуқли бўлган мактабларда таълим оладилар. Инклюзия тушунчаси замонавий таълим сиёсатига **Мадлен Уилл** хонимнинг таълим сиёсатидаги ишлари асосида киритилган. Уиллнинг таъкидлашича, педагоглар кўпчилик ногирон ўқувчилар учун «пулл-оут» хизмати самарасиз эканлигини таъкидлашмоқда. «Пулл-оут» бу шундай хизматки, синфда дарс олиб бўлгач, ўқувчиларни дарсдан чиқиб кетишларини талаб этади. Гап шундаки, кўпинча махсус синфларга турли гуруҳлардаги ўқувчилар: педагогик қаровсиз бўлган, ногирон, ақли заиф, хулқида қийинчилиги бўлган, диққати тарқоқ ва гиперактив ўқувчилар юборилар эди. Бундан ташқари тадқиқотчилар махсус муассасаларга келган болалар ҳеч қачон оммавий мактабларга қайтиб келмаслигидан ташвишланар эдилар.

Инклюзив таълимнинг асослари шундан иборатки, ногирон ўқувчиларни турли эҳтиёжларини қондириши керак. Шунга кўра бундай мактабларнинг олдига қўйган асосий мақсади барча ўқувчиларга тўлақонли ижтимоий ҳаётида, жамоа ишларида

ва маҳаллий жамиятда фаол иштирок этишида шу жамиятнинг бир аъзоси сифатида бир-бирига ёрдам беришга қаратилган. Бу тушунча интеграция ва менцинглингни таққослаш бўйича кейинги қадамларини белгилаб беради. Инклюзив мактаблар ва синфларда болаларнинг турар жойлари бўйича ўқитилади. Бу тамойиллар шуни билдирадики:

1) ҳамма болалар ўз турар жойларидаги мактабларнинг таълим ва ижтимоий ҳаётига киритилишлари керак;

2) инклюзия – бу ўқувчини бошидан таълимга киритиш;

3) инклюзив мактабнинг вазифаси шундан иборатки, ҳар бир боланинг эҳтиёжини қондириш тизимини яратишдан иборат;

4) инклюзив мактабларда нафақат ногирон болаларнинг, балки бошқа болаларнинг ҳам ҳаётда ўз ўринларини топишларига, ўзларида ишонч ҳиссини уйғотишларига, ҳаётда муваффақиятларга эришишларига ёрдам берилади.

Инклюзив мактабнинг мақсади ҳамма ўқувчиларга ижтимоий ҳаётда, жамоада ва жамиятда фаол иштирок этишга имкон яратиб бериш ва жамиятнинг бир аъзоси сифатида бир-бирларига ёрдам бериш, шу билан бирга тўлақонли алоқаларни таъминлашдан иборат. (Фергусон, Меер, Жеанчилд эт ал. 1992). Бу шундай бебаҳо қатъий талабки, бунда ҳамма мактаб ва жамият аъзолари бир-бири билан боғлиқ бўлади. Ўқувчилар нафақат бир-бирлари билан таълим жараёнида ўзаро алоқада бўладилар, балки аудиторияларда зарур қарор қабул қилинадиган жараёнларда ҳам бир-бирларини қўллаб-қувватлайдилар. (Сфлисбурй, Паломбаро, Холливуд, 1993).

Инклюзив мактабларда ишлаётган ходимлар, педагоглар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

– уларга бириктирилган ҳамма ўқувчиларни ўқитиш;

– таълим беришга оид масалаларни ҳал этиш ва уларнинг мониторингини тузиш;

– ўзига хос бўлган таълим дастурига мувофиқ ўқитишни таъминлаш;

– кутилаётган натижа болалар эришаётган ютуқлардан фарқ қилса, дастур қисмларини мослаштириш;

– турли хил аудиторияларда ишлашни билиш;

– ўқувчиларни таълим жараёнида қўллаб-қувватлаш.

– Тадқиқотчиларнинг қайд этишича, инклюзив ўқитувчиларга айланган педагоглар «трансформация тажрибаси»ни бошларидан кечирганлар. Бу тадрижий трансформацияга:

1) ўз тенгдошларидан фарқ қилувчи ўқувчилар билан ўзаро алоқа қилишни:

2) ўқувчиларга таълим бериш керак бўладиган малакаларни эгаллашни;

3) тенгдошларидан фарқ қилувчи ўқувчиларга нисбатан ўз муносабатларини ўзгартирмоқчи бўлган ўқитувчилар жалб қилинади.

Инклюзив таълим тизимида ишлаб тажриба орттираётган ўқитувчилар ўқувчиларни қабул қилишнинг қуйидаги усулларини ишлаб чиқдилар:

1) ногирон ўқувчиларни синфдаги бошқа ўқувчилар сингари қабул қилиш;

2) уларни таълимга жалб қилиш, фақат имкониятларига мос вазифа бериш;

3) ўқувчиларни биргалашиб таълим олишга ва барча вазифаларни гуруҳ бўлиб ҳал этишга жалб қилиш;

4) манипуляция, ўйин, лойиҳа, лаборатория, дала тадқиқотларидан кенг ва фаол фойдаланиш.

Инклюзив таълим жамиятда ўқитувчининг ролини ўзгартирмоқда. **Липски ва Гартнер** фикрича, ўқитувчи ўқувчининг фаол ишлашига таъсир кўрсатади. Улар ўқувчилар билан турли хил фаолиятда иштирок этиб, уларнинг ҳар бирининг индивидуал хусусиятларини билиб оладилар. Шу билан биргаликда ўқитувчилар ўқувчиларнинг мактабдан ташқари пайтдаги ижтимоий муносабатларида иштирок этадилар ва ота-оналари билан ҳам яқин муносабатда бўладилар.

Пиннел ва Гелловей инклюзив таълим асосида мактаблардаги синфларни бошқариш ва ривожлантиришнинг қуйидаги принциплари системасини кўрсатишган:

– ўқитувчилар ўқувчиларни дарс жараёнига салмоқли ҳисса қўшаётганларини тан олишмоқда;

– ўқувчиларнинг бирор нарсаларни ўрганишлари улар ўзлари бирор нимани билишга ёки уни ўзгартиришга эҳтиёж сезишганда содир бўлади;

– ўрганиш, бу маълумот ва малакаларнинг алоҳида тўпламлари эмас, балки бир бутун жараёндир;

– ўқитувчилар ўқувчиларнинг ўрганишлари устидан ижтимоий тугал фикрни англатувчи синф хоналари ҳокимлигини тан олишади;

– ўқитувчилар ўқувчиларда билимларни ўрганиш ва мустаҳкамлаш каби шахсий тушунчаларни ривожлантиришади;

– ўқитувчилар синфларда қандай воқеа ва ҳодисаларнинг содир бўлишига алоқадорлар ва бу ерда бўладиган ҳодисаларга бефарқ бўла олмайдилар.

2.2. МАХСУС ТАЪЛИМГА МУҲТОЖ БОЛАЛАРГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН ТАЪЛИМ ШАРОИТЛАРИДА ЁРДАМ КЎРСАТИШНИНГ ҒАРБИЙ ЕВРОПА ТАЖРИБАСИ

Европа давлатларида интеграциялашган-инклюзив таълим муаммоларини ҳал қилиш, имконияти чекланган болаларга ёрдам бериш, кўмаклашиш ва махсус таълимни ривожлантириш бўйича Европа агентлиги томонидан 1999 йилда чоп этилган маърузаси билан танишамиз. Ушбу ҳужжатда 17 та Европа давлатларида интеграция таълимини ташкил қилиш ҳолати борасида фикр юритилади.

Интеграциялашган таълим соҳасида ўз ҳоҳишига кўра қарор қабул қилиш тарафдорлари хорижликларнинг ижобий тажрибасига ишора қиладилар. Айни пайтда улар кўпинча ўзлари томондан таклиф этилаётган кескин ва жадал чоралар (масалалар) ғарбча ёндашувларнинг ўхшаши тарзида қараш мумкин эмаслигига эътибор бермайдилар.

Интеграциянинг илғор модели ўзига хос ўқув жараёнининг оддий синфи доираларидаги яратувчанлик, фан ўқитувчисига қўшимча равишда иккинчи педагогни киритиш, инфратузилманинг ўқувчи имкониятларига мослашиш ва яна кўп нарсалар, кичик мактаб, яъни «махсус минимактаб» синфида ўзига хос ташкилий ишларни кўзда тутади. UNESCO вакили **Х. Ольсен**нинг сўзларига кўра, «Ўн етти Европа мамлакатида ўтказилган имконияти чекланган ўқувчиларни ўқитиш билан боғлиқ муаммоларнинг тадқиқоти шуни кўрсатдики, мабодо молиялаштириш тегишли ҳажмда амалга оширилмаса, интеграция ғоясининг амалга татбиқ этилиши ҳақиқатдан узоқ[12]» (1, 26-б).

Айни пайтда Россия воқелигидаги махсус таълимни таъминланмаган интеграция таълимига алмаштиришга уриниш барча болаларни тенг ҳуқуқли бўлишига эришишга эмас, аксинча

[12] Ольсен Х. «Включённое» образование – стратегия для достижения образования для всех.// Актуальная проблема интегрированного обучения. М., 2001. – С. 24–29.

имконияти чекланган болаларда уларнинг йўқолишига олиб келади.

Махсус таълимнинг давлат тизими (МТДТ) ривожланишининг олдинги босқичи якунланмаганлигини назарда тутган ҳолда, оммавий ва махсус таълим тизимининг ўзаро таъсири ва ҳамкорлигини таъминловчи таълим интеграцияси моделининг миллий вариантини ишлаб чиқиш зарур. Имконияти чекланган болалар катта қисмининг ҳақиқий интеграциясини таъминлаш фуқаролик жамиятининг иқтисодий жиҳатдан гуллаб-яшнашига олиб келади. Аммо айрим мамлакатларда ҳам интеграциялашган таълимнинг чорак асри мобайнида «махсус эҳтиёжли болаларга» (Children with Special Needs) педагогик ёндашиш ва ёрдамлашишнинг ягона модели шаклланмади.

Интеграцион сиёсатнинг асосий хусусиятлари

Маъруза муаллифлари интеграциялашган ўқувчиларга кўмаклашиш қисмида таълим сиёсатининг қуйидаги асосий компонентларини ажратиб кўрсатадилар:

1. Умумтаълим мактаблари педагоглари махсус таълимга муҳтож болалар билан бир қаторда ҳар бир ўқувчи учун масъулдирлар.

2. Интеграциялашган ўқувчига умумтаълим мактаби (синфи) ёки ундан ташқарида зарур ёрдам асосан махсус педагог томонидан кўрсатилиши лозим.

3. Махсус педагог мактабнинг штатдаги ходими ёки ташқи ташкилот (ташхислаш марказининг махсус мактаби, тиббий ёки ижтимоий хизмат ва ҳ. к. ларнинг) вакили бўлиши мумкин.

4. Ёрдам интеграциялашган ўқувчилар билан бир қаторда, улар билан ишлайдиган педагогларга ҳам кўрсатилиши даркор.

5. Ўқув юртидан ташқарида фаолият кўрсатаётган турли таълим хизматлари ўқувчи, ўқитувчи, мактаблар ҳамда ота-оналарга кўмаклашишнинг ҳар хил турларни таъминлаб, ёрдам кўрсатиши мумкин.

6. Кўмаклашишнинг асосий шакллари ахборот, ўқув материалларини танлаш, индивидуал ўқув режаларини ишлаб чиқиш, махсус машғулотлар ташкил қилиш ва ўқувчига бевосита ёрдам кўрсатишга алоқадор бўлиши мумкин.

7. Ёрдамлашиш турлари ҳар хил ва ўзгарувчандир. Уларнинг танлови ўқувчи эҳтиёжларига боғлиқ бўлган турли омиллар, ўқитувчилар, мактаб шароитлари, ўқув жойи ва умуман мактабнинг техник жиҳозланишининг талабларига боғлиқ.

8.Интеграциялашган ўқувчиларга ёрдам кўрсатишни мактабдан ташқари таълим хизматлари билан бирга бошқа хизматлар, энг аввало, ижтимоий ва соғлиқни сақлаш хизматлари ҳам таъминлайди. Улар ҳам умумтаълим муассасасига интеграциялашган ўқувчиларга кўмаклашиш, уларнинг ота-оналарига маслаҳат бериш жараёнига жалб қилинадилар.

Айтиб ўтилган хизматларнинг вакиллари мактаб ўқитувчилари билан яқин ҳамкорликда ишлашлари лозим.

Миллий маърузаларга биноан кўпчилик Европа мамлакатларида махсус таълимга муҳтож ўқувчилар билан ишлашда мактаб ўқитувчилари асосий роль ўйнайди. Қўшимча таълим ёрдами асосан махсус педагоглар кўмагида таъминланади. Уларнинг ишини одатда маҳаллий таълим бошқаруви органлари тартибга солади.

Дания ва Швецияда махсус синф (мактаб) ўқувчилари билан фақатгина махсус педагоглар шуғулланади. Италияда бундай ўқувчилар билан махсус педагоглар билан бир қаторда оддий педагоглар ҳам ишлаши мумкин, айни пайтда уларнинг бари махсус таълимга муҳтож ўқувчиларнинг ўқиши учун масъул саналадилар. Бошқа вариантлар ҳам бўлиши мумкин. Масалан, Францияда Адлия вазирлиги қўл остидаги хизмат мактаб ўқувчиларига ёрдам кўрсатади. Интеграциялашган ўқувчилар мавжуд Люксембург мактабларида мактаб ўқув дастурларини билмаса ҳам, коррекцион педагогика ва махсус психология соҳаларида билимга эга бўлган «ассистентлар» ишлайди.

Ирландияда ижтимоий хизматлар махсус таълимга муҳтож ўқувчиларга хизмат кўрсатишда бевосита қатнашадилар. Соғлиқни сақлаш бўйича ҳудудий кенгашлар тиббий ва ижтимоий хизматларни молиялаштирадилар.

Интеграциялашган ўқувчиларга кўмаклашишни ташкил этиш

Интернет маълумотлари асосида бугунги кунга қадар жаҳон миқёсида жуда кўплаб давлатларда инклюзив таълим тизимини жорий қилиш борасида амалий тажрибалар олиб борилаётганлиги ҳам аниқланди.

Италия, Норвегия, Швеция каби мамлакатлар алоҳида эҳтиёжли болаларни умумтаълим муассасаларига тўлиқ интеграциялаб, махсус коррекцион мактабларнинг ёпилишига эришдилар. Бироқ махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим тизими шароитига қабул қилган давлатлар жисмоний ва

руҳий ривожланишидаги камчиликларни коррекциялаш ва компенсациялашга йўналтирилган қўшимча таълим хизматини кўрсатиш маъсулиятидан озод этилмайди.

АҚШ, Буюк Британия, Дания каби бир қатор мамлакатларда мактаб турини танлаш қонун томонидан белгиланади, ота-оналар эса таълим турини танлашни ёзма равишда тасдиқлаши, айрим ҳолларда асослаб беришлари лозим, деб топилган.

Махсус эҳтиёжли болаларни инклюзив таълим тизимига жалб этишда жаҳон миқёсидаги бир қанча давлатлар тажрибаси ўрганилиб, таҳлил қилинди:

1-қўшма жадвалга мурожаат қилиб, таълим интеграцияси шакллари (умумтаълим муассасасига интеграциялашган махсус таълимга муҳтож болага кўмаклашиш) тўғрисидаги умумий тасаввурга эга бўлиш мумкин. Унда келтирилган кўрсаткичлар ўқувчи қаерда (мактабми ёки ундан ташқарида) ёрдам олаётгани, уни ким (қандай профессионаллар ёки хизматлар) бевосита таъминлаётгани айтиб ўтилган, ёрдам кимга қаратилганини тушуниш имконини беради.

Австрия

Австрияда 1945 йилдан бошлаб ногирон болаларни дифференциал ўқитиш тизими ташкил этилган бўлиб, бу таълим тизимида барча турдаги нуқсонли болалар ўқитила бошланди. Аммо 1980 йилга келиб махсус эҳтиёжли болаларнинг ота-оналари демократия ҳуқуқлари учун курашиб, фарзандларини умумтаълим муассасаларида ўқитилишини талаб қилиб чиқдилар.

Фолкер Руттенинг маълумотларига қараганда, айни пайтда ихтисослаштирилган таълим соҳасида ишловчи педагоглар махсус эҳтиёжли болаларга сегрегация, яъни махсус таълим беришнинг афзалликларини шубҳа остига қўя бошладилар. 1983 йилда Австрия Таълим вазирлиги инклюзив таълим тизимининг моделини тузиш юзасидан тажриба лойиҳаси тўғрисида қарор қабул қилди. Бу таълим модели тўрт турга ажратилди:

1. Инклюзив синфлар умумтаълим мактабларига биттадан тўрттагача махсус эҳтиёжли ўқувчилар қабул қилинади. Битта махсус эҳтиёжли ўқувчи иккита соғлом боладек ҳисобланиб, синфдага болаларнинг умумий сони қисқартирилади. Синфда иккита ўқитувчи ишлаб, улардан бири махсус тайёргарликка эга

бўлиб, болалар билан ҳафтасига 4 соатдан 6 соатгача коррекцион машғулотлар олиб боради. Махсус эҳтиёжли болалар индивидуал дастурлар асосида ўқитилади.

2. Ҳамкорлик қилувчи синфлар ихтисослаштирилган ва умумтаълим мактабларининг синф ўқитувчилари томонидан белгиланган ҳамкорликни амалга оширадилар.

3. Кичик комплектли махсус синфлар умумтаълим мактабларининг синфларида 6–11 та махсус эҳтиёжли ўқувчи жамланади ҳамда махсус ўқув режа ва дастурлар асосида ўқитилади.

4. Оддий синфга 4 та ва ундан кўп махсус эҳтиёжли ўқувчилар жамланади ҳамда махсус ташхис қилиш ва коррекцион методикаларни қўллай оладиган ўқитувчи лавозими жорий этилади.

5. 1991 йилда педагогик тажриба-синов ва мактабларни ривожлантириш марказлари томонидан инклюзив синф модели энг самарали деб топилди. 1993 йилда эса Австрия ҳукумати махсус эҳтиёжли болалар ота-оналарининг махсус ёки умумий таълимни танлаш ҳуқуқини тасдиқловчи қонунни қабул қилди.

Умумтаълим мактаблари педагоглари штатига махсус педагог киритилиши мумкин. Унинг вазифаси фан ўқитувчилари ҳамда интеграциялашган ўқувчиларга коррекцион таълим методикасидан ёрдам кўрсатишдан иборат. Ўз навбатида умумтаълим синфидаги фан ўқитувчиси махсус ўқитувчидан ўқитишнинг коррекцион методлари бўйича аниқ билим олади.

Айтиб ўтилган зарур миқдордаги профессионал педагоглар бирор нуқсони бўлган болалар билан ишлашнинг махсус методлари билан таништиради, деб тахмин қилинади. Асосий ўқитувчига зарур бўлган ёрдам тури унинг аниқ саволлари ва ўқув муҳитининг ўзига хослигидан келиб чиқади.

Махсус ўқитувчи заруриятига қараб ва фан материалига мос равишда ўқувчи билан ишлаши мумкин бўлган ассистент (ёрдамчи) сифатида ҳам фаолият юритади. Фан ўқитувчиси махсус ўқитувчидан билим, малака ва коррекцион методларни, зарурият бўлганда, мактаб ўқитувчиси бошқа мутахассислардан ҳам (масалан, турли хизмат вакиллари, шу жумладан тиббиёт ходимлари ва ҳ. к.) ёрдам олиши мумкин.

1-қўшима жадвал

Умумтаълим муассасасига интеграциялашган махсус таълимга муҳтож болага кўмаклашиш

Давлатлар	Мактаб ичида		Мактабдан ташқарида	
	Ёрдам бераётганлар	Ёрдам олаётганлар	Ёрдам бераётганлар	Ёрдам олаётганлар
Австрия	Махсус педагог/ Махсус мактаб ёки келаётган ишчи	Ўқувчи Ўқитувчи Мактаб	Махсус мактаб Ташқаридан жалб этилган педагог	Ўқувчи
Бельгия	Махсус педагог/ Махсус мактаб	Ўқувчи, Ўқитувчи Мактаб	Махсус мактаб Қўлловчи хизмат (PMS)	Ўқувчи, Ота-она Ўқитувчи Мактаб
	Ўқитувчи ассистенти/ мактаб ходими	Ўқитувчи Ўқувчи		
Буюк Британия	SEN координатор (SENCO)/ мактаб ходими	Ўқувчи Ўқитувчи Мактаб	Қўлловчи хизмат	Ўқувчи Ўқитувчи Мактаб
	Ўқитувчи ассистенти/ мактаб ходими	Ота-она Ўқувчи, Ўқитувчи		
Олмония	Махсус педагог/ Махсус мактаб/ижтимоий ҳимоя	Ўқувчи Ўқитувчи Мактаб Ота-она	Махсус мактаб Таълимий қўлловчи марказ Ижтимоий хизмат (ёшлар ва ижтимоий таъминланганлар) Руҳий ва бошқа маслаҳатлар хизмати	Ўқитувчи Мактаб Ўқувчи Ота-она
	Ўқитувчи ассистенти/ мактаб ходими			

Греция	Махсус педагог/ махсус мактаб	Ўқувчи Ўқитувчи Мактаб	Махсус мактаб Медико-педагог хизмати	Ўқувчи, Ота-она Ўқитувчи Мактаб
Дания	Махсус педагог/ қўшимча ўқитувчи ёки хизмат кўрсатиш (педагог, психолог)	Ўқувчи Ўқитувчи Мактаб	Жойдаги ва атроф-даги ўқув марказ ёрдами Махсус марказ	Ўқитувчи Ота-она Мактаб Ўқувчи
Ирландия	Махсус педагог/ қўшимча ўқитувчи/ мактаб ходими	Ўқитувчи Ўқувчи	Қўлловчи хизмат (руҳшунос, ташқардан жалб этилган педагог)	Ўқувчи Ота-она
	Қатновчи ўқитувчи/ Қатновчи ўқитувчилар хизмати	Ўқитувчи Ўқувчи		
	Ўқитувчи ассистенти/ мактаб ходими	Ўқувчи		
Исландия	Ўқитувчи ассистенти/ мактаб ходими	Ўқувчи	Жойдаги махсуслаштирилган хизмат	Ўқитувчи Мактаб Ўқувчи Ота-она
	Махсус педагог/ муниципалитет	Ўқитувчи Ўқувчи		
Испания	Махсус педагог/ мактаб ходими	Ўқувчи	Жойдаги қўлловчи гуруҳ (EOEP)	Ўқитувчи Мактаб Ўқувчи Ота-она
	Ўқитувчи ассистенти/ мактаб ходими	Ўқитувчи Ўқувчи		
Италия	Махсус педагог/ мактаб ходими	Ўқувчи Ўқитувчи	Жойдаги соғлиқни сақлаш хизмати	Ўқувчи Ота-она
Люксем-бург	Махсуслашти-рилган профессионал / SREA	Ўқувчи Ўқитувчи	Қўлловчи хизмат (SREA)	Ўқувчи Ўқитувчи Ота-она

Нидерлан-дия	Махсус педагог/ Махсус мактаб	Ўқитувчи	Мактаб гуруҳи	Ўқитувчи Мактаб
	Қўлловчи кординатор/ Жойдаги қўлловчи хизмат	Ўқитувчи	Миллий қўллаш хизмати	
	Ўқитувчи ассистенти/ мактаб ходими	Ўқитувчи Ўқувчи		Ўқувчи,Ўқитувчи Мактаб
Норвегия	Махсус педагог/ Ўқитувчи ассистенти/ мактаб ходими	Ўқувчи Ўқитувчи	Региондаги қўллаш хизмати	Ўқитувчи Мактаб Ота-она
Португалия	Махсус педагог/ мактаб ходими ёки қўлловчи гуруҳ	Ўқувчи Ўқитувчи Мактаб	Қўлловчи гуруҳ	Мактаб, Ўқитувчи Ота-она Ўқувчи
Финляндия	Махсус педагог/жойдаги таълим вазирлиги	Ўқувчи Ўқитувчи	Мактаб соғлиқни сақлаш хизмати	Ўқувчи
Франция	Махсус педагог/ турли хил хизмат	Ўқувчи Ўқитувчи Мактаб	(Соғлиқни сақлаш, ижтимоий, таълим) хизмати	Ўқувчи Ота-она
	Махсус педагог/ махсус қўлловчи	Ўқувчи Ўқитувчи Мактаб		
Швеция	Махсус педагог/ мактаб ходими	Ўқувчи	Қўлловчи хизмат (муниципаль)	Мактаб Ота-она
			Қўлловчи хизмат (SIH)	Мактаб Ота-она

Махсус таълимни таъминлаш ва бу жараённинг барча иштирокчиларини бошқариш вазифаси махсус таълим марказлари зиммасига юклатилади. Марказлар интеграциялашган таълимнинг сифати учун жавоб берадилар. Улар ўқитувчи. ота-оналар ва маъмурий органларга маслаҳат берадилар, умумтаълим мактаб ходимининг малака оширишини ташкил этадилар. педагогик кенгашлар ўтказишда қатнашадилар.

Марказлар ота-оналар ва умуман жамоатчиликка ахборот етказишни таъминлайдилар: умумтаълим мактабларида махсус таълимга муҳтож ўқувчиларнинг муаммоларини ечиш билан муайян даражада боғлиқ барча хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштирадилар; маҳаллий ҳукумат органлари, муассасалар. ташкилотлар, махсус таълим соҳаси экспертлари. тиббиёт марказлари ва мактаблар билан ҳамкорлик киладилар.

Бельгия

Фламандия жамоасида интеграциялашган таълимнинг муваффақияти учун мактаб ўқитувчиси асосий жавобгар шахс ҳисобланади. Махсус педагог ресурс педагог хизматини бажаради фан ўқитувчиларини касбга оид ахборот билан таъминлаб, улар ўртасида боғловчи бўғин ҳисобланади. Шуни тан олиш керакки. фан ўқитувчилари ўзларининг кундалик педагогик фаолиятида ассистент томонидан тайёрланган дастурдан доим ҳам фойдаланавермайдилар

Интеграциялашган ўқувчининг ривожланиш ва имкониятлари хусусиятларига мос равишда ассистент томонидан талқин этилган ва мослаб олинган стандарт ўқув материали назарда тутилаяпти.

Махсус педагог мактабнинг штатдаги ходими бўлиши мумкин, бу ҳолда вақтинча қийинчиликларга дуч келаётган ўқувчиларга ёрдам кўрсатиш унинг вазифасига киради. Бошида ўқувчига индивидуал ёрдам кўрсатиб, махсус педагог бироз вақтдан сўнг бу вазифани асосий ўқитувчи зиммасига юклайди. Зарур бўлганда. у болага кўмаклашишни давом эттираверади, аммо янги босқичда болада учраётган муаммонинг моҳиятини аниқлаш муҳимроқ саналади.

Шу аснода мутахассис интеграциялашган ўқувчи билан ишлаётган барча ўқитувчиларга катта ёрдам кўрсатади. Бундай ёрдам турида диққат ўқувчи билан бевосита ишлаш (синфда ёки

ундан ташқарида) ёки бола эҳтиёжини кўпроқ қондиришга қодир ўқув материалини қидиришга қаратилади. Ёрдам турли шаклда бўлиши мумкин: ўқитувчиларга ўқувчилар билан ёки жамоа бўлиб ишлаш, техник ва методик ёрдамни таъминлаш (методик қўлланмалар яратишда), маслаҳатлар бериш.

Фландрия ҳукумати сўнгги йилларда асосий мактаб иш фаолиятига махсус таълим дастурларини киритишга оид тажриба ўтказяпти. Раҳбарларнинг фикрича, бу қолоқ ўқувчиларнинг муаммоларини ечиш имконини беради. Ўқувчилар ўртасидаги тафовутлар, анъанавий таълим усулларини ўқувчиларнинг индивидуал имкониятларига мослаштириш, яъни таълимни индивидуаллаштиришга диққатни кучайтириш тажрибанинг асосий мақсади ҳисобланади. Мактаблар мақсадли ёрдам гуруҳлари учун лойиҳалар мавжудлиги шароитидагина қўшимча ходимларга эга бўлади. Бу схема ичида оддий ва махсус мактабларнинг штатдаги ходимларининг биргаликда ишлаши ва айирбошлаши учун имкониятлар яратилган.

Интеграциялашган ўқувчиларга кўмаклашишнинг энг кўп тарқалган тури яқинида жойлашган махсус мактабдан махсус ўқитувчи ёки бошқа зарур профессионални жалб қилишдир. Ёрдам беришнинг бу тури «интеграциялашган таълим» жадвали ичида белгиланиши мумкин. Шундай қилиб, махсус таълимда жамланган тажриба ва махсус билимлар оддий синфларга берилади. Тахмин қилиш мумкинки, бундай ҳамкорлик асосий таълимни махсус технологиялар билан изчил бойитиш имкониятини яратади.

Бироқ ҳозирча ўқувчилар умумтаълим мактабининг стандарт талабларига жавоб бериши учун ҳамкорлик кўпинча уларга қўшимча ёрдам тарзида тушунилади. Болада ривожланишнинг кичик камчиликлари мавжуд бўлган ҳолларда (бу камчиликларни бартараф этиш) «вақтинчалик ёрдам» назарда тутилади. Унинг давомийлиги бир мактаб погонасида икки йилдан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Таълимда ўзига хос қийинчиликларга эга ёки хулқида нуқсонлари мавжуд ўқувчилар махсус мактабдан умумтаълим мактабига ўтиш пайтида йил мобайнида махсус ёрдамни олиб турадилар. Нуқсонлари жиддий ҳисобланадиган (масалан, кўриш ёки эшитишида нуқсони бўлган) ўқувчилар махсус мактабдан ҳафтасига тўрт соат ҳажмида доимий ёрдам олиб турадилар.

Фландрия ҳукумати махсус таълимга муҳтож (масалан, Брайль тизими бўйича таълим оладиган) ўқувчилар учун оддий мактабларда зарур техник жиҳоз ва мослаштирилган материалларга харажатларни ўз зиммасига олади.

Таълим вазирлигига қарашли кўмаклашиш хизмати ҳисобланган PMS (Психологик-тиббий-ижтимоий марказлар) устида алоҳида тўхтаб ўтиш лозим. PMS тармоқлари мактабгача муассасалар, бошланғич ва ўрта мактаб ўқувчиларига психологик, педагогик, ижтимоий ва тиббий кўмаклашишни таъминлайди. PMSнинг кўп фанли жамоалари ўқувчиларнинг умумий ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида мактаблар билан ҳамкорлик қиладилар. Бу фаолият асосан қийинчиликларга дуч келган ўқувчиларга қаратилган, аммо марказларнинг мутахассислари мактаб ўқитувчилари ва ота-оналарга ҳам ёрдам кўрсатадилар.

Ўқитувчилар билан бир қаторда умуман ўқув юрти ҳам PMS объекти бўлиши мумкин, бироқ махсус таълимга муҳтож ўқувчиларга кўмаклашиш устувор саналади (1999 йилда PMSлар CLBларга, яъни ўқувчиларга раҳбарлик марказларига) айлантирилди.

Турли таълим тармоқлари (жамоавий, хусусий ёки давлат мактаблари) ўқув юрти ва уларнинг ходимларига ташқаридан йўл-йўриқ кўрсатадиган ўз хусусий маслаҳатчиларига эга. Таълим тизими хизматлари билан биргаликда ижтимоий таъминот ва соғлиқни сақлаш идораларига тобе хизматлар (реабилитацион марказлар, яшаш жойи бўйича шаҳар хизматлари, терапевтик хизматлар ва ҳ. к. лар) ҳам интеграциялашган ўқувчиларга ёрдам кўрсатиши мумкин. Уларнинг ходимлари мактаб шароитида бевосита ўқувчиларга ўз хизматларини кўрсатиши мумкин.

Француз жамоасида 1997 йил 28 июлдаги Декретнинг ижросини таъминлаш мақсадида махсус таълимга муҳтож ўқувчиларга индивидуал ёрдам кўрсатишни таъминлаш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Умумтаълим муассасалари индивидуаллаштирилган таълим, ҳар хил турдаги мактаб ўқитувчиларининг ҳамкорлиги, педагог ва ота-оналарни жалб қилувчи мактаб таълим лойиҳаларини ишлаб чиқишни таъминлайди. Амалдаги ўқув дастури 14 ёшгача бўлган ўқувчиларга мўлжалланган. У уч босқичга бўлинган (уларнинг ҳар бири беш босқичдан иборат). Якуний баҳо бола томонидан 8, 12 ва 14 ёшли болалар учун меъёрларга мос малака ва кўникмаларни эгаллаб

олишни ҳисобга олган ҳолда қўйилади. Таълим боланинг ақлий ва жисмоний ривожланиш даражасига дифференцияли ёндашиш асосида олиб борилади.

Буюк Британия

Буюк Британия махсус муассасаларида таълим-тарбия олаётган оғир нуқсонли болаларни интеграция дастури ишлаб чиқилган эди. Қайси мактабда интеграцион таълим тизими жорий этилган бўлса, ўша мактабга махсус муассасаларда ўқитилаётган болаларнинг бир қисми қамраб олинади. Интеграция тизимини янада пухтароқ жорий этиш мақсадида жисмоний тарбия, ўйинлар, рақс ва бир қанча амалий машғулотлар киритилди (Evansp. L маълумотлари, 1996 йил).

Англия ва Уэльсда барча ўқувчиларнинг таълимга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун синф билан ишлайдиган ўқитувчи масъулдир. Таълим тўғрисидаги актга биноан (1996) барча умумтаълим мактабларида штатли ходимлар ичидан махсус таълим масалалари бўйича координатор (SENCO) тайинланади. Унинг вазифасига қуйидагилар киради:

– мактабда махсус таълим жараёнини кундалик бошқариш;

– фан ўқитувчилари ўртасидаги алоқаларни қўллаб-қувватлаш ва уларга маслаҳат бериш;

– ўқувчилар учун зарур бўлган тиббий-психологик, ижтимоий хизматларни ташкиллаштиришни жамоат уюшмалари ва бошқа ташкилотлар билан алоқаларни ўрнатиш орқали амалга ошириш;

– махсус таълимга муҳтож бола билан бевосита ишлаш;

– ўқувчилар ривожланишини мониторинг қилиш;

– ота-оналар билан алоқаларни қўллаб-қувватлаш;

– ўқитувчилар малакасини ошириш.

– Мактаблар узоқ муддатли ёрдамни маслаҳатчи ўқитувчилар томонидан олишлар ҳам мумкин. Маслаҳатчи ўқитувчи нафақат ўқитувчиларга таълим стратегияси ва таълимнинг қўшимча материалларини тавсия қилиши, балки ўқувчилар билан бевосита ишлаши ҳам мумкин. Бутун мамлакат бўйича ёрдамнинг кўп турлари «Local Educational Authorities» (LEA) таълимни бошқаришнинг маҳаллий органлари томонидан кўрсатилиши мумкин.

Уларнинг таркибида нуқсонларининг турига кўра махсус таълимга муҳтож ўқувчиларга кўмаклашиш хизматлари мавжуд.

Одатда, (LEA) орқали мактаблар интеграциялашган таълимни ташкил қилиш учун зарур бўлган моддий ёрдамини олади. Мазкур маблағлардан қандай фойдаланиш тўғрисидаги қарорни мактабнинг ўзи мустақил қабул қилади. Ўта оғир нуқсонлари мавжуд болаларга ёрдам учун маблағлар давлат бюджетидан марказлаштирилган ҳолда ажратилади (Қиролликнинг турли ҳудудларида бу суммалар жиддий фарқ қилиши мумкин). LEAнинг, яъни таълимни бошқаришнинг маҳаллий органлари имкониятлари жойларда ҳар хил бўлгани сабабли Миллий маърузани тайёрлаш пайтида маблағ билан боғлиқ бўлган муаммолар пайдо бўлган.

Олмония

1979 йилда Олмонияда таълимга бағишланган мажлис қатнашчилари томонидан махсус эҳтиёжли болаларни интеграция таълим тизимида ўқитиш концепцияси ишлаб чиқилди. Бу концепцияда интеграциянинг хилма-хиллиги ва унинг мазмун-моҳияти ёритиб берилди. Б. П. Пузанов ва Ю. А. Костенкова (1999) ларнинг ёзишларича, XX асрнинг 80 йилларига келиб Олмония таълим тизимида интеграциялашнинг янгича талқиндаги ўқув материалини ўқувчилар имкониятларига мослаштириш ишлари амалга оширила бошланди.

Таълим қонунчилиги ва таълим тизимини бошқариш асосан уларнинг масъулияти остидадир, ва шу сабабли ҳудудлар бўйича муҳит ўзаро фарқ қилиши мумкин. Оддий ўқув юртларига интеграциялашган махсус таълимга муҳтож ўқувчиларга ёрдам беришнинг шакллари ҳам ҳар хил. Барча Ерлар учун «Махсус таълимни ташкил қилишга оид тавсияларни» (1972 йил, март) асосий ҳужжат деб ҳисоблаш мумкин. Кейинги 20 йил мобайнида ногиронларнинг ижтимоий ва таълим интеграцияси анъаналари кучайди, бу эса умумтаълим мактабларига интеграциялашган махсус таълимга муҳтож ўқувчиларни қўллаб-қувватлашни яхшилашга олиб келди.

Ҳозирги кунда таълим тизими ичида қўллаб-қувватлашнинг турли шакллари мавжуд: ўқитувчи ва ота-оналарга тўғри маслаҳат беришни кўзда тутувчи олдини олувчи чоралар; эрта аралашиш, фанлараро ҳамкорлик, биргаликда таълим олиш. Махсус педагог ёки бошқа профессионал томонидан ёрдам синфда ёки синфдан ташқарида, тўлиқ ёки қисман иш куни давомида (боланинг

индивидуал эҳтиёжлари ёки мактаб ташқи муҳитига боғлиқ равишда) таъминланади.

«Кооператив шакллар» – махсус ва оддий мактаблар ўртасида ўқувчиларга бирга фаолият олиб бориш имкониятини таъминловчи яқин педогогик ҳамкорликдир. «Кооператив шакллар» интеграциялашган таълимга жалб қилинган ўқув юртларининг барча болалари ва педагогларининг ўқув фаолияти, бутун мактаб ҳаётини бойитиш имконини беради. Унинг вазифаси интеграциялашган таълим муҳитида ўқитувчи томонидан олиб бориладиган ишни кучайтиришдан иборат бўлиб, мактаб фан ўқитувчиларига ёрдам бериш учун махсус педагоглар жалб қилинади.

Ёрдам, махсус бирлашмалар – минтақавий ёки «минтақа усти» муассасалари, масалан, махсус педагогик марказлар (Forderzentren) сингари муассасалар томонидан таъминланади. Бу марказлар таълимни ташкил этиш масалаларини ечишга ёрдамлашади, ёшларнинг меҳнат таълими ва касбга тайёргарлигини таъминлайди. Бундай ёрдам мутахассислар томонидан амалга оширилади ва ҳудудий жиҳатдан ўқувчининг турар жойига максимал даражада яқинлаштирилган. Мустақил ҳудудларда Forderzentren иши муайян равишда фарқ қилиши мумкин, аммо уларнинг фаолияти ҳамма жойларда ўқувчи билан бевосита биргаликда ишлашга асосланади. Forderzentren алоҳида педагоглар ва умуман мактаблар билан ҳамкорлик қилади.

Марказ вакиллари махсус ва умумтаълим мактаблари ўқитувчиларига маслаҳат беради, индивидуал ўқув режалари тузиш ва амалга ошириш, ўқув қўлланмалари, материалларини яратиш ва ҳ. к. да ёрдамлашади.

Бир қатор ҳудудларнинг иш фаолиятида «Зиён баланси» деб аталадиган тавсиялардан фойдаланадилар. Бу умумий дастур бўйича таълим оладиган махсус таълимга муҳтож ўқувчиларга тегишлидир. Гап дастурни ўзлаштиришда муаммоси бўлмаган. лекин жисмоний ривожланишида муаммоси бўлган болалар ҳақида бораяпти. Интеграциялашган ўқувчиларга ёрдам беришда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўқув ҳокимиятлари, ресурс марказлари ва ижтимоий хизматлар иштирок этиши мумкин. Аниқ равишда бу турли ҳудудлардаги қонунчиликда кўзда тутилган таъминотга боғлиқ бўлади.

Интеграция жараёни кучайиши муносабати билан таълим

шарт-шароитлари жиддий ўзгаради. Мактаб ва ўқитувчилар янада кўпроқ ўқитиш ва ўқишнинг янада мослашувчан шакллари концепциясига розилик билдиряптилар. Мактаблар учун ўқув дастури ўқитувчиларнинг формал таълим мақсадларига эмас, балки ўқувчиларнинг индивидуал ривожланиши ва махсус эҳтиёжларига диққатни қаратишни рағбатлантириш учун яққол равишда ўқитувчиларга катта эркинликлар берилаётганлиги қайд этилган.

Греция

Махсус педагог оддий синфда ёрдамчи ўкитувчи ҳисобланади, ундан мактаб ходимларини ўқувчида махсус таълимга муҳтожлик мавжудлиги тўғрисида хабардор қилиш талаб этилади. Махсус педагог иши ўқувчига бевосита ёрдам бериш ва синф ўқитувчисига маслаҳат беришдан иборат. Кейинчалик, ўқув материалини танлаб олиш ва ўқув режасини дифференциялашда ёрдам кўрсатилади. Ундан ташқари, махсус педагог интеграциялашган ўқувчининг синфдошларига унинг муаммолари тўғрисида ахборот беради, мактаб ва махсус таълимга муҳтож ўқувчининг оиласи ўртасида ҳамкорлик қилишни ташкил этишга кўмаклашади.

Таълим ёрдами ўқувчига фақатгина мактаб ичида кўрсатилади. Махсус педагог бир вақтнинг ўзида бир неча мактабни оталиққа олган махсус таълим масалалари бўйича мактаб маслаҳатчиси билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик қилади. Зарурият туғилганда, мактабга ижтимоий ва психологик ёрдам берилиши мумкин. У асосан Ижтимоий таъминот вазирлигининг тиббиёт-педагогик марказлари орқали берилади.

Дания

Умумтаълим мактабларида махсус таълимга муҳтож болаларнинг эҳтиёжларини қондириш учун масъулият ўқитувчига юклатилган. Бу эҳтиёжларни психолог-педагогик хизмат белгилайди; кейинчалик у ўқувчининг ривожланишини кузатди, уни ўқитиш дастурига тузатишлар киритади.

Ўқувчини махсус таълимга йўллаш тўғрисидаги масала ўқув ишлари бўйича мудир ваколатига киради. Интеграция ҳолида бола турли ёрдам олишга умид қилиши мумкин: синфда махсус ўқитувчи билан махсус таълим олиш; синфдан ташқарида «гуруҳда таълим олиш» (агар ўқувчи бир ёки бир неча фанлар бўйича мунтазам

ёрдамга муҳтож бўлса). Ўқувчи синф ўқитувчиси билан кунига бир неча соат ҳамкорлик қиладиган махсус педагогдан ҳам ёрдам олиши мумкин. Ўқитувчида ўқувчига танаффуслар ва дарсдан ташқари тадбирлар пайтида ҳамроҳлик қиладиган ассистент бўлиши ҳам мумкин. Ўқитувчи, махсус педагог ва ассистент яқин ҳамкорликда фаолият кўрсатади

Ирландия

Махсус таълимга мухтож интеграциялашган ўқувчиларга ёрдам кўрсатиш махсус педагог, фан ўқитувчилари, ассистентлар ҳамда Таълим ва фан департаментининг мактабдан ташқари таълим ва психологик хизматлари мутахассислари томонидан амалга оширилади. Бошланғич синфлар (ва бироз каттароқ) ўқувчилари ҳақида уларда ўқиш ва математикани ўзлаштиришда муаммолар мавжуд бўлган ҳолларда ушбу мақсад учун ажратилган махсус педагоглар ғамхўрлик қиладилар. 2000 йилдан бошлаб мамлакатнинг барча мактаблари уларнинг хизматлари билан таъминланган.

Таълим олишда жиддий қийинчиликларга учраётган ўқувчилар учун умумтаълим мактабларида алоҳида синфлар ташкил этилади ва улар билан махсус педагог ишлайди. Таълим ва фан департаментининг мактабдан ташқари (келувчи) таълим хизмати мактабгача ва мактаб ўқувчилари ва уларнинг ота-оналарига ёрдам кўрсатади. Гап энг аввало, кўриш ва эшитиш қобилияти бузилган болалар ҳақида кетаяпти, бироқ айрим ўқитувчилар Даун (синдроми) аломати мавжуд болаларга ҳам ёрдам кўрсатади. Мутахассислар синф билан биргаликда ёки синфдан ташқарида ҳам, нафақат бошланғич мактабларни, балки каттароқ ёшдаги ўқувчиларнинг ҳам олдига келиб туради. Улар ўқув ёндашувлари, методикаси, дастурлари ва ресурслари масалалари бўйича мактаб ўқитувчиларига маслаҳат беради.

Ҳар бир боланинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш учун таълим ва фан департаменти психологик хизмати педагоглари ихтисослашган давлат ва кўнгилли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин. Таълим ва фан департаментининг психологик хизмати жисмоний ривожланишида муаммолари мавжуд болалар ҳамда таълим олишда қийналаётган ўқувчиларга катта эътибор бериб, умумтаълим мактаблари учун текширув (баҳо бериш) ва маслаҳат беришни таъминлайди. Аввалига бу хизматлар йирик

шаҳарларда жамланган эди, аммо 1999 йилда уларнинг ўрнига ягона Миллий таълим психологик хизмаги (NEPS) келди. Бу ҳол шаҳар ташқарисида яшайдиган ўқувчиларга кўмаклашишни таъминлаш имконини берди. 1998–99 ўқув йилида барча махсус таълимга муҳтож интеграциялашган ўқувчилар ҳамда махсус мактабларнинг ўқувчилари зарур бўлган ўқув-техник ёрдам билан таъминландилар.

Ирландия ўз олдига махсус таълимга муҳтож барча шахсларнинг интеграциялашган таълим олишига зарур бўлган ресурлардан фойдаланишни таъминлашни мақсад қилиб қўйди. Юридик жиҳатдан уларни таълим олиши, деб конституцион ҳуқуқидан фойдаланиш имконини берадиган «Таълим тўғрисида»ги Акт (1998) туфайли мумкин бўлди. Актда эътироф этилишича, Таълим ва фан вазири инсоннинг қобилияти ва эҳтиёжларига мос равишда мамлакатнинг жисмоний нуқсонларга эга ва махсус таълимга муҳтож ҳар бир фуқаросига ёрдам кўрсатиш ва сифатли таълим бериш мумкинлигини таъминлаш лозим деб билди.

Исландия

«Мажбурий таълим тўғрисида»ги Қонунга биноан (1995) махсус таълимга муҳтож мактабгача ёшдаги ва мактаб ўқувчилари махсус ёрдам олиш ҳуқуқига эга. Махсус таълим ўқиш мақсадлари, дастур мазмуни ва ўқитиш услубларини ўзи чиқа олади. «Мактабларга хизмат кўрсатиш тўғрисида»ги низом (1996) ўзини-ўзи бошқаришнинг маҳаллий органлари зиммасига махсус педагоглар, психологлар ва бошқа мутахассисларнинг хизматлари билан бирга шаҳар умумтаълим мактабларига зарур ёрдам кўрсатишни таъминлашни юклади. Ёрдам кўрсатиш деганда, мактаб ўқитувчиларига ўқув дастурлари ва асосий фанларни ўқитиш саволлари бўйича маслаҳат бериш, ўқувчиларга психологик-педагогик маслаҳат бериш назарда тутилади.

Асосий эътибор ўқитувчи ва ўқув бўлими мудирига уларнинг кундалик ишларида, шу жумладан махсус таълимга муҳтож интеграциялашган ўқувчилар билан ишлашда ёрдам кўрсатиш ҳамда мактаб ҳаёти фаолиятини яхшилаш бўйича ўқитувчиларнинг ташаббусларига қаратилади. Мактабга ташқаридан жалб қилинадиган мутахассислар ёрдами ўқув юртининг интеграциялашган таълим муаммоларини мустақил

ечишни ўрганиши лозим бўлган штатдаги ходимларининг касбга оид билимларини оширишга хизмат қилиши лозим. Ота-оналарга маслаҳат бериш – мактабдан ташқаридаги мутахассислар хизматлари қаторига киради.

Кўпчилик умумтаълим мактабларида махсус таълимни ташкил этиш учун жавобгар ўқув бўлими мудири мавжуд. Интеграциялашган ўқувчиларни ўқитиш учун зарур бўлган мутахассисларни таклиф этиш унинг ваколатига киради. Мактаб маъмуриятининг бу вакили махсус таълимга муҳтож ўқувчиларга муайян даражада кўмаклашадиган шахсларнинг ишини мувофиқлаштиради. У мактабда мавжуд турли услублар ва ресурслардан оптимал тарзда фойдаланиш учун масъулдир. Ундан ташқари, у махсус машғулотлар ўтказиши, фан ўқитувчилари билан биргаликда таълимнинг индивидуал дастурларини яратиши ва махсус мактаблардан ҳам ёрдам олиши мумкин.

Испания

Альваро Марчеси Уястреснинг таҳлили асосида Испаниядаги инклюзив таълим хусусида қуйидаги маълумотлар олинди: Испания ҳукумати томонидан 1985 йилда ривожланишида камчилиги бўлган болаларни таълим соҳасига интеграция қилишни назарда тутадиган лойиҳани маълум қилди. Лойиҳа саккиз йиллик муддатга мўлжалланиб, унга иккита мақсад қўйилди:

1. Махсус муассасаларда таълим олаётган болаларни умумтаълим мактабларига қабул қилиш учун имконият яратиш;

2. Соғлом ва махсус эҳтиёжли болаларни сифатли таълим-тарбия олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш.

Испания Таълим вазирлиги лойиҳани бажариш мақсадида ихтиёрий интеграция дастурининг жорий этилиши ҳақида қарор қабул қилди. Лойиҳада иштирок этиш истагида мактаб ва вазирлик ўртасида ўзаро келишув шартномаси тузилди.

Лойиҳа бошланиши билан (1985–86 йиллар) Испаниянинг 300 га яқин мактаблари ҳар йили интеграция дастурида ихтиёрий равишда қатнашиш истагида талабнома бердилар. 1990 йилда Испания парламенти томонидан таълим тизими тўғрисидаги янги умумий қонун қабул қилинди. Бу қонунда умумтаълим тизимида барча ўқувчилар учун юқори сифатли таълим олишлари кафолатланди. 1994 йилнинг бошида Испанияда бошланғич мактабларнинг 40 фоизида инклюзив таълим тизими жорий қилинди.

969/1995-сонли декрет махсус таълимга муҳтож ўқувчиларга ёрдам тузилмасини белгилаб берди. Зарурият пайдо бўлганда. мактаб таълимни бошқаришнинг маҳаллий органларидан ёрдамга муҳтож болалар учун ҳар қандай ёрдам турини сўраш мумкин. Ўқитувчилар синфдаги ишни ташкил қилиш, билимни баҳолаш ва оила билан алоқаларни қўллаб-қувватлаш (ахборот, ҳамкорлик. бирга ишлаш ва ҳ. к.) учун масъул саналадилар.

Фан ўқитувчиси жалб қилинадиган мутахассислар (логопедлар, маслаҳатчилар, махсус педагоглар, физиотерапевтлар ва ҳ.к.) билан биргаликда ишлайди. Умумтаълим мактаби ташқи ва ички ёрдамни талаб этиши мумкин. Биринчисини турли ўқув юртларига бириктирилган психолого-педагогик ёрдамнинг маҳаллий хизматлари (ЕОЕР) бериши мумкин. ЕОЕР ходимлари ўқувчиларнинг психолого-педагогик баҳоланиши учун масъулдирлар: улар ўқитувчи ва мактаб ўқитувилари таркибига қандай чоралар кўришни тавсия этадилар: махсус таълимга муҳтож болаларни ўқитиш динамикасини кузатиб турадилар; оилалар билан ишлайдилар.

Иккинчи турдаги ёрдам эса мактаб ичидаги кўмаклашишдир. Барча бошланғич ўқув муассасаларида ўқишга кўмаклашадиган коррекцион педагог штати мавжуд. Махсус таълимга муҳтож ўқувчи бошланғич ёки ўрта мактабга қачон интеграциялашган бўлишидан қатъий назар. мавжуд нуқсон турига кўра махсус педагог томонидан зарур коррекцион педагогик ёрдам олади. Синф учун ўқув дастурларини табақалаштириш ва қўллашда ўқитувчиларга ёрдам кўрсатилиши мумкин. Бунинг учун турли мутахассислар: психолог, мутахассис ўқитувчи. логопед ва ҳ. к. жалб қилиниши мумкин. Уларнинг ўзлари боланинг мактаб шароитларига мослашишида ёрдамлашиши, унинг учун индивидуал таълим дастурини ишлаб чиқиши мумкин. Ёрдам таълимнинг фойдаланиладиган услублари ва техникасини танлаш бўйича маслаҳат беришга қаратилиши ҳам мумкин.

Италия

Тўлиқ таълим интеграциясини киритиб, 04/1992-сонли қонун махсус таълимга муҳтож ўқувчига махсус педагог томонидан ёрдам кўрсатилишини назарда тутган эди. Болада бундай эҳтиёжларнинг мавжудлиги расмий равишда аниқланган бўлиши лозим (1994

йил 24-февралдаги декрет). Мактабгача таълим муассасалари, бошланғич ва ўрта мактабларда ассистент ўқитувчилар мавжуд. Улар асосий педагоглар билан бир қаторда ўқув муассасасидаги барча тарбияланувчиларнинг таълими сифати учун жавобгар саналадилар. Ассистентлар (ўқитувчи ёрдамчилари) ўқувчилар билан синфда ва ундан ташқарида, якка тартибда ёки кичик гуруҳларда ишлаши мумкин.

Асосий педагог билан бирга улар ҳар интеграциялашган ўқувчи учун индивидуал ўқув режаси тузадилар, уни амалга оширишда иштирок этадилар. Маҳаллий даражада Вилоят таълим департаменти назорати остида ишчи гуруҳлари деб аталган гуруҳлар тузилади. Уларга мактаб инспекторлари, турли мутахассислар, ногиронлар уюшмаларининг вакиллари киради.

Ишчи гуруҳларнинг вазифаси шундан иборатки, улар интеграциялашган таълимни ташкил қилиш бўйича шаҳар мактабларининг ишларини кузатиб борадилар ва баҳолаб турадилар ҳамда интеграциялашган таълимни ташкил этадилар, мактаб маъмурияти ва педагогларга маслаҳат берадилар. Зарурият пайдо бўлганда, шаҳар соглиқни сақлаш хизматларининг кучлари ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Люксембург

1994 йилдаги қонун махсус таълимга муҳтож ўқувчилари учун мактаб таълимининг турли шаклларини кўзда тутади. Унда юридик жиҳатдан ўқувчиларга кўмак беришнинг ташкилий шакллари зикр этилган. Умумтаълим мактаблари шароитларида штатли махсус педагог эмас, балки «ёрдамчи персонал» деб аталадиган гуруҳ интеграциялашган ўқувчига ёрдам кўрсатади. Улар мактаб фанлар ўқитувчилари саналмаса ҳам умумий педагогик тайёргарликка эга махсус педагоглар, профессионал терапевтлар, махсус инструкторлар (шу жумладан ЛФК методистлари), психотерапевтлар, логопедлар ташкил этади.

Ёрдамчи персоналнинг вакиллари таълим ва коррекция (реабилитация) соҳасидаги мутахассислар саналади. Қонун муаллифларининг фикрига кўра, масъулиятнинг бундай бўлиб олиниши амалда яхши натижалар беради. Мактаб ўқитувчиси бевосита синфдаги умумий иш учун жавобгар ва интеграциялашган ўқувчиларнинг синфдаги таълим услублари учун масъулиятни

бўлиб олиш муаммоларидан хавотирланмаслиги даркор. Унга зарур қўшимча ахборотни (йўриқномалар) ёрдамчи персоналнинг аъзолари бериши керак. Ёрдам кўрсатиш бўйича масъул ва бевосита мактаб инспекторлари ва ўқитувчилар билан иш олиб борадиган Амбулатор реабилитацион департамент (SREA) томонидан кўрсатилади.

Нидерландия

Requera Lнинг ёзишича махсус эҳтиёжли болалар ва ўсмирларни Нидерландияда ижтимоий жамиятга тайёрлашда ижтимоий меҳнат ташкилотлари, нодавлат ташкилотлар. вазирликлар ва ҳудудлардаги ижтимоий меҳнат реабилитацияси комитетлари амалга оширган (1996 йил).

Интеграциялашган ўқувчиларга ёрдам кўрсатиш махсус мактаблардан келадиган коррекцион педагоглар томонидан таъминланади. Уларнинг ўзлари умумтаълим ўқув юртлари педагог ва маъмуриятга маслаҳат беради. Оддий мактабларга чақириладиган махсус мактабларнинг педагоглари интеграциялашган ўқувчилар учун ўқув режаларини ишлаб чиқишда ўқитувчиларга ёрдамлашадилар ҳамда бирор нуқсон мавжуд бўлган ўқувчилар билан якка тартибда шуғулланадилар. Интеграциялашган таълимни ташкил этишда катта тажрибага эга бўлган умумтаълим мактаби штатидаги ўқитувчи ҳам куратор сифатида жалб қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда ёрдам индивидуал таълим эҳтиёжлари характери тўгрисида ўқитувчиларга ахборот бериш ва қўшимча ўқув материаллари бериш шаклида амалга оширилади.

Умумтаълим мактаби бюджетни ошириш ва интеграциялашган ўқувчиларга бевосита ёрдам кўрсатиш бўйича масъулиятли ҳисобланадиган «ёрдамчи ўқитувчи» штатини киритиш бўйича мурожаат қилиши мумкин. Ёрдамчи ўқитувчи вазифаларининг бажарилиши умумтаълим мактаби ўқитувчиларидан бирининг зиммасига ҳам юклатилиши мумкин. Интеграциялашган таълимга талабгорларни саралаб олиш анча жиддий иш. Уни яхши натижалар кўрсатишга қодир болаларни умумий мактабга кўчиришни тавсия қиладиган махсус мактаблар таъминлайди. Интеграциялашган таълимни ташкил этишни ёрдам кўрсатишнинг вақт бўйича қонунчилик томонидан чеклаб қўйилиши қийинлаштиради. Жалб қилинувчи мутахассислар хизматларини бюджет томонидан кафолатли молиялаштириш муайян муддатга мўлжалланган.

Масалан, жисмоний нуқсонлари мавжуд ўқувчиларга ташқаридан келувчи педагоглар томонидан ёрдам кўрсатиш муддати икки йилга мўлжалланган. Бу вақт ўтганидан сўнг мактаб мустақил равишда интеграциялашган ўқувчиларга ёрдам беришни ташкил этиш усулини қидиришга мажбур. Шундай қилиб, ҳатто интеграциялашган ўқувчиларга ёрдам кўрсатишга тегишли бюджет бўйича маблағ ажратилганига қарамасдан, муайян босқичда умумтаълим ўқув юрти махсус таълимга муҳтож ўқувчиларга сифатли ёрдам кўрсатишнинг молиявий муаммолари билан тўқнашадилар.

Оммавий мактаб ўқитувчиларининг бирор нуқсони мавжуд болалар билан ишлашнинг хусусиятлари билан таништирадиган қисқа муддатли курсларга қатнашишининг имконияти бўлмаганлиги муаммо бўлиб қолади. Умумтаълим муассасаларининг ўқитувчилари асосан махсус мактаблардан келиб ишловчи ўқитувчилардан зарур ахборот олиб турадилар.

Интеграциялашган ўқувчилар билан ишлайдиган ўқитувчилар малакасини ошириш нуқтаи назаридан минтақавий курсларни энг самарали деб тан олинади. Evansp. Lнинг маълумотлари (1995 йил) асосида Нидерландиянинг 28 та умумтаълим бошланғич мактабларининг таркибида нуқсонли болалар ҳам ўқитилган. Таълимий маслаҳат марказларида махсус эҳтиёжли болаларни умутаълим шароитида ўқитиш ва тарбиялаш йўллари, хусусиятлари ҳамда бу болалар ҳақида билиш ва маълумотлар бериш борасида бўлим фаолият юритган. Бу бўлимларда ўқув материаллари ва дастурларини янгилаш, интеграцион таълимнинг ягона ғоясини ишлаб чиқиш, бу таълим тизимидаги муаммоларнинг ечимини излаб топиш борасида иш юритилган.

Норвегия

Ўқувчиларга ёрдам бериш психологик ва таълимий ёрдам кўрсатиш хизматининг (EPS) ўқув юртлари ва ота-оналарга маслаҳат берадиган ходимлар томонидан таъминланади. Махсус таълимнинг мазмуни, даражаси ва ташкилий шакллари муҳокама қилинади. EPS хизматчилари ўқитувчиларга уларнинг ўқувчилар билан кундалик ишларида маслаҳат бериш бўйича масъулдир. EPS ходимларига махсус билимлар етмайдиган ҳолларда улар миллий ресурс марказларидан бирортасига ёрдам сўраб мурожаат қилишлари мумкин.

Бу марказлар умумтаълим мактаблари педагоглари малакасини ошириш бўйича қисқа муддатли ихтисослаштирилган курсларни ҳам ташкил қиладилар. Синфнинг барча ўқувчилари учун масъулият интеграциялашган болалар билан ишлашда кўмаклашадиган махсус мутахассисга биркитилган ўқитувчи зиммасига юклатилган. Махсус ёрдамчи мутахассис қисман ёки тўлиқ иш кунига жалб қилиниши мумкин. Унинг хизматлари доирасига дарсларда қатнашиш ва ёки танаффус пайтида ўқувчиларга жисмоний жиҳатдан кўмаклашиш кириши мумкин.

Португалия

Интеграциялашган болаларга ёрдамлашиш бевосита синфда мактаб ўқитувчилари томонидан таъминланади. Айнан унинг ўзи ўқув дастурини якунлаш учун жавобгардир. Синфда турли муаммоларни ечиш учун ўқитувчи тайёр бўлмаганлиги сабабли болаларнинг ўқишида жиддий қийинчиликлар, хулқ бузилиши ва ҳ. к. келиб чиқади. Ўқитувчи, бола қандай қийинчиликларга дуч келаётганини билмаслиги. дифференцияланган индивидуал таълимни ташкил қилиш учун етарлича касбий билимларга эга бўлмаслиги мумкин.

Умумтаълим мактаблари педагоглари ўқувчилар учун индивидуал дастурлар, махсус таълимга муҳтож ўқувчиларни ўқитишнинг кундалик амалиётида ёрдамчи техник воситалар ва янги технологиялардан фойдаланиш малакаларини эгаллашга муҳтождирлар. 1997 йилдаги 105/97-сонли қонунга мувофиқ умумтаълим мактабларининг интеграциялашган ўқувчиларга таълим беришнинг сифати учун жавоб берадилар. Унинг қабул қилиниши мактаб учун зарур ресурслар тўғрисида тасаввурларни ўзгартириш билан боғлиқ эди. Шуниси тан олиндики, ташқаридан мутахассисларни жалб қилиш ўрнига умум- таълим мактаблари штатларини қайта кўриб чиқиш лозим. Кадрларга оид сиёсатнинг ўзгариши фан ўқитувчиларига янада хилма-хил ташкилий ёрдам беришни таъминлашга, мактаб ичида фан ўқитувчиларига уларнинг иши бўйича маслаҳат беришни таъминлашга қаратилган.

• Заруриятга кўра, турли мактабларда ишлаши мумкин бўлган махсус педагогларнинг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат:

• ўқув бўлими мудири ва умуман мактаб ҳамда интеграциялашган ўқувчи шуғулланадиган синф ўқитувчилари билан ҳамкорлик қилиш;

• мутахассис ўқитувчига ўқув дастурини мосланувчан равишда қайта тузиш;

• уни ўқувчи имкониятларига мос равишда дифференциялаш;

• таълимнинг махсус услубларидан фойдаланишда кўмаклашиш.

Финляндия

Интеграциялашган болаларга ёрдамлашиш мактаб тиббий хизмати ходимлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг таълим хизмати томонидан таъминланади.

Биринчиси, турли мутахассис ва терапевтлар (логопедлар, психотерапевтлар, терапевтлар ва ҳ.к.) томонидан амалга ошириладиган ёрдам дастури учун жавоб беради.

Иккинчиси, интеграциялашган болалар учун таълимнинг зарур шароитларини таъминлашга мўлжалланган.

Зарурият туғилганда ўқув дастури интеграциялашган боланинг имкониятларига кўра мослаштирилади. Махсус таълимга ўтказилган ҳар бир болага, ўқув жадвали талабини эътиборга олган ҳолда индивидуал режа тузилади. Ўқув режаси бола фаровонлиги учун жавобгар барча жамоа томонидан биргаликда тузилади. Жамоага ўқувчининг ўзи, унинг ота-онаси, у билан ишлайдиган педагог, мутахассис ва экспертлар киради. Ўқувчи ҳамма вақт ёки фақат айрим дарсларга келиб, асосий гуруҳда ўқиши мумкин. Мактаб штатида махсус педагоглар, ижтимоий ходимлар ва маслаҳатчилар мавжуд. Уларнинг бари ўқитувчига ёрдам кўрсатади. Махсус ўқитувчи синф ўқитувчиси ва унинг ёрдамчисига кўмаклашиш ҳамда махсус гуруҳ ёки якка тартибдаги машғулотларга ўқувчи олиш учун асосий гуруҳга келиши мумкин. Дарс ўтказиш жараёнида заруриятга қараб бошқа мутахассислар (логопед, ЛФК услубшуноси ва ҳ.к.) ҳам иштирок этишлари мумкин, аммо одатда улар даволашни индивидуал асосда ўтказадилар.

Франция

Интеграциялашган ўқувчилар билан ишлаётиб, ўқитувчилар мактаб психологлари ва махсус педагогларни ўз ичига олган ихтисослаштирилган ёрдамчи тузилмаларга ёрдам сўраб мурожаат қилишлари мумкин. Жалб қилинаётган ходимлар ўзига хос соҳада ёки ўзининг бутун мактаб фаолиятида вақтинча ёхуд доимий

равишда қийинчиликларга дуч келаётган ўқувчилар ҳамда оддий синфларга интеграциялашган, ривожланишида нуқсонлари мавжуд болаларга ёрдам кўрсатишлари лозим. Мутахассислар турли департаментлардан (соғлиқни сақлаш, ижтимоий масалалар, таълим) жалб қилиниши мумкин. Улардан ҳар бири қисқа ёки узоқ муддатда ўқувчига ёрдамлашади ҳамда ўқитувчи ва мактаб ходимларига кўмаклашади.

Швейцария

Нуқсонли болаларнинг кўпчилиги умумтаълим муассасаларида таълим-тарбия олишлари расм бўлган. Синфда 4 та ўқитувчи ишлаб, 3 таси умумтаълим дастурида, қолган битта ўқитувчи эса махсус тайёргарликка эга бўлган ўқитувчи ҳисобланади. Ҳафтада бир марта бу ўқитувчилар ўзаро ҳамкорликдаги факультатив машғулотлар ўтказишади. Шунингдек, махсус эҳтиёжли бола билан ишловчи мутахассис ўқитувчи ҳафтада бир марта ҳар бир ўқитувчи билан синфдаги муаммолар ва масалалар юзасидан учрашади. Бундай ўқитиш йўллари интеграцион гуруҳларда ўқитувчиларнинг фаолият юритишини енгиллаштириб, синфдаги ўқув сифатини оширади. (Evansp. L., маълумотлари, 1995 йил).

Швеция

Ота-оналар ва мактаб ўқитувчиларига Округ кенгаши тасарруфида фаолият юритувчи Муниципал (ҳокимият) болалар реабилитацияси марказининг махсус педагоги маслаҳат беради. Боланинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда улар биргаликда индивидуал ўқув режасини тузадилар; мактаб ўқитувчиси унинг бажарилиши учун масъул ҳисобланади.

Зарурият туғилганида синфга ёрдамчи педагог таклиф этилади. Швеция махсус таълим агентлиги (SIH) ҳам оила ва мактабларга маслаҳат бериш ва ёрдам кўрсатиш учун жавобгар. Амалда маслаҳат беришни аниқ бир бола билан ишлайдиган маслаҳатчи амалга оширади. SIH маслаҳатчиси, масалан, ўқув материалига алоқадор тавсиялар беради, шаҳар ҳокимиятига махсус таълимга муҳтож болаларга оптимал таълим беришни ташкил этишда кўмаклашади.

Зарур бўлганда, мактаб негизида фан ўқитувчилари учун малака ошириш курслари (синфга интеграциялашган ўқувчиларнинг эҳтиёжлари ва хусусиятларини назарда тутган ҳолда) ташкил

қилиниши мумкин. Г. Мирон эса қуйидаги маълумотларни беради:

1981 йилда UNICEFнинг Швеция ҳукуматидаги ташкилотда 6 ёшгача бўлган нуқсонли болаларни норасмий ўқитиш дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастур асосида нуқсонли болаларни оммавий муассасаларда ўқитиш тизими, бу болаларни ўқитишда ота-оналар билан ишлаш методикаси ишлаб чиқилиб, Никарагуада ҳам қўлланила бошланди (1995 йил).

Хулосалар

Миллий маърузалар таҳлили Европа махсус таълимни ривожлантириш агентлиги ходимларига умумтаълим мактабларида интеграциялашган махсус таълимга муҳтож ўқувчиларга кўмаклашиш амалиёти тўғрисида айрим умумлаштирувчи хулосалар қилиш имкониятини берди

1. Баъзи Ғарбий Европа мамлакатларида кўмаклашиш «мактаб ичра», яъни ўқув юртининг штатли ходимлари саналадиган турли ихтисосликдаги мутахассислар томонидан таъминланади. Бошқа ҳолларда бу масъулият мактабдан ташқари ихтисослаштирилган хизматлар ва келиб ишловчи педагоглар зиммасига юклатилади. Сўнгги ҳолда махсус мактабларнинг роли катта, чунки айнан улар фан ўқитувчилари ва интеграциялашган ўқувчиларга ёрдам кўрсатишда асосий роль ўйнайдилар.

2. Миллий маърузаларини тақдим этган 17 мамлакатдан олтитасида ёрдам энг аввало синфида интеграциялашган ўқувчилар мавжуд ўқитувчилар ва мактабга йўналтирилган. Бироқ қарийб барча маърузаларда ёрдам беришнинг нафақат ўқувчига, балки у билан ишлайдиган ўқитувчилар учун ҳам аҳамияти эътироф этилади.

3. Миллий маърузаларга мувофиқ мактабларда ҳар томонлама ёрдам кўрсатилади. Ёрдам характери эса конкретболанингиндивидуал таълим эҳтиёжларига боғлиқ бўлиб, айрим мамлакатларда синф билан бир қаторда синфдан ташқарида ҳам кўрсатилиши мумкин. Қатор мамлакатларда ёрдам нафақат мактабда, балки унинг ташқарисида ҳам кўрсатилади. Бу ҳолда ташқи хизматлар (одатда, бу даволанишнинг айрим услубларига тегишлидир) ёрдамга жалб қилинади. Ўқитувчи нафақат ўқув юртида, балки ундан ташқарида ҳам кўмак олиши мумкин; бунинг учун турли хизматлар мавжуд. Ўша ташқи хизматларнинг ходимлари айрим мамлакатларда ота-оналарга ҳам маслаҳат берадилар.

4. Тўртта асосий ёрдам тури мавжуд:

Олдини олиш чоралари;

– Ахборот-маслаҳат ёрдами (болада мавжуд қийинчиликларни тавсифлаш, махсус ўқув материаллари, техник воситалар, махсус таълим услублари ва ҳ.к.) билан танишув;

– Ўқув дастури ва ўқув жараёнини дифференциялаш (индивидуаллаштириш, мослаштириш);

– Интеграциялашган ўқувчининг мактабдаги таълим олиш ва иштирок қилиш шароитларини яхшилаш (ўқитувчилаи, масъулиятларни бўлиб олиш).

– 5. Кўмаклашишни ташкил этишнинг асосий стратегиялари – умумий ва ўзига хос ахборот бериш, фаолиятга жалб қилиш, мактаб таълими тизимини ўзгартириш. Демак, кўриб турганимиздек, Ғарбий Европа мамлакатларида умумтаълим муассасаларига интеграциялашган махсус таълимга муҳтож болаларга ёрдам беришни ташкил этишга ягона ёндашув ва қоидалари йўқ. Ҳатто шаклланган фуқаролик жамиятига эга, иқтисодий жиҳатдан ривожланган ва турмуш даражаси юқори давлатлар ҳам интеграция муаммосини ким, кимга, қаерда ёрдам кўрсатишини турлича тушунадилар ва ҳал қиладилар[13].

2.3. МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИИТАҚАЛАРИ, ШАРҚИЙ, ЖАНУБИЙ ВА МДҲ ДАВЛАТЛАРИДА ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ

Хитой

Хитойда интеграциялаш жараёни барча умуммиллат маълумотларини йиғиш, тажриба алмашиш, мулоқот ва фикр алмашиш, кадрларни тайёрлаш, мактаб ўқув жараёнларини ислоҳ қилиш, мактаб ходимлари билан учрашув ва савол-жавоблар ўтказиш ҳамда барча ахборотларни йиғиб таҳлил қилишдан бошланди. Нуқсонли болалар таълими Хитой таълим тизимида бирмунча янги эди. Ҳар бир туманда интеграцион таълим борасида семинарлар уюштирилди. 8 та ўқув семинарида 1000дан ортиқ кишилар иштирок этдилар. Бир қанча педагогика институтларида

[13] Малофеев Н.Н Заподно Европеский опыт сопровождения учащихся с особыми образовательными потребностями в условиях интегрированного обучения (По материялом Доклада Европейского агентства по развитию специального оброзования) Журнал Дефектология №5 Москва, 1999

«Нуқсонли болалар таълими» номли ўқув курслари ўтила бошланди. (Ainscov M., ва бошқалар 1996 йил).

Хитойнинг Таълим бўйича миллий тадқиқот институти UNESCOнинг мақсадли грант маблағлари ёрдамида алоҳида эҳтиёжли болалар таълимини қўллаб-қувватлаш мақсадида WEB ресурс марказини ташкил этиш бўйича инновация дастурини ишлаб чиқди. Бу ресурс марказининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

– алоҳида эҳтиёжли болалар ва ёшларни таълим тизимига киритишда маълумотларни олиш бўйича ресурсларни аниқлаш;

– махсус эҳтиёжли шахслар билан алоқа ўрнатиш;

– маълумотлар банкида турли таълимий ва ривожлантирувчи материалларни тўплаш;

– Internet тизими орқали мутахассислар маслаҳатини уюштириш;

– WEB ресурс маркази фойдаланувчилари орасида тажриба ва билим алмашишни ташкил қилиш;

– интеграция муаммоларини ҳал қилиш воситаларини излаш. Чет давлатлар билан бу борадаги ҳамкорлик учун имкониятлар яратиш (Юн Йинг Чен маълумотлари, 2000 йил).

– Шундай қилиб Хитойда Internet тизимидаги электрон ресурс маркази орқали мутахассисларнинг билим ва малакаларидан фойдаланган ҳолда бутун мамлакат ҳудудидаги алоҳида эҳтиёжли болалар ва шахсларнинг таълим олиш талабини қондириш имконияти пайдо бўлди. Мазкур дастур махсус эҳтиёжли болаларни таълим жараёнига киритиш бўйича бошқа чора-тадбирларга қўшимча ёрдам сифатида қўлланилади. Айрим ҳолларда эса таълим бериш ва ривожлантириш имконини берувчи ягона восита бўлиб қолди.

Ҳиндистон

Ҳиндистон қонунида мажбурий бошланғич таълимга жиддий ва катта вазифа деб қаралади. Таълим тизимини ривожлантириш 1947 йилда мамлакат мустақилликка эришгандан сўнг Ҳиндистон ҳукумати томонидан қонуний тасдиқланган. 1986 йилда ишлаб чиқилган ва 1992 йилда миллий таълим қонунига кўпгина мутахассислар ва турли штатларнинг вакиллари иштирокида ҳамда бошқа тегишли фуқароларнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракати билан қўшимчалар киритилган. Мамлакатда истиқомат қилувчи барча фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқи кафолатланган. Таълим

тўғрисидаги қонуннинг асосий бандида ривожланишида алоҳида эҳтиёжи бўлган болаларни барча қатори таълим олиши ва улар ўртасидаги тўсиқларни бартараф қилиниши қайд этилган.

Шунингдек қонунда мамлакатда яшовчи фуқароларнинг кўп тиллилиги, диний-ижтимоий, маданий ривожланишининг хусусияти ҳамда мамлакатда яшовчи ногирон болалар, қиз болалар ҳар хил ҳудудларда яшовчи майда миллат болалари, ижтимоий ҳимояга муҳтож эканлиги аниқланиб, уларга қўшимча равишда эътибор берилиб, таълим олиш ҳуқуқи таъкидланган.

Ҳиндистонда болаларнинг кўпчилик қисми мактабларда ўқитилишига қарамасдан 6–14 ёш бўлган 35000000 нафар бола ҳануз таълимдан четда қолиб кетмоқда. Бунга сабаб мактабларнинг етишмаслиги, биноларнинг ногирон болаларга мослаштирилмаганлиги, ўқитувчилар давоматининг пастлиги ва етишмаслиги, молиявий таъминотнинг етарли эмаслиги, мактаблардаги таълим жараёнининг сустлиги ва ҳ.к.

Турли хил табиий офатларга кўра бошпанасиз қолган, боқувчисини йўқотган, етим болалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳануз таълимдан четда қолмоқдалар. Кейинги вақтда таълим олишнинг бир қатор мавҳум тизими ривожлана бошлади. Бундай тизимни шакллантириш яхлит битта вазирлик доирасида бўлиши керак, деб таъкидлайди Кералин Дайр. Ушбу шаклланган таълим тизимининг вазифаси «уйин орқали» ўқитишга асосланган янги ишлаб чиқилган дастур ёрдамида, ўқитувчи ўқувчига ёндашиш йўли билан ўқитиш талаб этилади. Бундай ёндашув доирасида ўқитиш ҳар хил болани эҳтиёжини қондириш учун индивидуаллаштирилган бўлиши таъкидланган.

Инклюзив таълимнинг ижтимоий масаласи ҳар бир узоқ масофадаги ҳудудларда яшовчи болаларни ота-оналарнинг хоҳишига кўра давлат мактабларида ўқитиш давлатнинг имконияти ва ўқитувчиларнинг хоҳиши, имкониятлардан келиб чиқиб амалга оширилиши мумкинлиги қайд этилган. Давлат мактабларида ўқитилиши давлатнинг имконияти ва ўқитувчиларнинг хоҳиши, шароитидан келиб чиқиб амалга оширилиши мумкинлиги қайд этилган.

Давлат мактабларига қатновчи гуруҳлар кўпчилиги анъанавий сегрегацион гуруҳлардан қатнайдилар, Бу эса ижтимоий инклюзиянинг муҳим, муаммосидир. Бу мамлакатнинг давлат

қонуни, формал ва ноформал таълим тизимини жорий қилишда UNICEF ва UNESCO ташкилотининг ҳиссаси ва бевосита ҳамкорлигида тузилган «Нуқсонли болаларнинг интеграцион таълим лойиҳаси» бўйича иш олиб борила бошланди. Бу лойиҳа Ҳиндистон ҳукумати сиёсати ва этник ҳолатини ҳисобга олган ҳолда тузилган (Ainscov M. ва бошқалар, 1996 йил).

Никарагуа

1979 йилда Никарагуа таълим вазирлиги нуқсонли болаларни ўқитиш дастурини олиб борувчи махсус бўлим ташкил этди. Бундан ташқари нуқсонли болаларнинг ўқув имкониятларини ташхис қилиш маркази ва махсус муассасалар ҳужжатлари ахборот базаси юзасидан иш юритиш марказлари ҳам очилди. Мамлакатда оммавий мактаб тизимида кўплаб қийинчиликлар бўлиб, мактабга қатнамайдиган болаларнинг сони жуда юқори эди. Нуқсонли болалар таълими махсус сегрегацион ва оммавий мактабларда интеграцион синфлар шаклида ташкил этилган. Махсус мактабларда фақат оғир нуқсонли болалар ўқитилади.

Лаос

Лаосда барча болаларнинг таълим олишини таъминлаш ва уларнинг барча ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг асосий вазифаси ҳисобланади. 1993 йилда қизлар ва нуқсонли болалар таълимини таъминлаш дастури иш бошлади. Дастурнинг ҳар бир иштирокчиси жойларда лойиҳа мазмунини тарғибот қилади, инклюзив таълим тизими борасида тренинглар уюштириб, мутахассисларни тайёрлайди дея, UNESCOнинг 1996 йилги халқаро ҳисоботида маълумот берилган.

Таиланд

Таиландда оғир ва ўрта даражадаги нуқсонли болаларни оммавий мактабларга қабул қилиш, ўқитишга ва бунга ўқитувчи-мутахассисларни тайёрлашга оид ўқув лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Раджбатандаги Суан Дисит институтида ўтказилган иккита конференциядан сўнг инклюзив мактабларнинг учта йўналишидаги концепцияси ишлаб чиқилди.

Биринчи йўналиш қўшимча гуруҳ бўлиб, у администраторлар, ўқитувчилар ва ота-оналардан ташкил топган.

Иккинчи йўналиш оғир ва ўрта даражадаги нуқсонли ва соғлом болаларни оммавий синфларда ўқитишни ташкиллаштирувчи ўқитувчилар ва ота-оналар;

Учинчи йўналиш синфлар учун индивидуал режаларни ишлаб чиқишда қўллаб-қувватловчи адмистраторлар, ўқитувчи, волонтёрлардан иборат (UNESCO ҳисоботи, 1996 йил).

Вьетнам

Вьетнамдаги инклюзив таълим тизимини ўрганиш шуни маълум қиладики, бу ерда иккита ҳолат кузатилади. Таълим вазирлиги томонидан Давлат фан ва таълим институтида махсус эҳтиёжли болалар учун инклюзив таълимнинг самарали натижаларини аниқлаш учун иш олиб борилади (UNESCO ҳисоботи, 1996 йил).

Россия

В. А. Березина, Л. М. Шипициналарнинг берган маълумотларига кўра, ҳозир Россияда махсус таълим иккита йўналишда: дифференциал ва интеграция тарзида. дифференциал таълим эса 8 йўналишда ташкил этилган. Охирги пайтларда Москва, Санкт-Петербург ва Россиянинг бир қатор шаҳарларида махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим муассасаларига жалб этиш борасида илмий изланишлар ва психолого-педагогик амалий ишлар олиб борила бошланди.

Россияда интеграция модели асосида умумтаълим муассасаларида махсус синфлар ташкил этилган бўлиб, улар қуйидагича:

– ақлий ривожланишида орқада қолган болалар учун гуруҳлар ва синфлар;

– руҳий ривожланиши сустлашган болалар учун гуруҳ ва синфлар;

– тарбияси оғир болалар учун гуруҳ ва синфлар.

– Л. М. Шипициианинг берган маълумотларига асосан Россияда ҳозирги кунда 38 фоиз имконияти чекланган болалар умумтаълим муассасаларида таълим-тарбия олмоқдалар.

Латвия

Латвияда (Eljosiene I.,1998 йил) интеграцион таълимга муаммо сифатида қаралиб. Лиепайский олий педагогик мактаб дастурига

киритилди. Бу ерда асосий муаммо интеграцион педагогикада ўқитувчилар билан махсус педагогика ўртасида ҳамкорлик муносабатларини яратишдан иборат эди.

Литва

Литвада 1992 йил Маориф вазирининг ташаббуси билан махсус ёрдамга муҳтож болаларни умумтаълим тизимига интеграциялаш модели ишлаб чиқилишига тайёргарлик ишлари бошланди. Бу мақсадни амалга ошириш учун хорижий ва литвалик Вильнюс университетининг махсус педагогика лабораторияси қошида бу тизим ташаббускорларидан ходимлар, болалар, психиатрлар, психологлар, логопедлар ва педагог-дефектологлардан иборат мутахассислар гуруҳи тузилди. Бу гуруҳ томонидан «Махсус таълим тизимининг лойиҳаси» номи билан интеграцион таълим тизимининг бошланғич лойиҳаси ишлаб чиқилди. 1993 йилда Литва Маданият ва маориф вазирлиги томонидан «Махсус эҳтиёжли болаларга умумтаълим муассасаларига ёрдам бериш (имкониятлари) тартиби тўғрисида»ги Қонуни тасдиқланди.

Арманистон

Барча МДҲ мамлакатларидагидек Арманистонда ҳам ҳар бир шахсни жамиятда таълим олиш ҳуқуқига эга эканлигини ва уни ижтимоий келиб чиқиши, жисмоний ҳолатидан қатъий назар таълим олиш ҳуқуқи таъминланган.

Шу боис охирги 10 йил ичида Арманистонда ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар фарзандлари, етим болалар, имконияти чекланган болаларни ижтимоий қўллашга, таълим олиш масаласига катта эътибор берилмоқда. Шунингдек инклюзив таълим тизимини шакллантириш ва ривожлантиришга оид дастлабки ишлар олиб борилмоқда.

Қўшимча ёрдам кўрсатувчи ходимлар ва ёрдамчи хизматларни жалб қилиш учун инклюзив таълимни молиялаштириш масаласи давлат томонидан маъқулланиб, 2006 йилда инклюзив мактабларга қўшимча маблағ ажратилди.

Арманистонда 49 та инклюзив мактаб мавжуд бўлиб, 700 нафар жисмоний, ақлий ва ижтимоий муаммоси бўлган болалар таълим оладилар. Бу мактаблар инклюзив таълим жараёнини ривожлантириш ва кенгайтириш учун ресурс бўлиб хизмат қилади.

Арманистонда махсус эҳтиёжли болалар эҳтиёжини қондиришнинг давомийлигини таъминлаш мақсадида махсус ва инклюзив таълим жараёнини нафақат асослаш, ривожлантириш учун имконият яратишга ҳукумат парламенти томонидан бир қатор қонун ва қарорлар қабул қилинган.

Бундай эскича ёндашиш давомийлиги ҳамма учун бир хил бўлган янги инклюзив таълим муҳитини шакллантиришда қийинчиликлар туғдиради. Жамиятда нотўғри стереотипни ва психологик комплексларни шаклланганлигини йўқ қилиш ва инклюзив таълим муҳитини шакллантиришнинг энг маъқул ва тўғри йўли синфда ва синфдан ташқарида болалар орасида ҳамкорлик қилишдан иборат. Шу фанни ўқитадиган ўқитувчи ҳамда шу синфда ўқийдиган ўқувчилар, ота-оналари, зарурият туғилганда махсус педагоглар, психологлар ва ижтимоий ходимларнинг фаолиятидир. Интерфаол усулда ўзаро ёрдам кўрсатишга асосланган гуруҳларда ўқитиш методи ривожланиши зарур.

Арманистон Республикасининг маълумотларига кўра инклюзив мактабларни умумтаълим муассасалари деб қарашмайди. Бу мактабларда имконияти чекланган болалар соғлом болалар билан ёнма-ён формал ўқийдилар. Шунинг учун ҳам инклюзив мактабда биргаликда таълим олиш жараёнида индивидуал машғулотга жиддий эътибор берилади, акс ҳолда махсус шароитдаги таълимга эҳтиёжи бўлган ўқувчилар ўқишдан орқада қолади.

Озарбайжон

Озарбайжонда 1998 йилда «Болалар ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция ратификация қилинди ва 2001 йилда эса «Махсус таълим тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

2002 йилга келиб инклюзив таълим борасидаги лойиҳалар фаолияти юзасидан 10 дан ортиқ қонуний ҳужжатлар ва лойиҳалар ишлаб чиқилди. Инклюзив таълимни ривожлантиришнинг Миллий дастур режаси икки қисмдан иборат бўлиб, 1-қисми инклюзив таълим борасидаги лойиҳалар фаолиятига оид бўлиб, 2-қисмини инклюзив таълим моддий-техник асосини яхшилаш масалалари ташкил қилади. У. Т. Микаилова (ННТ «Таълимда инновациялар маркази» раҳбари)нинг берган маълумотларига кўра, Озарбайжонда бугунги кунга қадар 100 дан ортиқ махсус эҳтиёжли болалар 14 та мактабгача таълим, 14 та бошланғич таълим муассасаларида инклюзив таълим шароитида ўқитилмоқда.

Инклюзив таълим тизимини жорий қилиш борасида қўшни ҳамдўстлик давлатларида ҳам кўзга кўринарли ишлар амалга оширилаётганлиги таҳлил қилинди:

Қирғизистон

Қирғизистонда инклюзив таълимнинг ривожи давлат қарамоғидаги мактаблар ва нодавлат ўқув муассасалари базасида бўлди. Мутахассислар томонидан умумтаълим муассасаларига таълим олишга имконияти мавжуд бўлган болалар қабул қилиниб ўқитила бошланди. Қирғизистонда бу борада ўқитувчилар, ота-оналар, вазирлик ходимлари ва Республика бўйича тегишли вакиллар иштирокидаги 3 та йирик семинар, конференция ўтказилди. (Г. Алчиева, 2000 йил).

Қозоғистон

Қозоғистонда 2003 йилда «Махсус эҳтиёжли болаларни коррекцион-ижтимоий ва тиббий-педагогик қўллаб-қувватлаш ҳақида»ги Қонун қабул қилинди. Бу қонун асосида махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим муассасаларида таълим-тарбия бериш, коррекцион педагогик иш олиб бориш мақсадида реабилитацион марказлар, психолого-педагогик коррекция хоналари, махсус мактаб ва мактабгача таълим муассасалари қошида қисқа муддатли (синфлар) гуруҳлар ташкил этилди. Инклюзив мактабларга кадрларни тайёрлаш учун олий таълимда «Махсус педагогика», «Махсус психология» ва «Махсус методика» курслари киритилди[14]

[14] Шомаҳмудова Р. Бердиева А. Б. «Имконияти чекланган болаларни инклюзив таълимда ўқитиш услублари». Методик қўлланма. Т.: «Ishonch markaz servis», 2008. 4–20-бетлар.

III БОБ ЎЗБЕКИСТОНДА ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИНГ ЖОРИЙ ҚИЛИНИШИ

3. 1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА МЕЪЁРИЙ АСОСЛАРИ

Ногиронларни умумтаълим тизимида ўқитиш масалаларига эътибор бериш Республикамизда 1996 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази ва UNESCO ташкилоти билан ҳамкорликда республика семинари ўтказилиши билан ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Шу даврдан бошлаб олимлар, махсус таълим тизимидаги раҳбар ходимлар, педагоглар, умумтаълим муассасаларининг раҳбарлари ва нодавлат ташкилотларнинг ногиронлар таълими эҳтиёжини қондиришга қаратилган муносабатлари ўзгара бошлади.

Инклюзив таълим Ресурс маркази имконияти чекланган болаларни интеграциялашган таълим жараёнида таълим олиш стратегиясини кенг жорий қилиш мақсадида UNESCO ташкилоти билан шу йилдан буён ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистонда интеграциялашган инклюзив таълим тизимини амалиётга татбиқ қилиш мақсадида UNESCO халқаро ташкилоти лойиҳаси асосида бир неча бор Республика миқёсида семинар-тренинглар ва халқаро конференция, форумлар ўтказишга муяссар бўлинди.

Конференцияларда кўтарилган долзарб муаммолар, тавсиялар ва иштирокчиларнинг маърузалари қуйидаги илмий-амалий тўпламларда чоп этилди: «Алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни маънавий ва эстетик ривожлантириш» (Тошкент «Узинкомцентр», 2003й.) «Ўзбекистонда ҳимояга муҳтож бўлган болаларга ёрдам кўрсатишнинг самарали шакли ва услуби» (2005 йил республика болалар ижтимоий маркази бўлими), «Ўзбекистон республикасида болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимини ривожлантиришнинг истиқболлари» (2007 й), «Инклюзив таълим ва болаларни ижтимоий қўллаб-қуватлашнинг замонавий тенденциялари» ва бошқа бир

қатор тўпламларда чоп этилди. Ҳозирги кунда Республикамизда инклюзив таълим концепциясини жорий қилишда ушбу материаллар асосий дастуруламал бўлиб келмоқда.

1998 йилда UNESCO ташаббуси билан Бухоро шаҳрида йирик Конференция ўтказилди. Конференциянинг мақсади алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни ижтимоий қўллаш, реабилитация қилиш. таълимга жалб қилиш, махсус ва инклюзив таълимнинг моддий-техник базасини ташкил қилиш ва махсус эҳтиёжли болаларни тўлақонли равишда жамиятга мослаштиришга оид турли ташкилий-услубий ишларни амалга оширишда Марказий Осиёда кўп тармоқли алоқалар ўрнатишдан иборат эди.

Ушбу Конференцида БМТ, UNICEF, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотларининг экспертлари шунингдек, Россия, Қозоғистон, Тожикистон. Туркманистон, Қирғизистон Республикаси ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги турли хил давлат ва нодавлат ташкилотлар. маъмурий органларнинг мутасадди ходимлари иштирок этдилар. Имконияти чекланган болаларни ижтимоий қўллаш ва барча қатори тенг ҳуқуқли шароитда таълим олиши ва бирон бир бола таълимдан четда қолмаслиги жиддий муҳокама этилди ва резолюциялар қабул қилинди. Ушбу халқаро конференцияда Ўзбекистон Республикаси ХТВ ва унинг тасарруфидаги турли маъмурий ташкилот вакиллари ҳам иштирок этиб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Республикада ушбу муаммони ҳал қилиш масалалари бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Шу боис Ўзбекистонда алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни умумтаълимга жалб қилиш ва интеграция усулида таълим олиш 2001–2002 йилларда бирмунча фаоллашди. Халқ таълими вазирлиги, РТМ тасаруфдаги инклюзиф ресурс маркази, UNESCO, UNICEF ва «OPERATION MERCY», «MERCY PROJEKT» хайрия ташкилотлари нодавлат халқаро ташкилотлар хамда Ўзбекистонда фаолият кўрсатувчи миллий нодавлат жамоа ташкилотлар, жумладан: «УМР», «Зиё», «Имкон», «Ҳаёт», «Умидворлик», «Ёруғлик», «Мурувват», «Мезон», «Меҳригиё», «ШАНС», «Ниҳол». «Коррекцион педагогик реабилитация маркази» кабилар билан ҳамкорликдаги лойиҳалар бўйича дастабки тажрибалар амалга ошириб келинган.

2000 йили инклюзив таълимнинг илк асоси сифатида Республика таълим маркази махсус таълим бўлими томонидан

«Ўзбекистон республикасида алоҳида ёрдамга муҳтож болалар очиқ таълим тизимининг ривожлантириш чора-тадбирлар режаси» ишлаб чиқилди. Бу режа дастурда алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни умумтаълим тизимга киритишнинг қуйидаги ташкилий асослари ёритиб берилди: оммавий ахборот орқали жамият онгини инклюзив таълимга тайёрлаш; республикадаги алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган болалар ҳақида ахборот банки яратиш; барча турдаги нуқсонли болаларни умумтаълим ва якка тартибда оилаларда ўқитилиши бўйича турли хил ўқув-методик адабиётлар, дидактик воситалар ишлаб чиқиш ва шу каби долзарб масалалар қайд этилган.

Айниқса, 2001 йил 21–23 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган «Алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни маънавий ва эстетик тарбиялаш» мавзусидаги халқаро конференцияда турли хорижий мамлакатлар, Қозоғистон, Россия, МДҲ давлатларининг экепертлари қатнашиб, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Конференцияда қатнашган шаҳар ва вилоят халқ таълими бошқарма вакиллари, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш вазирликлари, мутахассислар, олий таълим профессор-ўқитувчилари, малака ошириш институтлари ходимлари, нодавлат жамоат ташкилотлари, ногирон болалари бўлган ота-оналар, матбуот ва ахборот воситалари ходимлари, журналистлар қатнашиб, ҳозирги кунда вужудга келаётган муаммолар устида тўхталиб, баҳс-мунозара юритдилар. Бу конференцияда имконияти чекланган болаларнинг қобилиятлари, меҳнат натижалари, санъат, спортда эришган ютуқлари ва маҳоратлари намойиш этилди. Унинг таҳлили шуни кўрсатдики алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни инклюзив таълим тизимида таълим олиши уларни ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши яна бир бор экспертлар томонидан қайд этилди.

Инклюзив таълим гоясини Ўзбекистонда жорий қилиш ва ундаги муаммоларни ҳал қилиш мақсадида турли хил чора-тадбирлар уюштириш, матбуот-ахборот воситалари орқали тарғибот-ташвиқот ишлари бир мунча фаоллашди.

ХТВ Республика таълим маркази UNESCO ташкилоти билан ҳамкорликда 2001–2003 йилларда «Инклюзив таълим» мавзусида семинар ўтказиб, унинг тавсияларига асосан «Инклюзив таълим ресурс маркази» ташкил этилди. «Инклюзив таълим ресурс маркази»нинг низоми ишлаб чиқилди ва унда қуйидаги вазифалар белгиланди:

– ривожланишида муаммолари бўлган болаларни илк ёшдан саралаш умумтаълимга жалб қилишнинг мезонлари ва талабларини ишлаб чиқиш ва инклюзив синф ва гуруҳларни ўқув-методик мажмуалар билан таъминлаш;

– жойлардаги инклюзив таълим ресурс марказларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

– имконияти чекланган болаларнинг ота-оналарига фарзандларини тарбиялаш, мактабга ва ижтимоий ҳаётга тайёрлашга оид турли шаклдаги тадбирларни ташкил этиш, маслаҳатлар бериш;

– имконияти чекланган болалар ва ўсмирларга таълим бериш, касб-ҳунарга ўргатиш ишларини амалга ошириш мақсадида умумтаълим муассасаларида инклюзив синфлар ва гуруҳлар ташкил этиш.

– 2002 йилда «Таълим ҳамма учун» Дакар Декларациясининг моҳнятини Ўзбекистонда татбиқ этиш юзасидан Халқ таълими вазирлиги, UNESCO, UNICEF халқаро ташкилотлари билан ҳамкорликда халқаро форум ташкил этилди. Форумда халқаро UNESCO ташкилотининг экспертлари иштирок этиб форум қатиашчиларига «Таълим ҳамма учун» Миллий ҳаракат дастур режасиининг мақсад, вазифалари ва унинг ҳознгн кунда долзарблигини тегишли маъмурий органлар ва турли Давлат ва нодавлат ташкилотлар муҳокамасига олиб чиқилди. Форумда қабул қилинган долзарб масалалар ва резолюция асосида Ўзбекистонда «Таълим ҳамма учун» Миллий ҳаракат режаси дастурини ишлаб чиқиш тартиби бўйича ўқув семинари ўтказилди. Семинарда кўриб чиқилган масалалар юзасидан 2003 йил «Таълим ҳамма учун» Миллий ҳаракат дастурининг режаси ишлаб чиқилди.

Ушбу дастурининг режаси 2000 йилда Дакарда қабул қилинган умумжаҳон декларацияси тавсияси асосида ишлаб чиқилиб. бунда сиёсатчилар, вазнрлик ва идоралар раҳбарлари, иедагоглар, жамоат арбоблари, Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш муаммолари билан шугулланувчи ва қизиқувчи барча шахслар иштирок этди. «Таълим ҳамма учун» Миллий ҳаракат режасини амалга ошириш чора-тадбирлари дастурда 2001–2015 йилларга мўлжалланган. Дастурнинг VI бандининг IX йўналиши махсус таълимга йўналтирилган бўлиб, унда махсус эҳтиёжли болаларни

умумтаълим муассасаларига жалб этишнинг қонуний ва ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш; махсус ва инклюзив таълим тизими ҳамда мазмунини моддий техникавий базасини янгилаш; ўқув-услубий таъминотини такомиллаштириш; педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш; инклюзив таълимни жорий этишда жамиятнинг фаол иштирокини таъминлаш матбуот ва ахборот воситалари орқали тарғибот-ташвиқот ишларини фаол олиб бориш ва бошқа қатор масалалар қайд этилган.

Бу ишларни янада ривожлантириш мақсадида 2002 йилда инклюзив таълим бўйича ўтказилган республика семинарида хорижий давлатлар экспертлари, мутахассислар, олимлар, Халқ таълими вазирлиги, жойлардиги вилоят халқ таълими бошқармалари ва бўлимларининг таълимга масъул вакиллари. Ташхис маркази раҳбарлари, умумий ва махсус таълим педагог раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари ва бошқалар иштирок этдилар.

Ушбу семинар UNESCOнинг эксперти Вакайто университети профессори Девид Митчел (Янги Зеландия) иштирок этиб, «Инклюзив таълимни ташкил этишнинг асл моҳияти, умумтаълим тизимида алоҳида синфлар ёки гуруҳлар ташкил этиш билан чегараланиб қолмай, балки уларни меъёрида ривожланган болалар каби таълим олишлари учун барча шарт-шароитларни яратишдир». Шунингдек, инклюзив таълимни амалиётга жорий этишда халқаро иш тажрибалари билан фикр алмашди.

2005 йилнинг 19 сентябрь куни ХТВнинг 234-сонли буйруғи билан «Имконияти чекланган болалалар ва ўсмирлар учун инклюзив таълим тўғрисида муваққат Низом»и тасдиқланди. Ушбу Низомда инклюзив таълим тизимининг мақсад, вазифалари белгилаб берилган.

«Имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун инклюзив таълим тўғрисида муваққат Низом» асосида республикамизда инклюзив таълим тизимининг ҳуқуқий-ижтимоий асослари яратилди, низомнинг 4-бандида инклюзив таълим тизимида ўқув тарбия жараёнини ташкил этишнинг қуйидаги масалалари қайд этилган:

«4.1. Инклюзив таълимни ташкил этилган барча умумтаълим мактабларида имконияти чекланган болалар ва ўсмирларга нисбатан дўстона муносабат руҳи шаклланади.

4.2. Инклюзив таълим амалга оширилаётган умумтаълим мактабларида Давлат таълим стандартларига илова сифатида имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун коррекцион дастурлар ҳам инобатга олинади, махсус коррекцион ишларни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратилади (махсус жиҳозланган коррекция хонаси, махсус инфраструктура).

4.3. Инклюзив таълим амалга оширилаётган умумтаълим мактабларида тайёрлов гуруҳи ва биринчи синфларида 35 дақиқа ва бошқа синфларда дарслар 45 дақиқадан олиб борилади.

4.4. Имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар билимлари уларнинг шахсий хусусиятлари ва қобилиятларига асосланган ҳолда белгиланган тартибда баҳоланади.

4.5. Таълим жараёнида замонавий умумдидактик тамойиллар билан бир қаторда махсус тамойиллар ҳам эътиборга олинади.

4.6. Коррекцион таълим ўқувчиларнинг эҳтиёжларига кўра табақалаштирилган ҳолда ташкил этилади.

4.7. Инклюзив таълим амалга оширилаётган умумтаълим мактабига ўқувчилар ота-оналарнинг аризаси ҳамда «Тиббий-психолого-педагогик комиссия»лари хулосалари асосида қабул қилинади ва таълим муассасалари раҳбарлари буйруғи билан тасдиқланади.

4.8. Инклюзив таълим амалга оширилаётган умумтаълим мактабидаги синфларида интеграция қилинган ўқувчилар сони 4 нафардан оширилмайди ҳамда ўқувчилар умумий сони 25 нафаргача деб белгиланади».

Шунингдек, мазкур Низомда инклюзив таълим иштирокчилари, инклюзив таълим мутахассисларининг ота-оналар ёки бошқа қонуний вакиллар билан ҳамкорлиги, халқаро ҳамкорликда қатнашиш хусусиятлари батафсил баён этилган.

«Имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун инклюзив таълими тўғрисида муваққат низом» асосида Республикамизда инклюзив таълим тизимининг қуйидаги ҳуқуқий-ижтимоий асослари яратилди:

– болани ижтимоий ҳаётга тайёрлашда ёши, жинси, ирқи, миллатидан қатъий назар Ўзбекистон Конституциясига асосан барча болаларни умумтаълим жараёнига киритиш ва ижтимоий ҳаётга мослаштириш лозимлиги белгиланган;

– ҳар бир бола ўзининг қизиқиши, қобилияти ва эҳтиёжига кўра мос равишда билим олиши ҳуқуқига эга;

– таълим дастурини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда ўзига хослик ва эҳтиёжларнинг турли-туманлигини назарда тутиш;

– ҳар бир бола ўз тенгдошлари қатори билим олиш ҳуқуқига эга бўлиши;

– болани таълимга эмас, балки таълимни боланинг эҳтиёжига кўра ташкил этиш;

– болани муҳтожлиги ва имкониятини эътиборга олган ҳолда таълим методологиясини, ўқув режаларни ихчам бўлишини қўллаб-қувватлаш ҳамда баҳолаш;

– инклюзив таълим муаммони болада эмас, тизимда эканлигини аниқлайди, болага қулай шарт-шароит яратишни таъминлайди:

– болани шахсий эҳтиёжига қараб коррекцион-педагогик ва ижтимоий ёрдамни ташкил қилади ва ҳоказо.

– Юқорида келтирилган инклюзив таълимнинг ҳуқуқий асосларига таянган ҳолда бу таълим тизимини янада такомиллаштириш, уни амалиётга жорий этишни жадаллаштириш мақсадида 2005 йилнинг 14–15 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида «Таълим ҳамма учун» Миллий ҳаракат дастурини жорий этиш босқичлари» мавзусида йирик халқаро конференция ўтказилди. Ушбу конференцияда халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналариннг вакиллири ҳам ўз маърузалари билан иштирок этднлар. UNICEF ташкилоти вакили Реза Хоссейни, UNESCO ташкилоти вакили Бари Лайн, ««««MERCY PROJEKT»» , «Оперейшн Мерси» халқаро ташкилотлари, Коста Рика давлати вакиллари шулар жумласидандир.

«Таълим ҳамма учун» Миллий ҳаракат дастурини жорий этиш босқичлари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияда қуйидаги вазифалар муҳокама этилди ва белгиланди:

– «Таълим ҳамма учун» Миллий ҳаракат дастурининг моҳиятини тарғибот қилиш;

– Республикада имконияти чекланган болалар инклюзив таълимини ташкил этиш бўйича меъёрий методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

– имконияти чекланган болаларни эрта ташхис қилишнинг замонавий услубларни яратиш;

– психолого-тиббий-педагогик комиссия, Ташхис марказлари, психологик хизмат фаолияти самарадорлигини ошириш;

– соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ижтимоий муҳофаза вазирли-

ги ташкилотларининг имконияти чекланган болаларни аниқлаш, ҳисобга олиш, даволаш, ижтимоий ҳимоялаш борасидаги фаолиятини жонлантириш;

– имконияти чекланган болаларга таълим бериш, уларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ҳамкорлигини кучайтириш;

– инклюзив таълим жараёнида учрайдиган тўсиқларни бартараф этиш йўллари билан таништириш.

– Конференцияда нафақат Республикамизнинг шу соҳа вакиллари, балки қўшни Қозоғистон, Қирғизистон, Россия давлатлар вакиллари ҳам иштирок этиб, ўз давлатларида амал қилинаётган инклюзив таълим тизими моделлари, бу соҳада қўлга киритилган ютуқлар билан иштирокчиларини таништиришга муваффақ бўлдилар.

«Таълим ҳамма учун» Миллий ҳаракат режа дастурини амалга ошириш бўйича эришилган ютуқлар ва муаммолар конференция кун тартибидаги қуйидаги мавзулар бўйича гуруҳларда иштирокчилар томонидан муҳокама этилди:

«Нуқсонларни илк ташхис қилиш ва коррекцион педагогик ёрдам кўрсатиш алоҳида ёрдамга муҳтож болалар интеграциясининг муҳим омили сифатида». «Ўзбекистонда алоҳида ёрдамга муҳтож болалар интеграциясининг миллий модели». «Имконияти чекланган болалар оилаларининг ижтимоий реабилитацияси».

Бугунги кунга қадар Республикамизда ўтказилган семинар-тренингларда 3000 зиёд иштирокчилар инклюзив таълим тизимининг мазмун-моҳияти, уни жорий қилиш босқичлари хусусида мукаммал маълумотларга эга бўлдилар.

Имконияти чекланган болаларни инклюзив таълим тизимида таълим олишини янада такомиллаштириш, амалиётда учрайдиган муаммоларнинг ечимларини давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида ҳал қилиш масалалари юзасидан қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

– коррекцион таълим структурасини сифат жиҳатдан янгилаш;

– республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич тўлиқ интеграциясига амал қилиш;

– давлат норматив ҳужжатларига инклюзив таълимни жорий

этиш бўйича қўшимчалар киритиш ёки тадбирлар ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни давлат даражасига олиб чиқиш;

– биноларни уларга мос равишда реконструкция қилиш;

– умумтаълим тизимида таълим олаётган махсус эҳтиёжли болалар учун зарурий моддий-техник базани яратиш;

– инклюзив таълимни ташаббускорлик, меҳр-мурувват тарзида ташкил этиш;

– мактабнинг иш фаолиятига инклюзив таълимни амалга ошириш борасида ўзгаришлар киритиш;

– умумтаълим муассаса педагогларини инклюзив таълим бўйича қайта тайёрлаш;

– барча педагогика олийгоҳларида ва ўрта махсус ўқув юртларида коррекцион педагогик курсларни киритиш;

– коррекцион давлат таълим талаблари ва дастурларни имконияти чекланган боланинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда мослаштириш, ишлаб чиқиш;

– умумтаълим, махсус мактаб педагоглари, ота-оналар учун ўқув-методик ва илмий-оммабоп, ихчам турдаги ўқув адабиётлар ва индивидуал дастурлар яратиш;

– ногирон болани илк ёшидан ташхис қилиш ва коррекцион-педагогик ёрдам бериш;

– имконияти чекланган болаларни умумтаълим тизимида умумий ва коррекцион таълим олишининг илмий асослари, стандарт талаблари, ўқув-методик мажмуаларни яратиш ва таъминлаш;

– касб-ҳунарга ўргатиш, реабилитация қилиш ва бу ишда оиланинг бевосита иштирокини таъминлаш каби бир қатор долзарб масалаларни келажакда кенг қамровли бажариш учун давлат тасарруфида мувофиқлаштирувчи илмий-педагогик ресурс маркази, бошқарма, илмий лабораториялар ташкил қилиш, илмий-услубий, амалий ишларни бажариш инклюзив таълимни жорий қилишда муваффақиятни таъминлайди.

– Юқорида келтирилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасида инклюзив таълимнинг жорий этилиши учун асос бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек 2004 йилда Республика болалар ижтимоий мослашув маркази (РБИММ) ташкил этилди. Ушбу марказ «Sen

yolg`iz emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси, барча маъмурий органлар, халқаро UNICEF, UNESCO ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда муитазам равишда ҳалқаро форумлар ўтказиб келмоқда. Марказнинг иш фаолияти ва вазифалари имконияти чекланган, меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи болаларни ижтимоий ҳимоялаш; ногиронликнинг олдини олиш; соғломлаштириш; илк ташхисни йўлга қўйиш; ҳуқуқий-норматив асосларни яратиш; ота-она қарамоғисиз қолган болалар деинституциализацияси ва жойлаштиришнинг оилавий шаклларни ривожлантириш; инклюзив таълимни жорий қилиш; ахборот-консалтинг хизматини ташкил этиш; ижтимоий ходимларни тайёрлаш, илмий-тадқиқотлар олиб бориш; ўқув-услубий мажмуалар яратиш; семинар-тренинглар ўтказиш каби бир қатор фаолият турлари билан шуғулланиб келмоқда. Шу йиллар мобайнида:

2005 йил – «Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга ёрдам кўрсатишнинг самарали шакл ва усуллари» мавзусида Халқаро форум;

2006 йил – «Болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимидаги ислоҳотлар» мавзусидаги Халқаро форум;

2007 йил – «Ўзбекистон Республикасида болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимини ривожлантиришнинг истиқболлари» мавзусидаги Республика конференцияси;

2008 йил – «Инклюзив таълим ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш шаклларини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари» мавзусида Халқаро форум

2009 йил – «Болаликдан улғайиш сари: ижтимоий ҳимоя, ижтимоий иш, ижтимоий интеграция» мавзусида Халқаро форум

2010 йил – «Соғлом турмуш тарзи – баркамол авлод тарбиясининг асоси» мавзусида Халқаро форум ва конфренциялар ўтказилди.

Ушбу халқаро форумларнинг фаол иштирокчиси сифатида шуни таъкидлашимиз жоизки, юқорида айтиб ўтилган масалалар бўйича Ўзбекистонда давлат миқёсида олиб борилаётган кенг қамровли ишлар ўз самарасини бермоқда. Имконияти чекланган болалар ва ўсмирларнинг ижтимоий ҳимоялаш, таълим-тарбиясини ривожлантиришнинг ҳуқуқий базаси яратилиб, зарур шарт-шароитлар тизими такомиллаштириб борилмоқда.


МЕЖДУНАРОДНЫЙ
ФОРУМ







3.2. ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992 йил; 41-модда);

– «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги Қонун (1991 йил, 19, 27-моддалар);

– «Таълим тўғрисида»ги Қонун (1997 йил, 22, 23-моддалар);

– «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун (2008 йил; Таълим олишдаги тенг имкониятлар ва алоҳида кафолатлар, 28, 29-моддалар);

– Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (ўқувчиларни қобилият ва имкониятларига мувофиқ ўқитишга дифференцион ёндашув);

– «Ёшлар йили» Давлат дастури;

– «Соғлом авлод» Давлат дастури (2000 йил);

– «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури (2007 йил, 4.2-банди),

– «Баркамол авлод йили» Давлат дастури (2010 йил) ва бошқалар;

Инклюзив таълимнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририга имконияти чекланган болаларни умумтаълим жараёнига интеграциялаш мақсадида умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасаларида инклюзив гуруҳ ва синфларнинг ташкил қилинишини тартибга солувчи модда киритилган.

Ўзбекистонда интеграциялашган (инклюзив) таълимни ривожлантириш бўйича сиёсати қуйидаги тамойилларга асосланади:

– интеграциялашган (инклюзив) таълимни имкониятлари чекланган болаларнинг барқарор ривожланиши, реабилитацияси, жамиятга мослашуви ва интеграциясининг муҳим омили сифатида тан олиниши;

– интеграциялашган (инклюзив) таълимни сақлаб қолиш ва ривожлантириш мақсадида барча стратегик кучлар, давлат ва нодавлат тузилмалар, кенг жамоатчиликнинг жисплашиши;

– интеграциялашган (инклюзив) таълимнинг ҳамма учун очиқлиги, таълим тизимини ўқувчиларнинг ривожланиш

салоҳиятлари, ўзига хос хусусиятлари ҳамда таълим эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда мослашуви;

– имкониятлари чекланган болаларни умумий таълимга интеграциялаш мақсадида таълим муассасалари, ота-оналар, жамоатчилик ташкилотларининг фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш механизмларини яратиш;

– интеграциялашган (инклюзив) таълим муассасалари учун махсус ўқув режалари, ўқув-услубий комплекслар ишлаб чиқиш;

– ўқувчиларда теварак-атрофдагилар, тенгдошлари билан ўзаро ижобий муносабатларнинг ўрнатилиши, атрофдаги кишиларда коммуникабеллик ва бағрикенгликни ривожлантириш;

– имкониятлари чекланган болаларни уларнинг эҳтиёжлари ва имкониятларига қаратилган сифатли таълим олишида давлат томонидан қўллаб-қувватланиши;

– Ўзбекистоннинг интеграциялашган (инклюзив) таълим соҳасидаги сиёсати ёш фуқароларнинг таълим олишлари учун оптимал шароитлар яратилишига қаратилади ва қуйидаги мақсадлар бажарилишига йўналтирилади:

– боланинг ўзига хос таълимга эҳтиёжларини мумкин қадар эрта (ҳаётининг дастлабки ойларидан) аниқлаш;

– ўзига хос таълим эҳтиёжлари мавжуд болаларнинг барчасини таълимга жалб этиш;

– имкониятлари чекланган болаларни соғлом тенгдошлари қаторига интеграциялаш учун шароитлар яратиш;

– имкониятлари чекланган шахсларнинг ўзига хос таълим эҳтиёжларини қондириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

– инклюзив таълим муҳитида ишлаётган педагогларга малакали услубий ёрдам кўрсатиш ва рағбатлантириш;

– уйғун ривожланган авлодни тарбиялашга қаратилган давлат сиёсатини таълим воситалари ёрдамида қўллаб-қувватлаш.

– Мазкур мақсадларга эришиш, қуйидаги вазифалар мажмуасининг амалга оширилишини тақозо этади:

– имкониятлари чекланган болаларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, махсус интеграциялашган (инклюзив) таълим мазмунини илмий-услубий жиҳатдан ишлаб чиқиш;

– махсус интеграциялашган (инклюзив) таълимни унинг барча поғоналарида ташкил этиш, бошқариш ва мувофиқлаштириш принциплари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

– махсус интеграциялашган (инклюзив) таълимнинг ҳуқуқий

асосларини такомиллаштириш, унинг меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан таъминотини таълим сиёсатининг мақсад ва вазифаларига мослаштириш;

– болаларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда сифатли таълим олишда тенг имкониятларга эга бўлишнинг давлат томонидан кафолатининг амалга оширилишини таъминлайдиган ташкилий-бошқарув механизмларини яратиш;

– махсус интеграциялашган (инклюзив) таълим муассасалари учун педагогик кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ишларини такомиллаштириш;

– махсус интеграциялашган (инклюзив) таълим муаммоларини илмий-назарий ва илмий-услубий нуқтаи назардан ишлаб чиқилишини таъминлайдиган илмий-педагогик кадрларнинг касбий тайёргарлиги ва малакасини ошириш;

– Ўзбекистоннинг бу фаолиятга давлат, жамоатчилик ташкилотлари, ота-оналарни кенг жалб қилишга қаратилган таълим сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг давлат-жамоатчилик механизмларини ривожлантириш;

– минтақаларнинг имкониятларидан келиб чиқиб, интеграциялашган (инклюзив) таълим ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини мониторинг қилиш тизимини яратиш;

– интеграциялашган (инклюзив) таълим соҳасида ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар, жамоа ташкилотлари ходимлари учун ўқув-методик мажмуалар ва оммабоп адабиётлар яратиш;

Имконияти чекланган болаларнинг, ҳоҳ у махсус мактаб, мактабгача таълим муассасалари бўлсин, ҳоҳ умумтаълим муассасалари қошидаги синф ёки гуруҳлар бўлсин, ҳоҳ уйда таълим олиш бўлсин, ўқитишнинг барча шакллари, таълим соҳасига жалб қилиниши маълум жиҳатдан интеграция жараёни ҳисобланади. Чунки ўқиш даврида ва ундан кейин ҳам бу болалар бошқа болалар, шу жумладан умумтаълим муассасаларда таълим олаётган болалар билан ўзаро мулоқотда бўладилар, уларнинг ижтимоий мослашуви ва жамиятга уйғунлашуви таъминланади. Бироқ таълим олиш учун мос шарт-шароитларни танлаш ҳар бир боланинг ва ота-онасининг ҳуқуқи ҳисобланади. Психологик-тиббий-педагогик комиссия мутахассислари зиммасига боланинг руҳий-жисмоний ҳолатини ўрганиш ва ташхис қилиш вазифаси юкланган бўлиб, болани ҳар томонлама текшириш натижасида болаларни ўқитиш ва уларга мос келадиган таълим шароитини аниқлашга доир тавсиялар берилади.

Шундай қилиб, ўзига хос эҳтиёжлари бўлган боланинг умумтаълим соҳасига самарали жалб қилиниши учун қуйидагилар зарур:

– боланинг ривожланишида ижобий натижаларга эришишга имкон берадиган коррекцион тадбирларни эрга ёшдан бошлаш;

– умумий таълимга жалб қилинган ҳар бир бола учун тиббий-психологик-педагогик кузатувни, яъни мутахассисларнинг доимий ёрдамини ташкил этиш;

– руҳий-жисмоний ривожланиши ва таълим эҳтиёжларидан келиб чиқиб, имкониятлари чекланган ҳар бир боланинг соғлом болалар билан биргаликда тарбия ва таълим олишининг зарур шаклларини танлашни таъминлаш;

Боланинг таълим тизимига жалб қилинишининг бирор кўриниши у учун оддий ва фойдали бўлиши даркор, айни пайтда бу инклюзив таълим маромида ривожланаётган тенгдошларининг сифатли таълим олишига халақит бермаслиги лозим.

Шунингдек, ушбу ҳужжатлар асосида 2003 йилда Республикамизда «Таълим ҳамма учун» Миллий ҳаракат дастури ишлаб чиқилди. «Таълим ҳамма учун» дастурининг Миллий режаси UNESCOнинг хамкорлиги ва моддий кўмаги билан 2000 йилги Дакар шартномаларига мос бўлиб, сиёсатчилар, таълим тизими, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, педагоглар, жамоат арбоблари, Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш муаммолари билан қизиқувчи барча шахслар учун мўлжалланган. Мазкур режада Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимини «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Таълим ҳамма учун» Миллий Режасининг концептуал ўзаги асосида ислоҳ этиш муаммолари ва истиқболлари таҳлил қилинган. UNESCOнинг «Таълим ҳамма учун» лойиҳасида баён этилган мезонларга мувофиқ таълим соҳасидаги муаммолар режада алоҳида қуйидагича ёритилган:

Умумий қоидалар

ҲМР–ТҲУ таянч тамойили (шахс устуворлиги)га таянган бўлиб, ҳар бир гўдак, ўсмир ва ёши катта инсон ўзининг таянч таълимга бўлган эҳтиёжларини сўзсиз тан оладики, ушбу тушунча энг юқори ва тўла маънода қониқиш, янги дунёни билишга ўрганиш, ҳаракат қилиш бошқалар билан биргаликда яшаш ва кун кўриш имконини берувчи таълим олиш ҳуқуқига эгадир. Шунингдек, ҲМР-

ТҲУнинг мақсади ҳар бир инсоннинг иқтидори ва имкониятларини очиш, ўқиётганлар шахсини ривожлантиришга йўналтирилган таълимни таъминлашдир, токи одамлар ўз ҳаётларини яхшилаб, ўз жамиятларини туза олсинлар.

Бундан ташқари ушбу Режанинг III. 9 қисми «Махсус эҳтиёжли болаларни ўқитиш», деб номланган бўлиб, унда махсус таълим тизимининг бугунги кундаги барча жабҳаларининг аҳволи ёритиб ўтилган.

Шунингдек, VI банд ҳам махсус таълим хусусида бўлиб, унда қуйидагича баёнот қилинади:

1. Қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш режалаштирилди:

– «Ривожланишда жисмоний ва руҳий нуқсонлари бўлган болаларнинг узлуксиз таълими тўғрисидаги Низом»ни тасдиқлаш;

– «Махсус эҳтиёжлари мавжуд болаларни хонадонларда ўқитиш тўғрисида Низом» ишлаб чиқиш;

– Махсус ёрдамга муҳтож болалар коррекцион таълими давлат стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш ва бошқалар.

– 2. Махсус таълим ва тарбия мазмунини такомиллаштириш бандининг бош масаласи инклюзив таълим тизимидир:

– болалар мактабгача таълим муассасалари ва мактабларида инклюзив таълим стратегиясини амалга ошириш. Умумтаълим мактаб ўқитувчилари билан махсус мактаб ўқитувчиларининг ҳамкорликда ишлашига эришиш;

– «Таълим тўғрисида»ги Қонунда инклюзив таълимни қўллаб-қувватловчи молиявий воситаларни ҳаракатлантирувчи механизмларини асослаш ва қонуний тасдиқлашни кўзда тутиш мақсадга мувофиқ.

– имконияти чекланган мактабгача ёшдаги болаларнинг скрининг ҳолатини аниқлаш. Имконияти чекланган болаларни умумтаълим мактабларига жалб этишри улардаги нуқсонларнинг тури ва даражаси, шу ҳудуддаги шароитлардан келиб чиққан ҳолда босқичма-босқич амалга ошириш.

– Ташхис марказлари ходимлари иш фаолиятига мактабгача таълим муассаса ва мактабларга инклюзив таълим стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мажбуриятини киритиш кабилар.

IX йўналишнинг IV банди инклюзив таълим тизимини ўқув-услубий томондан такомиллаштириш хусусида бўлиб, унда қуйидагилар баён этилган:

– оддий синфларда махсус эҳтиёжли болаларни ўқитиш режалари, баҳолаш ва синфдан-синфга ўтказиш тизимини соддалаштириш;

– мактабларнинг дарсликлар, услубий қўлланмалар, дастурларга эҳтиёжини аниқлаб, мазкур адабиётларни етказиб бериш, дарсликлар мазмунини такомиллаштириш (2003–2005 йиллар);

– инклюзив мактаб ўқитувчилари ва ўқув режалари зиммасига юклатилган вазифаларни қайта кўриб чиқиш, таълим стандарти, шунингдек махсус эҳтиёжлари мавжуд болаларнинг оддий синфларда билим олишларини назарда тутадиган ихчам ва ўзгарувчан режалар тузиш (2005–2010);

– инклюзив мактаблар ўқувчилари ва ота-оналар учун услубий қўлланмалар, ўқитувчилар учун ўқув материаллари тайёрлаш ва таъминлаш.

– Таҳлил натижаси шуни кўрсатдики, «Таълим ҳамма учун» Миллий дастур режаси ҳар томонлама мукаммал тузилган. Дастурнинг V банди «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш» деб номланади. Чунки инклюзив таълим тизимини жорий этиш юқори малакали кадрларсиз самарали кечмайди. Жумладан, дастурда «Умумий таълим муассасалари педагогларини инклюзив таълим бўйича қайта тайёрлаш, барча гуманитар ўрта махсус ва олий ўқув юртларида инклюзив таълим асослари бўйича курс киритиш (2003–2005)» каби масалалар ўрин олган.

«Таълим ҳамма учун» Миллий дастур режасида юқоридагилардан ташқари инклюзив таълим тизимини жорий этишнингмоддий-техникабазасинимустаҳкамлаш,махсусэҳтиёжли болаларни умумтаълим муассасаларига жалб этишда қонунчилик ва меъёрий базани такомиллаштириш, инклюзив таълимни жорий этишда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш зарурияти ва бошқа масалалар ҳам қайд этилган. Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун махсус ишлаб чиқилган таълим дастурлари бўйича улар таълим муассасаларида ўқиш ва тарбияланиш ҳамда ўз жисмоний, ақлий қобилиятлари ва хоҳишларига мос бўлган таълим олиш ҳуқуқига эга. Психолого-тиббий-педагогик комиссиянинг тавсияси билан жисмоний ёки руҳий ривожланишида муаммолари бўлган болаларнинг ота-оналари ўз истагига кўра ҳамда боланинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда таълим (умумтаълим ёки ихтисослаштирилган) муассасаси турини танлаш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий ўқув юртларига ўқишга киришда қонун ҳужжатлари билан имтиёзлар белгиланиши мумкин, деб кўрсатилган. Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган барча меъёрий ҳужжатлар асосида Ўзбекистон Республикасида инклюзив таълимни жорий қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилган.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

«Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонун (1991 йил)

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (1992 йил)

«Таълим ҳамма учун» Миллий дастур режаси (1993 йил)

«Таълим тўғрисида» ги Қонун (1997 йил)

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» (1997 йил)

«Имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун Инклюзив таълимда муваққат Низоми « (2005 йил)

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури (2007 йил)

«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун (2008 йил)

3.3. ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ДАСТЛАБКИ ТАЖРИБА ВА СИНОВ ИШЛАРИ

Республика таълим маркази UNESCO ташкилоти билан ҳамкорликдаги лойиҳа режасига биноан Инклюзив таълим ресурс маркази ва интеграцион таълим тизими жорий қилинган муассасаларга услубий ва методик жиҳатдан ёрдам беради, бу таълим тизимини такомиллаштирш учун халқаро хорижий давлатлар билан ҳамкорлик қилади. Имконияти чекланган болаларни инклюзив таълимга жалб қилиш республикамизнинг айрим вилоятларида, жумладан Фарғона. Андижон, Хоразм, Тошкент вилоятларида тажриба-синов жараёни бошланган бўлиб, бу ишларни амалга оширишда нодавлат жамоалар, хорижий ташкилотлар ташаббус кўрсатди. Халқаро UNESCO ташкилоти Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларида инклюзив талимнинг таянч пунктлари ташкил этилди. Улар алоҳида ёрдамга муҳтож болалар таълими билан шуғулланувчи «Инклюзив таълим» дастурини амалга оширувчи ягона пунктлар ҳисобланади.

Фаргона вилояти Қўқон шаҳридаги махсус эҳтиёжга эга бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Зиё» маркази умумтаълим мактабларига имконияти чекланган болаларни жалб этиш UNESCO лойиҳаси асосида Инклюзив таълим ресурс маркази билан ҳамкорликда 2004 йилда ўз фаолиятини бошлади. Синов-тажриба майдонлари учун Фарғона вилояти Қўқон ва Марғилон шаҳридаги 4, 5-сонли ақли заиф болалар, 9-сонли заиф кўрувчи болалар махсус мактаб-интернатларида, 64-сонли фалаж болалар мактабгача таълим муассаса мажмуаси, 39-сонли нутқида нуқсони бўлган болалар мактабгача таълим муассасаси, 1 ва 9-сонли умумтаълим мактаблари, Андижон вилоятидаги 5, 31-сонли умумтаълим мактаблари танланди.

Инклюзив таълим борасида тажриба-синов ишлари 2004 йил июнь ойида бошланган. Даставвал маълумотлар банки ташкил этилди. Бу ишга ота-оналар, ўқитувчилар ва маҳалла қўмитаси аъзолари жалб этилди. Андижон вилоятидаги 31-сонли умумтаълим мактабининг 4-синф ўқувчиси (заиф эшитувчи) 2001–2002 ўқув йилларида ресурс педагог томонидан умумтаълим мактабининг инклюзив синфларида ўқитила бошлаган. Ресурс педагогнинг

айтишича, соглом болалар билан ўқиш илк босқичда қийин бўлган. Дифференциал ва индивидуал ёндашиш ёрдамида аста-секин қийинчиликлар ортда қолиб, болада билим, кўникма ва малакалар ҳосил бўла бошлаган. Тенгдошлари томонидан камситилмай, уларнинг меҳр-мурувватига сазовор бўлган.

Шаҳар халқ таълими бўлими психолого-тиббий-педагогик комиссияси раиси М. Сатторованинг айтишича, болаларни махсус мактабга жойлаштириш тортишувларга сабаб бўлган, айниқса, ота-оналар махсус мактабларга болаларини беришга қаршилик кўрсатганлар. Хурсанд қилган нарса махсус таълимнинг ноанъанавий шакллари ва таълим турларининг кенгайганлигидир. Махсус таълим умумтаълим мактаблари билан қўшилиб кетмоқда. Имконияти чекланган болаларни «Сен ҳеч кимдан кам эмассан, тенгдошларинг билан ўқишга тенг ҳуқуқлисан», – деб уқтирмоқдалар.

Орипова Ёркиной Собировна раҳбарлик қилаётган Андижон шаҳар 5-сонли умумтаълим мактабида 78 та синф бўлиб, 2619 нафар ўқувчи таҳсил олади. Шулардан бошланғич синфда 5 та ўқувчи инклюзив таълим олган.

Марғилон шаҳар 9-сонли умумтаълим мактабида таҳсил олаётган ногиронлар аравачасида ўтирадиган ҳаракат-таянч аъзолари фалажланган боланинг таълим-тарбия олиш жараёнини кузатдик. Инклюзив таълимга 4-синфдан бошлаб жалб этилган. Даставвал ўқиш жараёни бола учун жуда қийин кечди, соглом тенгдошларидан ногиронлиги туфайли ажралиб қолди. Аммо сўнгги кузатувлар шуни кўрсатдики, ўртоқлари дўстона муносабатда бўлиб танаффус пайтида аравачада етаклаб юришар, дарс пайтида эса синф тахтаси ёнига етаклаб олиб чиқишар экан. Бу кузатишдан шу нарса аён бўладики, махсус эҳтиёжли болаларни инклюзив таълимга жалб этиш уларни барча қатори тенг ҳуқуқли ижтимоий жамият аъзоси бўлишини таъминлайди.

Инклюзив таълим тизимини жорий қилиш лойиҳаси Хоразм вилоятида ҳам изчил тарзда амалга ошириб келинган. Бу ишда Хоразм вилоятининг бир қатор ҳудудларида халқаро UNICEF, «OPERATION MERCY» нодавлат ташкилотлари ва РТМ Махсус таълим бўлими билан ҳамкорликда тузилган режасига асосан иш олиб борилган. Инклюзив таълимнинг лойиҳаси Хоразм вилояти Хива шаҳрида 1999 йилда «OPERATION MERCY» хайрия

Болаларни ташхисдан ўтказиш жараёни





Осиё ва Тинч океани минтақаси ЮНЕСКОнинг маданий маркази томонидан "Барқарор ривожланиш таълими" инновацион дастури асосида республика миқёсида ўтказилган семинар-тренинглар







ташкилоти Халқ таълим бўлими ва Республика таълим маркази билан ҳамкорлик режасига биноан Хива тумаиида таянч-харакат аьзолари фалажланган болалар учун 4 та интеграция синфи ташкил этилди. Мактаб биноларини таъмирлаш ва ресурс педагог билан ва болаларни мактабга мунтазам қатнашлари учун транспорт билан таъминлашни «OPERATION MERCY» ташкилоти амалга оширди. «OPERATION MERCY» ташкилоти интеграцион таълимни тарғиб қилишни ва ушбу лойиҳа доирасидаги барча янгиликларни Республика таълим маркази Махсус таълим бўлими билан ҳамкорликда амалга ошириб келди. Ушбу интеграция синфларида таълим олган 1 ва 2 синф болалари қисқа муддатда дарс жараёнида фанлардан берилган билимларни ўзлаштиришда ва маданий тадбирларда иштирок. Маҳаллий бошқармалар ҳодимлари фалаж ногирон болалар ҳам хеч кимдан кам эмаслигига иқрор бўлиб ҳайратда қолишди.

Қуйида мисол тариқасида биз халқаро «OPERATION MERCY» хайрия ташкилоти билан ҳамкорликдаги лойиҳамиз асосида Халқ таълими вазирлигининг буйруғига биноан Ўзбекистонда илк бор 1999–2000 йиллар мобайнида Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Оқтош ҳудудидаги «Алоқачи», «Технолог» оромгоҳлари тасарруфида имконияти чекланган, ногирон ва соғлом болалар учун илк бор «Интеграцион-соғломлаштириш оромгоҳи» ташкил этиб, унда ўтказилган тадбирлар тўғрисида фикр юритмоқчимиз.

Оромгоҳни ташкил этишдан мақсад ривожланишида турли хил нуқсонли 10 дан 14 ёшгача бўлган болаларни соғлом тенгдошлари билан биргаликда жисмоний, маънавий, маданий ҳордиқ чиқаришини ва коррекцион-педагогик ёрдам кўрсатишга оид тадбирларни амалга оширишдан иборат эди.

Оромгоҳга республикамизнинг 7 та вилоятидан: Андижон, Фарғона, Наманган, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм ва Тошкентдан 17 нафар соғлом ва 16 нафар кўриш, эшитиш, таянч-ҳаракат аъзоларида нуқсони бўлган, нутқида нуқсони бўлган болалар дам олишди. Уларни бирлаштиришда МТМ ходимлари, чет эллик кўнгиллилар, 32 та махсус мактабларнинг тажрибали ўқитувчи ва тарбиячилари ва «OPERATION MERCY» ташкилоти ходимлари иштирок этишди. Болаларни танлаш қуйидиги тартибда амалга оширилди: ҳудуди яқин бўлган умумтаълим ва махсус таълим ўқувчиларини ота-онасининг аризаси ва тиббий кўрикдан ўтганлиги ҳақидаги ҳужжатлар ва ХТВнинг буйруғи асосида қабул қилинди.

Бундай тартибдаги оромгоҳни ташкил этишдан асосий мақсад болалар орасида дўстона муносабатни шакллантириш, улар орасидаги тўсиқ деворни олиб ташлаш, яъни дискриминацияга йўл қўймаслик, доимий яшаш жойларида бир-бирларига кўмаклашишга ёрдамлашиш ва биргаликда тенг ҳуқуқли шароитда турли тадбирларда иштирок этишини таминлашдан иборат эди. Интеграцион оромгоҳда болалар билан шуғулланувчи 32 нафар педагог тест асосида танлаб олинди. Хорижий мамлакатнинг 10 та давлатидан: Олмония, Швеция, Ямайка, Буюк Британия, Бельгия, Нидерландия, Шотландия, Ҳиндистон ва бошқа давлатлардан биттадан кўнгилли (волантёр)лар жалб этилиб, болалар билан турли хил қизиқарли тадбирларни ўтказишда ўз ҳиссаларини қўшиб фаол иштирок этишди.

Яна 4 та кўнгилли Тошкентда фаолият кўрсатаётган «MERCY PROJECT» халқаро инсонпарварлик ташкилотлари ходимлари бўлиб, «OPERATION MERCY»нинг 3 та ходими билан ўзига хос халқаро жамиятни ташкил этишди. Оромгоҳдаги болаларни ўз маданиятлари меросларидан баҳраманд қилишни мақсад қилишган эди. Масалан, Ямайка ва Голландиядан келган кўнгиллилар билан учрашув оромгоҳдаги болалар учун биринчи марта чет эллик фуқаро билан бевосита мулоқот қилиш ва маданиятини ўрганиш бўлди.

Ҳар бир кўнгилли зиммасида кичик гуруҳларга ғамхўрлик кўрсатиш бўлиб, бунинг натижасида улар орасида дўстона муносабатлар ўрнатилди. Чет эллик кўнгиллилар маҳаллий тилни тушунмаганликлари уларни мулоқот қилишнинг бошқа йўлларини ўйлаб топишга мажбур қилди . Ямайкалик Венае: «Одамлар нима деяётганини тушунмаганимдан ўзимни ногирондек сездим», – деди. Тезда имо-ишора тилини ўрганиб олдим ва менинг бу «ногиронлигим» болалар билан ишлашимга ҳалақит бермаслигига ва ҳатто бунга шўнғиб кетишимдаи тўхтата олмаслигини болалар тезда англаб олдилар. Ҳеч бир мустасносиз ҳамма чет эллик кўнгилли оромгоҳ ҳаётидан мамнун бўлиб, ногиронлар ҳаётидан кўп нарсалар ўрганиб олишганини тан олишди. Улар болаларнинг лаёқатларига ва ҳаётга интилишига, ўқитувчиларнинг болаларга нисбатан ғамхўрлиги, очиққўнгил ва меҳрибонлигига қойил қолишди.

«Бу энг оғир иш бўлишига қарамасдан энг олийжаноб ва

ғаройиб ҳаракат бўлиб, шу ерда ўтказилган ёзнинг 10 куни эсда қоларли ҳодиса бўлди», – дейди Англиялик кўнгилли Кэти. Бу каби хайрли ва саҳоватли ишлар мактабдан ташқари ташкил этилган тадбирлар, имконияти чекланган (ногирон) болаларни барча қатори тенг ҳуқуқли шароитда турли хил тадбирларда иштирок этиб жамиятга тўлақонли мослашиб, интеграциялашиб кетишига яна бир бор ишонч ҳосил қилинди.

Қолаверса, соғлом ва имконияти чекланган ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ва самарали ташкил этиш барча мутасадди ташкилотларнинг бурчидир. Қанчадан-қанча ота-оналар ўз фарзандини гарчи ногирон бўлса ҳам, нималарга қодир эканлигини англашиб, ҳозирги кунда ўз фарзандларини умумтаълим, яъни инклюзив мактаб, мактабгача таълим муассасаларга бериш истакларини билдиришмоқда.

Бу тадбирни таҳлили шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда бу каби болалар ва ёшларни нафақат умумтаълим муассасаларида ўз тенгдошлари билан таълим олиши ва шунингдек, уларни мактабдан ташқари тадбирларда иштирок этиши келажакда интеграцияни амалга оширишнинг самарали йўлидир.

Бу борада хорижлик кўнгиллилар маҳаллий педагоглар билан ҳамкорликда семинар-тренинглар ўтказиб, тажриба алмашишга муяссар бўлишди. Ҳар кунги режа бўйича тадбир номлари белгиланди. Масалан «Бизнинг шиор», «Шижоатли», «Жаҳоншумул», «Матонатли» ва ҳ.к. Болалар билан тўқиш, тикиш, санъат, ўйин, тасвирий санъат, рақс, мусиқа ва ашула тўгараклари ташкил этилди. Спорт ўйинлари, ёш ўлкашунослар мусобақалари каби тадбирларни ўтказиш болалар учун жуда қизиқарли бўлди.

Буюк тонг учрашувлари

Ҳар кун «Буюк тонг учрашуви», ўқувчиларнинг қўшиқ айтиши, масхарабозларни томоша қилиш ва ҳикоялар тинглаш учун йиғилиши билан бошланган. Бу суҳбатларда асосий эътибор болаларни маънавий соғломлаштириш мақсадида тинчлик, меҳрибонлик, камтарлик, ишонч, сабр-тоқат ва муҳаббат мавзуларига қаратилган бўлиб, болаларни шундай неъматлар билан яшашга қизиқтириш бўлди. Бир нечта қўшиқни имо-ишора орқали ўрганган болаларга мукофот сифатида масқарабозлар ҳар хил кулгили томошалар уюштириб беришди.

Касб-ҳунар машғулотлари

Тажрибали мутахассислар ва чет элликлар қўл остида болалар санъат, мусиқа ва драма машғулотларида қатнашиб ҳар хил материаллардан фойдаланишни ўрганиб, янги ҳунарларни ўзлаштириб олдилар. Масалан, мадрасаларни аниқ расмларини чизиб, тошларга жимжимадор безакларни туширишни ўргандилар. Турли мусиқий асбобларни чалишни, африкача қўшиқларни куйлашни, хоразмча рақс тушишни ва шотландча ўйинларни ўргандилар. Касб-ҳунар машғулотлари даврида болалар ўқитувчи ва чет элликлар раҳбарлигида таркибида соғлом ва ногирон бола бўлган кичик гуруҳларга бўлинишди. Ҳар бир болани машғулотга жалб этишга асосий эътибор берилади. Эшитишда муаммоси бўлган болалар гитара товушларининг тебранишини сезиши ва кўзи ожиз болаларни лойдан ҳар хил нарсалар ясаётганини кўриш қувончли эди.

Интеграция машғулотлари

Оромгоҳдаги ҳаётнинг эътиборга лойиқ томонларидан бири бу ерда ташкил этилган интеграция машғулотларидир. Ундан кўзланган асосий мақсад ўқувчи ва ўқитувчиларни ногиронликнинг оғир салбий томонларига эътиборини жалб қилишдан иборат эди. Буни тажрибада кўрсатиш, яъни соғлом бола кўзини боғлаб берилган топшириқни бажаришни ўрганиши лозим эди. Яна болалар ногиронларга бевосита ёрдам беришни ҳамда уларнинг огирини енгил қилишни, кўзи ожизларнинг махсус ҳассаси ва гапираётган одамларнинг лабларидан ўқиш мисоллари орқали ўрганишди. улар ногиронларга нисбатан бўлган бағритошлик ва ноқулайлик сезишни тўхтатиб, уларга яқин инсонга, ҳатто дўстлари ва ёрдамчиларига айландилар.

Амалий машғулотлар қуйидагилардан иборат бўлди:

1.Жисмонан ногирон болаларни тушуниш.

2.Жисмоний ногиронликни ўзида кўриш учун болалар қўл оёқлари боғланган ҳолда ҳар хил ҳаракатларни бажардилар. Шундан сўнг уларда кундалик машғулотларни, яъни юришни, зинапоялардан чиқишни, стаканга сув қуйишни, овқатланишни, оёқ-қўллари боғлиқ ҳолда қандай қийин эканлигини ўзларида синаб кўришди. Бошқа болалар эса шундай ногирон болаларга ёрдам бериш уларга таянч бўлишни ўрганишди.

Эшитишда муаммоси бор болаларни тушуниш.

3.Машғулот бошида болалардан икки дақиқага жим ўтириб атрофимизда қанча кўп товуш борлигини тинглаш сўралди. Шундан сўнг болалар икки дақиқа қулоқларини бутунлай беркитиб олиб жимжитликни тинглашди. Уларнинг кўпчилиги қулоқларини очиб қайта эшита бошлагандан сўнг енгил тортганликларини тан олишди. Бироздан кейин болалар имо ишора ва белги орқали гапираётган одамларнинг лабларидан нима деб турганини англашни синаб кўриб, бу жуда қийин нарса эканини тажриба орқали кўришди. Бу тажриба, оромгоҳдаги болаларнинг кўпчилигини эшитишда муаммоси бўлган болалар билан мулоқот қилишга ўргатди. Эшитишда муаммоси бўлган болаларни жамиятдан ажралиб қолганлиги уларнинг энг катта муаммоси, аммо оромгоҳ вақтида эшитишда муаммоси бўлган болалар нафақат бошқа эшитишда муаммоси бўлган болалар билан ўйнашди, балки соғлом болалар уларга ўз интилишини кўрсатгандан кейин қўшилиб кетишди. Ораларида дўстлик риштаси пайдо бўлиши ўз натижасини берди.

«Бизнинг мақсадимиз ногирон болаларни барча соғлом болалар қатори биргаликда таълим олиши, маънавий комил инсон бўлиб ўсиши учун барча имкониятлардан фойдаланишга эришишдир. Ҳар биримиз маҳаллий ўқитувчи, яна биримиз чет эллик кўнгиллилар, мураббийлар энг аввал болаларга ўргатадиган: меҳру-мурувват, сабр-тоқат, муҳаббат, садоқат каби хислатларнинг маъносини дастлаб ўзимиз яхши билишимиз, сўнгра бу кўникмаларни болалар онгига сингдириб боришимиз зарур.

Оромгоҳда имконияти чекланган болалар соғлом тенгдошларидан кам эмаслигини ва соглом болалар эса улар ҳам барча қатори эканлигига иқрор бўлишди, биргалашиб тўгарак ишларида қатнаши, ўз қўллари билан тайёрлаган турли хил буюмларни чет эллик кўнгиллилар орқали Судан болаларига жўнатишга муяссар бўлишди.

МТМ раҳбарлари, оромгоҳ директори, ногирон бўлмаган болалар ва миллий ахборот вакиллари (Тошкент телевидениями) иштирокида оромгоҳ ҳаётига тантанали равишда якун ясалди. Соғлом ва имконияти чекланган болаларни биргалашиб спортда, санъатда, маиший хизматда бажарган ишлари нафақат иштирокчиларни, балки журналистлар, матбуот-ахборот воситалари вакилларини хайратда қолдирди. Тантанали якунга кириш қисмида

болаларнинг чилдирма чалишлари, ўзбек ва рус рақслари, ямайкача қўшиқлар, шеърият, масхарабозлар томошалари, шотландча рақс ва бошқа қизиқарли чиқишлар ўрин олди. Томошабинлар эшитишда муаммоси бор ва кўзи кўрмай туриб мусиқа ва рақс оҳангларига мутаносиб ўйнаётганларига ҳайратланиб чапак чалардилар.

Тошкент телевидениями мамлакат бўйлаб ногиронлар муаммолари, хусусан уларнинг ижтимоий ҳаётга тезроқ мослашиб кетишлари учун қилинаётган саъй-ҳаракатларни одамлар эътиборига етказдилар. Бундан ташқари Ўзбекфильм мутахассислари томонидан тасвирга олинган 20дақиқали видеофильм хорижий мутахассисларга ҳам тақдим этилди. Ушбу тадбир ХТВ томонидан ижобий баҳоланди. Болалар томонидан берилган интервьюлар асосида матбуотда «Биргаликда умумий уй қурамиз» (Мы построим общий дом), «Они есть как и все», «Если нет равнодушия» мавзуларида «Маърифат», «Учитель Узбекистана» ва бошқа газеталарда мақолалар чоп этилди.

2005 йилнинг май ойида 6-сонли мактабда ёзги интеграция оромгоҳи, биринчи синфлар учун янги интеграция-инклюзив синф ташкил этилди. Хивадаги 6-сонли мактабда ташкил этилган умумтаълим мактабининг 4,5,6- синфлари-интеграция синфлари этиб белгиланди. Икки ҳафталик семинар давомида ушбу мактабда таълим олаётган жисмонан ногирон 12 нафар болалар ҳамда Хива туманидаги 121-сонли махсус кўзи ожизлар мактабида таълим олаётган 10 нафар кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар, 6-сонли мактабнинг 4 ва 5 синфларида таълим олаётган соғлом тенгдошлари билан биргаликда ўқимоқдалар. Мактабда дўстона муносабат муҳитини яратиш мақсадида амалий семинарлар уюштириб келинди. Амалий семинарлар нафақат болаларнинг, балки мактаб ҳодимларининг ҳам ногиронларга муносабатларини ижобий томонга ўзгартирди. Бу масала амалиётда синалган.

Юқорида қайд этилган тажрибалар асосида шу хулосага келиндики, имконияти чекланган болалар билан соғлом болаларни биргаликда интеграция усулида маданий хордиқ чиқариши ва улар учун ҳам сайёҳлик ва ўлкашунослик йўналишидаги интеграцион соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил этиш лозим.

Лойиҳа режасига биноан ҳар бир синфда махсус ёрдамга муҳтож болага кўмак берувчи махсус курслардан ўтган ресурс ўқитувчи ва инструкторлар бириктирилган.

Йил давомида «OPERATION MERCY» халқаро ташкилоти 6,7 ва 9-сонли мактабларнинг 3 та интеграция синфлари билан ишлашни давом эттирди.

Республика таълим маркази, халқаро «OPERATION MERCY» ташкилоти билан ҳамкорликда, шунингдек UNESCOнинг Хоразм вилоятидаги «Инклюзив таълим» таянч муассасаларида 5 та интеграция синфлари ва 10 та таянч-ҳаракат аъзолари шикастланган болалар учун якка тартибда «инклюзив таълим» ташкил этилди.

2002–2005 йилларга келиб 10 та умумтаълим мактабларида 50 нафардан зиёд бола инклюзив синфларда ўқиш учун жалб қиллинди. Уларга ресурс педагог бириктирилди. Хива шаҳрида педагоглар, ота-оналар, медицина ҳодимлари иштирокида семинар-тренинглар ташкил этилди.

Олиб борилган ишлар натижасида имконияти чекланган болалар таълимига жамоатчилик ташкилотларининг муносабати ўзгарди, ота-оналарнинг болаларга эътибори ортди, таълим олишлари учун қизиқа бошладилар. Энг аҳамиятлиси болаларнинг соғлом тенқурлари каби таълим олишига эришилди.

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги «Имкон» марказида 80 дан ортиқ ривожланишида турли нуқсони бўлган болалар инклюзив таълимга жалб этилган.

Халқаро UNICEF ташкилотининг «Инклюзив таълим орқали болага дўстона муносабат ўрнатиш» лойиҳаси асосида А. Авлоний номидаги ХТРҲМОИ махсус таълим кафедраси мудири У. Файзиева бошчилигида РТМ Махсус таълим бўлими мутахссислари билан ҳамкорликда Фарғона, Хоразм, Андижон вилоятларида ва Қорақалпогистон Республикасида бўлиб, имконияти чекланган, таълимдан четда қолган ногирон болаларни аниқлаш ва уларни таълимга жалб қилиш мақсадида оилалар, ташхис марказлари, ХТБларда бўлиб, болаларни таълим тизимига киритиш масалалари ва улар учун шарт-шароитлар яратишга оид муаммолар устида тўхталиб ўтилди. Умумтаълим педагоглари ва ота-оналар учун семинарлар ўтказилди. (2005–2006 йиллар)

«Инклюзив таълим орқали болага дўстона муносабат ўрнатиш» лойиҳаси асосида қуйидаги натижаларга эришилди:

300 дан ортиқ умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ўқитилди;

• 80 дан ортиқ ота-оналар инклюзив таълимнинг асослари ва но-

гиронлик сабаблари хусусида маълумот ва билимга эга бўлдилар;

• 3 та методик тавсия ишлаб чиқилиб, улардан бири «Инклюзив таълим асосида болага дўстона муносабатни шакллантириш» масалалари хусусида;

• Семинарда иштирок этган 330 та ўқитувчи ва жойлардаги ташхис марказлари раҳбарлари ёрдами билан 558 та таълимдан четда қолган, яъни уйда якка тартибда таълим олаётган махсус эҳтиёжли болалар таълим тизимига киритилди.

• Мазкур лойиҳа асосида ҳозирги кунда ҳам ишлар давом эттирилиб, таълимдан четда қолиб кетган болаларни аниқлаш, нуқсон тури ва даражасига қўйилган ташхис хулосасига кўра таълимга жалб қилиш ишлари олиб борилмоқда. Инклюзив таълим муаммоларини ҳал қилиш бўйича жойлардаги халқ таълими бўлимлари, мутасадди ташкилотлар, жамоа ташкилотлари ва ота-оналар ҳамкорликда, махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим муассасалари тизимига тўлақонли жалб қилиш бир йиллик иш эмас. Бу ишни босқичма-босқич амалга оширишнинг концепциясини ишлаб чиқиш, уни шароитга қараб қисқа, ўрта ва узоқ муддатларга белгилаш, аниқ чоратадбирлар кўришни тақозо этади.

Инклюзив таълим лойиҳаси бўйича жойлардаги Халқ таълими бошқармаларида психолого-тиббий-педагогик ташхис марказлари ва таълим муассасалари томонидан олиб борилган ишларнинг мониторингини ўтказиш бўйича бир гуруҳ мутахассислар март ойининг биринчи ярмида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятларида бўлиб, мавжуд аҳвол ўрганилди ва ногирон фарзандлари мавжуд бўлган оилаларга ташриф буюрилди.

Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги Хонқа туманибешинчижамоа Мадир қишлоғида яшовчи оилада бўлдик. Бу ёш оиланинг онаси эрта турмушга чиққан бўлиб, тўртта фарзанди бор. Болаларининг туғилиш оралиғи бир йилдан фарқ қилади. Оиланинг иккинчи фарзанди бўлмиш тўққиз ёшли Нилуфар исмли қизалоқ икки қўли йўқ ҳолда туғилган. Қизча 9 ёшга қадар уйда тарбияланиб, мактабга жалб қилинмаган. UNICEF лойиҳаси асосида мутахассисларининг ва шу ҳудуднинг ташхис маркази раҳбари И. Искандаров ва 31-сон мактаб раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари туфайли Нилуфар ҳозирги кунда биринчи синфда ўқимоқда. Мактабга қизиқиб боради. Ўқишни яхши ўзлаштирган, тирсагидан ўсиб чиққан иккита бармоқларга ўхшаш аъзо билан чизган аъло даражадаги расмларини

кўриб ҳайратда қолдик. Нилуфар биз билан эркин мулоқотда бўлиб, саволларга тўғри жавоб берди, бизга чизган расмларини кўрсатиб, ўзи ёзган қуйидаги шеърини айтиб берди:

«Она борки, олам мунаввар,
Она борки, ҳаёт юксалар,
Она борки, айланар замин,
Она борки шодон болалар.
Онам борки, дилим қувончда,
Яшаяпман орзулар билан...

Ушбу ҳолатдан маълумки, ҳар қандай имконияти чекланган болаларни нуқсонини илк ёшдан ўз вақтида аниқлаб. мутахассисларга мурожаат қилинса ва мактабга тайёргарлик иши ўз вақтида олиб борилса, албатта кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Юқорида келтирилган Нилуфар исмли қизалоқ мисоли бунинг ёрқин далилидир.

Махсус таълим йўналишидаги илмий мақолалар, амалий машғулотлар, дарс ишланмалари шубҳасиз, инклюзив таълимнинг ривожланишига манба бўлиб қолади.

UNESCO, UNICEF. ««MERCY PROJEKT», «OPERATION MERCY» халқаро ташкилотлари ёрдамида, уларни жойлардаги ҳокимликлар томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида «Инклюзив таълим» йўналишида кенг жамоатчилик, педагогик жамоа, ота-,оналар ўртасида маълум тизимда тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилиб келинган.

Шунингдек имконияти чекланган болаларни умумтаълимга жалб қилиш ва интеграция усулида таълим олиши 2001–2002 йилларга келиб янада фаоллашди. «OPERATION MERCY», «MERCY PROJEKT» нодавлат халқаро ташкилотлари ва Ўзбекистонда фаолият кўрсатувчи бир қатор миллий нодавлат жамоа ташкилотларининг амалга оширилган ишлари ҳам муҳим аҳамиятга молик бўлди. Навоийдаги 26 сон «Турнача» номидаги мактабгача таълим муассаса-мактабда, ҳамда Тошкент шаҳридаги №544-МТМда инклюзив таълимни жорий қилиш мақсадида уларнинг раҳбарлигидаги Н. С. Юсупова ва З. К. Омарова билан бўлиб ўтган суҳбат ва ўрганилган иш тажрибани келтирмоқдамиз.

26-бошлангич инклюзив боғча-мактабнинг таълим-тарбия жараёни икки йўналишда олиб борилади:

Биринчиси математикани чуқур ўрганиш орқалий мантикий ва ижодий тафаккурни эрта ривожлантириш;

Иккинчиси имконияти чекланган болани жамиятга ижтимоий мослаштириш.

Жамиятга болани интеграция қилиш бўйича иш босқичма-босқич амалга оширилади.

1-босқич. Ижтимоий мослашув. Болага янги, унга нотаниш бўлган инсонларга кўникишни, жамиятда ўзини тутиш қонун-қоидаларини билиши, теварак атрофдаги ҳодиса ва воқеаларни англаши. элементар малакалар, яъни стулчада тўғри ўтириш, тувакдан фойдаланиш, шахсий гигиена коидаларини билишга ўргатиш.

2-босқич. Маълум бирболанингунингимкониятларидаражасида ўз-ўзига хизмат кўрсатишга ўргатиш. Бундай таълим боланинг индивидуал хусусиятлари ва боланинг касаллик даражасига кўра тарбиячи, педагог ва бошқа мутахассисларнинг сабр-тоқати, меҳр-муҳаббати билан бир неча кун ёки ҳафта, ойни ўз ичига олувчи махсус тайёргарликни талаб этади. Бу босқич муассасанинг асосий мақсадидир. Бу босқичда даволаш комплексига жисмоний машқлар, ҳовузда сузиш, уқалаш ва бошқа муолажалар киради.

3-босқич. Имконияти чекланган болаларни соғлом болалар билан оммавий гуруҳларда интеграция қилиш. Болаларни сайр, машғулотлар давомида ва турли тадбирлар жараёнида кузатиш натижасида ушбу муассасада ишлар тўғри йўлга қўйилганлигига амин бўлдик. Соғлом болалар имконияти чекланган болаларга кийинишларида, оёқ кийимларини кийишда, юришда чин дилдан ўз хоҳишлари билан ёрдам бердилар. Соғлом ва ногирон болалар биргаликда китобдаги расмларни томоша қилдилар, чизишни, санашни ўргандилар, табиий материаллардан турли хил нарсаларни ясашни ўргандилар. Бундай жараёнда соғлом болаларда ҳам ўзгаларга яхшилик қилиш, меҳр-муҳаббат, ўзгалар қайғусига шерик бўлиш каби хислатлар тарбияланади. Ривожланишида нуқсони бўлган болалар эса ўз нуқсонларини унутадилар мулоқотга киришувчанликлари, атроф-оламига бўлган қизикишлари ошиб боради, ўз-ўзига ишонч ҳислари шаклланади.

4-босқич. Ҳар бир болага якка ёндашиш. Бу босқич дифектологларнинг индивидуал ишларини ўз ичига олади. Имконияти чекланган болаларнинг индивидуал хусусиятлари ва имкониятлари даражасида соғлом болалар билан бўладиган мулоқоти мустаҳкамланиб боради.

5-босқич. Бу босқичнинг асосий мақсади имконияти чекланган болаларни оммавий мактабларда ўқишларига шарт-шароит яратиш ва уларни мактабга тайёрлаш. Шу мақсадни амалга ошириш учун «Турналар» номидаги 26-мактабгача таълим муассасаси 2007 йилнинг март ойидаги, Навоий вилояти ҳокимининг қарори билан бошланғич инклюзив мактаб-богчага айлантирилди. Боғча-мактабда 12 та гуруҳ ва битта инклюзив синф ташкил қилинган. Улардан иккитаси эрта ривожлантириш гуруҳлари бўлиб, уларда 2 ёшдан 7 ёшгача бўлган 40 нафардан ортиқ болалар тарбияланади. 4 та гуруҳ интеграциялаштирилган. Бундай гуруҳларда соғлом ва БЦФ ташхиси қўйилган 8–10 тадан болалар тарбияланиб келадилар.

3 йил олдин Равшан исмли бола мактабгача таълим муассасасига қабул қилинди. Онаси болани аравачада, боланинг юришига ҳеч қандай умидсиз олиб келди. Марказий фалажланишни ҳозиргача давоси топилмаган. Бундай ташхис бола ва ота-онаси учун ҳам ҳаётига қўйилган ҳукмдек туюларди. Ҳозирда Равшан ўзгаларнинг ёрдамисиз юриши, ҳаттоки копток тепиши, ҳаракатли ўйинлар ўйнаши, қўлида предметларни ушлаши мумкин.

Бизнинг тахминимизча боладаги жисмоний ўзгаришлар нутқ белгиларининг пайдо бўлишига, фикрлаш ва ўз хатти-ҳаракатларини анализ-синтез қилиш қобилиятларининг илк белгилари пайдо бўлишига олиб келди. Равшан муассасамизга келганидан бошлаб у билан даволовчи жисмоний тарбия, уқалаш, сув муолажалари, нутқ аппаратини ривожлантирувчи юзни уқалаш муолажалари билан дефектолог машғулот олиб борди. Равшан гуруҳда мунтазам қатнашди. Бу бола учун оқсил ва углеводларга бой бўлган овқатланиш рациони тузилди ва ушбу муолажа ҳамма жараённи тезлаштирди. Агар ошхонада тухум ёки творог қолмаган бўлса, тарбиячилар зарур бўлган маҳсулотларни уйларидан олиб келдилар. Улар муъжиза бўлишини кутардилар ва бу муъжиза амалга оша бошлади.

Шуни айтиш керакки, Равшан мактабгача таълим муассасаси ходимларининг шарофати билан оёққа турган ва ўзгалар ёрдамисиз юриб, жисмоний ривожланишидаги ўзгаришлар туфайли нутқи ривожланган болаларнинг еттинчиси эди.

2005 йил «Олтин балиқча» гуруҳига энцефалопатия ва макроцефалия ташхиси билан Назокат исмли қизчани олиб келишди. Шифокорлар қизчанинг юриши ва гапиришига умид йўқ деб ота-онанинг умидини сўндирган, шифокорлар қизчага

жисмоний зўриқишларни ман этган эдилар. Шунга қарамай ота-онасининг хоҳиши билан қизча учун тўлақонли жисмоний машқлар, ривожлантирувчи ўйинлар ва машғулотларнинг режаси тузилди. Монтессори ва Никитинларнинг ишлари асосида қизчанинг ривожланиши учун махсус дастур тузилди.

Бир йилдан сўнг 4 ёшли Назокат ўзининг биринчи кадамларини қўя бошлади. Боғланган нутқи ривожланди. Ҳозир қизча 6 ёшда, унинг қобилиятини ҳисобга олган ҳолда турли ёшдаги болалар гуруҳига ўтказилди. Бу гуруҳда катталар кичикларга ёрдам берадилар, кичиклар эса катталардан билмаганларини ўрганадилар. Ташқи кўринишидан ўзгача бўлган қизча ривожланиши жиҳатдан ўз тенгдошларидан фарқ қилмайди. Назокат катта иштиёқ билан ўзбек ва рус тилидаги шеърларни ёдлади, турли хил машқларни бажарди ва мактабга чиқишга тайёр эканлигини қувонч билан айтди.

Сувонов Сардор – нутқи умуман ривожланмаган. У 5 ёшида биринчи сўзларни айта бошлаган. Ҳозирги кунда Сардор расмларнинг ҳамма шаклларини тасвирлаб, эртаклар мазмунини сўзлаб бера олади.

Ҳакимов Баҳодир – таянч-ҳаракат аъзолари бузилган, нутқнинг ривожланмаганлиги кузатилган. 2007 йилда мактабгача таълим муассасаси қошидаги биринчи инклюзив синфга чиққан.

Музаффаров Аслиддин – БЦФ оғир формаси, нутқининг ривожланмаган, лекин мантиқий фикрлаши тенгдошларидан фарқ қилмайди, шунинг учун унинг компьютер саводхонлигини оширилиши режага киритилди.

Бахтиёрова Фарангиз – таянч-ҳаракатларини комплекс коррекция қилиш натижасида 4 ёшида юра бошлади.

Хайрутдинова Фарангиз – (Даун синдроми) ушбу муассасага келганидан кейин бир ой мобайнида 4 ёшида юриб кетди.

Жаҳонов Жавлон – 8 ёшида БЦФ ташхиси билан муассасага қабул қилинди. Бола икки ой ичида мослашув босқичини ўташдан ташқари иштиёқ билан турли хил муолажаларни қабул қилди. Унинг хотираси яхши ривожланган. Нутқ нуқсонининг оғир даражаси бўлса ҳам шеърларни ёд олишга ҳаракат қилади. Мусика ва математика фанларини яхши кўради.

Ҳозирда 12- ва 13- сонли мактабларда инклюзив синфлар очилган бўлиб? у ерда бизнинг тарбияланувчилар таълим олмоқдалар. Инклюзив синфларда 25 та соғлом ва ногирон болалар

таълим оладилар. Инклюзив таълим асосида ҳамма болаларга бир хил муносабатда бўлиш? лекин маълум бир таълимий эҳтиёжга эга бўлган болаларга шароитларни яратишни кўзда тутади. Инклюзив таълим концепцияси «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг «Таълим ҳамманинг ҳуқуқидир» деган шиорни амалга оширишни таъминлаб бормоқда. Ҳар бир боланинг жисмоний ва ақлий қобилиятидан қатъий назар таълим олишини таъминлаб бермоқда. Бундай хулосага биз ўзига хос таълим шароитига эҳтиёж сезаётган болалар билан ишлаш жараёнида амин бўлдик.

1998 йилдан бошлаб ҳозирги кунга қадар муассасанинг интеграцион ва инклюзив гуруҳларида 120 тадан ортиқ бола таълим-тарбия олмоқда.

544-махсус мактабгача таълим муассасасида 2010 йилгача инклюзив таълим бўйича олиб борилган самарали ишлар:

Имконияти чекланган болаларнинг мактабгача таълим-тарбиясини янада такомиллаштириш, ўқитишнинг замонавий усул ва воситаларини амалиётга жорий этишга ҳозирги кунда долзарб масала сифатида қаралмоқда. Умумий ва махсус мактабгача таълим муассасалари орасидаги тўсиқларни бартараф этиб, инклюзив таълимни амалиётга татбиқ этиш ва имконияти чекланган болаларга қулай шарт-шароитлар яратиш бугунги кун талабларидан биридир.

Инклюзив таълим – бу таълим барча учун деганидир. 544-МТМ да 2006–2010 ўқув йиллари давомида инклюзив таълимни йўлга қўйиш билан бир қаторда, бундай таълимнинг мақсади, вазифалари, тамойиллари ва услублари, иш тажрибалари янада чуқурроқ ўрганилди.

МТМга илк бора 2006–2007 ўқув йилларида ДЦП (болалар церебрал фалажи) ва Даун синдромли болалар ўрта ва тайёрлов гуруҳларига қабул қилинди:

4-гуруҳ – Абдулаева Дилдора (ДЦП)

8-гуруҳ – Асқаров Хасантой (ДЦП)

11-гуруҳ – Саъдуллаева Севара (Даун синдроми)

Бундай болалар билан ишлаш жараёнининг дастлабки ойларида бир қатор муаммоларга дуч келдик. Масалан:

– педагог ходимларнинг руҳий ва жисмоний камчиликларга эга болаларнинг индивидуал хусусиятлари ҳақида тўла маълумотга эга бўлмаганликлари;

– ўқув иш режаларини, қолаверса, таълим-тарбия жараёнини тўғри ташкил қилиш масалалари;

– имконияти чекланган болаларнинг ёт муҳитга мослашуви ва гуруҳдаги ўзаро муносабатлар;

– Ота-оналарнинг инклюзив таълимга муносабати.

– Юқоридаги масалалар иш жараёни давомида аста-секин бартараф этиб борилди. Бунинг учун мудира, услубчи, психолог, тарбиячилар, логопедлар, тиббиёт ходимлари, жисмоний тарбия раҳбарлари ҳамкорлигида ишчи гуруҳ ташкил қилиниб, қуйидаги комплекс режалар тузилди:

– МТМда турли хил нуқсонли болаларнинг характер ва индивидуал хусусиятлари, ривожланиши ҳақида семинарлар, педагогик кенгашлар, давра суҳбатлари ўтказиш, мутахассислар тайёрлаш;

– ўқув иш режаларини ташкиллаштиришда болаларнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олиб, уларга алоҳида ёндашувли иш режалари ишлаб чиқиш;

– имконияти чекланган болаларнинг оиласи ва МТМ ўртасида узвий ҳамкорлик ишларини йўлга қўйиш;

– Ота-оналарга инклюзив таълимнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш;

– Имконияти чекланган болаларга қулай шарт-шароит яратиш, фазилатларга йўғрилган муносабатни ривожлантириш;

– МТМ да психолог, психоневролог, тиббий ходимлар ишини кучайтириш, шу билан бирга диагностика, даволаш, профилактика, коррекцион-педагогик ёрдам ва реабилитация ишларини ташкил этиш.

Бизнинг 4 йиллик амалий тажрибамиз шуни кўрсатдики, бу ишларни амалга оширишда нуқсони бўлган ҳар бир болага комплекс ёндашилгандагина сезиларли ютуқларга эритиш мумкин. Шуниндек, ногирон болалар махсус таълимга қанча эрта жалб этилса, шунчалик яхши натижа беради.

Ҳозирда МТМда деярли ҳар бир ёш гуруҳида 1–2 тадан турли нуқсонли болалар мавжуд.

2-гуруҳ – Каримова Робия (Даун синдроми)

4-гуруҳ – Ибрагимов Боҳодир (Даун синдроми)

8-гуруҳ – Пўлатова Робия (заиф эшитувчи)

8-гуруҳ – Раҳматжонов Азиз (заиф эшитувчи)

11-гуруҳ – Жўрақулов Равшан (ЗПР)

11-гуруҳ – Маратова Динара (ЗПР) ва ҳаказо

Бу болаларнинг баъзилари иккинчи ёки учинчи ўқув йилини,

Семинар-тренингдан лавҳалар





Семинар-тренингдан лавҳалар







Семинар-тренингдан лавҳалар







Инклюзив таълим синфларида дарс жараёни







Инклюзив таълим ресурс марказининг иш фаолияти самаралари











Махсус ва инклюзив таълим муассасалар учун чоп этилган ўқув ва услубий қўлланмалар















Болалар бахтли бўлишга ҳақлидирлар









Инклюзив таълимдан инклюзив жамият сари.
Навоий вилояти 26-сон мактабгача таълим муассасаси ва «УМР» жамоатчилик марказининг инклюзив таълим бўйича фаолияти







баъзилари биринчи ўқув йилини МТМда ўтказяпти. Кузатишлар шуни кўрсатдики, МТМга 2–3 йил давомида қатнаётган болалар деярли соғлом тенгдошлари билан бир қаторда мавзуларни ўзлаштирмоқдалар. Чунки уларда қизиқиш, интилиш, ўқиш жараёнига гуруҳ билан баробар қўшилиб кетиш каби ҳолатларни кўрдик. Расм, қуриш-ясаш, ёпиштириш машғулотларида аввал тарбиячи ёрдамида бажарган болаларнинг баъзилари ҳозир мустақил ўзлари режада белгиланган вазифаларни бажармоқдалар.

Қолаверса, дидактик, ҳаракатли, сюжетли-ролли ўйинларда фаол, илғор ўйинчи эканликларини кўришимиз мумкин. Болалар ўз соғлом тенгдошлари қаторида оммавий байрам тадбирларида, турли мусобақаларда (КВЗ, спорт мусобақалари) иштирок этмоқдалар. Айниқса, соғлом болаларнинг уларга меҳрибончиги, ғамхўрлиги, қўллаб-қувватлаши эътиборга лойиқдир. Улар имконияти чекланган болаларнинг ўзлари каби соғлом ўсиши, яшаши, ўқиши, дам олиши, гапириши, ўз фикрини эркин ифодалашга ҳақли эканликларини англаб етдилар.

Болаларни сайрда, гуруҳда, турли жараёнларда кузата туриб шундай ҳолатларнинг гувоҳи бўлганмиз:

– тушиб кетган ўйинчоғини ололмаётган фалаж болага бошқа бир соғлом бола бир неча бор ўйинчоғини олиб берди, ваҳоланки 1–2 маротаба тушириб юборилган ўйинчоқни ҳадеб олиб беравермай ўз ўйини билан овора бўлиб кетиши мумкин эди;

– зинапоядан секин-аста тушаётган яна бир болага бошқа гуруҳ тарбияланувчиси ёрдам қўлини чўзди ва пастга тушишига ёрдамлашди.

– қувлашмачоқда ногирон дўстининг ета олмаслигига кўзи етган бола тезлигини бир оз пасайтирганини гувоҳи бўлдик. Бундай ҳолатларни биз кунда кўришимиз мумкин. Мана шундай кичик вазиятлар асосида болаларимиз тарбияланаётгани бизни қувонтиради

– МТМда турли тўгараклар ташкил этилган бўлиб, махсус ёрдамга муҳтож тарбияланувчиларимиз ҳам бу тўгаракларга жалб этилган. Ҳар бир тарбияланувчи болаларнинг иқтидори, қобилияти, ҳусусан, соғломлигига эътибор берган ҳолда уларга енгил ёки мураккаб машқлар берилади. Мисол учун ақли заиф болаларнинг руҳиятини кўтаришга, ички ва ташқи дунёсига меҳр

кўзи билан назар ташлашга эътибор берилади. Бунда расм тўгараги бизга яқиндан ёрдам беради. Чунки расм чизиш ёрдамида нафақат ногирон болалар, балки барча болалар ўз кайфиятлари, кечинмалари, туйгуларини ифодалайдилар. Расм чизиш орқали болаларда оламни, теварак-атрофни идрок этиш, айниқса, гўзаллик – эстетик идрок ва тасаввур, малака ва кўникмалари шаклланади.

Даун синдроми билан бизга келган Ибрагимов Баҳодирнинг чизган расмлари бошқа болалар учун ўрнак бўла олади. Тарбияланувчиларимиздан заиф эшитувчи Пўлатова Робия рақс тушишни жуда ёқтиради ва доимо рақсларни маромига келтириб ижро этади. Ҳасан ва Ҳусан рус тили, таэквандо тўгаракларининг доимий қатнашувчиларидир. Болаларнинг майда қўл моторикасини ривожлантириш мақсадида «Бисер билан ишлаш», «Моҳир қўллар» тўгараклари фаолият кўрсатмоқда.

МТМда ногирон болалар учун тиббий-терапевтик ёрдам, яъни нуқсон сабабларини аниқлаш, диагноз қўйиш, даволаш ишлари, реабилитация ишлари, яъни массаж, ЛФК ва бошқа техник воситалар ёрдамида соғломлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Бунинг учун махсус хоналар жиҳозлари билан болаларга хизмат кўрсатяпти.

Ўйлаймизки, келажакда инклюзив таълим тури оммавий тус олади. Яна бир мисол тариқасида Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 506-ММТМда тарбияланувчи таянч-ҳаракат аъзолари фалажланган, ақлий ривожланиши меъёрида бўлган ва ақлий ривожланишида муаммоси бор, нутқида нуқсони бўлган болалар таълим-тарбия олиб келмоқдалар. Таълим мазмуни махсус мактабгача таълим ва умумтаълим муассасаларининг дастури асосида амалга оширилади. Таълим-тарбия жараёнида болаларнинг хусусияти, қобилияти ва имкониятини эътиборга олган ҳолда махсус ёки умумтаълим мактабларда таълим олишини давом эттиришига йўналтириб келинмоқда. Психолого-тиббий-педагогик комиссиясининг йўлланмаси асосида ҳар йили 10 фоиз болалар умумтаълим мактабларига қабул қилинади.

2000 йил РТМ махсус таълим бўлимида Ўзбекистонда инклюзив таълимнинг илк асоси сифатида Республика таълим маркази махсус таълим бўлими томонидан «Ўзбекистон Республикасида алоҳида

ёрдамга муҳтож болалар очиқ таълим тизимини ривожлантириш чора-тадбирлар режаси» ишлаб чиқилди. Бу режа дастурда алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни умумтаълим тизимига киритишнинг қуйидаги ташкилий асослари ёритиб берилди:

– оммавий ахборот воситалари орқали жамият онгини инклюзив таълимга тайёрлаш;

– Республикадаги алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган болалар ҳақида ахборот банкини яратиш;

– барча турдаги нуқсонли болалар учун умумтаълим ва якка тартибда оилаларда ўқитилиши бўйича турли хил ўқув-методик адабиётлар, дидактик воситалар ишлаб чиқиш ва таъминлаш масалалари қайд қилинган.

Айниқса, 2001 йил 21–23 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган «Алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни маънавий ва эстетик тарбиялаш» мавзусидаги халқаро Конференцияда турли хорижий мамлакатлар, Қозоғистон, Россия, МДҲ давлатларининг экспертлари қатнашиб, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Конференцияда қатнашган шаҳар ва вилоят халқ таълими бошқарма вакиллари, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, мутахассислар, олий таълим тизимидаги профессор-ўқитувчилар, малака ошириш институтлари ходимлари, нодавлат жамоат ташкилотлари, ногирон болалари бўлган ота-оналар, матбуот ҳамда ахборот воситалари ходимлари қатнашдилар ва ҳозирги кунда вужудга келаётган муаммолар устида тўхталиб, баҳс-мунозара юритдилар.

Бу конференцияда имконияти чекланган болаларнинг қобилиятлари, меҳнат натижалари, санъат, спортда эришган ютуқлари ва маҳоратлари намойиш этилди. Унинг таҳлили шуни кўрсатдики, алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни инклюзив таълим тизимида таҳсил олиши уларнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши яна бир бор экспертлар томонидан қайд этилди[15].

Инклюзив таълим тизимини Ўзбекистонда жорий қилиш ва ундаги муаммоларни ҳал қилиш мақсадида турли хил тадбирлар уюштириш, матбуот-ахборот воситалари орқали тарғибот-ташвиқот ишлари бир мунча фаоллашди.

[15] «Алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни маънавий ва эстетик тарбиялаш» мавзусидаги халқаро конференция материаллари тўплами. Т.: «Узинкомцентр», 2002.

Ишфаолиятимиздавомидареспубликатаълиммаркази UNESCO ташкилоти билан ҳамкорликда 2001 йилда «Инклюзив таълим» мавзусида конференция ўтказишга муяссар бўлдик ва конференция қатнашчиларининг гавсиялари асосида Халқ таълими вазирлиги ва UNESCO ташаббусига биноан инклюзив таълим маркази ташкил этилди. «Инклюзив таълим ресурс маркази Низоми» тузилиб, унга мувофиқ ресурс марказ қуйидаги вазифаларни амалга ошириб келмоқда:

– таълимга жалб этилмаган имконияти чекланган болалар таълимини ташкил этишга кўмаклашиш;

– инклюзив синф ва гуруҳларни ўқув-методик мажмуалар билан таъминлаш;

– жойлардаги ресурс марказларига амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

– имконияти чекланган болаларнинг ота-оналарига фарзандларини тарбиялаш, мактабга ва ижтимоий ҳаётга тайёрлашга оид турли шаклдаги тадбирларни ташкил этиш, маслаҳатлар бериш;

– имконияти чекланган болалар ва ўсмирларга таълим бериш, касб-ҳунарга ўргатиш ишларини амалга ошириш мақсадида умумтаълим муассасаларида инклюзив синфлар ва гуруҳлар ташкил этиш, таълимни интеграция асосида олиб бориш кабилар.

2002 йилнинг 31 май куни «Таълим ҳамма учун» Дакар Декларациясининг моҳиятини Ўзбекистонда татбиқ этиш юзасидан Халқ таълими вазирлиги, UNESCO халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда «Таълим ҳамма учун» мавзусида халқаро форум ташкил этилди. Форумда халқаро UNESCO ташкилотининг эксперти жаноб Котибхон иштирок этиб, форум қатнашчиларига «Таълим ҳамма учун» Миллий дастур режасини ишлаб чиқиш мавзусида маъруза қилди. Натижада 2003 йил «Таълим ҳамма учун» дастурининг Миллий режаси ишлаб чиқилди.

2005 йилнинг 19 сентябрь куни ХТВнинг 234-сонли буйруги билан «Имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун инклюзив таълим тўғрисида муваққат Низом» тасдиқланди. Юқорида келтирилган инклюзив таълимнинг ҳуқуқий асосларига таянган ҳолда бу таълим тизимини янада такомиллаштириш, уни амалиётга жорий этишни жадаллаштириш мақсадида 2005 йилнинг 14–15 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида «Таълим ҳамма учун» Миллий дастурини жорий қилиш босқичлари» мавзусида йирик

халқаро конференция ўтказилди. Ушбу конференцияда халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналарининг вакиллири ҳам ўз маърузалари билан иштирок этдилар. UNICEF ташкилоти вакили Реза Хоссейни, UNESCO ташкилоти вакили Бари Лайн, «MERCY PROJEKT» , «OPERATION MERCY». Коста Рика давлатлари халқаро вакиллари шулар жумласидандир.

Масалан, UNESCO ваколатхонасиинг раҳбари Бари Лайн ўз чиқишида Ўзбекистон Республикасининг бу йўналишдаги ишларини олқишлаб, республикада келажакда инклюзив таълимни амалиётга татбиқ этиш концепциясини амалга оширишда доимо ҳамкорлик қилишини таъкидлаб ўтди.

Инклюзив таълим, бу инсон ҳуқуқларини ҳимояловчи таълим йўналиши эканлигини, ҳар бир шахс ҳаёти давомида инсон учун берилган омиллардан фойдаланиш ҳуқуқига эгалиги хусусида ўз қарашларини билдирди.

«Таълим ҳамма учун» Миллий дастурини жорий қилиш босқичлари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция вазифалари қуйидагилардан иборат бўлди:

– «Таълим ҳамма учун» Миллий дастурининг моҳиятини тарғибот қилиш;

– республикада имконияти чекланган болалар инклюзив таълимини ташкил этиш бўйича меъёрий, методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

– имконияти чекланган болаларни эрта ташхис қилишнинг замонавий услулларини муҳокама этиш;

– психолого-тиббий-педагогик комиссия, Ташхис марказлари, психологик хизмат фаолияти самарадорлигини ошириш;

– Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги каби ташкилотларнинг имконияти чекланган болаларни аниқлаш, ҳисобга олиш, даволаш, ижтимоий ҳимоялаш борасидаги фаолиятини жонлантириш;

– имконияти чекланган болаларга таълим бериш, уларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ҳамкорлигини кучайтириш;

– инклюзив таълим жараёнида учрайдиган тўсиқларни бартараф этиш йўллари билан таништириш .

Конференцияда нафақат Республикамизнинг соҳа вакиллари, балки қардош Қозоғистон, Қирғизистон, Россия давлатлари

вакиллари ҳам иштирок этиб, ўз давлатларида инклюзив таълим тизими моделлари, бу соҳада қўлга киритилган ютуқлар билан конференция иштирокчиларини таништиришга муваффақ бўлдилар. Жумладан, Қозоғистон Республикаси коррекцион-реабилитация илмий-амалий марказ директори А.А. Айдарбекованинг маърузасида ўта долзарб муаммолар устида тўхтаб ўтилди. Улар:

– Қозоғистон Республикасида инклюзив таълимни ташкил этишнинг асосий сабаблари;

– инклюзив таълим муассасаларида таълим-тарбия берилаётган болалар;

– ресурс педагогнинг вазифалари ва бошқалар.

Россия Давлат Таълим вазирлигининг махсус таълим бошқармасининг собиқ бошлиғи Т. В. Волосовец алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни умумтаълим мактабларининг махсус синфларига жалб этиш борасида бир қатор ибратли ишлар ташкил этилганлиги хусусида фикр билдирди. Россияда 2002 йил кўрсаткичи бўйича 259 та олий ўқув юртларида 5400 та имконияти чекланган шахслар таълим олаётганини ва ҳар 10 ногирон боладан биттаси олий таълим олаётганлигини кўрсатиб, 4 та олий ўқув юртида махсус таълим муассасалари учун мутахассислар режалаштирилганлигини айтиб ўтди. Бу кўрсаткич давлат томонидан имконияти чекланган болаларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланганлигини билдириши ҳам таъкидланди. Юқорида айтиб ўтилган далиллар 2000–2005 йилларга мўлжалланган аниқ дастур асосида олиб борилганлиги, 2010 йилга қадар ривожлантириш Концепциясини ишлаб чиқилганлиги асосдир[16].

Коста Рика давлатидан «Испан тилига ўргатиш маркази» раҳбари Моника Арая ўз маърузасида Коста Рика давлатида 1999 йилдан буён таълим 11 йилга мўлжалланган бўлиб, у бепул ташкил этилганлигини айтиб ўтди. Шу каби маърузалар мазкур конференциянинг аҳамиятини янада ошишига сабаб бўлди.

Бугунги кунга қадар Республикамизда ўтказилган семинар-тренингларда 500 дан ортиқ иштирокчилар инклюзив таълим тизимининг мазмун-моҳияти, уни жорий қилиш босқичлари хусусида мукаммал маълумотларга эга бўлдилар.

Имконияти чекланган болаларнинг инклюзив таълим тизимида таҳсил олишини янада такомиллаштириш, амалиётда учрайдиган

[16] «Таълим ҳамма учун» мавзусидаги халқаро конференция материаллари. Тошкент, 2005.

муаммоларнинг ечимларини давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида ҳал қилиш масалалари юзасидан қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

– коррекцион таълим тизими ва мазмунини сифат жиҳатдан янгилаш;

– республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич тўлиқ интеграциясига амал қилиш;

– давлат норматив ҳужжатларига инклюзив таълимни жорий этиш бўйича қўшимчалар киритиш ёки тадбирлар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

– бинони уларга мос равишда реконструкция қилиш;

– умумтаълим тизимида таълим олаётган махсус эҳтиёжли болалар учун зарурий моддий-техник базани яратиш;

– инклюзив таълимни ташаббускорлик, меҳр-мурувват тарзида ташкил этиш;

– мактабнинг иш фаолиятига инклюзив таълимни амалга ошириш борасида ўзгаришлар киритиш;

– умумтаълим педагогларини инклюзив таълим бўйича қайта тайёрлаш;

– барча педагогика олий ва ўрта махсус ўқув юртларида коррекцион- педагогик курсларнинг киритилиши;

– коррекцион Давлат таълим талаблари ва дастурларни имконияти чекланган боланинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш;

– умумтаълим, махсус мактаб педагоглари, ота-оналар учун ўқув-методик ва илмий-оммабоп, ихчам турдаги ўқув адабиётлар ва индивидуал дастурлар яратиш;

– ногирон болани илк ёшидан ташхис қилиш ва коррекцион педагогик ёрдам бериш;

– имконияти чекланган болаларни умумтаълим тизимида умумий ва коррекцион таълим олишининг илмий асослари, стандарт талаблари, ўқув-методик мажмуаларни яратиш ва таъминлаш;

– касб-ҳунарга ўргатиш, реабилитация қилиш ва бу ишда оиланинг бевосита иштирокини таъминлаш каби бир қатор долзарб масалаларни келажакда кенг қамровли бажариш учун давлат тасарруфида мувофиқлаштирувчи илмий-педагогик ресурс маркази, бошқарма, илмий лабораториялар ташкил қилиш каби илмий-

услубий, амалий ишларни бажариш-инклюзив таълимни жорий қилиш муваффақиятини таъминлайди.

2007 йилнинг 5–9 февраль кунлари А. Авлоний номидаги ХТХМОҚТМИ да умумтаълим мактаблари ва махсус мактаб-интернатларнинг директор ва педагоглари учун инклюзив таълим бўйича «Таълимда тенглик» мавзусидаги кўчма семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Семинар-тренингда:

– Ўзбекистон Республикаси қонун ва қарорлари, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳар бир боланинг оилада яшаши, яқин қариндош-уруғлари эътиборида бўлиши, уларга давлатимиз томонидан берилаётган имтиёзлар;

– 1986 йилда қабул қилинган Саламанка Декларациясида болаларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш масалаларининг ҳар томонлама ёритилиши;

– «Болалар ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциянинг келгусида тўлиқ бажарилиши;

– Алоҳида ёрдамга муҳтож, етим ва қаровсиз колган болалар ҳақидаги мавжуд иш тажрибалари ҳамда хорижий иш-тажрибалар;

– Алоҳида ёрдамга муҳтож болалар ҳуқуқ ва қизиқишларини ҳимояловчи давлат ва нодавлат ташкилотлар ишларининг мувофиқлаштириб борилиши;

– Ўзбекистон Республикасида халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни татбиқ этилиши;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси доирасида имконияти чекланган, етим ва қаровчисиз қолган болаларга ҳуқуқий, ижтимоий ёрдам тадбирлари режасининг амалга оширилиши;

– «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг мазмун моҳияти ва махсус таълимга бўлган эътибор каби долзарб масалалар муҳокама этилди.

Шунингдек 9–11 март кунлари Самарқанд шаҳрида «Алоҳида эҳтиёжли болалар таълимига янгича ёндашув – инклюзив таълимнинг назарий ва амалий асослари» мавзусида махсус мактаб-интернатлар, санатория типидаги, кам таъминланган оила фарзандлари учун мўлжалланган мактаб-интернатлар ва «Меҳрибонлик» уйлари раҳбар ҳодимлари ҳамда педагогларини инклюзив таълимнинг моҳияти, мазмуни, ҳуқуқий асослари, бу таълим тизимининг жорий

этилишидан кўзланган мақсад ва инклюзив таълим тизимининг амалий натижалари билан таништириш мақсадида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Ушбу семинар-тренингда:

1. Инклюзив таълимнинг моҳияти, мазмуни, мақсади ва вазифалари хусусида маълумотлар берилди;

2. Махсус таълим мазмунида янгича йўналишлар, таълим мазмунини такомиллаштириш йўллари маърузалар асосида баён этилди;

3. Жаҳон миқёсида ва Ўзбекистонда инклюзив таълимнинг назарий ва амалий асослари хусусида мукаммал маълумотлар берилди;

4. Инклюзив таълим амалий натижаларининг намойиши иштирокчилар томонидан муҳокама этилди;

5. Инклюзив таълим тизимида инновацион технологияларни жорий қилиш услублари масаласида маълумотлар баён этилди;

6. Инклюзив таълим тизимини жорий қилиш учун амалий кўрсатмалар ва тавсиялар берилди.

Семинар-тренинг якунида иштирокчилардан сўровномалар олиниб, таҳлил қилинди.

2007 йилнинг 29–30 май кунлари Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 448-сонли МТМда «Таълимда тенглик – инклюзив таълим» мавзусида халқаро UNESCO ташкилоти ва UNESCOнинг Миллий комиссияси билан ҳамкорликда «Инклюзив таълим» лойиҳаси асосида ота-оналар, махсус эҳтиёжли болалар ва мактабгача таълим муассасалари педагоглари учун инклюзив таълимнинг мазмуни, унинг мақсади, вазифалари билан таништириш, инклюзив таълим тизимини жорий қилишга бўлган эҳтиёжлар, инклюзив таълимнинг афзаллик жиҳатлари, мактабгача таълим муассасаларининг инклюзив гуруҳларида махсус эҳтиёжли болаларга алоҳида ёндашиш услублари хусусида маълумотлар бериш мақсадида семинар-тренинг ўтказилди.

Ушбу икки кунлик семинар-тренингда қуйидаги асосий масалалар ҳал этилди:

1. Иштирокчиларга махсус таълим мазмунида янгича йўналиш – инклюзив таълим, унинг мазмунини такомиллаштириш йўллари хусусидаги маълумотлар берилди;

2. Жаҳон миқёсида ва Ўзбекистонда инклюзив таълимнинг назарий ва амалий асослари баён этилди;

3. Инклюзив таълим амалий натижаларининг самарадорлиги тақдимот асосида намойиш қилинди;

4. Педагогларга инклюзив таълим тизимида инновацион технологияларни жорий қилиш усуллари хусусида методик ёрдам кўрсатилди:

5. «Инклюзив таълим» лойиҳаси асосида амалга оширилган ишлар юзасидан тақдимот ўтказилди, ҳисобот берилди;

6. Мактабгача таълим муассасаларининг инклюзив ва интеграция гуруҳларида махсус эҳтиёжли болалар билан ишлаш усуллари хусусида методик ёрдам кўрсатилди;

7. 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан махсус эҳтиёжли болаларга ҳомийлар совғалари топширилди.

Ҳозирга кунда «Инклюзив таълим» Ресурс маркази халқаро UNESCO ташкилоти билан ҳамкорликда лойиҳалар асосида инклюзив таълимни Ўзбекистонда жорий этиш мақсадида илмий-тадқиқот ишини олиб бормоқда.

2007 йилнинг 10–12 сентябр кунлари Тошкент шаҳрида «Таълимда болага сифатли инклюзив ва дўстона муносабат» номли Марказий Осиё субрегионал семинари бўлиб ўтди. Унда бутун Марказий Осиё мамлакатларидан соҳа вакиллари иштирок этдилар.

2007 йилнинг март ойидан бошлаб UNESCO Миллий комиссиясининг ташаббуси билан Республика таълим маркази Махсус таълим бўлими қошида «Инклюзив таълим» лойиҳаси фаолият юрита бошлади. Ушбу лойиҳанинг мақсади ҳам алоҳида эҳтиёжли болаларнинг имкониятларидан келиб чиқиб умумтаълим муассасаларида тўлақонли таълим олишларини таъминлаш, таълим муассасаларида ҳар бир алоҳида эҳтиёжли бола учун зарурий шарт-шароитларни яратиш бўлиб, ушбу мақсадларни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

Алоҳида эҳтиёжли болаларни педагогик ва психологик жиҳатдан ўрганиш бўйича махсус комиссия фаолиятини ташкил этиш;

– Таълимнинг тиббий, ижтимоий ва коррекцион хизмат турларини биргаликда олиб борилишини ташкил этиш;

– Ота-оналар учун оилада ва маҳаллада профилактика ва реабилитация ишларини олиб бориш бўйича ўқув машғулотлари, семинар-тренинглар ташкил этиш;

– Ота-оналарга ногирон болаларни тарбиялаш ва уларни ақлий ривожлантиришга оид методик ёрдам турларини кўрсатиш;

– Инклюзив таълим педагоглари учун коррекцион-педагогик усуллар ва уларни қўллаш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

– «Инклюзив таълим» лойиҳасининг вазифалари қуйидаги босқичларда амалга оширилди:

1-босқич. Республика таълим маркази қошидаги Махсус таълим бўйича ресурс марказида кўчма таълим гуруҳи (КТГ) ташкил этиш. Кўчма таълим гуруҳига техник ёрдам кўрсатиш.

2-босқич. «Барқарор тараққиёт учун инклюзив таълим» мавзусида миллий анжуманни ташкил этиш.

3-босқич. Халқ таълими вазирлигининг вилоят бошқармалари билан ҳамкорликда ривожланишида нуқсони бўлган болаларни аниқлаш бўйича психологик-тиббий- педагогик комиссияни ташкил этиш.

4-босқич. Методик тавсияномалар, қўлланмалар, дастурларни яратиш ва нашр қилиш.

5-босқич. Педагог-тарбиячилар, ўқитувчилар, руҳшуносларнинг қўшма гуруҳлар ва синфларда болалардаги нуқсонларни тузатишга йўналтирилган дастурларини ишлаб чиқиш, ўқув машғулотларни ташкил этиш.

6-босқич. Мавжуд болалар таълими муассасаларида: 2 та мактабгача таълим муассасаси ва 2 та ўрта мактабда махсус тажриба гуруҳини ташкил этиш ва техник ёрдам кўрсатиш.

7-босқич. Мактабгача махсус (инклюзив) таълим муассасаларига кўмаклашиш ва аниқланган нуқсонларни тузатишга ихтисослашган тажрибаларни тарғиб қилиш мақсадида илмий-услубий, амалий, минтақавий анжуман ташкил этиш;

8-босқич. Мониторинг ва баҳолаш.

9-босқич. Молиявий ҳисобот.

Лойиҳа вазифаларининг босқичма-босқич амалга оширилиши асосида қуйидаги натижаларга эришилди:

Республика таълим маркази Махсус таълим бўлими қошидага инклюзив таълим ресурс марказида тадқиқотчи гуруҳи ташкил этилди. Кўчма таълим гуруҳининг иш фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида UNESCO Миллий комиссияси томонидан техник ёрдам кўрсатиб борилди;

Халқ таълими вазирлигининг вилоят бошқармалари билан ҳамкорликда нуқсонли болаларни аниқлаш бўйича тиббий-психологик-педагогик комиссия фаолияти ташкил этилиб, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур ва Олмазор туманлари бўйича ногирон болалар сони аниқланди.

Болаларнинг нуқсон тури ва даражаси психолого-педагогик жиҳатдан ташхис қилиниб, қуйидаги натижаларга эришилди:

Иккала туман бўйича жами рўйхатга олинган ногирон болалар сони 268 нафарни ташкил этади;

– Шундан таълим билан қамраб олинган ногирон болалар сони 122 нафар;

– Ишчи гуруҳ томонидан ўрганилган ва ташхис қилинган алоҳида эҳтиёжли болалар сони 98 нафарни ташкил этди;

– Шундан инклюзив ва интеграциялашган таълимга жалб қилинган болалар сони 23 нафар;

– Шайхонтоҳур туманидаги 448-мактабгача таълим муассасасига 14 нафар алоҳида эҳтиёжли бола интеграциялашган гуруҳ сифатида киритилди;

– Шайхонтоҳур туманидаги 28-умумтаълим мактабига 9 нафар бола инклюзив синф этиб киритилди;

– 40 нафар бола махсус таълим муассасаларида таълим-тарбия олишга лойиқ деб топилди;

– 37 нафар болага уй шароитида якка тартибдаги таълим бериш тавсия этилди.

– Тадқиқот иши доирасида олинган натижалар асосида жойларда қуйидаги айрим муаммоларга дуч келинди:

Тошкент шаҳар Олмазор туманида лойиҳада белгиланган таълим муассасаларида болаларни ўқитиш учун тузилган дастур асосида педагогларни ўқитиш муддати қисқа бўлганлиги туфайли

ота-оналар ва жамоаларни бу ишга жалб қилиш бироз қийин кечди;

1. Олмазор туманида имконияти чекланган болалар сони кўплиги ва лойиҳада белгиланган муддатнинг қисқалиги туфайли болаларни ташхисдан ўтказиш ишлари якунланмади;

2. Имконияти чекланган болаларни инклюзив таълимга жалб қилиш мукаммал методик ёрдамни талаб қилади. Шунинг учун ҳам ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган методик тавсиялар етарли эмаслиги маълум бўлди.

3. Шундай қилиб, лойиҳанинг мониторингини ўтказиш ва баҳолаш жараёнида қуйидаги хулосаларга келинди:

– Дастурда болаларни йиғиш, ташхис қилиш ва мутахассисларни топиб жалб қилишга берилган муддат қисқа бўлганлиги ишнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатди;

– Таълим муассасалари иншоотларининг махсус эҳтиёжли болаларга мослаштирилмаганлиги ва ресурсларнинг етишмаслиги болаларни инклюзив тарзда ўқитиш ишларининг орқага сурилиб кетишига сабаб бўлди;

– Инклюзив таълим хусусида Республика миқёсида маълумот етарли эмас, шунинг учун ҳам бошқа вилоят ва шаҳарларда ҳам кўплаб ҳудудий семинар-тренинглар, анжуманлар ўтказиш талаб этилади. Бизнинг лойиҳа доирасида белгиланган муддат жуда қисқалиги сабабли кўплаб вилоятларда инклюзив таълим бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш имкони бўлмади.

Юқоридаги камчилик ва муаммоларни ҳал этиш учун қуйидагилар тавсия этилди:

1. Семинар-тренинглар ўтказиш муддатини узайтириш;

2. Лойиҳа бюджетини ишлаб чиқишда юқоридаги муаммоларни эътиборга олиш;

3. Инклюзив таълим тизими ташкил этилган ташкилот ва муассасаларда лойиҳада белгиланган принцип асосида ишни ташкил қилиш, олдинги лойиҳада йўл қўйилган камчиликларни эътиборга олган ҳолда Ресурс маркази тасарруфидаги ишчи гуруҳда давлат ва нодавлат ташкилотлар вакилларининг иштирокини кучайтириш;

4. Имконияти чекланган болаларни аниқлаш, текшириш учун жойлардаги ҳар бир туман, шаҳар мутахассисларини жалб қилиш;

5. Инклюзив таълим жорий қилинган мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида ресурс марказлар филиалларини ташкил қилиш ва зарурий техник воситалар ва ўқув қуроллари билан таъминлаш;

6. Ахборот-матбуот воситалари орқали инклюзив таълимнинг илмий-методик ва амалий ишларини оммага кенг тарғибот қилиб бориш.

7. Юқорида кўрсатилган қийинчиликлар, муаммолар ва тавсиялар лойиҳани ишлаб чиқишда эътиборга олинса, инклюзив таълимнинг Ўзбекистон Республикасида ривожланиши ва ишнинг самарадорлиги ошади, инклюзив таълимнинг барқарор тараққиётига эришилади.

2008 йилда эса Республика таълим маркази Махсус таълим бўлими қошидаги Инклюзив таълим ресурс маркази томонидан малака ошириш институтининг тингловчиларига, ўқитувчиларига ва кўнгиллиларга инклюзив таълим бўйича назарий ва амалий маълумотлар бериб бориш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

– Инклюзив таълим Ресурс марказининг Низом лойиҳасиги Ресурс марказ филиалининг иш вазифалари ва мазмуни бўйича маълумот киритилди;

– А.Авлоний номидаги Республика мактабгача таълим маркази қошида 2008 йилнинг май ойида Инклюзив таълим ресурс марказининг филиали очилди ҳамда техник жиҳозлар билан жиҳозланди.

Ресурс марказ низоми асосида филиал иш фаолияти ташкил этилди ва назорат қилиб борилмоқда.

Педагогика йўналишида таҳсил олаётган талабалар, ўқитувчилар ва кўнгиллилар доимий равишда инклюзив таълим бўйича назарий ва амалий маълумотларга эга бўлиб боришлари мақсадида 2008 йилнинг июнь ойида Низомий номидаги ТДПУ Дефектология факультети қошида Инклюзив таълим Ресурс марказининг филиали ташкил этилди. Ресурс марказ техник жиҳозлар билан жиҳозланди. Методик ёрдам берилиб, филиал фаолияти назорат қилиб борилмоқда.

2008 йилнинг март ойида психолого-педагогик комиссия ишчи

гуруҳи ташкил этилди. Тошкент, Андижон ва Фарғона вилоятлари ХТБга қарашли махсус эҳтиёжли болалар руйхати тузилди.

– руйхатга олинган болаларни психолого-педагогик текшириш методикаси ишлаб чиқилди. Болалар психолого-педагогик жиҳатдан текширилди ва ташхис қўйилди.

Андижон вилоятида Избоскан туманидаги 12-сонли умумтаълим мактабида «инклюзив таълим» лойиҳаси асосида синфлар очиш мақсадида ишчи гуруҳи томонидан имконияти чекланган болаларни текшириш ва ташхис қилиш ишлари амалга оширилди. Шунингдек Тошкент вилояти Ғазалкент тумани 4-сонли мактабгача таълим муассасасида ҳам инклюзив гуруҳ ташкил этиш мақсадида ташкилий-методик ишлар бошланди.

Андижон вилояти Избоскан туманидаги 12-сонли умумтаълим мактаби 1-синфларида (ўзбек ва рус) интеграция ва инклюзив таълим жорий қилинди. Жами 10 нафар ривожланишида турли нуқсонлари бўлган болалар умум- таълимга жалб этилди. Инклюзив таълим Ресурс маркази томонидан инклюзив синфга услубий ва амалий ёрдам кўрсатилди ва ўқув методик адабиётлар тарқатилиб, семинар-тренинглар ўтказилди. Олиб борилган ишлар юзасидан куйидаги натижаларга эришилди:

Фарғона вилояти Марғилон шаҳар 27-умумтаълим мактабининг 4,5,6,7-синфларида ҳам инклюзив синфлар ташкил этилиб, ногирон болалар инклюзив гуруҳларга киритилди. Уларга методик ёрдам кўрсатиб келинган.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани 4-сонли мактабгача таълим муассасасида 2008 йилнинг май ойида Туман ташхис аъзолари билан биргаликда инклюзив гуруҳ ташкил этилган бўлиб, ушбу гуруҳда 16 нафар бола бўлиб, улардан қуйидаги 5 нафари алоҳида эҳтиёжли болалардир.

Инклюзив гуруҳга қабул қилинган имконияти чекланган болалар дастлаб МТМ дефектологи, психологи ва ҳамшираси томонидан тиббий-психолого педагогик жиҳатдан текширилди. Болаларнинг руҳий ва жисмоний камчиликлари аниқланиб, ташхис қўйилди. Ҳар бир боланинг имконияти ва ҳолати эътиборга олинган ҳолда, логопед, психолог, гуруҳ тарбиячиси ўз иш режаларини тузишди. Режа асосида тузилган ишлар узвий боғлиқликларда олиб борилмоқда.

Инклюзив гуруҳ ва синфлар педагогларига методик ёрдам бериш мақсадида 2008 йилда «Как легко учиться», «Имконияти чекланган болаларни умумтаълим мактабларида инклюзив ўқитиш услублари», «Ақли заиф болалар инклюзив таълимининг ташкил этилиши», «Эшитишда нуқсони бўлган боллар инклюзив таълими» номли методик тавсиялар нашрга тайёрланди. Бундан ташқари семинар тренинг иштирокчилари учун тарқатма дидактик материаллар тўплами ҳам яратилди.

3.4. «ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАРНИ УМУМТАЪЛИМГА ЖАЛБ ҚИЛИШ» ЛОЙИҲАСИ

Ўзбекистон Республикасида инклюзив таълимни татбиқ қилишнинг миллий моделини ишлаб чиқиш мақсадида олиб борилган ишлар бўйича, «Ижтимоий ташаббусларни қуллаб-қувватлаш фонди» ва ХТВ билан ҳамкорлик лойиҳалари, инклюзив таълимни жорий этишда Давлат, нодавлат ташкилотлар ва халқаро ташкилотлар; UNESCO, UNICEF, Осиё Тараққиёт Банки, USAID ва бошқалар ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Грант Япониянинг қашшоқликни бартараф этиш фонди томонидан тақдим этилган ва Осиё тараққиёт Банки томонидан ўзлаштирилган. Ушбулойиҳа бўйича ўзлаштириш органи Халқ таълими вазирлиги этиб тайинланган.

Лойиҳа «2004–2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури» ҳамда 1994 йилда UNESCO томонидан Саламанкада ўтказилган инклюзив таълим бўйича халқаро конференцияда қабул қилинган ва 2000 йилда Дакарда ўтказилган Таълим бўйича халқаро Форумда тасдиқланган дастур доирасида ўзлаштирилди.

Ушбу грант лойиҳаси Республиканинг Тошкент шаҳри, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида жойлашган 6 та махсус таълим мактаб-интернатлари ва 12 та умумтаълим мактабларида амалгаоширилди. Мактабларнингруйхати Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2007 йил 11 сентябрдаги 238-сонли буйруғи асосида тасдиқланган.

Лойиҳа доирасида иштирок этган пилот мактаблар

Вилоят (шаҳар)	Махсус мактаблар	Ҳамкорликдаги мактаблар
Тошкент шаҳар	100-сонли таянч ва ҳаракати шикаст-ланган болалар учун Республика мактаб -интернати	46-сонли умумтаълим мактаби
		224-сонли умумтаълим мактаби
	102-сонли эшитишда муаммоси бўлган болалар учун мактаб-интернати	249-сонли умумтаълим мактаби
		278-сонли умумтаълим мактаби
Сурхондарё вилояти	122-сонли Эшитишда муамоси бор ва кўзи ожиз болалар мактаб-интернаги	3-сонли умумтаълим мактаби
		8-сонли умумтаълим мактаби
	68-сонли махсус ёрдамчи мактаб	1-сонли умумтаълим мактаби
		33-сонли умумтаълим мактаби
Қашқадарё вилояти	33-сонли ёрдамчи мактаб	2-сонли умумтаълим мактаби
		4-сонли умумтаълим мактаби
	19-сонли ёрдамчи мактаб-интернати	9-сонли умумтаълим мактаби
		11-сонли умумтаълим мактаби

Мақсади:

– Инклюзив дастур бўйича танлаб олинган имконияти чекланган ўқувчиларнинг инклюзив дастурлари асосида ижтимоий муҳитга ва умумтаълим мактабларга интеграция қилиш;

– Ўқувчилар учун инклюзив таълим бўйича тренинг модулларини, имконияти чекланган ўқувчилар учун ўқув-методик

материалларини ишлаб чиқиш ва ушбу модулларни миллий таълим дастурига киритиш.

Компонентлари:

a. Инклюзив таълим доирасидаги ўқувчиларга йўналтирилган ижтимоий тайёргарлик;

b. Лойиҳа доирасидаги мактабларда таъмирлаш ишларини амлга ошириш ва мактабларни керакли жиҳозлар билан таъминлаш;

c. Ўқувчиларга умумтаълим мактабларида инклюзив таълимни киритиш ҳақидаги ўқув тренинглари;

d. Лойиҳани бошқариш, мониторинг ва бахолаш, лойиҳанинг асосий мақсади тўғрисидаги информацион компания.

Амалга оширилган тадбирлар:

1) лойиҳа доирасидаги Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида жойлашган 18 та махсус таълим мактабларида таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

2) Лойиҳа доирасидаги мактабларга мебель жиҳозларини харид қилиш; махсус ва ҳамкорликдаги мактабларнинг шароитини яхшилаш, бинонинг зарур жойларини имконияти чекланган болаларга мослаштириш мақсадида мазкур ишлар олиб борилмоқда.

3) Лойиҳа доирасидаги мактаблар меҳнат дарслари учун жиҳозлар ва бошқа зарур бўлган ўқув жиҳозлари билан таъминландилар.

4) Мактабларга белгиланган миқдорда компьютер жиҳозлари . махсус ўқув жиҳозлари (брайл, аудиометр, логопедик синфлар ва хоказо) билан таъминлаш ишлари бошланган.

5) Халқаро консультантлар томонидан лойиҳада иштирок этган мактаб ўқитувчиларига умумтаълим мактабларида инклюзив таълимни киритиш ўқув дастурлари ва модуллари ишлаб чиқилган. Ҳозирда ўқув дастурлари оммавий қўлланилиши учун Халқ таълими вазирлиги томонидан ўрганилмоқда.

6) инклюзив таълим ўқувчилари учун мактаб уст кийими, оёқ кийими ва бошқа зарур нарсалар билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда.

7) лойиҳанинг асосий мақсади тўғрисидаги информацион кампания амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг асосий мақсади оммавий ахборот ва интернет орқали ёритиш плакатлар, банерлар,

хужжатли видеороликлар, лойиҳа сайти ташкиллаштириш ишлари олиб борилмоқда[17]

– Халқ Таълими Вазирлиги, Республика таълим маркази тасарруфидаги инклюзив таълим ресурс маркази Коалиция «Доступность» аъзолари

– Навоий вилоятидаги имконияти чекланган болалар маркази «Умр»

– Ногиронларга ёрдам кўрсатиш маркази «Ҳаёт». Самарқанд

– ННО «Istiqbolli Avlod». Жиззах

– Қашқадарё вилоятидаги ижтимоий ташаббусларни қўллаш маркази «Умид»

– Термиз шаҳридаги «Имкон» имконияти чекланган болалар ва уларнинг оилаларини қўллаш маркази

– Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги «Зиё» алоҳида эҳтиёжли болаларни ижтимоий қўллаш маркази

– Белгиланган вилоятларнинг ҳокимиятлари

Ўзбекистондаги Швейцария элчихонаси.



[17] « Осиё Тараққиёт Банки» «Имконияти чекланган болалар учун умумий таълим» Лойиҳаси бўйича маълумоти. 2008\2009йил.

2006 йилда ташкил қилинган Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни қўллаш, инклюзив таълимни Ўзбекистонда жорий қилиш мақсадида 2007 йилда Халқ таълими вазирлиги, Республика Инклюзив таълим ресурс маркази билан ҳамкорликда мактабгача умумтаълим муассасаларида, умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида инклюзив таълимни татбиқ қилиш мақсадида Ўзбекистонда узлуксиз инклюзив таълимни миллий модели ишлаб чиқилди.

Инклюзив таълим лойиҳасини жорий қилиш мақсадида қуйидаги вазифалар белгиланди; Термиз, Қашқадарё, Жиззах, Самарқанд ва Фаргона вилоятининг Қўқон шаҳридаги белгиланган мактаб ва мактабгача таълим муассасасиларнинг иншоотларини тайёрлаш:

– Инклюзив таълим бошқарувини ишлаб чиқиш;

– Ҳар бир шаҳарда ота-оналар гуруҳини тузиш;

– Семинар-тренингларни ўтказиш бўйича ўқув ва тарқатма материалларни тайёрлаш;

– Ота-оналар учун кўргазмали қуроллар, методик қўлланма ва тавсияларни тайёрлаш;

– Ташкилотчи гуруҳлар учун семинар, тренинглар ўтказиш;

– Олинган натижаларни мониторингини ўтказиш ва ҳ.к.

«Инклюзив таълимни узлуксиз миллий модели-концепцияси» лойиҳасини яратишда РТМ, ХТВ Республика Таълим маркази тасарруфидаги Инклюзив таълим ресурс марказининг мутахассислари, ишчи гуруҳ аъзолари, Тошкент давлат педагогика университетининг профессори, педагогика фанлари доктори Л.Р. Мўминова, А.Авлоний номидаги ХТХМОҚТМИнинг махсус таълим кафедраси мудири У.Ю. Файзиева, РТМ бош мутахассиси Х.Ж. Калбаева ва ИТҚҚФ ижрочи директори Б. Умархонов, ногиронларга ёрдам бериш «Ҳаёт» жамоатчилик маркази раҳбари М. Асановалардан иборат ишчи гуруҳи томонидан «Инклюзив таълим концепцияси» лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ХТВга кўриб чиқиш ва тегишли маъмурий органлар билан келишган ҳолда тасдиқлаш учун топширилди.

Ушбу ҳужжатнинг вазифаси интеграциялашган (инклюзив) таълимнинг табиати, моҳияти, ривожланишининг долзарблиги, давлат томонидан бошқарилиш механизмлари тўғрисидаги

замонавий тасаввурларга таянган ҳолда таълим сиёсатининг мақсади, принцип ва устувор йўналишларини белгилаш ҳамда имкониятлари чекланган шахсларни тенг ҳуқуқли таълим олишини таъминлашдир.

Концепциянинг кириш қисмида имкониятлари чекланган болаларнинг таълим тизими ҳолатининг таҳлили берилган. Имконияти чекланган болаларнинг таълим олишини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари кўриб чиқилган.

Биринчи бўлимда сифатли инклюзив таълимнинг давлат томонидан кафолатланишини таъминлаш механизими ҳуқуқий ва ташкилий нуқтаи назардан инклюзив таълимни ривожлантириш вазифалари ва йўллари кўриб чиқилган.

Иккинчи бўлимда инклюзив ва интеграция таълим сифатларини ошириш учун чоралар таҳлил қилинди, имконияти чекланган болаларнинг умумий таълими методологияси ва методикаси мазмунини ишлаб чиқиш, болалар билим кўникма ва малакаларини бохолаш меъзонларини белгилаш назарда тутилган.

Учинчи бўлимда инклюзив (интеграциялашган) таълим соҳаси ходимларининг касбий тайёргарлигининг сифатини ошириш учун шарт шароитлар яратиш, педагогика олий ўқув юртлари, халқ таълими ходимларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтларида малакали ходимларни тайёрлаш малакасини ошириш, виртуал кутубхоналар яратиш, инклюзив таълим муаммоларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш каби чора- тадбирлар белгиланган.

Тўртинчи бўлимда инклюзив (интеграциялашган) таълим тизимини ривожлантиришни бошқариш вазифалари ва механизмлари аниқланади. Бу бўимда халқ таълими бошқарувининг барча поғоналарида махсус бўлимлар, инклюзив таълимни мувофиқлаштирувчи кенгашни ташкил этиш, инклюзив таълим бўйича илғор тажрибани ўрганиш, оммалаштириш ва х.к.лар назарда тутилган.

Бешинчи бўлимда инклюзив таълимни жорий қилишда мавжуд бўлган айрим муаммолар, инклюзив таълимни барқарорлигини таъминлаш учун унинг инфраструктурасини ривожлантириш, мослаштирилган дастурларни ишлаб чиқиш, инклюзив таълимга

жамоатчиликнинг ижобий муносабатларини шакллантириш каби чора тадбирлар кўриб чиқилган. Шунингдек имконияти чекланган болаларни умумтаълим жараёнига уйғунлаштиришнинг турли тадбирлари тавсия этилган[18].

Концепцияда белгиланган чора-тадбирлар асосида умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида ва мактабгача таълим муассасаларида инклюзив таълим тизимида болаларга таълим-тарбия беришнинг;

• ташкилий, услубий, моддий базасини яратиш;

• ота-оналар болалар иштирокидаги инклюзив таълим тизимини бошқаруви мақсадли гуруҳларини ташкил этиш;

• тарқатма материалларни кўргазмали қуроллар, қўлланма ва тавсияларни ота-оналар ва болалар учун тайёрлаш;

• гуруҳлар учун семинар-тренинглар ўтказиш;

• бажарилган ишлар натижалари бўйича белгиланган вилоятларда мониторинг ўтказиш каби ишлар амалга оширилди.

Биринчи босқичда инклюзив таълим концепциясини татбиқ қилиш жариёнида 2004 йиллардан бошлаб имконияти чекланган болаларни умумтаълимнинг узлуксиз таълим тизимига жалб қилувчи вилоятлардаги нодавлат жамоа ташкилотлари иштирок этишди. Ушбу тажриба экспериментал-таянч пунктларда жумладан Навоий шаҳридаги №26 боғча-мактаб, Самарқанд шаҳридаги №60 мактабгача таълим муассасаси, Вилоят болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази тасарруфидаги «Нафосат» мактаби, Жиззах шаҳридаги №33 «Наргиз» мактабгача таълим муассасаси, №22 ўрта мактаб, «Турнача» номли №17 мактабгача таълим муассасаси, Термиз шаҳридаги №16 мактабгача таълим муассасаси, №1 ўрта мактаб, Қўқон шаҳридаги «Солнышко» номли №11 мактабгача таълим муассасаси, №5 мактабларда ўтказилди.

Юқорида санаб ўтилган муассасаларда дастлаб биринчи босқичда инклюзив таълимни ташкил қилиш мақсадида педагог, мактаб маъмурияти, психолог, тарбиячилар билан суҳбатлар ўтказилди, уларнинг фикрлари, тавсиялари умумлаштирилди, илмий изланишлар олиб борилди.

Иккинчи босқичда ИТҚҚ (ФОПСИ) фонди юқорида қайд этилган жамоат ташкилотлари ва ХТВнинг муттасади ташкилотларининг мутахассислари иштирокида педагоглар ва

[18] Ўзбекистон Республикасида инклюзив таълим концепцияси. Тошкент 2009 ИТҚҚ фонди.

бошқарувчи яъни координаторларнинг малакасини ошириш бўйича мунтазам равишда семинар-тренинглар ўтказилиб борилди. Ушбу семинарлар доирасида таянч-экспериментал мактабгача таълим муассаса мактабларнинг педагоглари семинар иштирокчилари учун, имконияти чекланган болаларнинг индивидуал қобилиятлари, хусусиятларини эътиборга олиб яратилган методик тавсия қўлланмалар ва индикаторларнинг тахминий руйхатини бахолашга тааллуқли кўрсатмалар берилди. Инклюзив таълим лойиҳаси бўйича ўтказилган семинар-тренингларда 2007–2008 йиллар мобайнида 1500 нафар иштирокчи ва 150 нафар имконияти чекланган болалар қатнаштилар. Инклюзив таълими тизимида имконияти чекланган болаларни ўқитиш, тарбиялаш бўйича 18 кишидан иборат маслахатчилар гуруҳи тайёрланди. 2007 йил май ойида Бухоро шаҳрида республика «Special Olympics» ўйинларида 400 нафар имконияти чекланган болалар республиканинг барча вилоятларидан ва Афғонистон, Польша, Турция, Қозоғистон мамлакатларининг вакиллари иштирокида «Инклюзив таълим» мавзусида Марказий Осиё форуми ўтказилди. Бу форумда Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан 100 нафар делегатлар қатнашди, жумладан Қозоғистон, Россия ва Евросоюз вакиллари иштирок этишди. Ушбу тадбирда инклюзив таълимнинг турли модели тақдим қилиниб, Марказий Осиёда инклюзив таълимни ривожлантиришнинг истиқболи муҳокама этилди. Форумда ХТВнинг маъмурий мутасадди вакиллари ва махсус таълим соҳа мутахассислари фаол иштирок этишга муяссар бўлди.

Айниқса Ўзбекистон Республикаси ХТВнинг мактаблар бошқармасининг бошлиғи Ю.Асадов, Республика инклюзив таълим ресурс марказининг координатори томонидан «Ўзбекистонда инклюзив таълимни жорий қилишнинг оптимал йўллари ва истиқболлари» мавзусидаги маърузаси форум иштирокчилари томонидан кенг муҳокама қилиниб ижобий баҳоланди ва «Пути и перспективы развития инклюзивного образования в Узбекистане» мавзусидаги маърузаси «Учитель Узбекистана» газетасида чоп этилди. Форумда инклюзив таълим муаммолари, ғояларини амалиётга татбиқ қилишнинг электрон-интернет маълумотлари билан кутубхоналарни бойитиш масалалари кўриб чиқилди. Ушбу масалалар бўйича Россиянинг РООИ «Перспектива» коррекцион педагогика институти, инклюзив таълим ресурс маркази РТМ

томонидан ўқув-услубий материалларни яратиш ва инклюзив таълим ижрочиларига, кутубхоналарга тақдим этишни ўз зиммаларига олишди.

Инклюзив таълимнинг узлуксиз миллий модели-концепциясини яратувчилар томонидан қуйидаги услубий қўлланмалар яратилиб инклюзив таълимни ташкил этган муассасаларга тарқатилди.

1. Л. Р. Муминова «Ривожланишида нуқсони бор болалар нутқини логопедик кўрикдан ўтказиш методикаси».

2. Л. Р. Муминова «Коррекционно-педагогическая работа с детьми с нарушениями интеллекта, нарушениями речи, задержкой психического развития. «Тошкент 2009й. ИТҚҚ Фонди

3. Р. Шомахмудова «Коррекционно-педагогическая работа с детьми, страдающими детским церебральнқм параличом (ДЦП) дошкольного возраста».

4. Р. Шомахмудова «Таянч-ҳаракати аъзолари фалажланган мактабгача ёшдаги болалар билан олиб бориладиган коррекцион педагогик ишлар» Тошкент, 2009. ИТҚҚ Фонди

5. У. Ю. Файзиева «Инклюзивное образование детей с сенсорными нарушениями в общеобразовательных учреждениях» рус ва ўзбек тилида Тошкент, 2009. ИТҚҚ Фонди

6. Х. Ж. Колбаева «Инклюзив таълим шароитида эшитишида нуқсони бўлган мактабгача ёшдаги болалар билан коррекцион-педагогик ишларни ташкил этиш дастури ва методик тавсиялар» Тошкент, 2009. ИТҚҚ Фонди

Республикамизда имконияти чекланган шахслар болаларни ишга жойлаш, ногиронларни иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, уларни муаммоларини ҳал қилиш, имконияти чекланган болаларни инклюзив таълими стратегиясини қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари, матбуот-ахборот воситалари орқали кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу муаммолар билан Халқ таълим вазирлиги, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, Республика инклюзив таълим ресурс маркази ва бир қатор жамоат ташкилотлари жумладан, Самарқанд шаҳридаги «Ҳаёт маркази», Термиз шаҳридаги «Имкон», Навоий шаҳридаги «Умр», Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги «Зиё», Қашқадарё вилоятидаги «Умид»

ва бошқа бир қатор марказлар ҳамкорлигида 2007–2009 йилларда вилоятларда тарғибот-ташвиқот ишлари, семинар-тренинглар ўтказилиб келинди. «Ногиронлар» мавзусида видеолавҳалар, телекўрсатувлар тарғибот қилинди.

Ўзбекистондаги жаҳон банки ваколатхонаси ёрдамида ногиронларни иқтисодий мустақиллиги муаммосини ҳал қилишнинг энг яхши ғоялари бўйича журналистлар конкурси ўтказилди. Швейцария элчихонаси ёрдамида коалиция «Доступнось» гуруҳи томонидан 2008 йил Термиз, Қарши, Навоий шаҳарларида педагоглар, ота-оналар учун имконияти чекланган болаларга нисбатан дўстона муносабатни ўқув жараёнида ташкиллаштириш мақсадида коалиция «Доступность» гуруҳлари томонидан семинарлар, тренинглар мунтазам равишда амалга ошириб келинди.

ИТҚҚ фонди инклюзив таълим лойиҳаси асосида пилот муассасаларга Ўзбекистондаги Япония элчихонаси томонидан беғараз ёрдамлар кўрсатилди. Имконияти чекланган болаларни инклюзив таълим тизимига киритиш учун қулай бўлган инфраструктураларни мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида ўқув биноларини имконияти чекланган болалар учун мослашуви ва қулайлиги, яъни қурилишдаги мезон ва талабларга жавоб берувчи мактабгача таълим, мактаб, олий ва ўрта махсус муассасалар биноларида (пандус, лифт, ҳожатхоналарига кириш, парталар ва столлар орасидаги масофаларни бола учун қулайлиги, йўлакчалар ва бошқаларни эътиборга олган ҳолда қурилиши Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1991 йил 18 ноябрь 422 XII 8 модда билан тасдиқланган).

ИТҚҚ фонди ушбу ҳужжатга асосланиб, маҳалий ҳокимиятлар билан келишган ҳолда таянч (пилот) муассасалар ва иншоотларни яхшилаш мақсадида ҳомийларни жалб қилиб инклюзив мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида қурилиш ва реконструкция ишларини амалга оширди.

Қурилиш ва таъмирлаш ишлари учун катта миқдорда маблағ ажратилган бўлиб, бу ишлар 2008 йилнинг август ойида тугалланди.

Учинчи босқичда ота-оналар ва мақсадли ҳамжамоалар билан иш олиб борилди. Ҳамжамоалар билан ишлашга етарли даражада тажрибаси бўлган нодавлат жамоа ташкилотлари, коалиция

«Доступность» гуруҳи, умумтаълим муассасаларда таълим олаётган болалар билан жойларда турли хил тадбирлар ўтказишди. Ушбу тадбирларга ҳудуддаги матбуот, ахборот ходимлари ҳам жалб қилинди. Инклюзив таълим бўйича ўтказилган тадбирларда ХТВ, РТМ. ва ресурс марказнинг мутахассислари иштирок этиб, улар томонидан услубий, амалий ёрдам кўрсатиб келишди. Юқорида кўрсатилган ташкилот ва жамоалар ҳамкорлигида 1500 дан зиёд фуқаролар 300 тадан зиёд ота-оналар, имконияти чекланган болаларини ҳам кўшган ҳолда 2007 йилнинг сентябрь ойидан 2008 йилнинг май ойигача семинарлар ўтказиб келинди. Семинарда умумтаълим мактаб ва мактабгача таълим муассасаларининг 1038 ходим ва раҳбарлари, педагоглар, тарбиячилар, психологлар, дефектологлар катнашди. 2008 ўқув йилининг якунида олинган натижалар асосида мониторинг ўтказилди. Ушбу мониторингга қуйидаги маълумотлар киритилди;

– эмоционал ҳолатининг даражаси;

– ижтимоий интизомининг даражаси;

– имконияти чекланган болаларнинг билим даражаси.

Қиёслаш учун биз 2007 йилнинг бошидаги ва 2008 йилнинг охиридаги кўрсаткичларни қайд этдик.

Лойиҳанинг бошида 47 та имконияти чекланган болалар жалб қилинди. Ўқув йили давомида мактабгача ва умумтаълим мактабларига жалб қилинган имконияти чекланган болалар динамикаси ижобий натижа берди. Юкорида кўрсатилиши бўйича умумтаълимга жалб қилинган имконияти чекланган болалар динамикасини кузатиш учун лойиҳа 3 та босқичга бўлинди. Болаларни таълимга жалб қилишнинг боши 2007 йил сентябрда, ўртаси 2008 йил январда ва ўқув йилининг якуни 2008 йил май ойида ўтказилди.

*1-диаграмма**



Жадвалдан кўриб турибдики, агар ўқув йилининг бошида 47 бола бўлса, йилнинг охирида болалар сони 101 тага етган. Бундан маълум бўлдики, лойиҳага киритилмаган имконияти чекланган болаларнинг ота-оналари, лойиҳага кирган болаларни кузатиш давомида, уларнинг ўқишидаги ва ривожланишидаги ижобий натижаларни кўриб, улар ҳам ўз болаларини шу мактаб ва мактабгача таълим муассасаларига олиб келиш истагини билдиришди. Қуйида шаҳарлар миқёсидаги умумтаълимга киритилган имконияти чекланган болалар диаграммаси кўрсатилган.

2-диаграмма



* Диаграммалардаги кўрсаткичлар ИТҚҚФнинг 2007–2008 й.даги маълумоларига асосланиб келтирилган.

Бизнинг фикримизча, умумтаълимга жалб қилинган имконияти чекланган болалар динамикасини ижобий натижа берганлигининг сабаби, ота-оналарнинг олдинги тасаввурларини ўзгаришидир, уларнинг ўз болалари ва бошқа имконияти чекланган болалардаги ижобий ўзгаришларни кўришидир.

Қарши шаҳар ва Қашқадарё вилоятларида имконияти чекланган болаларни умумтаълимга жалб қилиш динамикасининг пастлиги, жойлардаги ҳамкорларни фақат умумтаълимга жалб қилинган болаларга эътибор бериб, умумтаълимга жалб қилинмаган имконияти чекланган болаларга эътибор бермаганлигидир.

Чунончи барча олтита шаҳарлардаги экспериментал муассасалардаги кўрсаткич динамикасининг ижобийлиги, бу болаларни умумтаълимга жалб қилинишидадир. Кўпчилик ота-оналарнинг айтишича, ўз фарзандини умумтаълимга жалб қилишларининг сабаби, бошқа имконияти чекланган болаларни мактабгача ва мактаб умумтаълим муассасаларига кириб ижобий натижаларга эришганлигини кўрганлигидир. Уларни ҳайратда қолдирган нарса, атрофдаги боларни имконияти чекланган болаларга бўлган муносабати, улар устидан кулмасдан ва аксинча ёрдам беришлигидир. Шуниси қувонарлики, умумтаълимда ўқиган имконияти чекланган болалар ўз тенгдошлари билан дўстлашишга, ўзларининг таассуротлари билан ўртоқлашишга, фикрлашга, хурсанд бўлиш, расм солиш, рақсга тушиш, ўқиш, ўз фикрини баён қилиш, рангларни фарқлаш ва бошқа ҳаракатларга ўргандилар. У ота-оналар умумтаълимда таълим олаётган алоҳида эҳтиёжли болаларни кўриб лойиҳага жалб этилмаган болаларни узоқда яшашига қарамасдан, пилот экспериментал муассасаларга олиб кела бошладилар.

Мониторинг ўтказиш давомида, имконияти чекланган болаларнинг кўзларидаги лоқайдлик йўқолди, улар анча киришимли бўлиб колдилар, ўз ҳис-туйғуларини ўртоқлашишни, қувонишни ўргандилар, сўзлашиш ўқиш ўз фикрларини билдиришди, ранглар ва предметларни ажратиш, расм чизиш, рақс тушишни ўргандилар.

Имконияти чекланган болалардаги бу ўзгаришларни кўрган ва аввал бу синовга ишончсизлик билан қараган бошқа ота-оналар ҳам, узоқ масофага қарамай, ўзларининг ушбу лойиҳага жалб қилинмаган фарзандларини олиб кела бошладилар.

Мониторингнинг иккинчи банди синовга жалб қилинган

болаларнинг ўқув боши ва охиридаги эмоционал ҳолати даражасини аниқлашга қаратилди. Мактабгача таълим муассасалари ва мактабларга қабул қилинишидан аввал имконияти чеклаган болалар ушбу муассасаларга авваламбор, ўзларининг ота-оналари томонидан тайёрландилар. Ота-оналарнинг ўзлари эса шаҳарларда ННО ташкил этган тайёрлов ахборот босқчини ўтадилар. Навбатдаги мослашув (Адабтацион) босқичини болалар ўз уйларида ўтадилар. Бу босқич ННО ходимлари, тарбиячиар ўқитувчилар, психологлар, дефектологлар томонидан ташкил этилди, психологик-педагогик суҳбат ўтказилди.

Шунга қарамай, муассасага энди қабул қилинган имконияти чекланган болалар анча психологик қийинчиликларини бошларидан кечирдилар, чунки узоқ вақт мобайнида жамиятдан узилган ҳолда яшаган бола, кўпчилик ичига тушиб қолгач, қийинчилик билан мослашар эдилар. Буни аниқроқ намойиш этиш учун қуйидаги диаграммадан фойдаланамиз.

3-диаграмма

Имконияти чекланган болаларнинг эмоционал ҳолатининг даражаси



Диаграммадан кўриниб турганидек, имконияти чекланган болаларнинг кўпчилигида муассасага қабул қилинганда эмоционал ҳолати қуйидагича эди: ўта тортинчоқлик, йиғлоқилик,

тажовузкорлик (агрессивлик), аниқ ифодаланган қўрқоқлик, кайфиятга боғлиқлик, пассив нутқ, луғат ҳажмининг камлиги.

Имкониятлари чекланган болалар умумий таълим муассасаларига қабул қилиниши билан уларнинг мослашув жараёнида таълим муассасалари ва ННО ходимлари билан биргаликда ушбу муассасада таълим олаётган бошқа болалар ҳам иштирок этдилар. Бу болалар ҳам аввалроқ тайёрлов босқичини ўтаган эдилар. Тайёрлов босқичи «Меҳрибонлик» мавзусидаги дарслардан иборат бўлди. Уларда болалар, ногирон болалар тўғрисидаги ҳикоялар ва ҳодисаларни тингладилар, сўнг «Ногирон болалар» мавзусида иншо ёздилар. Икки ой ўтгач, болаларга яна шу мавзуда иншо ёзиш топширилганда, шуни қониқиш билан эътироф этиш лозимки, биронта соғлом ўқувчи ўзининг ногирон синфдоши ҳақида ёзмаганлиги аён бўлди. Ўқув йилининг охирига келиб, имконияти чекланган болаларнинг эмоционал ҳолати яхшиланган, бунинг натижасида уларнинг ижтимоий хулқ-атвори ижобий томонга ўзгаргани қайд этилди.

4-диаграмма

2008 ўқув йилининг охирида имконияти чекланган болаларнинг ижтимоий интизоми даражаси



Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ижтимоий чекловда бўлган имконияти чекланган болалар салбий эмоционал муҳитда кун кечирадилар ва салбий хулқ- атворга эга бўладилар. Имкониятлари чекланган болаларнинг эмоционал ҳолатини яхшилаш учун бундай

бола яшаб турган бутун ҳамжамиятда комплекс тайёрлов ишини олиб бориш талаб қилинади, чунки ҳар қандай боланинг айниқса, имконияти чекланган боланинг ижтимоий хулқ-атвори у яшаётган ижтимоий муҳитга боғлиқ.

Натижалар мониторингининг кейинги банди имконияти чекланган боланинг ўқув йили бошида ва охирида намоён қилган билимлари даражасини аниқлашга қаратилди.

Умумтаълим муассасасига янги қабул қилинган болалар оддий билимларга ҳам эга эмас эдилар, чунки улар, нафақат ижтимоий, балки ахборот чекловида яшар эдилар. Кўпчилик болаларда билим олишга интилиш ҳам, иқтидор ҳам кузатилмас эди. Улар ўқиш, ёзиш, ҳисоблашни билмас, рангларни ажрата олмас эдилар, геометрик шаклларнинг номларини ҳам билмас эдилар. Бу кўрсаткичлар қуйидаги диаграммада фоизларда келтирилди.

5-диаграмма

Имконияти чекланган болаларнинг муассасага келган вақтдаги билим даражаси



Тарбиячилар, ўқитувчилар аввало инклюзив таълим бўйича ўқитиш методологиясини ўзлаштиришга бағишланган тренингда қатнашдилар. Имконияти чекланган болалар умумий мактабгача ва бошланғич мактаб муассасасига қабул қилинганларидан бошлаб, тарбиячилар ва педогоглар улар билан қўшимча машғулотлар олиб бордилар. Имконияти чекланган болалар билан ҳам, уларнинг ота-оналари билан ҳам бажаришга оид тренингни ўтадилар. Имконияти чекланган болалар ўқув йилининг охирида эришган ютуқлари қуйидаги диаграммада акс эттирилди.

6-диаграмма

Имконияти чекланган болаларнинг 2008 йилининг охирига келиб билим даражаси



Лойиҳага жалб қилинган имконияти чекланган болалар эришган муваффақиятлари ота-оналарнинг ўзларини ҳам ҳайратга солди. Ҳатто ибтидоий билимларга ҳам эга бўлмаган, энг яқин кишилари ҳам ишонмаган болалар ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш, масалаларни ечиш, рангларни ва геометрик шаклларни фарқлашга ўргандилар, мусиқа, рақс, физкулътура машғулотларини севиб қолдилар, ўзларининг билишга бўлган фаолликларини оширдилар. Қарши шаҳридаги мактаблардан бирининг бешинчи синф ўқувчиси шеър ёза бошлади, Жиззах шаҳрида 7-синф ўқувчиси ёғоч билан ишлаш санъатини ўрганишга киришди, кўпчилик болалар мусиқа, рақсда ўз қобилиятларини намоён этмоқдалар.

Шундай қилиб, таянч (пилот) мактабгача таълим муассасалари ва мактабларида инклюзив таълимни жорий этиш натижалари шуни кўрсатадики, инклюзив ҳамжамиятлар умуман олганда имкониятлари чекланган барча кишиларга нисбатан қарашларнинг ўзгаришига ёрдам беради, бу эса ўз навбатида жамиятнинг ҳар бир аъзосига ўз имкониятларидан тўлиқ фойдалана олиш, жамиятда чуқур инсонпарварлик муносабатларини қарор топтиришга

олиб келади. Имкониятлари чекланган болаларни инклюзив таълимга жалб этиш натижасида улар умумтаълим жараёнининг барча тадбирларида фаол қатнашиш имконига эга бўладилар. Бу жараёнда мослашиш зўраки тус касб этмайди ва стереотипларни келтириб чиқармайди. Умумтаълим муассасаларида кўрсатилаётган индивдуал ёрдам уларни бошқа соғлом болалардан ажралиб қолишига олиб келмайди.

3.5 ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ҚИЛИШ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН ТАШКИЛИЙ ВА УСЛУБИЙ ИШЛАР

Махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим шароитида ўқитиш, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, нуқсон тури, даражаси ва синфдаги болалар сонини эътиборга олган ҳолда ташкил қилинади. Аввало шуни таъкидлаш жоизки, ўқувчиларнинг ёшлари бир хил бўлсада, лекин улар бир бирларига ўхшамайдилар. Барча болаларнинг индивидуал психологик, шахс хусусиятлари, қабул қилиш даражаси, зеҳн ва идроки турличадир. Шу боис махсус эҳтиёжга эга бўлган бола таълим олаётган инклюзив синфлардаги ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш масаласи янада мураккаброқ муаммоларни ҳал этишни талаб этади. Инклюзив синфда ўқитувчи болаларнинг имкониятини эътиборга олиб, дарсларни шунга мувофиқ режалаштира олса, болаларнинг ногиронлиги билим олишига қандай таъсир қилишини билиб, бу қийинчиликларни бартараф этишнинг самарали йўлларидан фойдаланса, мактаб ва оила ҳамкорлигини тўла йўлга қўя олса ҳамда ногирон боланинг келажагига ишончбилан қарасагина, дарс жараёнинг муваффақиятли кечишига эришиш мумкин. Ҳар бир бола ўз имконияти даражасида ривожланади, буни атоқли психолог олим Л. С. Виготскийнинг «Ҳар қандай руҳий ёки жисмоний нуқсонда ҳам тараққиёт давом этади» деган фикри билан тасдиқлаш мумкин .

Инклюзив таълимга янгича фикрларнинг талқин этилиши миллий, ташкилий ва услубий ислоҳотларни талаб этади. Махсус таълимга муҳтож болалар ҳозирги мактаб тизимида эҳтиёжлари қондирилмаётган болалардир. Шу сабабдан мактаблар барча болаларнинг турли хилдаги умумий мақсадлари, интилишлари, қизиқишларига жавоб бериши ва уларнинг билим олишларини таъминлаши лозим.

Инклюзив таълимни ривожлантириш учун умумий таълим тизимига таркибий ўзгартиришлар киритиш муҳимдир. «Умумтаълим» ва «Махсус таълим» ўртасидаги тўсиқлар олиб ташланиши керак. Махсус таълим умумий таълимнинг бир қисми бўлишига қарамасдан, ўзининг ўқувчилари, ўқитувчилари, бошқарув жамоаси ва таъминот тизимидан ташкил топган иккита таълим тизими амалда қўлланилиб келинмоқда. Барча ўқувчиларнинг талабларига жавоб берувчи «Инклюзив мактаб»да бундай тизимга эҳтиёж қолмайди.

Ислоҳотлар таълим мақсадларининг амалиётини бошқариши мумкин, лекин уларнинг педагогик амалиётини тўғридан-тўғри бошқара олмайди. Шу сабабдан самарали бўлиши учун ислоҳотлар атрофлича муҳокама қилиниши ва таълим тизими бошқарувчилари ҳамда уни амалда қўлловчилар томонидан кўриб чиқилиши керак.

Инклюзив таълим қуйидаги шарт-шароитларда ташкил этилиши мумкин: оммавий мактабгача тарбия муассасалари, умумий ўрта таълим мактаб синфлари (гугуҳлари)да умумий ва алоҳида ёрдам олиш, логопед хоналарида коррекцион-педагогик ёрдам олиш, коррекцион синф (гуруҳ)ларда махсус таълим олиш шаклида.

Инклюзив таълим тизимига махсус ёрдамга муҳтож болаларни вилоят (шаҳар, туман) халқ таълими бўлимлари томонидан тиббий-психолого-педагогик комиссия фаолиятида «Республика, вилоят, туман тиббий- психолого-педагогик комиссиялар тўғрисида»ги Низом асосида қабул қилинади.

Инклюзив таълим муассасасида алоҳида эҳтиёжи бўлган болалар таълими белгиланган тартибда ўқув режалар, коррекцион дастурлар асосида махсус методлар ва воситаларни қўллаган ҳолда амалга оширилади. Инклюзив таълим жорий қилинган мактабларда (муссасаларда) таълим жараёнида умумдидактик тамойиллар билан бир қаторда қуйидаги махсус тамойилларга ҳам амал қилиниши керак:

– таълимнинг коррекцион йўналтирилганлиги;

– нуқсонини аниқлаш, таълим беришда комплекс (клиник-генетик, нейрофизиологик, психолого-педагогик) ёндашиш;

– нуқсонли функцияни эрта аниқлаб, тиббий-психологик жиҳатдан коррекциялаш;

– умумий ўрта маълумот бериш ва касбга йўналтириш воситасида ижтимоий ҳаётга тайёрлаш ва мослаштириш;

– дифференциал ва алоҳида ёндашиш;

– таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш кабилар.

Умумтаълим тизимида инклюзив таълимни жорий қилишда муассаса ҳодимларининг иш вазифаларида ҳам кўзга кўринарли даражада ислоҳотлар амалга оширилиши керак.

Инклюзив таълимни ташкил этиш шакллари ва таълим учун зарурий шарт-шароитлар

Инклюзив таълим жамоавий иш бўлиб, жавобгарлик бутун мактаб ва мактабгача таълим муассасалари жамоаси зиммасига юклатилади. Инклюзив таълимда методик ёрдам турли хил шаклларда бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

– синф ўқитувчисига маслаҳат ва ёрдам бериш;

– зарурий ўқув қўлланмалари ва ёрдамчи материаллар билан таъминлаш:

– ота-оналар, кўнгиллилар ёки катта ўқитувчилар томонидан зарур бўлган ёрдамларни таъминлаш;

– ўқув режа, дарс жадвали, баҳолаш мезонларига мослаштириш ва ўзгаришга кўниктириш масалаларини шакллантириш;

– ўқитувчилар кўникма ва малакаларини ошириш учун шароит яратиш;

– фаол қўллаб-қувватловчи раҳбар ва шу кабиларни ўз ичига олган ижобий мактаб муҳитини ташкил этиш ва таълим жараёнида дўстона муносабатни шакллантириш;

– болаларни аниқлаш ва баҳолашда маъмуриятга ёрдам кўрсатиш;

– ижтимоий, психологик ва соглиқни сақлаш хизматларини мувофиқлаштириш каби ишларни амалга оширишдан иборат.

Ушбу таълим тизимида болаларнинг нуқсонларини аниқлаш уларни муолажа-реабилитация қилиш, коррекцион-педагогик омилларни амалга ошириш бўйича тегишли мутахассислар (махсус ресурс педагоглар, психологлар, тиббиёт ходимлари, ота-оналар ва бошқалар) мактаб педагогларига мунтазам равишда бевосита ёрдам беришлари керак.

Ўта мураккаб нуқсонли болалар айрим ҳолларда махсус мактаблар ва махсус реабилитация марказлари ёки мактаблар қошидаги махсус синфларда коррекцион дастурлар ёрдамида таълим оладилар. Ушбу мактабларда таълим таъминоти албатта

боланинг эҳтиёжини эътиборга олган ҳолда амалга ошириш кўзда тутилади.

Мунтазам таълим жараёни имконияти чекланган боланинг шахсий хусусиятларига кўра якка тартибда коррекцион методлар ва мослаштирилган ўқув режа, дастурлар ва бошқа омиллардан фойдаланиб, атрофдаги жамоатчилик билан биргаликда ўқитишнинг турли шаклларини ташкил қилиш ҳамда махсус ёрдамчи аппаратлар, (эшитиш аппаратлари, линза, лупа, ногиронлар аравачалари) турли хил техник воситалар ва махсус кўргазмали қуролларни қўллаш асосида амалга оширишни назарда тутади. Ўз навбатида махсус таълим муассасалари педагоглари жойларда умумтаълим ўқувчилари, ота-оналар, давлат ва нодавлат жамоа ташкилотлари учун маслаҳат бўлимлари ва ресурс марказлари бўлиб фаолият кўрсатиши керак.

Алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни умумтаълим муассасаларида ўқитиш, яъни инклюзив таълим учун қуйидаги шарт-шароитларни яратиш лозим:

– ногиронликни эрта ташхис қилиш;

– умумтаълим муассасалари биноларида алоҳида эҳтиёжли болалар учун мослаштирилган барча шарт-шароитлар (иншоотлар) ни яратиш;

– коррекцион ёрдамни амалга оширишнинг марказий тармоғини кўпайтириш;

– умумтаълим муассасалари ва махсус таълим муассасалари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш, яъни «биродарлашган» муассасалар фаолиятини юзага келтириш;

– айрим ногирон болаларни умумтаълим муассасалари шароитида ўқитишни ташкил этиш мақсадида умумтаълим педагоглари малакасини ошириш, қайта тайёрлаш курсларидан ўтказиш ва уларни махсус ёрдамчи воситалар, ўқув-методик адабиётлар, услубий қўлланмалар билан таъминлаш, шунингдек мактабда турли дастурлар ёрдамида таълимни ташкил этиш;

– барча болалар учун таълим шароитини яратиш ва таълим самарадорлигини ошириш.

Ўз навбатида махсус таълим муассасаслари педагоглари жойларда умумтаълим ўқитувчилари, ота-оналар, давлат ва нодавлат жамоа ташкилотлари учун маслаҳат бўлимлари ва марказлар бўлиб фаолият кўрсатиши назарда тутилади.

Имконияти чекланган болаларни соғлом тенгдошлари билан тенглигини тушунтириш йўллари

• Педагоглар ўз синфлари гуруҳларида ногирон инсонлари тенг ҳуқуқларини ногирон катта одамнинг ёки болани таклиф этиб ва у болалар билан ногиронликнинг ижтимоий ҳолатлари ҳақида суҳбатлашиш натижасида тушунтириб беришлари мумкин. Синфда ногиронлик имкониятларнинг чегараланганлиги тушунтириб ҳамда кимлар ногирон ҳисобланишини айтиб тўғри тушунча бера олиш лозим.

• Касал бўлган ёки қисқа муддатга бирор жойини жароҳатлаган инсон билан ногирон инсон орасидаги фарқни тушунтириб беринг. Кўпгина болалар касаллик ёки жароҳатланиши тажрибасига эгалар. Улар билан шу ҳақида ва уларнинг таналарида юз берган ўзгаришлар ҳақида суҳбатлашинг. Улардан бундай вақтда ўзларини қандай ҳис қилганликларини сўранг. Уларга ногиронлик бу батамом тузалиб кетмаслик ёки соғайиш учун йиллар керак бўладиган ҳолатда тана билан юз берадиган ҳодиса эканлигини тушунтиринг. Ногиронликнинг кўриш, эшитиш, руҳий ва бошқа жараёнларнинг заифлиги, камлиги каби оддий тушунча эканлигини ўқувчилар онгига сингдиринг.

• Ногирон инсондан ўз ҳаёти ҳақида гапириб беришни илтимос қилинг, бу болаларда катта таассурот қилдиради. Ўз ҳаётларида кечирган қийинчиликлар, муаммолар, бошқаларнинг муносабатлари, нима сабабдан каситишларга учраганлиги ва ҳоказолар. Бу ўқувчиларга ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилишга ёрдам беради.

• Синфлар гуруҳ, кишилар устидан, унинг кўриниш, гаплашиши, қандай ривожланганликлари (ўқишда кийналувчи болалар) ёки ўзини қандай тутишига қараб барча масалаларни муҳокама қилишлари лозим. Ҳаттоки, жуда кичик болалар ҳам бундай ҳикояларга қизиқадилар, чунки уларда ҳақиқат ҳисси жўш ўрган бўлади. Асабларига текканларида ногирон болалар ўзларини қандай ҳис қилганликларни айтиб берганларида, уларнинг ҳимояларини қувватлаб туриш керак. Барча ногиронлар синфда ўзларини эркин сезишлари ва бемалол гаплашишлари керак.

• Педагог сўзга чиққан ногирон болаларнинг ёки синфдаги исталган ногирон боланинг эришган ютукларни ёки қобилиятларини

қайд этиб ўтиши мумкин. Шунингдек қуйидагиларга ҳам эътибор қаратинг.

• Фарқлар мавзусини кўриб чиқиш учун расм чиқиш, ўйин, спектакль, мусика, ашула, ҳикоялардан фойдаланинг.

• Лақаб тўқиманг. Бутун синф, гуруҳ билан бирга доскада ёки гуруҳчалар билан флипчатларда ишлаётиб, улар ногиронлик ҳақида эшитган барча сўзларини айтишни сўранг. Ушбу сўзларни бир рангда ок когозга ёки доскага ёзинг. Энди синфдан ёки гуруҳдан салбий деб ҳисобланган сўзларни ажратишни сўранг. Болалар билан ўзларини мана шу сўзлар билан аташганда қандай ҳис қилишларини муҳокама қилинг. Ўзингизда мана шу сўзларнинг айримларини келиб чиқиши ёзилган карточкалар бўлсин.

• Мактабдаги атроф-муҳит. Мактаб атрофида имконияти чекланган ўқувчиларнинг эркин ва муаммосиз ҳаракатланишига ҳам педагог энг биринчи галда эътибор қаратиши талаб этилади. Шунинг учун ҳам сиз аравачада утрадиган ўқувчи билан мактаб атрофини айланиб чиқинг. Натижаларни муҳокама қилинг ва ёзма тарзда мактаб раҳбариятига тақдим этинг.

• 4. Ташки олам. Синф, гуруҳ билан сизнинг маҳалий дўконигиз атрофини барча ҳудуд ва алоҳида сигментларини тасвирланг, харита билан сайр қилинг. Олдин айрим турлари ёки хизмат қилиш бинолларини белгилаш учун белгиларини келишиб олинглар. Озик-овқат дўконларини, сартарош хоналари, банклар, ресторан, дорихоналар ва бошқа кўриши ва эшитишида нуқсонга эга, аравачада ҳаракатланувчи ва ўқишда кийналадиган инсонлар учун тўсиқ бўла оладиган нарсаларни белгилаб боришни таклиф этинг. Улардан ногиронларга ҳурмат кўрсатиш соҳаларида фойдаланиш учун қўлланиши мумкин бўлган исталган мослама ҳақида синфга қайтгач, харита чизмасига натижаларни белгиланг ва мунозара уюштиринг. Мунозара натижасида гуруҳлар синфда қуйидаги топшириқларни айримларини аста-секинлик билан бажаришлари мумкин.

А). Ташкилот раҳбарига унинг ногиронларга ноқулайлик жиҳатлари аниқланганини ҳақида ёзиб, тушунтириш ишларни олиб бориш;

Б). Қулайлик барчага кераклигини ва нима учунлигини акс эттирган плакат яратинг ёки чизинг;

В). Хизмат кўрсатиш соҳаларида қулайлик мавжуд бўлмаганида

ногиронларда юз берувчи муаммоларни акс этирувчи воқеа саҳналаштиринг;

Г). Умумий мажлис уюштиринг ва у ерда синф ўқувчилар бутун мактабда амалга оширилган ишлари ҳақида маълумот берсинлар.

Инклюзив таълимга жалб этиладиган болалар

- Руҳий ривожланиши сустлашган болалар;
- Ҳаракат мувозанати бузилган:
- Ўз-ўзига хизмат қила оладиган дебиллик даражасидаги олигофре болалар ва ўсмирлар:
- Нутқида нуқсони бўлган (мулоқоти чекланмайдиган даражадаги) болалар:
- Заиф кўрувчи болалар ва ўсмирлар:
- Заиф эшитувчи ва кеч (5 ёшдан кейин) кар бўлган болалар:
- Кўзи ожиз (Брайль ёзуви ва ўқишни эгаллаган) болалар ва ўсмирлар:
- Заиф кўрувчи кўриш қобилияти (04 даражагача) бўлган болалар:
- Эшитишда муаммоси бор (мулоқот даражасида нутқи бўлган, ўқиш ва ёзишни эгаллаган) болалар ва ўсмирлар.
- Ногирон кишилар ўзларининг ҳуқуқлари ва имкониятлари учун фаол курашадилар.

Биродарлашган мактаблар

Биродарлашган умумтаълим мактаблар жараёнига имконияти чекланган болаларни интеграция қилиш ва ўқитишни амалга оширишда болаларни нуқсон тури ва ёшига кўра синфларга бириктириш тавсия этилади. Масалан: эшитишида муаммоси бўлган болалар умумтаълим мактабларига икки синф паст синфларга қабул қилинади, яъни эшитишида нуқсони бўлган болалар мактаб-интернатининг 3-синф ўқувчиси умумтаълим мактабининг 1-синфига қабул қилинади; кўзи ожиз болалар мактаб-интернатининг 2-синф ўқувчиси умумтаълим мактабининг 1-синфига; ақли заиф ўқувчилар (ёрдамчи мактаб ўқувчилари) 2–3 синф болалари 1-синфга; руҳий ривожланиши сустлашган, таянч-ҳаракат аъзолари ва нутқида нуқсони бўлган болалар мактаб ва мактаб-интернатларининг иккинчи синф ўқувчилари умумтаълим мактабининг 1- синфига қабул қилинади.

Биродарлашган мактабларда имконияти чекланган болаларни

ўқитишда ўзига хослиги шундаки бунда махсус мактаб ёки мактаб-интернат ўқувчилари ўзлари ўқиб турган жойда яшаб туриб, шу мактабга яқин бўлган умумтаълим мактабига 2–3 соатга ўз тенгдошлари билан биргаликда ижтимоий фанлардан сабоқ олиш учун борадилар. Шунингдек улар умумтаълим мактабларининг синфдан ташқари турли (байрамларда, спорт мусобақаларида, санъат, мусиқа) тадбирларида иштирок этадилар. Бундай тадбирлар болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашга, соғлом тенгдошлари билан эркин мулоқотда бўлишига ижобий таъсир кўрсатади. Имконияти чекланган болалар учун махсус коррекцион фанлар: эшитиш қобилиятини ривожлантириш, талаффузга ўргатиш, кўзи ожиз болаларни кўриш қобилиятини ривожлантириш, теварак-атрофни тасаввур қилиш, даволовчи гимнастика машғулотларини, ёрдамчи мактаб ўқувчилари билан меҳнат таълими, нутқида нуқсони бўлган болалар логопедик машғулотлардан, ижтимоий маиший йўналиш каби дарсларда ўз мактабларида мутахассислар томонидан коррекцион-педагогик ёрдам оладилар. Умумтаълим жараёнига интеграция қилинган ўқувчилар томонидан ўзлаштиришлари қийин бўлган фанлардан, махсус таълим дастур ва дарсликларидан фойдаланиш мумкин.

Биродарлашган мактабларга болалар саводини чиқарган ҳолда ўқиш, ёзишни маълум даражада сўзлашув мулоқотини эгаллаб бўлиб боришлари керак. Имконияти чекланган болаларни умумтаълим болалари билан ўзаро мулоқотда бўлиши улардаги таълимий билим олиш имкониятларини ривожлантиришга туртки бўлади. Ногирон бола билан соғлом бола орасида дўстона муносабат шаклланади, камситишлар, тафовутлар барҳам топиб, соғлом болада ногирон болага нисбатан меҳр-оқибат, хайрихоҳлик каби туйғулар пайдо бўлади. Бу эса, ўз навбатида умумтаълим мактабида таълим олаётган ногирон болада ўз синфдошларининг фанлар бўйича эришган ютуқларига ҳавас қилиш, қизиқиш натижасида ўзида ҳам шундай ютуқларга интилиш, эришиш ҳисси пайдо бўлишига олиб келади. Бундай болаларни умумтаълим мактабларида ўқитиш жараёнида мутахассислар ёрдамида махсус ёрдамчи воситаларни қўллаган ҳолда комплекс ёндашув олиб борилса, яхши натижага эришилади.

Инклюзив таълимни жорий қилиш учун зарурий чора тадбирлар

– Инклюзив таълимнинг ҳуқуқий асосларини яратиш;


Инклюзив таълимда «Биродарлашган» мактаблар модели
Махсус таълим мактаблари
Умумтаълим мактаблари
Умумий ва махсус таълим муассасасининг мустаҳкам алоқадорликда амалга ошириладиган вазифалари
Инклюзив таълим мактаблари мактабгача таълим муассасаси педагогигларига махсус эҳтиёжли ўқувчиларнинг педагогик ва психологик хусусиятлари ҳақида кенг миқёсида маълумот бериш
Махсус таълим муассасалари дефектолог педагогларидан олинган маълумотларни амалиётда қўллаш
Инклюзив таълим мактаблари педагогларига коррекцион-педагогик иш тизими билан мукаммал таништириш
Коррекция педагогик иш тизимининг олиб борилиши хусусида махсус таълим педагогларининг кўрсатмаларини асосида амалиётга жорий этиш
Инклюзив таълим мактабларини ресурс педагог фаолияти билан таъминлаш

– Эрта ташхисни йўлга қўйиш;

– Махсус эҳтиёжли болаларга нисбаан жамиятда ижобий муносабат уйғотиш;

– Инклюзив таълим борасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш;

– Ота-оналар ва ҳам жамиятнинг иштирокини кучайтириш;

– Ўқитиш учун зарур восита ва асбоб ускуналарнинг мавжудлиги;

– Таълим муассасаларини алоҳида эҳтиёжли болалар имкониятларини эътиборга олган ҳолда мослаштириш;

– Таълим бериш услубларининг алоҳида эҳтиёжли болаларга мослашувчанлиги;

– Кадрлар тайёрлаш жараёнида ислоҳотларни амалга ошириш.

– Инклюзив таълимни жорий қилиш, халқаро ва миллий тажрибаларга асосланган ҳолда мультимедия кутубхоналарини ташкил этиш ва уларни оммага тарғибот қилиш.

– Ҳар бир инклюзив таълим муассасалар тасарруфида инклюзив таълимни тарғибот қилиш, ўқув-методик мажмуалар, дастурлар билан таъминлаш ва жойлардаги маҳаллий халқ таълими органлари билан ўзаро алоқа тузиш, ахборотларни етказиш вазифасини бажарувчи педагоглар, ота-оналар иштирокидаги жамоавий кенгаш тузиш.

– Инклюзив таълим ресурс марказининг вазифалари:

– болалардаги нуқсонларни эрта ташхис қилиш ва эрта коррекцион-педагогик ёрдамларини амалга ошириш йўлларини амалга оширишга услубий-ташкилий ёрдам бериш;

– имконияти чекланган болаларнинг ота-оналари, инклюзив таълим муассасалари педагоглари, мутахассислар, маҳалла ва жамоа ташкилотларига алоҳида эҳтиёжли болаларни тарбиялаш, мактаб таълимига тайёрлашда амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш;

– таълимга жалб этилмаган болаларни таълимга жалб этишга кўмаклашиш;

– инклюзив синф ва гуруҳларни ўқув-методик мажмуалар, индивидуал ривожлантирувчи дастур, ўқув-методик адабиётлар, техник воситалар билан таъминлашда амалий ёрдам бериш;

– жойлардаги ресурс марказларга амалий ёрдам кўрсатиш;

– инклюзив таълимни жорий қилишнинг илмий-услубий, таш-

килий масалалари бўйича семинар-тренинг ва конференциялар ташкил этиш;

– ривожланишида муаммолари бўлган болаларга касб-ҳунар ўргатиш, касб-ҳунар коллежларга жойлаштириш ва ижтимоий ҳаётга интеграция қилиш масалаларида ёрдам бериш;

– инклюзив таълим масалалари бўйича маъмурий органларга хатлар билан мурожаат қилиб таклифлар киритиш.

Биз барчамиз ногиронликни тушунишдаги икки, яъни тиббий ва ижтимоий ёндашувдаги тафовутларни тушуниб етмасак, барча болалар, шу жумладан ўта жиддий нуқсонли болаларни ҳам битта, ҳамма учун ягона, оддий ва хайрихоҳ таълим тизимига жалб қилиш учун кураш самарасиз бўлиб қолаверади.



Таълим муассасалари иншоотларининг алоҳида эҳтиёжли болаларга мослаштирилиши	Инклюзив таълим ресурс маркази билан ота-оналар ва педагогларнинг ўзаро ҳамкорлиги

Жамиятни инклюзив таълимга тайёрлаш ва ижобий муносабатни уйғотиш ва амалга ошириш

Жамиятда инсонлар орасида ногирон болалар ҳақида билимларнинг етишмаслиги оқибатида махсус эҳтиёжли болалар таълимдан четда колиб кетмоқдалар. Бундан ташқари ногирон боланинг қобилиятлари, ҳуқуқлари ва эҳтиёжлари мунтазам равишда қадрланмаса, болаларда ўзига ва қобилиятларига нисбатан салбий муносабат шаклланиб боради. Ҳар қандай жамиятда ҳар бир бола ноёб, махсус эҳтиёжли болалар эса бошқа болалар сингари ҳуқуқ, эҳтиёж ва интилишларга эга деган, далилни идрок этиш зарурати мавжуддир. Ушбу билимларни чуқурлаштириш бўйича иш олиб бориш бола, оила, жамият даражасида ҳамма учун муҳимдир.

• таълим муассасасида комплекс тиббий-педагогик ёрдам кўрсатилади, улар тўлиқ давлат таъминотида бўлади

• дефектолог-педагоглар болаларнинг махсус эҳтиёжларини тўлиқ қондирадилар, коррецион-ривожлантирувчи ишлар тўлиқ амалга оширилади

• ўқувчилар ва тарбияланувчилар махсус ўқув-методик қўлланма ва техник воситалардан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар

• синфларда ўқувчилар сони 12–16 нафардан ошмайди, индивидуал ёндашувни тўлиқ амалга ошириш имкони мавжуд

• дарсдан олдин ва кейин теварак-атрофда йўналтириш, нутқий мулоқотни шакллантириш, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш каби махсус кўникмаларнинг шаклланиши учун қулай шарт- шароитлар мавжуд

• ўқувчилар томонидан ўзлаштириш қийин бўлган ўқув фанларидан алоҳида дарсликлардан фойдаланиш мумкин.

• инклюзив таълим қашшоқлик ва ажратиш исканжасидан қутулишга имкон беради;

• камситишларнинг олдини олади, имконияти чекланган болаларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлайди;

• инклюзив таълим махсус эҳтиёжли боланинг ўз оиласи ва жамият орасида бўлишига имкон беради;

• инклюзив таълим янада инклюзивликка олиб келади;

• инклюзив таълим барча учун таълим сифатини яхшилайди;

• имконияти чекланган болалар соғлом тенгдошлари орасида табиий шароитда яшаш ва меҳнат қилишга мослашадилар;

• уларнинг ижтимоий жамияга мослашиши самарали кечади.

Юқорида келтириб ўтилганларни ҳаётга жорий этиш учун ўқитувчилар ўқувчилар билан ҳар куни уларни қизиқтирувчи ва безовта қилувчи исталган мавзуда гаплашиш имкониятини топиш керак. Бу инсонларга муносабатни муҳокама қилишнинг бошланиши бўлиши мумкин, масалан, агар бола ўз тажрибаси ҳақида гапира олмаса ҳам қолган синф эса уни қўллаб-қувватласа, бу бола қарашларини ифодалашга ўрганиши мумкин. Бунда болалар ўзларини хавфсиз сезадилар ва ўз қўрқувларини тинч ҳолда баён этадилар. Педагог дискриминация илдизларини тарихий ва замонавий ҳолда шундай тушунтириши керакки, болалар инсонлардаги исталган фикрларини тушуниш ва қабул қилиш мумкинлигини англаб, инсонлар, айниқса имконияти чекланган болалар билан ишлаш осондир. Чунки улар жўшқин ҳақиқат ҳисларини қўллаши ва тун бўйи мулоқот қилиши мумкин. Бундай муаммоларни айрим болалар билан танаффузда муҳокама қилишдан кўра очиқ муҳокамага олиб чиқиш ва жамоат билан кўриб чиқиш кўпроқ натижа беради. Лекин айрим ҳолатларда якка ҳолдаги муҳокама энг яхши вариант бўлиши мумкин. Барча синф ва гуруҳларда кимнидир ҳафа қилишган бўлса, озгина бўлса ҳам педагог дарсини тўхтатиши ва буни муҳокама қилиши лозим. Муҳокаманинг мақсади ижобий муносабатни ривожлантиришдир.

Дарсларда ўқувчилар гуруҳини шундай жойлаштириш керакки, болаларда алоҳида ҳолда мосламалардан бир оз фойдаланиб ишлаш имконияти эга бўлсин. Педагог маълум ўқув режаларида мажбурий бўлган топшириқларга мослашувчан муносабатда бўлиши керак. Синфлар гуруҳларга, жуфтликларга бўлиниши ва индивидуал топшириқларни бажаришлари керак. Гуруҳлар ногирон ва соғлом ўқувчилардан иборат бўлиши талаб этилади. Ўқитувчи ҳар бир боланинг бажарган ишини баҳолаши ва синф ютуқларини ривожланишига чақириши лозим.

Юқоридагилардан ташқари алоҳида эътиборни болалар

оёқларини узоқ муддатга чалкаштириб ўтирмасликларига қарагиш лозим. Чунки бу ноқулай, уларнинг жисмоний ривожланишларига ёмон таъсир этади ва диққатни пасайишига олиб келади. Айрим болаларга оёқларини чалкаштириб ўтириш умуман мумкин эмас. Масалан , болалар артрити билан касалланган болаларга , шунингдек, имконияти чекланган болаларнинг қулай ўтиришлари учун турли ёрдамчи воситалардан: ёстиқлар, стуллар ва бошқалардан фойдаланиш керак.

3.6. ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМДА КАДРЛАР МАСАЛАСИ

Махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим тизимида ўқитиш ўқитувчилардан икки карра масъулият билан ишлашни талаб этади. Шунинг учун ҳам олий педагогик маълумотли ва малака ошириш курсларини ўтаб инклюзив таълим педагогик квалификациясини олган ўқитувчиларгина инклюзив синф ўқитувчиси этиб тайинланиши мумкин.

Инклюзив синф ўқитувчиси умумий ўрта таълим муассаса уставида белгиланган вазифалар билан бир қаторда:

– тарбияланувчиларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишини коррекциялаш ва меъёрга келтириш ишларини олиб боради;

– болаларнинг фаоллигини, таълим самарадорлигини оширувчи методларни қўллайди;

– диққат-эътибор, хотирани, кузатувчанлик, синчковлик ва бошқа қобилиятларини тарбиялайди;

– ўз-ўзини назорат қилиш малакаларини, болаларнинг билишга доир қизиқишларини ва қобилиятини ривожлантиради.

Инклюзив таълим жараёнида муассаса тарбиячиси ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Тарбиячи иш фаолиятини ташкил этишда ўқитувчи-дефектологлар, ота-оналар ва бошқа мутахассислар билан ҳамкорликда соғлом ва алоҳида эҳтиёжли болалар билан олиб бориладиган машғулотларни режалаштириши ҳамда шу асосида иш олиб бориши керак. Шунингдек, тарбиячи алоҳида эҳтиёжли болани оилада тарбиялаш масаласида ота-оналарга ва қонуний вакилларга методик ёрдам кўрсатади, керакли иш ҳужжатларини юритади.

Инклюзив таълим жорий қилинган муассасада албатта психолог фаолият юритиши лозим. Психологнинг фаолияти ҳар бир

боланинг руҳий саломатлигини ҳимоялаш, руҳий ривожланишидаги камчилкларини бартараф этиш ва коррекциялашга қаратилади. Муассаса психологи ҳар бир болани психологик жиҳатдан текширади, доимий равишда психолого-педагогик жиҳатдан ўрганиб боради, индивидуал ривожлантириш дастурларини тузади, алоҳида эҳтиёжли болани оилада тарбиялаш бўйича ота-оналарга маслаҳатлар беради, инклюзив таълим муассасасининг педагогик ҳодимларига психологик ривожлантириш масалаларида методик ёрдам кўрсатади.

Инклюзив таълим муассасасида таълим-тарбия олаётган махсус ёрдамга муҳтож болаларнинг айримлари доимий равишда тиббий хизматга муҳтож бўлиши мумкин. Инклюзив таълим муассасаси шифокор-педиатри (психоневролог) ҳар бир боланинг руҳий асаб ҳолатини доимий равишда текшириб боради. зарурат бўлганда даволаш муолажаларини тавсия этади, коррекцион педагогик таълим жараёнида болалар соғлиғини назорат қилади, ақлий ва жисмоний юкламанинг меъёрини белгилайди, ота-оналарга боланинг соматик ҳамда руҳий саломатлигини сақлаш юзасидан маслаҳатлар беради.

Инклюзив таълимда ресурс педагог ва унинг вазифалари

Махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим шароитида ўқитиш мактабларарo қатнаб юрувчи ўқитувчи, яъни, ресурс ўқитувчи фаолиятини талаб этади. Инклюзив таълим амалиётда мактабларарo қатнаб юрувчи ўқитувчи ва оддий синф ўқитувчисининг ҳамжиҳатликдаги ҳаракатлари орқали амалга оширилиши мумкин.

Баъзи синфларда болани маълум бир вақтга синфдан ажратиб олиш керак бўлиши мумкин. Ҳамма вақт нима бўлсада ресурс ўқитувчи синф ўқитувчиси билан биргаликда фаолият кўрсатиши ва бу махсус таълим соҳасида мутахассисликка эга бўлиши талаб қилинади.

Мактабларарo қатнаб юрувчи ресурс ногирон болалар учун керак бўлган қўлланмалар, жиҳозлар билан таъминлаш, ҳомийлар топиш, ота-оналарни мактабга ёрдам беришга жалб қилиш ва имконияти чекланган болалар, соғлом болалар ҳамда синф ўқитувчиси ўртасида мустаҳкам алоқани ўрнатиш, махсус ресурс қўлланмаларни таъминлаш орқали ёрдам бериш, ота-оналар, болалар, оддий синф ўқитувчилари ва мактаб маъмуриятига

маслаҳатлар бериш, шунингдек, махсус таълимга муҳтож болалар учун фаолиятлар ва уларга мос келувчи таълим дастурлари ҳақида муҳокамалар юритиш, ҳатто ногирон бўлмаган болаларнинг ота-оналарига ҳам маълумотлар етказиб туради.

Ресурс ўқитувчи фаолиятидан кўзланган асосий мақсад: умумтаълим муассасаларида таълим олаётган махсус таълимга муҳтож ўқувчилар ва уларнинг ўқитувчиларига ёрдам кўрсатишдан иборат.

Ресурс ўқитувчи қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

– ҳар бир ўқувчини қайси даражадаги ёрдамга муҳтожлигини аниқлаш ва уларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда мунтазам равишда улар билан учрашиш.

– ўқувчилар билан якка тартибда ишлаш, индивидуал режалардан келиб чиққан ҳолда уларни кузатиш, ўқув дастурига мослашишига ёрдам бериш, ўқитиш ва баҳолаш.

– синф ўқитувчиларига ўқувчиларнинг махсус эҳтиёжлари ва қобилиятларига оид маълумотларни бериш.

– синф ўқитувчиларини индивидуал ўқув режалари билан таништириш ва улар бўйича маслаҳатлар бериш.

– мунтазам равишда ўқувчиларнинг эришаётган муваффақиятларини муҳокама қилиш ва баҳолаш.

– мактаб жамоасининг бошқарув ходимлари ва ота-оналар билан ҳамкорликда ишлаш;

– зарурат туғилса, ўқувчиларни бошқа ёрдам кўрсатувчи уюшмаларга таклиф этиш (масалан, семинарларга, шифокорлар ҳузурига).

– ўқитувчилар ҳамда ўқувчилар билан индивидуал равишда олиб бориладиган фаолиятларни қайд этиб бориш.

– стандарт ўқув режа талабларига жавоб бермайдиган вазиятларда ҳар бир ўқувчига индивидуал ўқув режа тузишга кўмаклашиш;

– ўзгарувчан эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда индивидуал ўқув режаларни янгилаш ва баҳолаш.

– мавжуд барча ресурслар (ўқув адабиётлар, ўқитиш қурилмалари ва бошқа асбобларни ҳужжатлаштириш ва улар рўйхатини тузиш.

Мактабларараро қагнаб юрувчи ресурс ўқитувчи ўз вазифа ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда иш режасини тузишда қуйидагиларни ҳисобга олиши керак:

• Мактабларарo қатнаб юрувчи ресурс ўқитувчиларнинг махсус таълим олишга бўлган талабларга жавоб берадиган ёрдамларни кўрсатиш;

• Синф ўқитувчиси билан биргаликда индивидуал дастурларни яратиш ва уни баҳолаш;

• Ўқитувчилар муҳтож бўлган хизматларни амалга ошириш;.

• Боланинг ўқитувчиси ёки мактаби алмашганда у ҳақидаги маълумотларни етказиб беришни бошқариш;

• Янги келган ўқитувчиларнинг эҳтиёжларини аниқлаш ва қондириш;

• Махсус таълимга муҳтож бўлган оддий синфларга ўқитувчиларнинг мослашишига ёрдам бериш;

• Зарурат тугилганда синфдан ташқарида индивидуал ва гуруҳларга асосланган кўрсатмаларни бериш;

• Индивидуал дастурларни муваффақиятли бўлишини бошқариш;

• Махсус таълимга муҳтож болаларни мактабнинг жисмоний муҳитига жалб этишда уларнинг шу муҳитга мослашишига ёрдам берувчи мактаб бошқаруви;

• Махсус ёрдамчи воситалар ва қўлланмаларга бўлган талабни ўрганиш ва улардан фойдаланишни бошқариш;

• Инклюзив таълимни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш каби масалалардан иборат бўлади.

Мактабларарo қатнаб юрувчи ресурс ўқитувчи фаолият юритмаслиги, кўп вақтини йўлда самарасиз сарфламаслиги жуда муҳимдир.

Ресурс ўқитувчи ногирон болаларнинг дарслардаги қийинчиликларни ва эҳтиёжларини муҳокама қилади. Вақти-вақти билан у жойларда олиб борилаётган ўқитувчилар тренингида ногиронлик муаммоси бўйича маслаҳат ва кўрсатмалар бериб боради. (Масалан, ногирон боланинг нуқсон хусусиятларини, даражаларини аниқлаш, индивидуал психологик хусусиятларини ўрганиш бўйича методик тавсиялар бериш каби.)

Бугунги кунда имконияти чекланган болаларни инклюзив таълим тизимида ўқитиш, тарбиялаш жараёнида педагог ва ота-оналарга маслаҳат берувчи ресурс марказларининг роли муҳим аҳамиятга эга.

Ижтимоий педагог – ижтимоий ходим вазифалари

• Боланинг ривожланиши учун қулай бўлган муҳитни ташкил қилиш;

• Бола ҳуқуқини ҳимоялаш қоидаларига риоя қилиш;

• Боланинг ҳаётий кўникмаси, қобилиятини, таълим олиши, соглиқни сақлаш, оиладаги шароитларини ривожлантиришга бўлган барча эҳтиёжларини қондириш.

• Болани ижтимоий ҳимоялаш жараёнида ижтимоий педагог (ижтимоий ходим) билан ишлаш мумкин.

• Ҳар бир бола давлат ҳимоясида бўлиб, мамлакатимизда ижтимоий қўллаш тизимига барча болалар қамраб олинган.

• Болаларни ижтимоий қўллаш сферасига тизимига қийин кечинмаларга тушган (болалар, боқимандасинин йўқотган, ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган, имконияти чекланган, алоҳида ёрдамга муҳтож болалар;

• Институционал муассасаларнинг болалари;

• Қаровсиз ва тарбияси оғир болалар ва бошқалар)

• Ижтимоий ишни мақсади: болани барча эҳтиёжларини қониқтиришга ва уни оиласига ёрдам беришдан иборат.

• Болани ижтимоий ҳимоясининг асосий тамойиллари:

• Ижтимоий ёрдам кўрсатиш ишининг марказида болани қизиқиши туради;

• Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқлари кафолати» қонунига бола ҳуқуқлари конвенциясига қайд этилган болаларни барча ҳуқуқлари киритилган ;

• Болани қабул қилиш эътироф этиш ҳурмат қилиш;

• Шахсни жинсий, диний, маданий, ирқий, миллатидан қатъий назар ҳар қандай камситишларга қарши чиқиш;

• Ижтимоий педагог (ижтимоий ходим) олдида болани ижтимоий ҳимояси бўйича қандай вазифалар турибди?

• Ижтимоий педагог ва ижтимоий ходим болани уй шароитида яшаш ҳуқуқини таъминлайди;

• Ижтимоий педагог болаларни махсус институционал муассасаларга тушиб қолишини олдини олади.

• Ижтимоий педагог болага болага нисбатан нотўгри , ножўя, қатъий муомила ва ҳаракат қилишга йўл қўймасликни таъминлайди ва ҳимоя қилади;

• Ижтимоий педагог имконияти чекланган болаларни жамиятга, умумтаълим жараёнига интеграциялашувига ёрдам беради;

• Ижтимоий педагог ёки ижтимоий ходим болани қулай бўлган шароитида ўсиши учун психологик, ижтимоий, моддий ёрдамларни қийинчиликдан чиқиб кетиши учун ёрдам беради;

• Болага ва унинг оиласини қўллаш учун ижтимоий педагог ёки ижтимоий ходим қандай метод ва ёндашувларни амалга оширилади;

• Ижтимоий педагог ўзини иш фаолиятига таянган ҳолда нафақат болани ва унинг оиласи билан тизимли иш олиб боради.

• Мавжуд бўлган фактларни таҳлил қилиб замонавий асбоблардан фойдаланиб оила ва болалар ҳолатини баҳолайди;

• Оила ва уни атрофидагиларга кучли томонига таянган ҳолда ёрдам беради.

• Бундай жамият ва оила уни атрофидагиларга ижобий (позитив) ўзгаришлар киритади.

• Қайси муассасалар учун ижтимоий ходим ёки педагог керак?

• Таълим тизимида меҳрибонлик уйлари, умумтаълим муассасалари, махсус мактаб ва мактабгача таълим муассасалари ва бошқалар;

• Соғлиқни сақлаш тизимида: илк ёшдаги болалар уйи, оилавий поликлиника, тиббий-психолого-педагогик комиссия, реабилитация марказлари ва бошқалар;

• Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида (мурувват уйлари, ижтимоий таъминот бўлимларида):

• Вояга етмаганлар маҳаллалари комиссияси, вилояти, туман ҳокимиятлари;

• Болалар ва уларни оилаларини қўллаб-қувватлашни амалга ошириувчи оила тартибидаги вояга етмаганларни жойлаш.

• Жамоа ташкилотлари ва уларни бирлаштирувчи ташкилотлари.

Ҳозирги кунда ижтимоий ходимларни тайёрлаш Ўзбекистонда 2004–2005 йилда бошлаб учта олий таълим тизимида: А. Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида ва Самарқанд, Фаргона давлат университетларида амалга ошириб келинмоқда. 2006 йилдан бошлаб Ўзбекистонда амалиётчиларни тайёрлаш бўйича болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимида фаол ишлар олиб борилмоқда.

Ногиронликнинг ижтимоий модели

Ноқулай муҳит	→ **Жамият ичидаги асосий муаммолар**
Стереотиплар	
Ишга олишдаги камситишлар	
Имкониятларни паст баҳолаш	
Алоҳида таълим	
Камбағаллик	
Хурофотлар	
Транспорт йўқлиги	
Ахборот йўқлиги	

Ногиронликка тиббий ёндашув

Соғлиғидаги нуқсон муаммога айланганда →	Реабилитологлар
	Шифокорлар
	Дефектологлар
	Логопедлар
	Ижтимоий ходимлар
	Ижтимоий муҳофаза ходимлари
	Жарроҳлар
	Мактаблар
	Мактаб психологлари
	Махсус транспорт

3.7. МАХСУС ЁРДАМГА МУҲТОЖ БОЛАЛАР УМУМТАЪЛИМ ШАРОИТИДА ЎҚИТИШДА ЎҚУВ ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ МОСЛАШТИРИШ МЕТОДЛАРИ

Инклюзив таълим методик ёрдам тури, турли хил шаклларда бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

– синф ўқитувчисига маслаҳат ва ёрдам бериш;

– махсус ўқитиш қўлланмалари ва ёрдамчи материаллар билан таъминлаш;

– ота-оналар, кўнгиллилар ёки катта ўқитувчилар томонидан мавжуд бўлган ёрдамларни таъминлаш;

– ўқув режа дарс жадвали, баҳолаш мезонларига мослаштириш ва ўзгаришлар билан таништириш;

– ўқитувчилар билим ва малакаларини ошириш учун шароит яратиш;

– фаол қўллаб-қувватловчи рақбар ижобий мактаб муҳитини ташкил этиш ва таълим жараёнида дўстона муносабатни шакллантириши;

– маъмуриятга болаларнинг аниқлаш ва баҳолашда ёрдам кўрсатиш;

– ижтимоий психологик ва соғлиқни сақлаш хизматларини мувофиқлаштириш каби ишларни амалга оширишдан иборат.

Инклюзив таълимда алоҳида эҳтиёжли болаларга таълим-тарбия бериш боланинг нуқсон турига кўра синфни ва дарс жараёнини мослаштиришни талаб этади. Инклюзив синф ўқитувчиларига синфда дарс жараёнини самарадорлигини оширишга оид тавсиялар ишлаб чиқдик. Ушбу тавсиялар ҳар бир нуқсон тури бўйича алоҳида тузилган.

Инклюзив таълим тизимида ўқув-тарбия жараёнининг ташкил этилиши[19]

• Инклюзив таълим ташкил этилган барча умумтаълим мактабларда имконияти чекланган болалар ва ўсмирларга нисбатан дўстона муносабат шаклланади.

• Инклюзив таълимни амалга ошираётган умумтаълим мактабларида давлат таълим стандартларига илова сифатида имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун коррекцион дастурлар ҳам

[19] Шомаҳмудова Р. Бердиева А. Б. «Имконияти чекланган болаларни инклюзив таълимда ўқитиш услублари». Методик қўлланма. Т.: «Ishonch markaz servis», 2008. 71–77-бетлар.

инобатга олинади, махсус коррекцион ишларни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратилади (махсус жиҳозланган коррекцион хона, махсус техник воситалар).

• Инклюзив таълимни амалга ошираётган умумтаълим мактабларида тайёрлов гуруҳи ва биринчи синфларда 35 дақиқа, юқори синфларда 45 дақиқадан дарслар олиб борилади.

• Имконияти чекланган болалар ва ўсмирларнинг билимлари уларнинг шахсий хусусиятлари ва қобилиятларига асосланган ҳолда белгиланган тартибда баҳоланади.

• Таълим жараёнида замонавий умумдидактик тамойиллар билан бир қаторда махсус тамойиллар ҳам эътиборга олинади.

• Коррекцион таълим ўқувчиларнинг эҳтиёжларига кўра табақалаштирилган ҳолда ташкил этилади.

• Инклюзив таълим амалга ошираётган умумтаълим мактабига ўқувчилар ота-оналарнинг аризаси ҳамда «психолого-педагогик комиссия»лар хулосалари асосида қабул қилинади ва таълим муассасаларининг раҳбарларининг буйруқлари билан тасдиқланади.

Инклюзив таълим амалга ошираётган умумтаълим мактабдаги синфларда интеграция қилинган ўқувчилар сони 3–4 нафардан оширилмайди ҳамда ўқувчиларнинг умумий сони 25 нафаргача деб белгиланади

Кўришда нуқсони бўлган болалар инклюзив таълимида синфларни ва дарс жараёнини мослаштириш

Ўқитувчи кўришида нухсони бўлган боладан (агарда у заиф кўрувчи бўлса) синф тахтасини кўриш учун энг қулай жойги сўраб уни уша жойга ўтказиши лозим;

• Агар кўришида нухсони бўлган боланинг кўзлари ёругликка сезгир бўлса, уни дераза ёнига ўтказмаслик керак. Шунинг учун ҳам боланинг кўзларини ёругликдан саклаш учун картон тусикни ишлатиш мумкин;

• Синфдаги энг ахлокий ва олижаноб ўқувчиларни аниқлаб, кўришида нухсони бўлган болага «йўл бошловчи» ўқувчи қилиб тайинланса юқори натижага эришиш мумкин;

• Ўқитувчи синф тахтачасига ёзилган маълумотларни баланд овозда ўқиши талаб этилади;

• Кўришида нухсони бўлган бола маълумотларни эшитиш ва тактил сезгилари асосида эгалайдилар. Шунинг учун ҳам уларга буюмларни ушлаб кўриш имкониятини бериш керак;

• Ўқитувчи синфий мунозараларда ким гапираётганлигини кўришида нухсони бўлган бола билиши учун ҳар бир ўқувчининг исмини айтиб туриши керак.

Эшитишда нуқсони бўлган болалар инклюзив таълимида синфларни ва дарс жараёнини мослаштириш

1.Эшитишда нуқсони бўлган болани ўқитувчи ва доскага якинрок (3 метрдан ошмаслиги),синфдагиларнинг барчасини кўра оладиган жойга ўтказиш ;

2.Ўқитувчи дарс жараёнида фақат синфга ўқувчиларга қараб дарс ўтиши, эшитмайдиган ўқувчиларни ўзига қаратиб дарс бошлаши; ўқитувчи мавзуни тушинтираётган пайтда китоб ёки бошқа буюмлар билан юзини беркитмаслиги, доскадаги маълумотлар ҳақида тушунча бераётганда эса орқа томони билан туриб колмаслиги шарт. Чунки эшитишда нуқсони бўлган болаларнинг кўпчилиги ўқув материали, тушунтириш, мурожаат ва ҳ.к.ларни лабдан ўқиш асосида қабул қила оладилар;

3.Инклюзив синф хонаси яхши ёритилган бўлиши керак. Чунки эшитишда нуқсони бўлган болаларнинг ўқитувчи ва ўқувчиларнинг юзини, қўлларини ёки лабини яхши кўра олиши керак;

4.Эшитишда нуқсони бўлган болани бошқа болаларнинг лабини кўра олиши учун парталарни шунга мувофик тарзда жойлаштириш лозим;

5.Синфда шовқин кўтармаслиги талаб этилади. Инклюзив синф хонаси мактабнинг таяч ва сокин тарафида бўлиши лозим;

6.Ўқитувчи аниқ талаффуз ва баланд овозда, лекин бақирмасдан гапириши тавсия этилади.

Таянч-ҳаракат аъзоларида муаммолари бўлган болалар синфларини ва дарс жараёнини мослаштириш

Енгил даражадаги церебрал фалаж болани умумтаълим синфларида ўқитиш учун кўп нарса талаб этилмайди. Аммо оғир даражадаги церебрал фалаж болани умумтаълим тизимида ўқитиш учун синфни мослаштириш бир оз мураккаброқ. Бунинг учун синфни мослаштириш қуйдагича бўлиши мумкин:

1.Церебрал фалаж бола ўтирганда боши ва гавдасини тўгри тутиши учун махсус ўриндиқлар;

2.Боланинг бўйнини керакли даражада тута олиши учун махсус ўриндиқлар;

3.Ўқитувчи ва тенгдошлари болани тушуна олишлари учун мулоқот тахталари (масалан, расм ёки турли размий белгилардан ташкил топган тахталар);

4.Бола синфда ҳаракатлана олиши учун синф хонасининг деворлари ёнига ёрдамчи воситалар қўйиш;

5.Синф хонаси ва парталарни церебрал фалаж боланинг аравачаси учун мослаштириш;

6.Агар боланинг нутқида оғир нуқсонлар бўлса мулоқотнинг бошқа шакллардан, масалан расмлар ёки чизилган размий карточкалардан фойдаланиш мумкин. Улар синф тахтасига жойлаштирилса, бола ўз фикрини бу воситалар орқали ифода этади;

7.Болани саволлар беришга унданг, лекин унга ўз нутқи билан ёки бошқа воситалар орқали жавоб беришга фурсат беринг;

8.Компелекс ёрдам (тиббиёт ходими логопед, массажист ёрдами) турини ташкил этиш;

9.Тенгдошларидан бола билан ўзаро мулоқот қилишларини сўранг, чунки болалар доимо бир бирлари билан мулоқот қилиш йўлини топадилар;

Қўл, оёқларни бошқаришда қийналадиган болалар ёзишда жуда кўп қийинчиликларга учрайдилар. Шунинг учун уларнинг ёзишларига қўшимча вақт ажратиш лозим, ёки уларга маълумотнинг нусхаси берилиши ёки бошқа ўқувчи уларга ёзиб бериши мумкин.

Енгил даражадаги ақлий ривожланишида муаммоси бўлган болалар инклюзив таълимида синфларни ва дарс жараёнини мослаштириш.

1. Ақлий ривожланишида муаммоси бўлган болалар диққатини тарқоқлигини ҳисобга олиб партага ортиқча нарсалар қўймаслик керак;

2. Ақлий ривожланишида муаммоси бўлган болалар тез чарчаб қолишини ҳисобга олган ҳолда, уларга ҳаракатда бўлиш имконини берувчи топшириқлар бериб туриш («дафтарларни йиғ», «доскани тозала» каби);

3. Ҳар бир дарсда жисмоний дақиқа ўтказишни унутмаслик лозим;

4. Синфда етакчилик қобилиятига эга бўлган ўқувчини аниқлаб, «синф бошқарувчиси» (имконияти чекланган ўқувчи)

этиб тайинлаш (бу ўқувчидан ўқитувчи ақлий ривожланишида муаммоси бўлган бола билан ишлаётганда кўпроқ фойдаланади);

5. Ақлий ривожланишида муаммоси бўлган болаларни синфдаги энг аълочи ўқувчи билан бирга ўтқазиш;

6. Дарсда асосий кўргазмалиликка таяниш;

7. Ақлий ривожланишида муаммоси бўлган болага топшириқларни қисмларга бўлиб бериш;

8. Болани рағбатлантиришни унутмаслик;

9. Усулларнинг хилма-хиллигидан доимий равишда фойдаланиш;

10. Ўйин методларига максимал даражада таяниш;

11. Бола топшириқни бажараётганда унга қўшимча ёки амалий кўрсатма ҳам бериш;

12. Синф жамоасига ақлий ривожланишида муаммоси бўлган боланинг ҳам ҳиссаси қўшиладиган топшириқлар бериш;

13. Доимий равишдаақлий ривожланишида муаммоси бўлган болани назорат остига олиш.

Синф ва гуруҳларда инклюзив таълим тушунчасини ривожлантириш

Болалар онгида ирқчилик, ногиронлик ҳамда имкониятлар кенглиги хусусида тўғри тушунчаларни шакллантириш инклюзив таълимнинг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Нотўғри тушунчаларнинг мавжудлиги сабабли имконияти чекланган болалар хақорат ва масхараланишга дучор бўлмоқдалар. Бундан ҳам аянчлиси шу каби салбий муносабатдаги хулқ-атворни айрим ўқитувчиларнинг эътиборсиз колдираётганлигидир. Таълим-тарбия самарадорлигини ошириш учун ҳам барча мактабларда ҳамма болалар учун тенг ҳуқуқли, севимли, дўстона илиқ муносабатдаги муҳитни яратиш лозим. Мактабда ирқчиликни, ногиронлик устидан кулишни қоралашни ва улар ўртасидаги тенг ҳуқуқлилик тушунчасини шакллантириш керак. Биз қуйида болалар ўртасида тенг ҳуқуқликни тушунчаларни шакллантириш бўйича тавсиялар берилди:

• Педагоглар барча синфларда болалар ўз ҳаётлари ва ҳис-туйғуларини муҳокама қила оладиган ўзаро қўллаб-қувватловчи ва ҳамжиҳатликдаги ижобий муҳитни яратишга ёрдам беришлари лозим;

• Ўқувчилар онгига ногиронлик-алоҳидалик эмас, балки камчиликни мажудлиги натижасида имкониятлар чегараланганлиги эканини тушунтира билиш лозим. Ногирон болалардан қўрқиш, жирканиш ҳисларини йўқотишга эришиш талаб этилади.

Педагоглар айрим ҳолатларда стереотипларни қўллашдан қочишлари ва ташаббусларни қўллашдан кейин ҳам болалар олдида шарҳламасликлари лозим. Улар болаларга нима учун лақаб қўйиш, масхара қилиш, салбий муносабатларни юзага келтиришини тушунтириб беришлари ва бунга йўл қўймасликлари талаб этилади.

Зарур бўлган ҳолатларда имконияти чекланган болаларда айрим ўқувчилар томонидан билиралаётган салбий муносабатларни бутун синф билан муҳокама қилиш ўринли ҳисобланади. Ижобий натижага эришиш учун охиригача курашиш лозим.

Ҳар бир муҳокама болаларнинг ютуқларни унинг аввалги ютуқларига солиштириб, қайд этиб, таъкидлаб бориш муҳимдир. Ўқувчилар билан турли хилдаги ва психологик тестлар ўтказишда боланинг ирқига, ижтимоий келиб чиқишига, жинси ва ногиронликка оид саволларни бермаслик айни муддао.

Ўқитувчилар ишларини ва уларнинг ютуқларини барча соҳаларида мактаб ва мактабдан ташқари ишларда намойиш қилиб бориш керак. Дарсларга материаллар тайёрлашда имконияти чекланган боланинг ижод намуналарини ҳам қўллаш жуда самара беради.

Китоб, плакатлар ва дастурларни қўллаётиб, шунга ишонч ҳосил қилиш керакки,улар инклюзив таълимга мос келиши керак. Мактаблар очиқ бўлиши, ўқувчилар ота-оналари ва педагоглари билан мулоқот қила олиши керак.

Инклюзив таълим самарадорлигини оширишнинг баъзи бир хусусиятлари

Аравача юрадиган ёки ҳасса ва бошқа мосламалар орқали ҳаракатланувчи болалар учун синфдаги ҳаракатланиш жойларини етарли эканлигига ишонч қилиш учун қуйидагиларга эътибор беринг:

• Қўриш ва эшитиш қийинчиликларига эга болалар гилам ва парталар орасида бутун синф фаолиятида иштирок эта оладиган тарзда ўтирганларига ишонч ҳосил қилинг.

• Таълим олишда қийинчиликка учрайдиган болалар таълим олиш имкониятларини қўллай олишларига ишонч ҳосил қилинг.

• Турли хил тиббий муаммоларга эга болаларнинг айримлари тез-тез овқатланиши, суюқлик ичиш имконияти чекланганини ёки бошқаларга қараганда кўпроқ ҳожатга бориш эҳтиёжига эга бўладилар. Бундай болалар ўзларини ноқулай ҳис этмасликлари учун зарур шарт-шароитларни яратишга эътибор қаратинг.

• Узоқ муддат тик тура олмайдиган болаларни ҳам эътибордан четда қолдирманг.

• Агар болага диққатни жамлаш ёки кўринмас яширин касаллик (аутизим ёки гиперфаоллик натижасида диққатнинг етишмаслиги) натижасида тинч ўтиришга қийналса, бошқа ўқувчилар айтилган вазифалар билан машғул бўлсалар ҳам, диққати тарқоқ ўқувчиларнинг бир нафас дам олишларига имкон беринг.

3.8 ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ ОЛДИДА ТУРГАН МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

Юқорида қайд этилган ва амалга оширилган маълум даражадаги ютуқлар билан бирга айрим ҳал этилиши керак бўлган қуйидаги муаммолар ҳам мавжуд:

• –ота-оналар учун ногирон болаларни ўқитиш тизими, инклюзив таълим тизими ҳақидаги ўқув қўлланмаларнинг танқислиги;

• –махсус эҳтиёжли болаларни уйда якка тартибда ўқитиш учун махсус мутахассисларнинг етишмаслиги, ёрдамчи-техник воситалар билан таъминлаш тизимининг жойларда талаб даражасида яхши йўлга қўйилмаганлиги;

• имконияти чекланган болаларни умумтаълим муассасасида ўқитиш учун ҳуқуқий базани қайта кўриб чиқилмаганлиги;

• Синфда ўқувчилар сонининг кўплиги (35–40)

• умумтаълим муассасаларнинг бинолари имконияти чекланган болаларни нг хусусиятларига мос равишда қурилмаганлиги;

• умумтаълим муассасаларида болаларни психолого-тиббий-педагогик ёрдамни олиш имкони йўқлиги;

• умумтаълим муассасалари педагоглари махсус методикаларни билмаганлиги сабабли имконияти чекланган болаларнинг махсус эҳтиёжларини қондира олмаслиги;

• умумтаълим муассасаларида тифло, сурдотехник воситалар мавжуд эмаслиги;

• Умумтаълим педагоглари, мактаб рахбарларини махсус таълим буйича қайта тайёрловдан ўтмаганлиги ва умумтаълим мактабларини қўшимча кадрлар

• (логопед – махсус педагог, психолог – ижтимоий педагог) билан таъминланмаганлиги интеграцияни амалга ошириш учун салбий муносабатни келтириб чиқармоқда;

• ногирон болалар оиласи билан мактабнинг узвий алоқаси йўқлиги;

• ногирон болаларнинг мактабга келиши учун транспорт билан таъминлаш масалалари;

• чекка қишлоқлардаги ташхисларнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги;

• ногиронлар аравачалари, қўлтиқ ҳассалар, эшитув аппаратлари, кўзойнаклар, травматологик пойафзалларнинг етишмаслиги;

• давлат томонидан касб-ҳунарга йўналтириш, иш билан таъминлаш, муаммолари тўлақонли ҳал қилинмаганлиги;

• ногирон болаларга қаровчи ота-оналар учун нафақанинг йўқлиги;

• теварак-атроф муҳитининг ногирон болаларга нисбатан салбий муносабати;

• ногирон болалар билан ишлаш маҳаллаларда яхши йўлга қўйилмаганлиги ва нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг фаолияти етарли эмаслиги;

• ногирон болаларнинг ота-оналарида ҳуқуқий билимнинг етарли эмаслиги ва давлат томонидан белгиланган имтиёзларни билмаслиги;

• таълим муассасалари учун кадрларнинг етарли эмаслиги;

• иншоатларнинг махсус ёрдамга муҳтож болалар учун мослаштирилмаганлиги;

• малака ошириш тизимида умумтаълим педагогларини махсус таълим йўналиши буйича қайта тайёрлаш ишлари талаб даражасида эмаслиги ва.ҳ.к

Чунончи мактабда ва мактабгача таълим муассасаларида имконияти чекланган болаларга коррекцион-педагогик ёрдам кўрсатмасдан, оилалар билан мулоқотда бўлиб турмасдан, махсус ўқув адабиётлари билан таъминламасдан улар учун алоҳида шароит яратмасдан туриб интеграция ёки инклюзив таълимни амалга ошириш ижобий натижа бермайди. Бундай ёндашиш жисмоний интеграция турига киради.



Юкорида келтирилган муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидаги масалалар ўз ечимини топиши зарур:

Имконияти чекланган болалар таълим-тарбиясининг уйғунлашуви учун уларни илк ёшдан аниқлаш, ташхис қўйиш, таълим олиши учун тегишли ўқув тарбия муассасаларига йўллаш, узлуксиз махсус таълимнинг муқобил турларини ривожлантириш зарурияти мавжуд. Психик ва жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг таълим олиши учун шарт-шароитлар яратиш, умумтаълим муассасаларида таълим-тарбия олаётган, уй шароитида ўқитилаётган болалар таълим мазмунини уларнинг имконияти ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда белгилаш, индивидуал дастурларни ишлаб чиқиш, ота-оналар ва педагоглар учун инклюзив таълим йўналишида ўқув-методик адабиётларни ишлаб чиқиш таълимга замонавий педагогик,

ахборот-технологияларни жалб қилиш, интернет тармоқлари орқали масофада ўқитишни ташкил этиш жамиятимиз ва мутахассислар олдида турган мухим вазифадир.

– Республикадаги имконияти чекланган болалар ва ўсмирларга коррекцион-педагогик ёрдам кўрсатишнинг марказлаштирилган базасини замонавий ахборот технологиялари асосида ташкил этиш.

– Психик ва жисмоний ривожланишида камчилиги бўлган болаларни узлуксиз инклюзив таълим шароитида ўқиши ва ривожланишини таъминловчи меъёрий услубий базани мустаҳкамлаш

– Ногирон болаларни таълимга жалб қилиниши учун жамиятга узлуксиз инклюзив таълимини миллий модели - концепциясини, низомини такомиллаштириш ва тасдиқлаш.

– Методик мажмуалар (индивидуал ривожлантирувчи дастур, дарслик, ўқув режа методик қўлланма; ва машғулотлар ишланмалари, тавсиялар) яратиш; - Янги таҳрирдаги ДТСларини махсус таълимга мослаштириш; имконияти чекланган болаларнинг умумтаълим мактабларида таълим олишларини нуқсон турига кўра(кўриш, эшитиш, ақлий ва нутқий ривожланишини) эътиборга олган ҳолда индивидуал-ривожлантирувчи вариатив ўқув режа-дастурларини ишлаб чиқиш;

– Инклюзив таълимни амалиётга татбиқ этишда молиявий таъминот ва хусусий манбалардан фойдаланишни кенгайтириш;

– Инклюзив мактаб учун керакли моддий-техник базани ўрганиш бўйича таклифлар киритиш.

– Зарур бўлган ёрдамчи техник воситалар билан таъминлаш масалаларини давлат бюджетлари, бюджетдан ташқари (хорижий инвестициялар, грантлар) асосида амалга ошириш.

Умумтаълим, махсустаълим педагогларини ҳамкорликда фаолият кўрсатишини амалга ошириш ва имконияти чекланган ҳамда соғлом тенгдошлари орасида дўстона муносабатни шакллантириш.

• Оммавий ахборот воситалари орқали алоҳида эҳтиёжли болалар интеграция ва инклюзив таълими ҳақида чиқишлар ташкил этиш.

• Педагогика олий таълим муассасаларининг психология, мактабгача таълим, бошланғич таълим, дефектология йўналишларида таълим олувчи талабалар, учун инклюзив таълим соҳаси бўйича махсус курс, семинар дастурларини ва методик қўлланмалар ишлаб чиқиш, семинарлар ўтказиш ва х.к.

ХУЛОСА

Ўзбекистонда махсус таълими тизими ривожланган бўлиб имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар таълимини давр талаби даражасида самарали такомиллаштиришга давлатимиз томонидан катта эътибор берилиб келинмоқда ва махсус ҳамда инклюзив таълимни жорий қилиш масалалари юқорида қайд этилган давлат қонунлари ҳамда халқаро ҳуқуқларида қайд этилган.

Республикамизда имконияти чекланган болалар нуқсон турига кўра махсус мактаб, мактабгача таълим муассасаларида таълим олиши ташкил қилиниб келган. Ушбу таълим муассасаларида болаларни ўқитиш учун қулай шароитлар яратилган ва тиббий-психолого-педагогик ёрдам мутахассислар томонидан амалга оширилиб келинмоқда.

Кам таъминланган оилалар болалари таълим олаётган меҳрибонлик уйлари, уйда якка тартибда таълим олаётган ногирон болалар таълим тизими ва мазмунини такомиллаштириш, моддий базасини яхшилаш, уларни таълим олиши учун зарур бўлган шарт шароитларни яратиш ҳамда ўқув қуроллари, махсус ёрдамчи воситалар, дастур, дарсликлар билан таъминланиши бирмунча фаоллашиб, турли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бу таълим муассасаларида болаларни алоҳида ўқитилиши узоқ йиллардан бери давом эттирилиб келинмоқда.

Имконияти чекланган болаларни соғлом тенгдошларидан ажратилиб ўқитилиши натижасида уларнинг ишга жойлашиши, бошқа мактабни битирувчи тенгдошларига нисбатан анча паст фоизни ташкил этади. Имконияти чекланган болаларни соғлом болалар билан биргаликда мактабларда ўқитиш уларни жамиятга фаол интеграциялашнинг альтернатив бир туридир.

Инклюзив ўқитиш масаласи бутунжаҳон ҳамжамиятида тан олиниши ва хайрихоҳлик билан амалга оширилиши таълим сиёсатининг энг асосий йўналишидир.

Кейинги йилларда давлатимиз томонидан таълим олишида қийинчилиги бўлган, яъни махсус эҳтиёжли болалар ва ўсмирларни махсус муассасаларда таълим олиши билан бир қаторда уларни қобилият ва имконият даражасини эътиборга олган ҳолда умумтаълим муассасаларида интеграция ва инклюзив усулда таълим-тарбия олишига ҳам эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг давлат қонунлари, меъёрий ҳужжатларда ушбу масала қайд этилган. Лекин савол туғилади: ҳар бир соғлом ёки ногирон шахс ва ҳар бир Ўзбекистон фуқаролари имконияти чекланган болаларни соғлом болалар билан биргаликда ўқитилишига тайёрми?

Гендер ижтимоий-сиёсий маркази томонидан ҳар хил тоифадаги аҳоли гуруҳлари ўртасида ўтказилган сўровномалардан мақсад умумтаълим тизимида болаларнинг биргаликда ўқитилишига жамиятнинг муносабати ва тайёрлиги қай даражада эканлигини аниқлашдан иборат эди. Ўрганиш

натижасида шу нарса аниқландики, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи фуқароларнинг кўпчилиги, яъни 62 фоизи ногирон болаларни махсус мактабларда ўқитилиши керак, деб таъкидлашган.

Бундай алоҳида ўқитиш тарафдорларини кўпчилигинин эшитишида ва кўришида ногиронлиги бўлганлар. Лекин таянч-ҳаракати аъзолари фалажланган ногирон болаларнинг ҳар бир 4 сидан бири умумтаълим мактабларида ўқиш тарафдорлари. Гендер ва сиёсий, ижтимоий тадқиқот марказ экспертларининг тадқиқоти хулосасига кўра анъанавий шаклланган махсус таълим муассасалари педагоглари билан ҳисоблашиш зарур деб таъкидлайди. Агарда ота-оналар ногирон болаларини умумтаълим мактабларида ўқитишни хоҳлашса, албатта, улар бундай ҳуқуқларга эгадирлар.

Бу борада халқаро ва маҳаллий экспертлар фикрича, имконияти чекланган ногирон болани умумтаълим мактабида ўқиши нафақат ота-оналар учун шунингдек давлатга ҳам фойдали. Чунки махсус таълимга ажратилган молиявий бюджет ногирон болаларни умумтаълим мактабларда ўқитишига қараганда бирнеча бор ошади. Ҳатто умумтаълимни ногиронларга қулай қилиб қайта жиҳозлаш ёки таъмирлашга сарфлайдиган маблағ махсус таълимга ажратиладиганга нисбатан анча кам.

Ўтказилган сўровномалардан маълум бўлдики, мактаб, коллеж ва олий таълим тизимининг қурилиши ногирон ўқувчиларни қабул қилишга тайёр эмас, чунки инфратузилмалар: йўлакчалар, биноларга ўрнатилган қурилмалар, зинапоялар, махсус ёрдамчи техник воситалар (компьютерлар), махсус индивидуал ривожлантирувчи дастурлар, дарсликлар етишмайди. Мавжуд бўлган муаммолар билан бир қаторда уни ечими ҳам аста-секин ҳал қилинмоқда.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, инклюзив таълим стратегиясини ривожлантириш кўп муддатли вақтни талаб қилади. Бу таълимни ривожлантириш учун уни татбиқ қилишга босқичма-босқич комплекс ёндашувни амалга ошириш керак.

Инклюзив таълимнинг муваффақияти, мутахассисларнинг фикри бўйича имконияти чекланган болаларни қаерга бориб ўқишига ва инклюзив таълим дастурига боғлиқ. Энг аввало инклюзив таълим давлат иши бўлиши керак. чунки таълим олишга имконияти бўлмаган алоҳида эҳтиёжли шахслар иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жараёндан тушиб қоладилар. Ҳукумат уларга тенглик имкониятини таъминлаши керак. Шуни айтиш жоизки инклюзив таълим ногиронлар учун зарур. Қанчадан-қанча инклюзив таълим олган ногиронлар орасидан иқтидорли, яхши мутахассислар етишиб чиққан.

Инклюзив таълимга ўтиш масаласи Ўзбекистонда ратификация қилинган болалар ҳуқуқлари ва ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга асосланади. Аммо инклюзив таълимга ўтишга, бундай ёндашув учун нафақат мос келадиган ҳуқуқий базани яратиш ва шунингдек зарур бўлган шароитларни яратишга;

– кадрларни тайёрлаш;
– ногиронларни касбий реабилитациясини таъминлаш;
– жамиятни тўғри ва ижобий фикрлашига;
– давлат таълим стандартларини мослаштириш ва тасдиқлаш зарур.

Инклюзив таълим ислоҳотини амалга ошириш учун норматив базасини мустаҳкамлаш, имконияти чекланган болаларни умумтаълим муассасаларида таълим олишини таъминлаш педагогларни малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ишларини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш, иншоотларни мослаштириш каби бир қатор долзарб муаммоларни ҳал қилишга боғлиқ.

Инклюзив таълимни Ўзбекистонда жорий этишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, ҳозирги шарт-шароитни эътиборга олган ҳолда махсус таълим муассасаларидан воз кечмасдан, қисқартирмасдан аксинча, босқичма-босқич ўтиш, умумтаълим муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш зарур.

Махсус таълим муассасалари инклюзив таълим жорий қилинган умумтаълим мактабларига ресурс марказ вазифасини ўташи лозим. Махсус мактабларнинг мутахассис педагоглари умумтаълим педагогларига маслаҳат беради ва индивидуал ривожлантирувчи дастур ва ўқув-методик қўлланмаларни мослаштириб, таълим жараёнида қўллашга ёрдам беради.

Юқорида кўриб чиқилган инклюзив таълим тўғрисидаги зарур тушунча ва фикрлар интеграция таълимини амалиётга татбиқ қилишда фойдали бўлиши мумкин. Олиб борилган суровномалар таҳлили имконияти чекланган болаларни умумтаълим мактабларида ўқитиш жараёнида дуч келадиган қийинчиликларни бартараф этишга ёрдам беради.

Чунончи умумтаълим муассасалари шароитини имконияти чекланган болаларга мослаштириб таълим ва тарбия бериш натижасида болалар ўртасида дўстона муносабатлар шаклланиб боради. Бундай болалар ва ўсмирларнинг ижтимоий жамиятга эрта ва тўлақонли мослашувлари таъминланади.

Инклюзив таълимни Ўзбекистон Республикасида жорий қилишнинг яна бир афзаллик томони шундаки, махсус таълим муассасалари мавжуд бўлмаган жойларда ҳам имконияти чекланган болаларни умумтаълим тизимига тўлиқ жалб қилинишига имконият яратилади.

ГЛОССАРИЙ

Адаптация – организмнинг ўзгарувчан шароитларга мослашуви, сезги органларига, таъсир манбаларига адаптация натижасида анализаторлар сезгирлигининг ўзгариши.

Аномал болалар – жисмоний ва ақлий ривожланишдан орқада қолган ва махсус таълимга муҳтож болалар.

Анализаторларнинг ўзаро алоқалари – сенсор соҳаси бирлиги намоён бўлишининг бир тури.

Брайль системаси– Кўзи ожиз болалар ўқиши ва ёзиши учун мўлжалланган рельеф-нуқтали шрифтдаги алифбо.

Билишга қизиқиш – фаолият жараёнида воқелик предметлари ва ҳодисаларига фаол муносабатдан келиб чиқадиган билимга интилиш.

Диққат – бир вақтнинг ўзида обьектлардан диққатни кўчиришда онгда акс этувчи бошқа объектларнинг ажралиб чиқишини таъминловчи руҳий фаолиятнинг ташкилий шакли.

Дактиль алифбоси – эшитишида нуқсони бўлган болалар учун ўқишда ва ёзишида қўлланиладиган ёрдамчи нутқ тури.

Дефектология соҳаси тифлопедагогика, сурдопедагогика, олигофренопедагогика ва логопедияга бўлинади.

Жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлар мавжуд бола – ногиронликка чиқаришга етмайдиган жисмоний, ақлий, сезиш (ҳис-туйғу) ва (ёки) руҳий нуқсонлари мавжуд бола.

Заиф кўрувчилар учун китоблар – кўриш имкониятини берувчи мисол ва рамзлар йирик ҳарфлар билан ёзилган китоблар.

Ижтимоий адаптация – индивиднинг янги ижтимоий муҳит шароитларига фаол мослашув жараёни; бу жараён натижаси.

Ижтимоий маиший йўналтириш машғулотлари – ҳаёт фаолияти учун зарур ижтимоий малакаларни ривожлаитиришга йўналтирилган машғулотлар.

Интеграцияланган таълим – руҳий-жисмоний нуқсонга эга бўлган болалар эҳтиёжларига кўра таълим жараёнини амалга ошириш, умумтаълим муассасаларига жалб қилиш.

Инклюзив таълим – имконияти чекланган болаларни умумтаълим муассасаларида соғлом тенгдошлари билан биргаликда уйғунликда таълим олиши.

Инклюзив таълим модели, технологияси – узлуксиз таълим шарт-шароитларида имкониятлари чекланган болаларнинг меъёрида ривожланаётган тенгдошлари билан ўзаро алоқада бўлишнинг вариант ва шакллари.

Ижтимоий реабилитация – тиббий тадбирлар мажмуаси, таълим, тарбия, касб танлаш, ишга жойлаштириш ва бошқалар.

Имкониятлари чекланган боланинг ижтимоий адаптацияси – жамиятда қабул қилинган қоида ва меъёрларга нисбатан мушкул ҳаётий шарт-шароитдаги боланинг фаол мослашуви ҳамда ҳаёт фаолиятида мавжуд муаммоларни бартараф этиш жараёни.

Кўзи ожизлар учун китоблар – Брайль тизими бўйича сезги орқали қабул қилиш учун бўрттирма-нуқта ҳарфлар билан ёзилган китоб.

Коррекция – болаларда руҳий ва жисмоний ривожланиш камчиликларини педагогик усуллар ва тадбирларнинг махсус тизими ёрдамида тўлиқ ёки қисман тузатиш.

Коррекцион машғулотлар – руҳий-жисмоний ривожланишдаги камчиликларни тузатиш ва бартараф этишга оид машғулотлар.

Кўникмалар – ўзлаштирилган билимлар ва ҳаётий тажриба асосида ҳатти-ҳаракатларнинг тез, аниқ, онгли бажарилишига тайёргарлик.

Лабдан ўқиш – гапираётган шахснинг нутқини кўз орқали қабул қилиш. Болаларни эшитиш қобилияти функциясини кўриш қобилияти билан қоплашни амалга оширишга ўргатувчи ўқув-коррекцион фан.

Махсус методика – ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг ривожланиш хусусиятларини назарда тутувчи таълим методикаси.

Махсус педагогика – нуқсонли болаларни тарбиялаш ва таълим бериш тўғрисидаги фан.

Махсус таълим – таълим жараёнида нуқсонли болаларнинг руҳий ва жисмоний ривожланишидаги камчиликларни тузатиш ва тўлдириш. Махсус мактаб ўқувчиларида оммавий мактабларда таълим олувчилардаги каби билим, малака ва кўникмаларни ҳамда махсус билимлар, малакалар ва кўникмаларни шакллантириш.

Махсус таълим эҳтиёжлари – махсус ташкил қилинган шароитларда боланинг руҳий-жисмоний ҳолати билан боғлиқ махсус дастурлар буйича ўқитиш зарурияти.

Мейнцрилинг – ногирон болаларни ўз тенгдошлари билан турли хил, дарсдан ташқари тадбирларда ўзаро мулоқоти.

Мураккаб нуқсонлар – бир кишида мавжуд икки ёки бир неча жисмоний ёки руҳий камчиликлар.

Ногиронлик – организмнинг касаллик ёки жароҳат натижасида маълум бир касбда тўлиқ ёки қисман барқарор функционал бузилишларга, савиянинг пасайишига олиб келувчи ҳолати.

Ногирон бола – жисмоний, ақлий, сезги (ҳис-туйғу) ва (ёки) руҳий нуқсонлари туфайли ҳаёт фаолияти чекланган, ижтимоий ёрдам, муҳофазага муҳтож ва қонун томонидан белгиланган тартибда ногирон деб эътироф этилган бола.

Ногирон ва имкониятлари чекланган болаларнинг ижтимоий реабилитацияси – болалар томонидан йўқотилган ижтимоий алоқалар ва функцияларни тиклаш, ҳаётини таъминлаш муҳитини яратиш, уларга ғамхўрликни кучайтиришга йўналтирилган тадбирлар мажмуаси.

Ривожланишдаги нуқсон – меъёрий ривожланишнинг бузилишини келтириб чиқарадиган жисмоний ва руҳий камчилик.

Реабилитация – организмнинг бузилган функциялари ҳамда касаллар ва ногиронларнинг ижтимоий функциялари ва меҳнатга лаёқатлигини тиклаш ёки ўрнини қоплашга қаратилган тиббий, педагогик ва ижтимоий тадбирлар мажмуаси.

Сенсор тарбия – сезги, кўриш, эшитиш, ҳис қилиш ва бошқа органларнинг ривожланишига қаратилган педагогик усуллар жамланмаси.

Тактиль рецептор – тери юзасига, баъзи шиллиқ пардаларга тегиниш ва босим ўтказиш рецептори.

Тифлопедагог – кўр ва ёмон кўрувчи болалар ва ўсмирларнинг билиш фаолияти ва бузилган (кам ривожланган) функцияларидан келиб

чиққан ҳолда уларнинг таълим, тарбия, политехник ва меҳнат тайёргарлигини амалга оширувчи махсус олий маълумотли педагог.

Тифлопсихология – махсус психологиянинг кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болаларнинг руҳий ривожланиши, таълим ва тарбияда уни тузатишнинг йўллари ва усулларини ўрганадиган бўлими.

Толерантлик – теварак-атрофдагиларга нисбатан бағри кенг, дўстона муносабат.

Тушуниш – ҳодисалар ёки предметларни улар ўртасидаги алоқаларни аниқлаш йўли билан тушуниб етиш жараёни.

Тиббий-меҳнат экспертизаси – касал, жароҳатланган ёки туғма нуқсонли кишиларнинг меҳнатга лойиқлигини аниқлашнинг ижтимоий давлат фаолияти амалий тизими.

Тиббий-педагогик консультация – нуқсонли болаларни тегишли ўқув-тарбиявий ва согломлаштириш муассасаларига йўллаш мақсадида уларни комплекс тиббий-руҳий-педагогик кўрикдан ўтказадиган махсус муассаса.

Ўзини интизомга бўйсундириш – ўз ҳулқ-атворидаги интизом, ўзини тута билиш.

Химоя рефлекслари – организмнинг табиий равишда меъёрий фаолиятини издан чиқарувчи таъсир омилларига реакциялари.

Эшитиб-кўриб қабул қилиш – эшитиш қобилияти анча сусайган болаларнинг нутқни лаблар ва эшитиш ёрдамида қабул қилиши. Бу ерда товушни кучайтирувчи аасбоблардан фойдаланиш даставвал шарт.

Этиология – хасталиклар ва патологик ҳолатлар пайдо бўлиши сабаблари ва шароитлари тўғрисидаги фан.

Шартли қисқартмалар:

ХТВ – Халқ таълими вазирлиги.

РТМ – Республика таълим маркази

ХТВ УЎТББ – Халқ таълими вазирлиги Умумий ўрта таълим бош бошқармаси.

ХТВ ММИБ – Халқ таълими вазирлиги Маънавий-маърифий ишлар бошқармаси.

ХТВ ДТСМБ – Халқ таълими вазирлиги Давлат таълим стандартлари мониторинги бошқармаси.

ХТВ МТБ – Халқ таълими вазирлиги Мактабгача таълим бошқармаси.

ХТХҚТМОИ – Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти.

ХТВ ММ – Халқ таълими вазирлиги матбуот маркази.

ТШХТББ – Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси.

ТҲУ – Таълим ҳамма учун.

ДМР – Дастурнинг таълими бошқармалари.

ВХТБ – Вилоят Халқ таълими бошқармалари.

ЎзПФИТИ – Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти.

EPS – Ўқувчиларга таълим психологик ёрдам хизмати.

SREA – Амбулатор реабилитацион департамент.

SIH – Швеция махсус таълим агентлиги, оила ва мактабларга маслахат бериш, ёрдам кўрсатиш.

«Pull Out» – синфда дарс олиб. ўқувчиларни дарсдан чиқариб кетиш.

«Children with Special Neetd» – «Махсус эҳтиёжли болаларга».

PMS – Психологик-тиббий-ижтимоий марказ.

CLB – Ўқувчиларга раҳбарлик маркази.

SENCO – Махсус таълим масалалари бўйича координатор.

«Кооператив шакллар»- махсус ва оддий мактаблар ўртасида ўқувчиларга бирга фаолият олиб бориш.

«Local Educational Authorities» (LEA) – таълимни бошқаришнинг маҳаллий органлари.

Forderzentren – махсус педагогик марказлар.

NEPS – Миллий таълим психологик хизмати.

EOEP – психолог-педагогик ёрдамнинг маҳаллий хизматлари.

«Зиен баланси» – умумий дастур бўйича таълим оладиган махсус таълимга муҳтож болалар.

Адабиётлар

1. «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Т., 1997
2. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Т.,1997
3. «Бола ҳуқуқлари кафолатлари» Т.: «Квинта Принт», 2008
4. «Баркамол авлод» Давлат дастури Т., 2010. .
5. Каримов И. «Юксак маънавият – енгилмас куч» Т.: «Маънавият», 2008.
6. Всеобщая Декларация прав человека 1948 г. ООН
7. Декларация о правах инвалидов 1975 г. ООН
8. Декларация о правах умственно отсталых лиц 1975 г. ООН
9. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция 1989г.
10. ХТВ 234-сонли буйруғи «Имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун инклюзив таълим тўғрисида муваққат Низом» Т., 2005.
11. Туре Йонсон. «Инклюзив таълим». Ўқитувчилар учун қўлланма. Оперейшен Мерси ташкилоти томонидан таржима қилинган. Т.,2003.
12. Рой Марк Конки. «Инклюзив синфларда ўқувчилар эҳтиёжларини англаш ва бу эҳтиёжларни қондириш». Ўқитувчилар учун қўлланма. Тошкент-ЮНЕСКО-2004.
13. «Мактаблар ҳамма учун». Т., «Болаларни қутқаринг жамғармаси», 2002.
14. «Дакарские рамки действий» – ЮНЕСКО 2000. Францияда чоп этилган.

15. «Мактабларни олкишлаб. Инклюзив мактаблардаги ногирон ўқувчилар». ЮНЕСКО, 1999.

16. Саламанская Декларация о принципах, политике и практической деятельности в сфере образования лиц с особыми потребностями. Испания, 1994.

17. «Таълим ҳамма учун». Дакар Декларацияси. 2002.

18. «Алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни маънавий ва эстетик ривожлантириш» мавзусидаги илмий назарий конференция материаллари. Т.: «Узинкомцентр», 2002.

19. «Инклюзивное образование детей с ограниченными возможностями» Сборник тезисов и статей 2- международной научно-практической конференции «Актуальные проблемы развития личности ребёнка» Т., 2008. С. 191– 193.

20. «Интеграция детей с ограниченными возможностями в Узбекистане» Материалы международного форума «Современные тенденции социальной защиты и инклюзивное образование детей» Т., 2008. С. 28– 29.

21. «Механизмы развития инклюзивного образования». Материалы республиканской научно-практической конференции на тему «Ўзбекистонда мактабгача таълим тизимини модернизациялаштириш – юксак маънавиятли келажак авлодни тарбиялаш негизи» - (модернизация дошкольного образования в Узбекистане) Т., 2009. С. 19– 22.

22. «На пути к инклюзивной школе» пособие для учителей Региональная общественная организация «Преспектива» Москва 2003г.

23. «Научно-практические основы инклюзивного образования» учебно-методическое пособие Т.: «О. Ж. Раззоков», 2007

24. «Помоги своему ребёнку» Пособие для родителей, имеющих детей с особыми потребностями – Ташкент, 2009

25. «Проблемы включения детей со спецальными образовательными потребностями в общеобразовательный процесе» Материалы республиканского семинара Алматы. Алматы «Раритет», 2002.

26. «Развитие инклюзивного образования в республике Узбекистан» Хабарши. Вестник №2 Алматы 2005. С. 74– 78

27. «Таълим барчага бирдек». // Н. Холматова. «Маърифат», 15 октябрь. 2003.

28. «Таълим ҳамма учун миллий дастурини жорий қилиш масалалари» мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. Т., 2005.

29. «Таълим ҳамма учун» Миллий дастур режаси. Т., 2003.

30. «Халқаро форум материаллари». Тошкент. Республика болаларни ижтимоий адаптациялаш. 2005.

31. Алейникова С.А. и др. Международная конференция «Проблемы внедрения инклюзивного образования и способы их решения» ж. Дефектология №2, 2002.

32. Асанова М. Б. «Отношение родителей и педагогов к интегрированному обучению детей с нарушением слуха» ж. Дефектология №5, 2005.

33. Асланов Р. Г. «Интегрированное обучение: опыт решения проблемы в Республике Башкортостан» ж. Дефектология №6 2007.

34. Ахмедова Д. И. «Медико-психологические факторы формирования здоровья детей и социализация в общество детей с инвалидностью» С. 47 – 149. Материалы международного форума «Здоровый образ жизни – основа гармонично развитого поколения» 29-30 ноября 2010.

35. Ахмедова С. , Мусурманова О. , Шарипова Д. «Здоровый образ жизни как эффективное средство социальной защиты молодёжи с особыми нуждами» С. 150– 154. «Здоровый образ жизни – основа гармонично развитого поколения» 29-30 ноября 2010.

36. Аюпова М. Ю. , Нуркелдиева Д. А. «Актуальные проблемы подготовки педагогических кадров в образовании детей с особыми нуждами» С. 79 «Имплементация конвенции ООН о правах инвалидов: Зарубежный и национальный опыт» материалы Республиканской конференции. Т.: 2010.

37. Бабаника Н. В. «Опыт работы по интеграции детей с нарушениями слуха в общеобразовательную школу» ж. Дефектология №4, 2005.

38. Баймуратова А. Т. «Международный опыт как свидетельство реальной возможности внедрения инклюзивного образования в Казахстане». Ж. Специальное образование в Казахстане. Алматы. №2 (23) 2008

39. Бархаускайте М. «Интегрированное обучение и воспитание детей с отклонениями развития в Армении» ж. Дефектология №3, 2006.

40. Витс Винярд С. «Церебрал фалаж ёш болаларнинг ривожланишини қўллаб қуватлаш». (Реабилитация бўйича кичик ҳамшираларнинг учун қўлланма.) 1993.

41. Восканян В. К. «Индивидуальный подход, осуществляемый в учебном процессе инклюзивных школ Республики Армении». стр. Международный форум «От детства к взрослению»: социальная защита, социальная работа, социальная интеграция. С. 26-28. 2009.

42. Гудонис В. ст. «Интегрированное обучение детей с нарушениями зрения» ж. Дефектология №3, 2006.

43. Дакарские Рамки Действий. 2002.

44. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон республикаси миллий маркази, UNICEF: Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Т.: «Квинта Принт», 2008.

45. Каждаспаров Г. М. , Каждаспарова А.Г. «Педагогический словарь» М. Просвещение 1998.

46. Калбаева Х. «Реализацияправа на образование для детей с ограниченными возможностями здоровья в Ўзбекистане». стр. 106 «Имплементация конвенции ООН о правах инвалидов: Зарубежный и национальный опыт» материалы Республиканской конференции. Т.: 2010.

47. Калбаева Х. Ўзбекистон Республикасида инклюзив таълим концепцияси. «Инклюзив таълим шароитида эшитишида нуқсони бўлган мактабгача ёшдаги болалар билан коррекцион – педагогик ишларни ташкил этиш дастури ва методик тавсиялар». Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, Т., 2009.

48. Кафьян Э. М. «Отношение педагогов и родителей к интегрированному обучению детей с нарушенным слухом». ж. Дефектология №5, 2005.

49. Колбаева Х. «Имконияти чекланган болаларнинг оилаларида психологик-педагогик ёрдамни ташкил этиш муаммолари». 154– 156 б. «Здоровый образ жизни – основа гармонично развитого поколения» 29-30 ноября 2010.

50. Лапшин А. «Дефектологический словарь» М. Владос 2001.

51. Малофеев Н. М. «Развитие системы специального образования в России в условии переходных процессов в общество». 1966.

52. Малофеев Н. М. «Современный этап развития специального образования в России: Результаты исследования или основа для построения программы развития». ж. «Дефектология» №4 2007.

53. Малофеев Н. Н. , Шматко Н. Д. «Базовые модели инклюзивного обучения» ж. Дефектология №1 2008. Малофеев Н.Н. заподно европеский опыт сопровождения учащехся с особыми образовательными потебностиями в условиях интегрированного обученыя (по материялом Доклада Европейского агентства по развитию специалъного оброзования) журнал дефектология №5 Моква

54. Малофеев Н. Н. «Детище» специальной педагогики. Инклюзивное образование в контексте современной социальной политики. С. 16-18 ж. Научно популярный журнал детской и возростной консультации «Бола ва замон» №4 2008 (13)

55. Мастюкова Е. М. «Физическое воспитание детей с церебральным параличом». Москва: «Просвещение», 1991.

56. Музаффарова Ф. Пулатхужаева М. «Сурункали касал ва алоҳида ёрдамга муҳтож ўқувчиларга инклюзив таълимда коррекцион ёрдамни ташкил этиш йуллари». Т.: «ishonch markaz servis» 2008.

57. Муминова Л. «Коррекционно-педагогическая работа с детьми с нарушением интеллекта. нарушениями речи, задержкой психического развития в дошкольных и школьных учреждениях». Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, Т., 2009.

58. Муминова Л. «Ривожланишида нуқсони бор болалар нутқини логопедик кўрикдан ўтказиш методикаси». Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, Т., 2009.

59. Муминова Л. Р. , Нуркельдиева Д. А. , Набиева Н. Н. «Технология раннего вмешательства как залог здорового образа жизни». стр. 159-162. «Здоровый образ жизни – основа гармоничо развитого поколения» 29-30 ноября 2010.

60. Муминова Л. Р. , Шомахмудова Р. «Имконияти чекланган болаларни индивидуал коррекцион / ривожлантириш дастурининг методик асослари» услубий тавсиянома / «Раззоков О. Ж». ХТ босмахонаси, 2007.

61. Опыт внедрения инклюзивного образования. Материалы международного форума. Т., 2007.

62. Отчёт международного эксперта Ноэля Хибберта по реализации проекта «Базовое образование для детей с ограниченными возможностями». Т., 2008.

63. Приходько О. Г. , Моисеева Т. Ю. «Дети с двигательными нарушениями: коррекционная работа на первом году жизни» Москва, 2003.

64. Р. Шомахмудова, Д. Тулаганова, А. Бердиева «Жисмоний ривожланишида муаммолари бўлган болалар билан инклюзив ва махсус таълим тизимида олиб бориладиган коррекцион педагогик ишлар» Т.: 2007. «Раззоков О. Ж».

65. Саидов Ш. З. «Международное право и государственная политика Республики Узбекистан» Международном сборнике С. 7

66. Сборник инструктивно-методческих рекомендаций по работе психолого-медико- педагогических комиссий и консультаций. Т.: «Abumot-buot-konsalt», 2008.

67. Стандартные правила обеспечения равных возможностей для инвалидов. Организация Объединённых Наций, 1994

68. Сулейменова Р. А. , Хакимджанова Г. Д. (центр САТР) Зарубежный и отечественный опыт включения детей со специальными нуждами в общеобразовательный процесс. Проблемы и пути решения. Алматы ИД «Капринт».

69. Сулейменова Р. А. , Хакимжанова Г. Д. «Зарубежный и отечественный опыт включения детей с особыми нуждами в общеобразовательный процесс. Проблемы и пути решения». Алматы, ИД «КАПринт» 2001.

70. Сулейменова Р. А. кн. «Система ранней коррекционной помощи детям с ограниченными возможностями в Казахстане: Проблемы создания развития». С. 311. Алматы 2001.

71. Сулейменова Р.А. «Методологические подходы к внедрению инклюзивного образования в Республике Казахстан». Ж. Специальное образование в Казахстане. Алматы. №2 (23) 2008

72. Сулейменова Р.А. «Проблемы включения детей с ограниченными возможностями в общеобразовательный процесс в республаке Казахстан» Ж. Специальное образование в Казахстане. Алматы. №2 (23) 2008

73. Сулейменова Р.А., кн.: «О создании системы ранней коррекционной помощи детям с нарушениями развития». «Зарубежный и отечественный опыт включения детей со специальными нуждами в общеобразовательный процесс. Проблемы и пути решения.» Алматы, 2001 ИД «КАПРИНТ»

74. Сулейменова Р.А., кн.: «Специальное образование детей за рубежом» проблемы и решения. «Зарубежный и отечественный опыт включения детей со специальными нуждами в общеобразовательный процесс. Проблемы и пути решения.» Алматы, 2001 ИД «КАПРИНТ»

75. У. Файзиева, Х. Калбаева «Мактабгача ва мактаб ёшидаги эшитишида муаммоси бўлган болалар таълими». Т.: «Ишонч марказ сервис» 2008

76. УзРХТВ «Таълим ҳама учун дастурининг Миллий режаси». Т.: «Арнапринт» 2003

77. Уфимцева. Л. П. , Кунщина И. И. , Беляева О. Л. , Хом Н. Г. «Опыт работы по интеграции детей с нарушением слуха в общеобразовательную школу» ж. Дефектология №4, 2005.

78. Файзиева У. «Инклюзивное образование детей с сенсорными нарушениями в общеобразовательных школах». Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, Т.. 2009.

79. Холбеков А. Ж. «Развитие специального и инклюзивного образования в аспекте реализации прав инвалидов на образование» стр. 35 «Имплементация конвенции ООН о правах инвалидов: Зарубежный и национальный опыт» материалы Республиканской конференции ЦЗУ. Т.: 2010.

80. Чечерина Я. Е. . Нажмидинов Ж. Ю. «Трудоустройство инвалидов – основа интеграции их в общество» С. 115 «Имплементация конвенции ООН о правах инвалидов: Зарубежный и национальный опыт» материалы Республиканской конференции. Т.: 2010.

81. Шилов Д. Ш. «Состояние психолого-педагогической и социальной реабилитаций лиц с ограниченными возможностями здоровья в системе образования Росийской Федерации». В сб. «Инновации в Российском образовании» Москва 1999г. , С. 3– 10

82. Шипицына Л. М. , Назарова Л. П. «Интегрированное обучение детей с нарушением слуха». мет. Рекомендации СПБ. , 1999.

83. Шипицына Л. М. «Интеграция – ведущее направление специального образования в России на рубеже XXI века». В сб. «Инновации в Российском образовании». Москва 2000г. , «Зарубежный и отечественный опыт включения детей со специальными нуждами в общеобразовательный процесс. Проблемы и пути решения.» Алматы, 2001 ИД «КАПРИНТ»

84. Шматко Н. Д. «Для кого может быть эффективным интегрированное обучение». ж. Дефектология 1999 г. , 1. ,С. 41– 46; тамже №2; С. 49– 56

85. Шматко Н. Д. «Совершенствование коррекционной помощи дошкольникам с отклонением в развитии». сб.: Новые подходы и пути обучения, воспитания. коррекции и интеграции детей с проблемами в развитии. Материалы межд. конф. 21–23 апреля Бишкек. 1998.

86. Шомаҳмудова Р., Бердиева А. , «Имконияти чекланган болаларни инклюзив таълимда ўқитиш услублари». Методик тавсия, «Ишонч марказ сервис» 2008.

87. Шомахмудова Р., Гафарова Н. «Рядом с нами». // «Учитель Узбекистана». 4 июнь 2004.

88. Шомахмудова Р. , Тулаганова Д. Р. «Инклюзия детей с особыми потребностями как залог успешной реабилитации, адаптации и социализации в обществе». С. 207–210 ст. Халқаро форум материаллари тўплами: «Соғлом турмуш тарзи баркамол авлод асосидир» («Здоровый образ жизни – основа гармоничного развитого поколения») 29–30 ноября – 2010.

89. Шомаҳмудова Р. «Инклюзив таълимнинг назарий ва амалий асослари». Қўлланма. Т., 2007.

90. Шомахмудова Р. «Инклюзивное образование – инклюзивному обществу» статья «Учитель Узбекистана» 2004.

91. Шомахмудова Р. «Коррекционное образование детей с ограниченными возможностями в Узбекистане. Современные проблемы специальной педагогики»

материалы международной научно-практической конференции. Алмата, 2003. С. 7– 13.

92. Шомахмудова Р. «Обеспечение гармоничного развития детей с ограниченными возможностями с дошкольного возраста» С. 104 «Имплементация конвенции ООН о правах инвалидов: Зарубежный и национальный опыт» Материалы Республиканской конференции, Т.: 2010.

93. Шомахмудова Р. «Обучение каждому». Учитель Узбекистана 2009.

94. Шомахмудова Р. «Особые нужды в классе» Учитель Узбекистана 2002.

95. Шомахмудова Р. «Развитие инклюзивного образования в Республике Узбекистан». «Хабарши вестник»-Олмота-2005 йил. Журнал-№2 (7) маколаси 74–77-бетлар

96. Шомахмудова Р. «Стратегия инклюзивного образования, как часть социальной защиты детей с ограниченными возможностями в Узбекистане». Материалы международного форума. Т., 2008. С. 28–29.

97. Шомахмудова Р. «Ўзбекистонда имконияти чекланган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва инклюзив таълимни жорий қилиш (социальная поддержка детей с ограниченными возможностями и внедрения инклюзивного образования в Узбекистане)» Сборник материалов международного форума «Духовно-эстетическое развитие детей с особыми нуждами». Т. "Узинкомцентр", 2002. С. 50– 54

98. Шомахмудова Р. Бердиева А. «Имконияти чекланган болаларни инклюзив таълимда ўқитиш услублари» Т.: «Ishonch markaz servis» 2008.

99. Шомахмудова Р. Социальная защита и духовное развитие детей с ограниченными возможностями в Узбекистане. Материалы международной научно-практической конференции «Духовно – эстетическое развитие детей с особыми нуждами». Т.. 2002.

100. Шомахмудова Р. Ш. , Толмацкая Т. В. , Саилова М. В. «Как легко учиться» Обучение детей с ограниченными возможностями в инклюзивной школе, пособие, «Ишонч марказ сервис», 2008.

101. Шомахмудова Р., Тулаганова Д., Бердиева А., « Жисмоний ривожланишида муаммолари бўлган болалар билан инклюзив таълими тизимида олиб бориладиган коррекцион педагогик ишлар». Услубий қўлланма. «Раззоқов О. Ж». ХТ босмахонаси. 2007.

102. Шоумаров Г., Шомаҳмудова Р., Муминова Л., Файзиева У., Калбаева Х. ва бошқалар «Ўзбекистон Республикасида Инклюзив Таълим Концепцияси» Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, Т., 2009.

103. Шоумаров Г. «Развитие инклюзивного образования в Узбекистане» С. 7–9 ж. «Бола ва замон» №4 2008.

104. Ж.К.Фозилов, У.Ю.Файзиева, Р.Шомаҳмудова, И.С. Насирова ва бошқалар «Ўз фарзандингга мадад бўл» Yurist-media markazi нашриёти. 2010.

МУНДАРИЖА

Кириш 3

I. Боб. Имконияти чекланган болалар махсус таълими.

1. 1. Ногирон болалар ҳақидаги статистик маълумотлар 6

1.2. Инклюзив таълимнинг асослари 26

1.3. Инклюзив таълимнинг халқаро ҳуқуқий асослари 35

1.4. Инклюзив таълимга киритишнинг асосий тамойиллари 41

II Боб. Инклюзив таълим сиёсатининг жаҳон миқёсида назарий ва амалий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши

2.1. Махсус таълимга муҳтож болаларга интеграциялашган таълим шароитларида ёрдам кўрсатишнинг ғарбий Европа тажрибаси 45

2.2. Махсус таълимга муҳтож болаларга интеграциялашган таълим шароитларида ёрдам кўрсатишнинг Ғарбий Европа тажрибаси 54

2.3. Марказий Осиё минтақалари, Шарқий, Жанубий ва МДҲ давлатларида инклюзив таълимнинг жорий этилиши 80

III. Боб. Ўзбекистонда инклюзив таълимни жорий қилиниши

3.1. Ўзбекистон Республикасида инклюзив таълимни қўллаб-қувватлашнинг ташкилий ва меъёрий асослари 88

3.2. Инклюзив таълимнинг Ўзбекистонда ҳуқуқий асослари 99

3.3. Инклюзив таълимни жорий қилиш бўйича дастлабки тажриба ва синов ишлари 106

3.4. «Имконияти чекланган болаларни умум таълимга жалб қилиш» лойиҳаси 147

3.5. Инклюзив таълимни амалиётга жорий қилиш учун зарур бўлган ташкилий ва услубий ишлар 164

3.6. Инклюзив таълимда кадрлар масаласи 177

3.7. Махсус ёрдамга муҳтож болалар умумтаълим шароитида ўқитишда ўқув тарбия жараёнини мослаштириш методлари 184

3.8. Инклюзив таълим олдида турган муаммолар ва уларнинг ечимлари 190

Хулоса 194

Глоссарий 196

Шартли қисқартмалар 199

Адабиётлар 200

81,2
Ш-78
Шомаҳмудова Р.Ш.
МАХСУС ВА ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБАЛАР: махсус ва инклюзив таълим мутахассислар учун қўлланма / Шомаҳмудова Р.Ш.; –Т.: CHASHMA PRINT, 2011. 208-б.

ББК 81,2

ISBN-978-9943-350-71-7

Р. Ш. ШОМАҲМУДОВА

МАХСУС ВА ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ

ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБАЛАР

Услубий қўлланма

Тошкент–2011

Муҳаррир	*Инобат Турсунова,*
Тех. муҳаррир	*Саодат Ҳамидова*
Саҳифаловчи	*Беҳзод Ҳайдаров*
Мусаҳҳиҳ	*Гўзал Толипова*

Нашриёт лицензияси AI № 191. 10.05.2011 й.

Босишга рухсат этилди 25.11.2011. Қоғоз бичими 60x84 $^{1}/_{16}$.
Шартли б.т. 12,09. Нашр.-ҳисоб табоғи 13,0.
Адади 200. Буюртма №59.

«CHASHMA PRINT» МЧЖ нашриёти.
Манзил: 100071. Тошкент ш., Янгиобод кўчаси,2.

«RELIABLE PRINT» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент, Фурқат кўчаси, 2-уй.